

Uzbekiston Fozulchilari Jurnali

1994

5—6

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

63-йил чиқиши

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Тоҳир МАЛИҚ

(Масъул котиб)

Мурод МАНСУР

(Наср бўлими мудири)

Омон МУХТОР

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Икром ОТАМУРОД

(Назм бўлими мудири)

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН

(Мерос ва қадрият бўлими мудири)

Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ

(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИС:

ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



● *Тунда юз берган ҳалокат...*

Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди, дейишарди. Бу ерда, аксинча, бордан йўқ, йўқдан бор бўляпти...

● *«Жувонбоз» 79 йилдан сўнг...*

● *Гўрида тирилган султон*

Муқоваларда: «Бобурнома» асарига хинд rassomлари XVI асрда ишлаган суратлар. 1-бет. Бобур Бенгалия элчисини қабул қилмоқда. 4-бет. Бобур қулон овида. Суратлар Англиянинг Британия музейида сақланаётган китобдан олинган. 2—3-бет. Омон Мухторнинг «Қўзғу олдидаги одам» романига rassom Раҳима Қўнғирова чизган суратлар.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Қодиржон ИБРОХИМОВ, Хуришд ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Эркин САМАНДАР, Жуманазар САЛАЕВ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚУЧҚОРОВ.

© Шарқ юлдузи № 5—6. 1994 й.

Ислом Каримов:

Агар қозоқ ва ўзбек миллати бир бўлар экан, тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимизни ўйлаб ҳамкор-ҳамқадам бўлиб яшар экан, бу бирликини, бу дўстлик қўрғонини энга оладиган куч дунёда бўлмайти.

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири, бу — Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги — ўзбек халқининг ҳам келажагидир. Шу сабабдан ҳам бу минтақада тинчлик ва тотувлики барқарор этиш, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Узоқ ўтмишимиздан буён оғани, қон-қариндош бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг истиқболи учун ўзимизни бирдек жавобгар ҳис этишимиз ва бунинг учун бутун борлиғимизни бағишлашимиз керак.

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг айниқса бугунги масъулиятли даврида — ақлзаковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли маданият ва санъат арбобларимизга, илм-фан намояндаларига мурожаат қилмоқчиман. Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемирлар юксак мавқега кўтарган файзли аъёнлар тикланмоғи, муттасил давом этмоғи сув билан ҳаводек зарурдир.

Истиқлол шабадаси икки мустақил, эркин давлатнинг байроқларини ҳилпиратаётган экан, бу ҳаётбахш шабада санъаткорларнинг ижодхоналарига кириши, халқларимиз юрагига янги руҳ ва илҳом бағишлаши даркор.

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ-ўзбек дўстлигини таърифлаб: «Биз — бир китобнинг икки бетимиз», деган эди. Модомики шундай экан, худди қадимгидек куйларни бирга куйлаб, тўйларни бирга тўйлайдиган кунлар келди.

Ўйлайманки, бу йил Мирзо Улуғбекнинг тўйини, келаси йили эса буюк оқсоқол Абайнинг таваллуд саналарини ана шундай табарруқ аъёнлар руҳида, шоду хуррамлик кайфиятида биргаликда нишонлаймиз. Айтиш мумкинки, бу — она Туркистон заминида яшаётган барча халқлар учун чинакам дўстлик, биродарлик тантанасига айланажак.

Ана шу эзгу ниятларни амалга оширмоқ учун биз янги-янги кўприклар, янги Ипак йўлларини қурмоғимиз керак. Токи келгуси авлодларимиз учун йўллар беҳавотир, кенг ва равон бўлсин!

Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарнинг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги миллатни ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан.

Жамол Камол

«ЮЗ БИР РУБОЙ»

китобидан

* * *

Ул шону шарафки, ману ман истарман,
Гулдарраву барги ёсуман истарман.
Боғ ичра чечакларни чаман истарман,
Эл ичра юракларни Ватан истарман.

* * *

Эй гул, гулинг, тароватинг мунча тиник,
Боғ ичра ажиб латофатинг мунча тиник?
Тонг қўйнида бир ҳовуч кумуш талъатсан,
Тонг юлдузи, тонгги талъатинг мунча тиник?

* * *

На боғу чароғ, на кўшқу айвоним бор,
Кўйингда юрибманки, куйик жоним бор.
Этсам, дея хизматингни шу жоним ила,
Э воҳки, этолмадим, пушаймоним бор.

* * *

Дунё эшиги очилди, сен қайда эдинг,
Тошлар сурилиб, сочилди, сен қайда эдинг?
Йиллар бўйи «қўйма-қўйма», «чоп-чоп»дан сўнг,
«Қоч-қоч» дейилиб, қочилди, сен қайда эдинг?

* * *

Дийдамни қуруқ айлама, баъзан ёш бер,
Даф этгали итларни таёқ бер, тош бер.

Шу биргина жонимга ёғар шунча алам,
Ё раб, бу қулингга сабр ила бардош бер.

* * *

Ёд этмаса Ҳақ, ким сени ёд айлар,
Шод этмаса Ҳақ, ким сени шод айлар?
Сен Ҳаққа топингил, шу ёруғ дунёда,
Ё Ҳақ, демасанг, ким сенга фарёд айлар?

* * *

Кўнглунг сари кўнглум саридан йўл топдим,
Қўл чўздиму гоҳи меҳрибон қўл топдим.
Ҳайҳотки, руҳинг ерида бўстон эмас,
Нафрат била қоқу қовжироқ чўл топдим.

* * *

Эй банда, бировга беомонлик қилма,
Эл наздида номимни гумонлик қилма.
Отанг ҳаққи менга яхшилик этмассан,
Оллоҳ ҳаққи, раҳм айла, ёмонлик қилма.

* * *

Эй масхаравоз, бугунча омад сеники,
Дор устида ўйнаганда қомат сеники.
Юргайману бир кун оқибат кўргайман,
Эл олдида юз таъна-маломат сеники.

* * *

Ишрат ва ҳаром жаҳонда бир-бирга таянч,
Сарват ва мақом замонда бир-бирга суянч.
Эй зеҳну тафаккур эли, эй аҳли қалам,
Бир-бирга ғаним бўлганингиз мунча аянч?!

* * *

Инсоф била иш тутки, диёнат бўлгай,
Инсоф йўлидан чиқма, хиёнат бўлгай.
Олам эли ичра дини соф-инсофдир,
Инсоф деса, оламга ҳимоят бўлгай.

* * *

Мулкингда магарки боғ эмас, даштлик бор,
Кўнглунгда ҳамиша ғусса бор, ғашлик бор.
Эй зарраи оламим, эй одам боласи,
Руҳингда шу оламга тарафкашлик бор.

* * *

Мен хаста нетайки, хастаҳолдир санамим,
Кўп нуқта эди, энди саволдир санамим.
Ёдингдами, эй фалак, кеча ой эрди,
Э воҳ, бугун уфқингда ҳиллолдир санамим.

* * *

Эй ёр, юзингга термулиб тўймасман,
Ҳар лаҳза кўзингга термулиб тўймасман.
Кунлар эди, сувратинг ила маст эрдим,
Йилларки ўзингга термулиб тўймасман.

* * *

Бағримда алам, дилимда армон борсам,
Саҳро елидек, бесару сомон борсам.
Бир ному нишонингни топарманми, отам,
Тақдир отига миниб, Шофиркон борсам?

* * *

Наврўзи жаҳон, жаҳонга сен гул била кел,
Ҳар боғчага гул шохида булбул била кел.
Тонглардаю шомларда кумуш пайсон ила,
Тоғларга гўзал лолаю сумбул била кел.

* * *

Наврўзи жаҳон, жаҳонда боринг яхши,
Шабнамли, фараҳли лозазоринг яхши.
Хуш келдинг элимга карнаю сурнай ила,
Чилдирмаю тор ила дуторинг яхши.

* * *

Очдинг яна кўксимда кўнгулнинг кўзини,
Ёқдинг яна кўнглумда Зухал юлдузини.
Ҳофиз, яна бир карра менга такрор эт,
Мавлоно Жалололдин Румийнинг сўзини.

* * *

Дўст тинглади юз карра мени, англамади,
Душман мени англади, вале тингламади.
Қисмат неча синдирди синиқ кўнглумни,
Омад ўша синганни сира ўнгламади.

* * *

Ҳой, сендаги бу кибру ҳаво кимга керак,
Вой, мендаги бу меҳру вафо кимга керак?
Ул биттаси бул ердаги маҳкумга керак,
Бул биттаси ул кўкдаги ҳокимга керак.

* * *

Ё раб, шу бандага ўзинг инсоф бер,
Тиш оқию хандага ўзинг инсоф бер.
Юмшоқ шу газандани яратган сенсан,
Юмшоқ шу газандага ўзинг инсоф бер.

* * *

Ўкситма бировни, сен сира ўкситма,
Камтар эса, сен-да, кам тутиб, камситма.
Беайб ўзи оламда фақат Оллоҳдир,
Айб айлама сен бандасини, айбситма.

* * *

Эй сенки, нифоқ бўлди ишинг, фитна ҳунар,
Шумликда кечиб ёзу қишинг, фитна ҳунар.
Битгайму сира бу қилмишинг, фитна ҳунар,
Манглайга низоми ёзмишинг, фитна ҳунар?

* * *

Дунё сенга кўйди, сен ҳамон кўймассан,
Дунё сени кўйди, сен ҳамон кўймассан.
Эй банда, намунча гушнасан, мунча юҳо,
Дунё сенга тўйди, сен ҳамон тўймассан.

* * *

Ёз бўлсину, куз бўлсину ё қиш бўлсин,
Кўнгулда Худою кўлда бир иш бўлсин.
Сен ишла жадал, касби камол эт, юксал,
Шундоқ яшаган кимсага олқиш бўлсин.

* * *

Дунёи фанода кеча бор, кундуз бор,
Кундузда қуёш, тунлари ой, юлдуз бор.
Бахтинг каби шу жаҳонда шўринг йўқми,
Айт менга ўзинг, қай бириси ёлғиз бор?

* * *

Тонг бирла дилимга бир ажиб туйғу келар,
Шом бирла кўнгулга бир совуқ қайғу келар.
Бу — шому ғарибон, дема, ўртанма, кўнгул,
Тун бирла кўзингга бир ширин уйқу келар.

* * *

Ўтган кеча уйқумда ажиб туш кўрдим,
Ой парчаси чехрангни яна хуш кўрдим.
Бошингда ҳарир рўмол, келинчак эрдинг,
Қаршингда яна ўзимни беҳуш кўрдим.

* * *

Жон олғувчидир гоҳида, жоно, кулишинг,
Жоно кулишинг, бир гули раъно кулишинг.
Алқисса, шу ошиғинг учун офатдир —
Бир сирли боқиб, нозу таманно кулишинг.

-

* * *

Ул нозли санам юргусидир, тургусидир,
Жонимга ситам ғамзасидир, кулгусидир.
Самбит каби силкинма санам, кулма санам,
Кулгинг мени бир лаҳзада ўлдиргусидир.

* * *

Эй жон, бугун юришларинг масту аласт,
Гулдек очилиб туришларинг масту аласт.
Ҳолингни кўрар-да англадим, ошиқсан,
Ҳар ёна боқиб, кулишларинг масту аласт.

* * *

Эй банда, бу дунёда ишинг гижбадабанг,
Ишратда кечиб, ёзу қишинг гижбадабанг.
Етгайсану манзилга, кейин кетгайсан,
Еткурса балога қилмишинг гижбадабанг.

* * *

Шом ўтдию тун етди, тиларман уйку,
Ҳасрат мени қон этди, тиларман уйку.
Қонимни ичиб-ичиб саҳархез қушлар,
Бошимда фиғон этди, тиларман уйку.

* * *

Ғайрат била қайларга етарсан, умрим,
Ҳайрат била қайларга кетарсан, умрим?
Ғайрат тугаса, дилингда ҳайрат битса,
Меҳнат тўла дунёни нетарсан, умрим?

* * *

Кимсанки, элим деб эътибор айламасанг,
Кимсанки, тилим деб ифтихор айламасанг.
Юрт сенга шу жонингни нисор этсаю сен,
Юртингга, жаҳонингга нисор айламасанг.

* * *

Эй дўсти ҳабиб, шу лаҳза кўнглум ўксик,
Бўл менга табиб, шу лаҳза кўнглум ўксик.
Дўст дерки, билармисан, менинг аҳволим,
Сендан-да ғариб, шу лаҳза кўнглум ўксик.

* * *

Бергил менга бир нафас Бухоро бўйидан,
Қуйгил менга бир коса Бухоро суйидан.
Эй боғу чаманлар кўйида эрка сабо,
Келтир менга бир насим Бухоро кўйидан.

* * *

Ишқ бор юрагимда, зангламас олтин бор,
Рухимда нафас-нафас дуо бор, дин бор.
Сен кибру ҳавони қўй, баланд боқма рақиб,
Ортимда бобом — Хўжа Баҳоводдин бор.

* * *

Ё раб, сенга бандаман, тирик тупроқман,
Бир кун кам эсам, эртаси кун кўпроқман.
Шиддат била эсма, мунча силкитма шамол,
Анвои дарахтда бир яшил япроқман.

* * *

Май косасига агарчи теғмас лабимиз,
Май косасини лаболаб ичган кабимиз.
Ҳар лаҳзада бир меҳнат ўлиб мактабимиз,
Ҳар лаҳзада юз тавба эзур матлабимиз.

* * *

Дунё, мени қўй, ёнимга келма, нари тур,
Ичмоққа яна қонимга келма, нари тур.
Ҳар сония қонимни ичиб, жон дерсан,
Жон менга керак, жонимга келма, нари тур.

* * *

Жон сақлаш эди шиор мазлумлар учун,
Қон сақлаш эди шиор мазлумлар учун.
Сен таънани қўй, хорлигу зорлик қўйида,
Нон сақлаш эди шиор мазлумлар учун.

* * *

Холиқ ўзи халқимга буюк ҳақ бермиш,
Шу еру самони бору барҳақ бермиш.
Эй гушна, кўп энтикма, ёмон кўз тикма,
Бу силсилани Ҳақ ўзи мутлақ бермиш.

* * *

Ул кимсани қўй, тариқати бошқа эмиш,
Ҳақ дейди, бироқ ҳақиқати бошқа эмиш.
Тил остиде ўйласанг яна тилчаси бор,
Ким суврати бошқа, сийрати бошқа эмиш.

* * *

Билсанг, шу жаҳонда яхшилик белгиси қор,
Боғларга кумуш кулгу бўлиб келгуси қор.
Оқ сийнали боғларда жаранглайди, эшит,
Қиш фасли табиат қизининг кулгуси қор.

* * *

Мен сендан эдим йирок, ёмғирли кеча,
Бағримда эди фирок, ёмғирли кеча.
Дардимга тасалли излабон кўз тикдим,
Милт этмади бир чирок, ёмғирли кеча.

* * *

Дунё иши ортмагай, вале кам бўлмас,
Оламда нашида бор, фақат ғам бўлмас.
Сабр этмаса, дам кулмаса, дам йиғламаса,
Ул зоти шариф — Ҳазрати Одам бўлмас.

* * *

Эй аҳли қалам, келинг, яна тортишамиз,
Бир-бирга маломат юкини ортишамиз.
Биз — аҳли адабмиз, деб майдонга чиқиб,
Йиртиқ шу яқоларни яна йиртишамиз.

* * *

Бир неча улуғ фаришталар сенга тараф,
Бир неча улуғ фаришталар менга тараф.
Инсофга хиёнат этмасанг, сенга шараф,
Инсонга хиёнат этмасам, менга шараф.

* * *

Хушдир менга боғ аро хазон фаслида гул,
Кўргай ўзини суюклигим васлида гул.
Билсам, менга беҳазон, ёниқ ишқим учун,
Тақдири азал буюргани — аслида гул.

* * *

Эй банда, бу дунё сеники, кенглик қил,
Тор олма йўлакни кенг олиб, энлик қил.
Иблис сўзига учма, такаббур бўлма,
Тут шоҳу гадони тенг, яна тенглик қил.

* * *

Эй банда, кўзингни очки, бошингда Худо,
Бошингни кўтар, ҳамиша қошингда Худо.
Бағрингда нафас-нафас ўша пайдодир,
Бахтинг, аламинг, кўзингда-ёшингда Худо.

* * *

Бу фитнес-футурнинг айрича нуқтаси бор,
Ул зоти шарифнинг кўксига сўхтаси бор.
Худбинлик уни миниб, тамом хор этмиш,
Бок, устида хўржин, оғзида нўқтаси бор.

* * *

Қаршингдаги шу жаҳон сенга етмасми,
Шу еру шу осмон сенга етмасми?
Эл ичра тафаккурли, азиз инсонсан,
Шу рутба, шу имтиҳон сенга етмасми?

* * *

Йилларки қувишди, мен ҳамон ошиқман,
Жон-жонга қовушди, мен ҳамон ошиқман.
Сен яхши эмишсан шунчалар, нозли санам,
Мен ҳамон-ҳамон кўп ёмон ошиқман.

* * *

Лутфинг-ла суюклигимни сен билсанг эди,
Меҳринг-ла буюклигимни сен билсанг эди.
Ёққан оловингда ўртаниб, эй жоно,
Ҳар лаҳза куюклигимни сен билсанг эди.

* * *

Сен тушган ўшал чуқурга тушмайди Қуёш,
Сен қучган ўшал лаҳадни қучмайди Қуёш.
Оламда қуёш уйи — фақат осмондир,
Кўчмайди Қуёш қабрга, ўчмайди Қуёш.

* * *

Ҳолимга маним, ноқису нодон, кулма,
Ҳолимни маним этма паришон, кулма.
Келгай менга ҳам айрича даврон, кулма,
Ётгай сенга ҳам айрича эҳсон, кулма.

* * *

Дунё иши бир-бирга туташдир, зичдир,
Иймонли юракларда табиат тинчдир.
Қаллоб иши қалтираш ила фитнес-фасод,
Қўрқув тўла жонларнинг иши қўрқинчдир.

* * *

Бир ҳафтада оламни яратдинг, ё раб,
Ҳуснингни шу оламга таратдинг, ё раб!
Кўз бирла кўнгулни, сўнгра этдинг пайдо,
Кўргил, дея оламга қаратдинг, ё раб!

* * *

Бу ташвишу ғалва бегумон ўтгусидир,
Ўтганда ҳаялламай, ҳамон кетгусидир.
Эй дўсту ёронлар, чораи тадбир ила,
Орзудаги манзилга замон етгусидир.

* * *

Нокас бирла юрма, ҳеч ошнолик этма,
Номардга қайишма, жонфидалик этма.
Ҳар не тилагинг бўлса, яратгандан сўр,
Лек, бандасидан сўрма, гадолик этма.

* * *

Қаршингдаги шу шикаста дунёю жаҳон,
Тўрт кунга, сенга эмишдир макон, менга макон.
Кел, ўртада меҳр ила мурувват бўлсин,
Бўлмас яна, бизга бир бунингдек имкон.

* * *

Бир давлат эди, қасрига осмон етмас,
Бир шавкат эди, баҳсига имкон етмас.
Бир шиддат эди, қиссаю афсоналари,
Айёми қиёматга қадарлик битмас...

* * *

Етмишга етибсан ҳамон оринг йўк,
Соҳиб караминг — Худога иқроринг йўк.
На тавба-тазарру, на уволу на савоб,
Бор деб санама ўзингни сен, боринг йўк.

* * *

Ё раб, менга лутф айла ўзинг, ҳиммат қил,
Лутфингни бекорга айлама, қиммат қил.
Шукрона этиб, меҳру ниёз айламасам,
Этган карамингни ёд этиб, миннат қил.

* * *

«Ҳай, бўл!» деса юрт, қаторда бўлмасми киши,
Шу юрти-жаҳон дардига тўлмасми киши?
Шу юрти — жаҳон бахтини ҳеч ўйламаса,
Бир четга чиқиб, канорда ўлмасми киши?

* * *

Ё раб, шу юрту масканим боғ бўлгай,
Юрт ичра элим, азизларим соғ бўлгай.
Озод яшагай, ҳамиша обод яшагай,
Осмони қуёшли, теграси тоғ бўлгай.

* * *

Олам ўзи бир Ватан, ўзинг айлана кўр,
Дунё ўзи бир чаман, ўзинг айлана кўр.
Олам уйи, дунё кўйида инсонлар —
Бир нашъали анжуман, ўзинг айлана кўр.

Омон Мухтор

КЎЗГУ ОЛДИДАГИ ОДАМ

Роман

Минг сир бор тупроқда...

Ойбек

Мендан нима истайсан, кўзгу,
Сенга нима керак!!

Эски бир кўшиқдан

МУАЛЛИФДАН

(Асарга кирмай қолган сатрлар)

Ушбу асарда бир йигитнинг ҳаёти манзараси ўз тилидан ҳикоя қилинди. Услуб ва оҳангни шунга мос танладим. Айрим ғадир-будир ўринларга атайин қўл урмадим.

Асар, асосан, кечаги кунлар тўғрисида. Аммо ёзувчи бунинг учунгина ёзмайди. Унинг олдиндан белгили вазифаси бўлади.

Кимдир асарни ҳаётини, кимдир ғирт тўқилган экан, дер. Шакли кимгадир мураккаб, кимгадир жўн туюлар. Ёки, кимдир уни бошқа асарларга қиёслагиси келар... Мен учун бу — аҳамиятсиз! Ҳовуздан ҳар ким ўз челаги билан сув тортади.

БИРИНЧИ ДАВРА

Даҳмаза

Кириш

Эшитганмисиз, йўқми...

Ширинкўл деган жой бор!

Бойкўл, Иссиқкўл, Қоракўл, ҳаттоки Лолакўл — қулоғингизга чалинган, албатта. Лекин Ширинкўлни билмаслигингиз мумкин!

Бу — на қишлоқ, на шаҳарга ўхшаган, аросат макон бўлгани учун эмас. Бу ерда ҳеч қандай кўл бўлмагани учун ҳам эмас... Дунёда номи Баландтоғ, ўзи ерга чўкиб ётган, ёки дейлик, тўртта гугурт қутидан иборат, яп-яланғоч манзилгоҳлар истаганча топилади!

Минг йиллар бурун ҳаётдан ўзини четга тортиб, шу ҳолда қолиб кетган Ширинкўлга йўлингиз тушмаган, холос. Биров сизга эслаб-гапирмаган. (Масалан, «Олтинкўлнинг ғозиман» дегандек, унга бирон асар ҳам бағишланмаган!)

Аммо бундан анча йил муқаддам

мана шу Ширинкўлда
жуда антиқа бир воқеа
рўй берган эди.

Биринчи саҳифа

Мулоқот

1

Ўшанда куз кунлари эди.

Кечаси ёмғир ёғиб, ярим тунга борганда осмон негадир ўз-ўзидан дарз кетиб, қоқ тўрт бўлакка ажралди.

Шу асно осмоннинг гоҳ у-гоҳ бу буржида ловуллаб худди гулхан ёнди.

Кейин, аланга кўкдан ерга кўчгандек бўлди:

мактаб биноси тепасида бир даста олов ярқ этди!

Ниҳоят, сукунат чўкиб, яна ёмғир беозор шивалай бошлади.

Борлиқ — бир қур ҳуркиб-пишқиргач, хомуш тортган отни эслатарди...

2

Одамлар, эртаси кунни саҳардан шаҳар марказидаги майдонда тўпланиб,

мактаб томонга қараб югуришди.

Мактабнинг қизғимтир томи ўрадек тешилгани узоқдан кўриниб турарди.

Бинога яқинлашгач, одамлар маслаҳатлашиб, биринчи навбатда ҳар қачонгидек жилд қўлтиқлаб келган ўқувчи болаларни уй-уйларига қайтариб юборишди. Кейин, улар, яна маслаҳатлашиб, уч-тўрт кишилик гуруҳларга бўлинганча, ичкарига киришди.

Томнинг тўппа-тўғри қироатхона устидаги қисми тешилган эди.

Бу ердан бир парча осмон йилтираб кўринарди.

Одатда, япасқи хонтахталар атрофига тизилган беш-ўнта курси, деворларга осиглиқ расмлардан бўлак нарса қироатхонада бўлмас эди. Булар ҳозир синиб-тўзиб, томдан узилиб тушган тунука, тахталар билан қоришиб ётарди.

Бироқ одамлар айна фурсатда бунга аҳамият беришмади.

Уларнинг диққатини даҳшатли ҳолат жалб этган эди!

Ширинкўл яқинидаги далаларга баъзида ошкор, баъзан ўғринча дори сепадиган аэроплан тунда ўзини томга келиб урган; қанотлари қирқилиб-парчаланиб, қироатхона бўйлаб сочилиб кетган эди. Ҳалок бўлган учувчининг жасади ҳам шу ерда...

Унинг жасади —

ҳаммадан даҳшатлиси! —

ёнида ётган

Сирож муаллимнинг

жасади билан

бир-бирини

қаттиқ кучиб олган эди... Дунёнинг қизиқлиги: учувчи далага қўшиб баъзан шаҳарга ҳам дори сепиб юрса, Сирож муаллим умуман, дори сепишга қарши ҳамма билан жанжаллашиб юрарди. Мана, энди, иккиси бир ўлим оғушида ётибди!

Бинога кирганлар ўзлари туйган даҳшатдан сал узоқлашишгач, ажабланиб-чуғурлашганча, баҳслаша бошлашди. Учувчи — майли; бир куни шундай бўлиши аниқ эди; Бадалбек деган бу киши тўғрисида, кўпинча ичиб олиб, осмонга учаверади, деган гап юрарди! Лекин Сирож муаллимнинг ишини қандай баҳолаш керак?! У нега ярим тунда мактабга келган экану бу палла қироатхонага кириб, нима қилаётган экан?!

Шу куни шаҳар халқи билан изма-из мактаб биносига бостириб келган миршаблар, терговчилар енг шимариб, фалокат сабабларидан тортиб марҳумлар шахсигача тез орада суриштириб-билиш, маълум хулоса чиқаришга бел боғлашди. Аммо одамлар жасадларни дафн этиб, мактаб томини ямагандан кейин ҳам, уларга ишчан ҳакамлар киши қаноат ҳосил қиладиган бирон сўз дейишмади...

3

Мен Сирож муаллимнинг қўлида ўқиган, энди мактабни битирганимга кўп йил бўлганига қарамай, бу одамни қачон, қаерда учратсам, шогирдлик бурчимни бажариб, қўлимни кўксимда қовуштиришга одатланган эдим. Менинг одоб сақлашим унга ёқарди.

Бироқ мен ҳамон «ўртоқ муаллим» деб мурожаат қилишимдан баъзан норозиланар эди.

— «Ўртоқ» билан «муаллим» орасида катта масофа бор. Бу аввалдан нотўғри тушунча, — дерди у, дона-дона қилиб. — Ўртоқ — муаллим бўлмайди. Муаллим — ўртоқ бўлмайди! — Кейин, секин қўшиб қўярди. — Оддийроқ яшашга ўрганиш керак! Айниқса, сиз энди катта йигит бўлиб қолдингиз...

Мен унинг ўзимдан норозиланиб-инжишини истамасдим.

Шунинг баробарида, уни бошқача аташга тилим келишмас эди. Сирож ака, дейманми?! Ёки бизга хос бўлмаган, расмий бир тарзда Қамбаров дейманми?! Айримлардек чўзиб «маълим» дейиш ҳам менга ўтиришмайди; эриш; мазах қилаётганга ўхшайсан! Афтидан, «ўртоқ муаллим»га вақтида кўникканим ҳам мени қолипдан чиқишга қўймас эди! Кўнглимда Сирож муаллимни хурмат қилар, мен учун шуниси муҳим туюларди...

Мактаб тўғрисида миршаблар, терговчилардан ҳеч ким мендан гап сўрагани йўқ. Ҳолбуки, Сирож муаллимга тегишли менинг ўз тахминим бор эди... У ярим тунда қайсидир рўзнома ёки ойномада ёзилган баҳсли бир фикрни эслаган. Уйқуси қочган. Шу дамдаёқ бориб, ўша рўзнома ёки ойномани қайтиб кўздан кечиргиси келган. Бундай пайтда у бемаҳал эканлиги, ёмғир ёғаётганига ҳам қарамайди! Қоровул бошни қотирмасин учун ёш боладек деразадан ошиб ҳам кираверади! Ўзини қизқирган муаммонинг мағзини чақмагунча тинчимайди! Ҳар кимда худо берган бир феъл-атвор. Сирож муаллимнинг ҳам бўлгани шу: доим чизган чизикдан юравермайдиган ғалати одам эди!...

Мен Бадалбек деган учувчини ҳам оз-моз билар эдим. Иш куними, дам олишми, байрамми — барибир, у елкаларига оқ доғ тушган, кирланган сариқ кийимда, лекин сипо бўлиб кўчага чиққандек олифтароқ намойишда юрар эди. Бир пайтлар, биз болалар кўча-кўйда кўриб, унга сездирмай эргашар, ғарибгина шу одамга олам-жаҳон ҳавас билан қарар эдик. Гап шундаки, ўшанда биз барчамиз осмонга учишни орзу қилар эдик!

Яқиндан таниш бўлмасак-да, Бадалбек тўғрисида ҳам сўрашса, айтардим... Ичганми, йўқми — бу одам ўз ишини ҳалол бажарар эди. Унинг аэропланни қандайдир бошқаролмай, томга келтириб уришига дунёдан беҳабар кишигина ишонади! Осмон парчаланганида, алмисоқдан қолиб шалоғи чиққан аэроплан ҳам парчаланганми — нимадир бўлган. Учувчи қўлидан келган охириги иш: марказдан — холироқ дала томонга интилиб, шу ерга, мактаб биносига етганида, ўйлаганини эплей олмаган, холос!...

Миршаблар, терговчилар мабодо эринмай суриштиришганида, мен булардан ташқари, яна бир гапни айтардим...

Сирож муаллим одамларга кам қўшилиб, жанжаллашиб юрса ҳамки, гўзал, олижаноб инсон эди! Бадалбек ўз ишини тўғри бажаришга уринган, ўз касбининг устаси эканлигига қарамай, ёвуз киши эди! Мен худди шундай дердим.

Аммо менга ҳакамлар учрашмади! Менинг мулоҳазаларим бировни қизиктирмади.

Шу тахлитда орадан икки йил ўтиб кетди...

4

Икки йил ичида одамлар рўй берган воқеани унута бошлади.

Бўлган-бор гап аста-секин менинг ҳам хотирамдан кўтарила бошлади.

Айланиб, яна куз келди.

Бир куни ёмғир ёғиб, бу гал куппа-кундузи пичоқ билан кесган сариёққа ўхшаб, осмон ўз-ўзидан

тўрт бўланка ажралди.

Мен кўчада кетаётган эдим; жунжикиб, бир пиёлагина исиқ чой ичиш хумори тутгандек бўлди.

Ширинкўлдан олисларга қулоч отган катта йўл бўйида, ипдек ариқ ҳалқаси ичида жойлашган кўримсиз, негадир ҳозир менга йиртиқ чопонни эслатган

чойхонага қараб юрдим...

Ана-мана, кириб бордим ҳам.

Чойхона тўрида биров чой ичиб ўтирар эди. Бошқа одам йўқ.

Чойхоначи ўз каталагида бангилардек кўзларини юмиб, чай-қалганича мудрар эди.

Яқинлашганимда, сесканиб кўзини очди.

Мен чой олиб, чойхонанинг пойгак томонига ўтиб ўтирдим.

Чойни қайтариб, пиёлага қуйгач, бошимни кўтариб, беихтиёр рўпарамдаги кишига кўз ташладим. Ўзимни лоқайд-эзгин тутганимга қарамай, қандайдир ички ҳиссиёт мени бунга мажбур этган эди!

Кўз ташлагач...

бутун томирларим беҳосдан бўшашиб,

ўтирган ўрнимда қапишиб қолдим... Худоё тавба!

Чойхона тўридаги киши — бегона биров эмас, — тиниқ ҳаворанг костюм кийиб, олачипор бўйинбоғ таққан Сирож муаллимнинг ўзгинаси эди!

Мен унга анграйганча тикилиб турар эдим. Шу пайт, буни пайқадими, у ҳам менга бошини кўтариб қаради.

— Салом алайкум, ўртоқ муаллим! — ғўлдирадим шуурсиз ҳолатда.

У синиқ жилмайиб, бош силкиди. Кейин, —

лом-мим демай, мен билан бир оғиз ҳам гаплашгиси келмаётганини ошкор кўрсатиб, — юзини четга бурди.

Мен энди бир оз ўзимни ўнглаб, бу ўшами ёки унга ўхшатдимми, деб ўйлай бошладим. Адашдим, у эмас экан, десам, манглайидаги ёшликдан қолган тиртиқдан эгнию жуссасигача — ўша, Сирож муаллим! Ушанинг ўзи экан, десам, унинг хоки туроб бўлиб кетгани шубҳасиз; қолаверса, бу одам мени танимади, афтидан, танимайди ҳам! Сирож муаллим тирик бўлганида, ўзини шундай тутармиди?!

Нима воқеа рўй бераётганига тушунмаганимдан, дам сайин ҳол-мадорим қочиб, бошим қаттиқ оғриётганини сездим. Ҳавога чиққанча нафас ростлагим, осойиштароқ фикр юритгим келди. Шу билан бирга, ўзимча «имтиҳон» ўтказишга ҳам қарор қилдим... Чўнтагимдан тамаки билан гугуртни олиб, атайин, унутган кишидек, чойнак-пиёла ёнида қолдирганча, эшикка йўналдим.

Ёмғир тиниб, булутлар тўзган, осмон олдинги ҳолига қайтган, уфққа қараб ёнбошлаган куз офтоби саҳар пайтидаги фонусдек маҳзун нур таратар эди.

Лойқа сув тўлиб оқаётган ипдек ариқ бўйлаб беш-ўн дақиқа нари-бери одимладим. Бироқ бошим оғриғи босилса ҳамки, ланжлигим тарқамади. Осойишталик ҳис этмадим... Менинг ўйлаганим: бу орада бирон ўзгариш рўй берадими, йўқми?! Бундан ташқари, яна кирганимда чойхонадаги киши ўзини қандай тутади?! — шуни билмоқчи эдим.

Ниҳоят, қайтиб остона ҳатлаб, бояги ўрнимга бордим. Намойишкорона ҳолатда тамаки билан гугуртни чўнтагимга жойладим. Тик турганимча, икки пиёла чой ичдим. Бутун хаёлим, диққатим эса тўрда ўтирган кишида; уни зимдан кузатар эдим... Йўқ, кўча айланганимнинг нафи бўлмаганидек, «имтиҳон» — синов ҳам иш бермади! Чойхонадаги киши менга парво қилмай, ҳамон юзини четга буриб ўтирганча, чой ҳўплар эди.

Мен шу паллада эзилиб, ахир, бу бошқа одам, дейишга тайёр эдим! Лекин тўрда ўтирган киши ҳадеб бош бармоғининг орқаси билан чап қошини сийпар, бу одат фақат Сирож муаллимга хос эди! Буниси майли; дабдурустан эсладим. Сирож муаллим чап қўлининг ўрта бармоғига катта узук тақар эди. Ана, ўша узук...

Аввалгидан баттар эс-ҳушим оғиб, саросималаниб чойхонадан чиқдим.

Аслида, балодан нари, деб бу ердан ҳозир, тез бадар бўлишим керак эди! Аммо дунёда инсонни гирибонидан тутиб, оёқларини ерга михлайдиган туйғу — қизиқиш... Инсон мўъжиза, сир-синоат бўлган жойда оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзини томдан ташлайди! Томошабинлик — туғма хислат! Инсон дунёга томошабин бўлиб келган!..

Қисқаси, буёғини томоша қилайлик-чи, деган ўй билан йўлнинг нариги бетидаги хиёбонга бориб, дарахтлар панасидаги нам бир тўнкага чўқдим. Кетини узмай тамаки тутатганимча, чойхона эшигини пойлай бошладим.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, кўчада тўрт киши кўринди.

Улар тўғри чойхонага йўл олишди.

Кейин чойхонадан Сирож муаллим (мен энди уни шундай дейман!) билан бирга кўчага чиқишди.

Лекин тезда ажралишди.

Тўрт киши йўлдан қайтиб пастга энди.

Сирож муаллим қибла томонга қараб юрди.

5

Мен сездирмай унга эргашдим.

Назаримда, у (Сирож муаллим бўлгач!) шу паллада қабристонга бориб, ўз қабрига кириб ётиши аниқ эди. Улган одам бундан бўлак нима ҳам қиларди?!

Йўқ, Сирож муаллим — астойдил тирилган эканми?! — афтидан, бу тўғрида ўйламас эди.

У шаҳар марказига келиб, бирон соат ичида ҳаммаёқни айланиб чиқди. Айрим кўчалардан негадир икки-уч марталаб

ҳам ўтди. Менинг кутганимга зид ҳолда, ҳеч ерда тўхтамади. Ҳеч ким билан кўришиб-гаплашмади. Унинг мақсади нима?! — билиб бўлмас эди. Оёғи ерга тегмай учаётгандек шошқин-интиқ кезар, вақтида бекатга етиб бориши керак бўлган сайёҳларни эслатарди. Мен уни кўздан қочирмай, деб ҳаллослаб-югурардим. Шунинг баробарида, ўзимни сездириб қўйишдан қўрқиб, жоним ҳалак эди!

Ахийри у тор бир кўчага йўналди. Бу кўчанинг охирига етгач, — мен ишнинг бундай кўчишини кутмагандим! — мактаб биноси томон бурилди.

Кейин, бинога яқинлашиб, эшикни ланг очганича, ичкарига кириб ҳам кетди!

Шу сонияда, кўча муюлишида қотиб турганим ҳолда, мен беихтиёр, бир томондан, Сирож муаллимнинг бундан роппароса икки йил бурун қандай бадани куйиб жизғанак бўлган, шикастланган ҳолатда ётгани-ю, уни қандай қабристонга элиб дафн этганимизни эсладим. Иккинчи томондан, демак, ўшанда у ўлмаган экан-да, деган гап миямга чақмоқдек урилди. Бу фикр қанчалик бемаъни туюлмасин, ҳарҳолда ҳақиқатга яқиндек эди! (Ахир, бегона одамнинг шу фурсатда мактабда иши бўлмас эди! Ўлган одам эса, — ақл юритиб кўрсангиз, — бундай қилолмайди!) «Ҳаммаси оддий, — деб ўйладим кўнглимдаги шубҳа-гумон тарқаб, бир оз осойишталанганимча. — Сирож муаллим фалокат пайтида барибир тирик қолган, масалан, Гўрўғлига ўхшаб қабрда ўнганганим — шунақа ҳолат рўй берган... Тирикми, ўликми, икки йил ҳолидан хабар олмаганим учун мендан ўпкаланяпти, холос! Мени кўргиси келмаяпти... Муаллим-да, нима қиласиз! Ундан, очиқ гаплашиб, узр сўрашим керак!»

Дафъатан руҳланиб-дадилланиб, энди мен ҳам бинога яқинлашдим. Эшикни очдим.

Юнус ҳўжа деган киши — дадамнинг ошнаси, мени яхши таниган қоровул нақ эшик рўпарасида бозордаги ёймачилардек яйраб-ёзилиб ўтирар эди. Илжайиб салом бердим.

— Ий... Валижон, ўзларими? Қани, қани, — ўрнидан туриб, мен билан кучоқлаша кетди қария. Кифтимни қоқди. — Марҳамат, марҳамат! — деди у ҳаяжонланиб-суюниб.

Пештахтага ўхшаган узун столда дастурхон ёзиғлиқ эди. Қанд-курс, ёнфоқ-майиз, нон, устига рангин рўмол ташлаб кўйилган идишда таом... адашмасам, қария шу дамда ўзи ўзини меҳмон қилмоқчи бўлиб турган-у, мен зиёфатнинг қоқ белига телган эдим! Бунга ҳис этганимдан, юзимизга фотиҳа тортиб бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгач, тезроқ дардимни ёришга чоғландим.

Мен ҳали кўчада судралиб юрганимдаёқ, мактабда балки Сирож муаллим тўғрисида маънили бирон нарса билишар, деган гап кўнглимдан ўтган эди. Айниқса, Сирож муаллим ҳозиргина ичкарига кирганини кўрганимдан, бу ҳақда қоровул чолдан бисёр лалол суриштириш мумкин эди! Аммо инсон қозонда нима борлигини ўзинг билмай туриб, бировнинг олдида қопқоқ-

ни кўтаравермайсан! Шу боисдан, ўйланиб, мужмалроқ кўй-
да ғудрандим:

— Бир одамни қидиряпман, амаки. Мабодо...

Қария бошини чайқади.

— Бугун эрталабдан жимжит, ўғлим, — деди у. — Эшик-
дан пашша ҳам ўтгани йўқ. Сиздан ташқари, албатта.

— Эҳтимол, сиз... — пичирладим эзилиб. «Сезмагандир-
сиз?» демоқчи эдим, юзим бўлмади.

— Мактаб далада. Бутун хоналар берк, — мендан озор
чекмай, тушунтирди қария. У қўли билан узун йўлакка имо
қилди. — Кирган одам қаёққа ҳам борарди?!

Йўлак сув куйгандек, синф хоналари берк бўлса, чиндан
бу Сирож муаллим қаёққа кетди экан?! Осмонга учган ёки
мендан қочиб, шу жойнинг ўзидаёқ қайтиб ерга кирмаган-
дир, ишқилиб?!

Бехосдан хаёлимга келганича, сўрадим:

— Қироатхона-чи?

— Ҳаммаси қулфлоғлиқ. Яқинда қараб чиққанман!

— Яна бир кўрсак-чи, амаки?

— Майли, ўғлим. Бош устига... — Қоровул тортмадан ипга
боғланган калитларни олиб, илдам босди.

Остонада тўхтаб, ҳалқани тортган эдим, эшик шиг этиб
очилди.

— Ё қудратингдан! Тавба! — деди Юнус хўжа амаки ранги
ўчиб. — Ярим соат аввал маҳкам эди!

Биз қироатхонага кирдик.

Икки йил бурун томида туйнук очилган хона жиддий таъ-
мир қилинган, аслида бўлганидан ҳам яхшироқ ҳолга келтирил-
ган эди.

Хонада ҳеч ким кўринмасди. Бу ерда яширинадиган жой
ҳам йўқ. Таъмир қилишганида, — бунинг устига, — кўча томон-
дан деразаларга панжара тортилган.

Мен, шунга қарамасдан, йўқолган игнани қидираётган киши-
дек, хонадаги жиҳозларга бирма-бир кўз ташладим. Кейин,
деворларга осиглиқ расмларни шошмасдан кўра бошладим.

Дабдурустан янги кўйилган расмлар орасида Сирож му-
аллимнинг суратига кўзим тушди... У — хонага кириб, тўппа-
тўғри суратга сингиган, сурат ичига яшириниб олгандек эди!
Менга ҳозир худди шундай туюлди... Ана, мени мазах қилиб,
тиржайиб ҳам турибди!

Жоним товонимга тушиб, олдингидан юз чандон силлам
қуриган ҳолда, ортимга шарт бурилганча, қироатхонадан чиқ-
дим. Йўлакда гангиб кета бошладим.

Қоровул эҳтиётлаб эшикни қулфлади. У менга етиб келиб,
секин энгимдан тортди:

— Ўғлим, ҳеч кимга айтманг...

— Нимани? — сўрадим эсанкираб.

— Бу падарлаънати эшик...

— Ўлибманми! — дедим асабийлашиб. Кейин, айтмайман
деганим билан, бу бечора-ғариб қария ишонмай-хавотирланиб

юришини ҳис этиб, уни юпатдим. — Бошқа одам бўлса, айтардим. Сиз ўзимизники, амаки!

— Раҳмат, раҳмат! — деди Юнус хўжа амаки миннатдор бўлиб.

Мен унга ҳамон Сирож муаллим тўғрисида оғиз очмадим. Фойдаси йўқ. Шусиз ҳам, эшик учун қўрқиб, эхонаси чиқиб ўтирибди! Унинг ўтакасини ёриб нима қиламан?!

Кўчада, мактаб биносидан узоқлашганча кетаётиб, ўзимни ўнглашга уриндим. Кейин, чуқур ўйга толдим. Сирож муаллим... Қизиқ! Арвоҳми, жинми, кўринмас одамми — нима бало эди бу ўзи? Нега аввалдан менга йўлиқди-ю, нега мендан бундай қочади?! Хўп, энди шу билан ҳаммаси тугадими ёки...

6

Мен ҳали ҳам балодан нари, деб ўз йўлимдан кетаверишим керак эди. Ақл-ҳуш шунга тақозо қиларди. Шунда балки бутун даҳмаза тугаган ҳам бўларди!

Лекин сир-синоат деган дардисар дам сайин мени домига тортган, ўз кўзим билан кўраётганимни англаб етишга ундаётган эди.

Мен азбаройи изқуварга ўхшаб қолганимдан, мактабдан энди қабристон томонга қараб юрганимча, — Сирож муаллимнинг қабридан хабар олгим келди! У қабрида тинч ётибдими?! Қабр ўзи қайси аҳволда?!

Мен бунга дарҳол аниқлашга гўёки мажбур эдим!

Куз кунидаги кўнгилсиз ёмғирдан сўнг, битта-яримта зиёратчилар ҳам оёқ тортишганми, қабристон бўм-бўш. Ҳеч зоғ йўқ, дейиш мумкин; аммо адл дарахтларнинг шоҳларини силкитиб, аксинча, зоғлар аҳён-аҳён шовқин солиб учишмоқда эди!

Тепасида дарахтлар бир-бирларига қўл узатишган узун йўл-кадан юриб, олдин ғадир-будир тош ётқизилган, кейин лой билқиллаган, эгри-бугри сўқмоққа тушдим. Ниҳоят, сўқмоқ охиридаги қабрлар ёнига бордим.

Сирож муаллимнинг қабри...

чиroyли мраммар сағана тикланган. Мустаҳкам. Бирон дарча ёки туйнук очилмаган. Демак, у тинч ётибди! Бу ерда ҳамма нарса ўрнида!

Умуман...

Сирож муаллим қабрини бузиб-қўпориб чиқиши, чойхонада чой ичиб, кўчада айланиб юриши ҳақиқатга зид; бунга менинг астойдил ишонганим ортиқча, ҳаттоки кулгили эди!

Худди шундай! Бироқ

бундай деб ўйлаш

ишни янада чигаллаштирмоқда эди!

Икки йил бурун фалокат пайтида дунёдан ўтган, қабрида энди тинч ётган киши Сирож муаллимга бўлса, мен учратган одам ким эди?! Бегона биров Сирож муаллимга шунчалик ҳам ўхшайдими?! У нега шаҳар марказида бекорга айланиб, нега мактаб биносига кирди-ю, бинода ўз-ўзидан қаёққа ғойиб бўлди?!

Мен ҳеч нарсага тушунолмай, баттар калаванинг учини йўқотиб, шу дамгача ҳис этганимдан ҳам кўпроқ безовталанган, саросималанган эдим. Бўм-бўш қабристонда юрагим орқага тортиб, дийдам қаттиқлиги, бутун матонатим тугаган, мени ваҳм чулғай бошлаган эди! Бу ердаги зоғлар шовқини менга, дунёда бор сир-синаотлар тагини кавлаштириш телбаликдан иборат эканлигини эслатмоқда эди!

Бошимни чангаллаганча, орқамга қарамай, югурдим.

Хаёлимда,
тўхтамай
бир неча соат
югураётгандек
эдим.

Аммо қабристондан чиқсам-да, югурганим билан, оёғим олдинга босмаётгандек, каттакон темир дарвозадан ҳеч узоқлашолмас эдим!

Шу алфозда кетаётиб,
қабристонга қараб келаётган
бир қизга кўзим тушди...

7

Бу — Ҳанифа...

Мактабни мендан икки йил кейин тугатган, лекин мен билан муסיқа тўгарагида қатнашган эди. Уни яхши танир эдим.

Оддий сатин кийган. Қўлида узун халта.

Узоқдан мени кўриб, аҳволимга ажабланган эканми, орамиздаги масофа яқин қолганида тўхтаб, юзимга бақрайиб қаради.

Югураётиб кўзим тушганидан, мен ҳам таққа тўхтаганимча, унга бақрайиб қолган эдим.

Қандай бўлмасин, бу учрашув иккимиз учун ҳам тасо-диф эди!

— Ҳаниф... — пичирладим беихтиёр, ҳансираб турганимча,

— Нима бўлди, Вали ака? Тинчликми?! — менинг сўзим эмас, афт-ангоримдан жавоб излаётгандек ҳолатда сўради Ҳанифа.

— Тинчлик... Жисмоний тарбия! — дедим нафасимни сал ростлаб.

— Одамлар эрталаб югурарди. Сиз...

— Биз шунақа тескари! — Кейин, сўрадим: — Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

У мени кўриб, бир оз чалғиган экан, жиддий, ўйчан қиёфага кирди.

— Дадамни кўргани келяпман...

— Дадангиз қаерда?

Ҳанифанинг нозик, аммо тиниқ, чиройли юзида энгил бир озорми, ўпқаланишми акс этди.

— Шу ерда! — деди у, қабристон томонга қараб қўйиб.

— Кечирасиз... — Мен унинг отаси кимлигини ҳам, тирик-

ми-ўлганми эканлигини ҳам билмас эдим. Умуман, уларнинг турмушидан беҳабар эдим. Шу боисдан, кўришганимизда калтафаҳмлиқ қилиб, ҳазил-ҳузил билан гап бошлаган эдим. — Юринг, бирга кириб чиқамиз, — дедим ўзимни оқлашга уринган кўйда.

— Сиз нима қиласиз?!

— Тиловат қилишим мумкин, қабр бошида. Кўп билмайман. Қисқа бир-икки сура. Дадангизга бағишлаб ўқимоқчиман! — Мени эргаштириб, қабристонга кириб чиқишга Ҳанифа негадир иккиланаётган эди. Менинг эса ундан ажралгим келмасди. Ажралсам, бутун умрим бало-қазодан қутулолмай ўтадигандек тушлар, бахтимга у ҳозир гўёки нажот фариштаси бўлиб кўкдан тушгандек эди! Унга яна қандай гап ўқирсам экан, деб ўйлаб туриб, беҳосдан... Эй худойим-э! Бир шеърда: «Онагинам! Одам бўлдимми манам?!» — деган нидо бор эди. Мен ҳам ўзи одам эмас эканман! Боя мактабдан чиқиб қабристон томон йўл олганимда ҳам, қабристонга келиб, бу ердан қайтиб кўчага отилганимда ҳам фикри-зикримни фақат Сирож муаллим банд этган эди; уни аниқламоқчи эдим! Шу қабристонда... менинг отажон-онажоним, бутун яқинларим ҳам тупроқ бўлиб ётишганини негадир ҳаёлига келтирмаган эдим! Мен қабристонга йиллар бўйи бировни зиёрат қилгани кирмаган; бугунги даҳмаза рўй бермаганида, кирмас ҳам эдим... Шармандалиқ, албатта! — Юраверинг, — дедим Ҳанифага. — Дадангизни зиёрат қиламиз. Кейин, бизникилар...

Ҳанифа диққат билан юз-кўзимга тикилганича, ниҳоят, йўлга тушди. Мен энди унинг ёнида осойишта одимлай бошладим. Биз қабристонга киргач, ғалати бир иш бўлди.

Ҳамроҳим ҳалигина мен юрган узун йўлақдан мен тушган сўқмоққа бурилиб, сўқмоқ охиридаги қабрлар томон йўналди... Мен яна гангиб қолган эдим. Нега буюққа кетяпти?! Бу қизнинг отаси ким экан ўзи?! Наҳотки, Сирож муаллим?!

Мен сал адашган эканман...

Ҳанифа Сирож муаллимнинг худди қабри орқасидаги — учувчи Бадалбекнинг қабри бошига келиб тиз чўқди!

Сирож муаллимники сингари бу одамнинг қабри устига ҳам чиройли мрамор сағана тикланган. Зарҳал ёзувдаги исми шарифларни айтмаганда, икки қабрнинг ҳам кўриниши бир хилда эди.

Менга ортиқча эътибор бермай, Ҳанифа бармоқлари узун-узун, ингичка, оппоқ, нафис қўллари билан қабр тошини беозор сийпалади. Сўнг тирик одамга мурожаат қилаётгандек, ўйчан пичирлай бошлади:

— Дадажон, ассалом. Келдим... Тинчмисиз?! Биз ҳам юрибмиз. Онам бугун бир оз тузук. Кеча опаларим уйдан хабар олиб кетишди. Сизни эсладик. Биздан ташвиш тортманг. Ҳаммамиз яхши. Худога шукр...

У ўрнидан туриб, ёнидаги халтадан супурги, калта белкурак олди. Қабр тошларига ҳар томондан ўрмалаган ёввойи ўт-ўланни белкуракда қирқиб, шамол-ёмғирда тўкилган барг-ха-

зонларни шошмасдан супурди. Бу ишлар битгач, қабр бошида қайтиб чўккалади. У хомуш ўтирарди.

Мен Ҳанифага халал бергим келмай, нима қилишимни ҳам билмай, бир чеккада серрайиб турар эдим.

— Уқимайсизми?! — деди менга бошини кўтариб, дабдурстан ўтли, ёшли кўзларини тикканича, Ҳанифа.

Ажабтовур ҳолатга тушдим.

Биз болаликда кўча-кўйда Бадалбекка эргашар, барчамиз осмонга учшни истар эдик. Бу айна ҳақиқат эди! Аммо энди мен бу одамни ёмон кўрар, ёвуз деб билар эдим. Мен учун, Сирож муаллимнинг ўлимига ҳам у сабабчи эди! Ҳанифага эргашганимда, бу — Бадалбекнинг қизи эканлиги-ю, унинг қабри бошида гуноҳларини худодан тилаб, тиловат қилишимга тўғри келишини ўйламаган эдим. Бизни тасодиф учраштирган қисмат ишнинг буёғини ҳам шунга мослаб қўйган экан!

Бадалбек қандай одам бўлмасин, ўз оиласи, фарзандлари наздида унинг хотираси азиз эди! Бу хиссиётни топташга ҳозир менинг ҳаққим йўқ; бунинг устига, олдиндан Ҳанифага сўз берганман. Хўш, нима қилиш керак?!

Шу пайт ўзим кутмаган ҳолда, бирдан кўзим мошдек очилди... Эй хом сут эмган банда! Сен, ахир, Бадалбекни билмайсан-ку! Ичиб, дори сепеди, деб одамлардан эшитгансан, холос. Бошқа ҳеч нарса... Сирож муаллимни ҳам билмайсан! Девонавор айрим хислатлари-ю, панд-насиҳатларини айтмаганда, эслайдиган арзирли бирон гап тополмайсан... Нега ҳаммани яши, обдан билгандек кўпириб, бу эзгу, бу ёвуз деб, инсонни иккига ажратиб, ишонч билан баҳо бериб юрибсан?! Гуноҳ-савобни ўлчаш сенинг вазифангга кирмайди! Узингга қарамайсанми?! Қолаверса, марҳумлар тирикларнинг марҳаматига муҳтож! Икки оғиз дуойи фотиҳа бурч...

Мен ҳам энди қабр бошига чўккаладим. Қунишиб ўтирганимча, берилиб, оҳиста тиловат қила бошладим.

Бўм-бўш қабристондаги зоғлар бу орада аллақаяққа ғойиб бўлган, чор-атроф жимжит эди. Бу сукунатда ўз овозим менинг ўзимга ҳам гўёки четдан, узоқдан эшитилаётгандек туюларди. Мени ҳам руҳ чулғаб, кўзларим жиққа ёшга тўлган эди.

Ҳанифа-иккимиз, — тиловат тугагач, — қабрнинг икки ёнида яна анча вақт бош эгиб ўтирдик. Менинг одатда ўзимни пок сақлаб юришга ҳаракат қилишим, бундай ўқий олишимни билмаган ҳамроҳим менга гоҳ-гоҳ кўзи остидан, сездирмай ҳайратланибми, бир оз ҳурмат биланми қарар, мени буёққа бошлаб келганидан ҳарҳолда мамнун эди!

Орага чўккан сукутни ҳам унинг ўзи бузди.

— Мен сизга бир гапни айтмоқчиман, — ўйчан, жиддий пичирлади Ҳанифа. — Ҳеч кимга айтмаганман. Онамга ҳам... Лекин сизга айтаман! Кимгадир бир куни ишониб айтишим керак эди. Сиз учрадингиз... Биласизми, шу қабр устидаги сағана яқинда ўз-ўзидан бир қарич сурилди. Келиб қараганим заҳоти сездим! Атрофидаги тупроқ ҳам янгиланган. Кў-

риб, кўзим қинидан чиқиб кетди. Оддий нарса эмас-да! Нега бундай бўлган экан?! Уйлаганим билан тушунмаяпман...

Мен бу гапни эшитиб, бошимдан бир челак сув қуйгандек ҳолатга тушдим.

Шунча даҳмаза каммиди?! Ҳали буниси ҳам бормиди?!

Ожиз, нотавон банданга ўзинг шафқат қил, худойим! Сен Ғофур ва Раҳмонсан! Раҳимсан! Қодирсан!..

Очиғи, мен шу паллада Ҳанифадан унинг ўзига тегишли бошқа бир дил изҳорини эшитишга шайланган эдим. Аммо туйқусдан олдинги занжирга янги бир ҳалқа боғланди! Мендан узоқлаша бошлаган нотынчлик қайтиб илондек ўрмалаб, бу гал нақ бўғзимга ёпишди!

Шунинг баробарида, мен ҳозир адои-тамом бўлиб, жон таслим қилишим ҳам мумкин эмас! Менга ишониб дардини ёрган қизнинг қаршисида ўтирар, унга қандайдир жавоб қайтаришим керак эди.

— Сизга шундай туюлмаганмикин?! — дедим озор бермасликка уринган оҳангда, Ҳанифага.

— Йўқ. Аниқ! — деди Ҳанифа. — Мен буни мана бу ўзим ўтқазган ниҳол билан икки ўрта кенгайганидан пайқадим.

— Ерга ўрнашаётиб, балки ниҳолнинг ўзи...

— Хўп, тупроқ-чи? — деди Ҳанифа. — Ут ғовлаган ер билан янги чиқарилган нам тупроқ фарқ қилмайдами?!

Мен унга яна беозор эътироз билдирмоқчи эдим, бекорга тортишаётгандек иш тутаётганимни ҳис этдим. Айниқса, у ён-бу ёнга шунчаки кўз ташлаб, беихтиёр нигоҳим Сирож муаллимнинг қабрига илашди-ю, нафасим ичимга чўкди... Сирож муаллим қабридан чиқиб, кўча айланиб юрганида, Бадалбекнинг қабри устидаги сағана силжиб-сурилмайдами?! Булардан бирига ишонмаган тақдирдагина, иккинчисига ҳам ишонмаган маъқул! Умуман, ҳозир баҳсдан кўпроқ мурад қизга таскин бериш эди.

— Сиз бунга парво қилманг, Ҳаниф, — дедим унга. — Дунёда ўзи баъзан одам тушунмайдиган нарсалар учраб туради! — Кейин, шу аснода кўнглимдан кетган гапни ҳам айтдим. — Бугун мен нуқул шунақа ҳолатга дуч келяпман! Нимадир аниқланса, албатта сизга айтиб берардим... Менга ишонганингиз учун раҳмат!

8

Биз Бадалбекнинг қабри ёнидан бошқа сўқмоққа ўтиб, қабрнингнинг этак томониغا юрдик.

Менинг отажон-онажонимнинг қабрлари бир жойда. Уларнинг аждодлари — боболарим, бувиларим, қариндош-уруғлардан қайсидир амакиларим, аммаларим, икки ёшида нобуд бўлган кичкинтой сингилчам ҳам шу ерда. Бу биз учун бамисоли хилхона...

Аммо бу ер мен тасаввур қилганимдан ҳам ҳароб, ташландиқ ҳолда эди! Яқинлашаётиб, кўзим тушгани сайин эзила бошладим... Менинг гуноҳим бўйнимда, мен-ку одам эмас экан-

ман; аллақачон эси кирган, кап-катта, бола-чақали акам-чи?! Невара ҳам кўришга улгурган опам-чи?! Нега улар хабар олишмайди экан?! Бировлар кўтариб келишини кутишяптими?! Уларни ҳам ўшанда фарзандлари унутиб, шундай ташлаб қўйишмай-дими?! Кўзингга қара, бола, деб менга ҳам тарбия-танбеҳ бериб, йўлга солиш улардан лозим эмасмиди?!

Мен ҳозир Ҳанифанинг олдида айниқса хижолат чекканимдан, ўзимни ер билан яксон қилингандек сездим.

Лекин Ҳанифа бу ердаги аҳволни ҳам, менинг ўкинчли ҳолатимни ҳам пайқамаётгандек эди!

Унинг шу қадар нозиктаб эканлиги менга ёқди.

Бу қизнинг яна бир хислати менга ёқди: у кам гапириб, кўпроқ ишлар экан!

Бу ерда ҳам, Ҳанифа дарҳол белкурак, супургини қўлига олиб, менга ортиқча эътибор бермай, ишга тушиб кетди. Ёввойи ўтларни белкуракда қўпориб-чошиб, қабрлардан четлаш-тирди. Фатарот жойларни тартибга солиб, битта-ярим тўкилган фиштларни лойсиз-оҳаксиз ўрни-ўрнига, кўрк касб этадиган қилиб терди. У янги келинчақлардек, жиддият, ғайрат билан ҳашпаш демай ҳаммаёқни супуриб-тозалаб ҳам чиқди. Хилхона одам кўрадиган файзли, дуппа-дуруст намойишга кирди!

Мен бу ерда ҳам довдираб-паришонланганимдан, бир чек-када серрайиб турар эдим.

Ниҳоят, Ҳанифа онажоним қабри ёнига чўккалаганича, бармоқлари узун-узун, нозик қўллари билан оқарган мусулмон фиштларни сийпалаб, қўлларини негадир қош-кўзларига суртди.

— Утиринг, — деди шундан сўнг менга тикилиб. — Уқинг...

Мен қатор тизилган қабрлар пойида ўтириб, отажон, онажоним, бутун ақраболар ва булар орасида ётган мурғак бир вужуд — сингилчамни эслаган ҳолда яна берилиб, осойишта тиловат қила бошладим... Ўзим англамаган (инсон то охир англаши ҳеч қачон мумкин ҳам бўлмаган) бир нарсаларни ўқиётиб, чорак асрдан иборат умрим — болаликдан орзу-умидли ва аллақандай ғурбат-ҳасратли ҳаётим — кўз ўнгимда аста-секин жонлана бошлагандек бўлди. Бу — уммон ёки саҳро сингари чексиз, шунинг баробарида, инсон гоҳ қоқилиб, гоҳ тўғри ўтадиган биргина остонага ўхшаш жўнгина тушунчадан тўқилган эди! Мен кечган даврга назар ташлаб, камида чорак аср, бўлмаса ярим ёки бир аср гапиришим мумкин; шунга қарамасдан, ёшлиқдан қийналиб ўсдим, опам билан акамнинг қўлида тарбия топдим, деб буни икки оғиз сўз билан ифодалаш ҳам мумкин эди! Ҳаётнинг шундай аввалдан бебурдлиги, унинг баёнсизлигини-ю, бебақолигини ўйлаб, яна кўзларимга ёш келди.

9

Қабристондан чиқиб, иккимиз шошмасдан шаҳар марказига қараб кета бошладик.

Бир лаҳза бурун ҳаёт ва ўлим чегарасида туриб ҳис этган дардкашлик бизни танишдан қадрдонга айлантирган эди! Шу

боисдандир, Ҳанифа мен билан апил-тапил хайрлашиб, ўз йўлига кетавермади. Мен ҳам ундан ҳамон ажралгим келмас эди!

Сирож муаллим билан Бадалбек яна ёнма-ён хаёлимни эгаллагани учунми, йиллар ўтиб, ўз жигарларим қабрини зиёрат қилганим учунми, бу кун қабристон менда унутилмас таассурот қолдирган эди.

— Сиз бу ёққа кўп келасизми? — сўрадим Ҳанифадан.

— Кўп. Ҳеч бўлмаганда, ҳафтада бир, — деди Ҳанифа.

— Одам йўқ пайтда қўрқмайсизми?

— Нимадан қўрқаман?! Бу ерда ётганлар ҳам одам, — деди Ҳанифа. — Инсон яқин бир кишингни йўқотгунча, қабристонга бегонадек қарар экансан. Яқин кишинг келиб ётгач, ўргана бошлайсан! Биз дадам билан ниҳоятда меҳрибон, сирдош эдик. Дадам мендан ҳеч нарсани яширмас эди...

Сирож муаллим билан бирга, Бадалбекка нисбатан кўнглимда қизиқиш сеза бошлангандек эдим! Лекин у ҳақда Ҳанифани дарҳол сўроққа тутишга журъат қилолмадим. Бу одобдан ҳам эмасди. Дунёда ҳар нарсанинг вақти-соати, мавриди бор! Шусиз ҳам, бу кун мени Ҳанифага юзлаштириб қўйгани учун тақдирдан миннатдор эдим.

Шаҳар марказига етиб келгач, Ҳанифа мен билан хайрлашиб уйига кетишга тараддуслана бошлади.

— Ҳаниф! — дедим уни тўхтатиб. — Агар мени дорга тортмасангиз, сизга мен ҳам бир гапни айтман...

— Мен шунақа жаллод эканманми?! — кулди Ҳанифа.

— Йўқ, сиз пари. Фаришта... Рост! Барибир, ботинмайман... Сўйишингиз мумкин! Хўп, пешонада ёзилгани... Менга сиз ўша, тўгаракда юрган пайтлардаёқ ёқардингиз! Бугун мафтун қилдингиз... Сиздан ажрагим келмайди. Йўқотсам, билмадим...

Унга қисинмай сўзлаяпману юрагим така-пука; ҳозир шу қўчанинг ўртасида йиқиладиганга ўхшайман... Тоқат-бардошим қолмади ҳаётда! Айниқса, бугун қаршимда борлиқнинг авра-астари афдарилиб, тинка-мадорим қуриган эди!

Мени шу сонияда ҳаммадан кўпроқ бир истиҳола қийнади. Бу — кўрмай юрган қиз! Кимгадир унаштирилганми, биров билан учрашиб юрганми бўлса... ер ёрилиб, одамнинг ерга киргани яхши!

Ҳанифа яна ўйчан, жиддий эди.

— Вали ака, — деди у, юзидан ҳуркак, оҳу кўзларигача алланечук қизариб. — Тўғриси, мен ҳам сизни ҳурмат қиламан. Сизга ишонаман... Лекин ҳаёт мураккаб экан! Биласизми, биз қандайдир бадбахт одамлармиз. Бизнинг оиламизга қарғиш теккан! Мен мабодо сиз билан кўришсам, сизни ҳам бахтсиз қилиб қўймайманми, деб ўйлаяпман. Сиз бугун менга учрашдан олдинроқ... бахтсизлик йўлига кира бошлаган бўлишингиз мумкин! Кейинчалик, мени алвасти, деб, мендан норозиланиб юрсангиз, мен нима қиламан, Вали акажон?! Бу оғир...

Ҳанифанинг гап оҳангида менга заррача озор-эътироз йўқ, аксинча, умид учқунлари бор... У ҳам мени ёқтириб қолганини яширмаган эди! Аммо унинг жавоби менинг термулиб кутга-

нимдан ҳам аччиқ-аёвсиз... қаршимда ҳалқама-ҳалқа боғланиб, вазмин шалдираётган занжирни — қисмат — энди худди бўй-нимга солган эди!

Бироқ йигит сўздан, арслон изидан қайтмайди.

— Пешонада ёзилгани, Ҳаниф, — дедим эзмаланиб-чайна-либ ўтирмай. — Қочиб бўлмайди! Чидаймиз... Келаси якшанба сизни шу ерда кутаман.

Ҳанифа индамай, бошини эгди.

У қўлидаги халтани силкитиб, югуриб-чопганича, мендан узоқлашди.

10

Вақт намозгарга бориб қолганидан, мен ҳам уйга қараб кетмоқчи бўлдим у шуурсиз ҳолда бояги чойхона томон бурилдим...

Хабар олай-чи, у ерда нима гап экан, деган бемаъни хаёл менга осойишталик бермаётган эди!

Катта йўл бўйидаги кўримсиз чойхонага яқинлашдим. Ип-дек ариқдан ҳатлаганча, ичкарига кирдим.

Чойхона тўрида, —

не кўз билан кўрайки! —

бундан икки-уч соат бурунги ҳолатда Сирож муаллим ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирарди!

Эшикдан кирганимда у менга ялт этиб қаради. Кейин, дастлаб кўрганимда бўлганидек, —

мендан юзини четга бурди...

Мен унга агар мактаб биносида юзлашганимда эди, нега қочасиз, ўртоқ муаллим, дейишим, узр сўрашим мумкин; очиқ гаплашишга уринишим муқаррар эди. Шундай қарорга келган эдим! Ҳозир эса ўзимни дадил тутиб бундай қилишимга нимадир халал бермоқда, ҳаттоки монелик кўрсатмоқда эди! Юз бераётган ҳолатдан кўрқдимми, бошқами?! — тушуниш қийин...

Кенг-мўл чойхона тип-тинч, чойхоначи ўз каталагида бирдек чайқалиб, мудрар эди.

Қизиқсиниб, пойгак томон ўгирилдим. Эски патнисдаги боя мен дамлатган чойга ҳам биров тегмабди!

Шошганимча бориб, чойнакка кафтимни босдим. Мен қолдириб кетган ярим чойнак чой, шунча пайт ўтганига қарамай, негадир ҳамон иссиқ эди!

Чойхонадан чиқиб,

безгак тутгандек қалтираганимча,

тез уйга жўнадим.

Тасаввур

II

Уйга келганимда, қоронғи тушган эди.

Чироқни бир ёққанимча, қайтиб ўчирмадим.

Назаримда, мени зулмат-зимистон қаърига тортадиган-дек эди! Вос-вос бўлиб қолган одамга ўхшардим...

Туни бўйи ухлаёлмадим. У ёндан-бу ёнга ағдарилиб, алаҳлаб чиқдим.

Уйим — бошпанам мен учун дўзах эди!

Бир неча марта ўрнимдан сапчиб турдим. Ижара кулбам деворида осиглиқ, дўкондан сотиб олинган арзон-гаров рубобни тингиллатиб, ўзимни чалғитишга уриндим. Лекин ҳар гал менга мусиқа овозига қизиққан аллақандай жинлар, алвастилар баттарига уйимда тўпланишиб, рақсга тушадигандек туюлганидан, кўп ўтмай, бу машғулотни тўхтатдим.

Жинлар, алвастилар тўғрисида барибир ўйламоқда эдим.

Болаликда раҳматли холамдан эшитган воқеани беихтиёр эсладим... Тунда ҳовлига чиқса, ялтирган тоғора устига сочларини ёйиб, гўзал бир ажина бошини юваётган эмиш!

Ўлими олдидан катта амаким айтиб берган воқеа ҳам ёдимга тушди...

Дала-даштда, аравада кетаётган экан. Бехосдан рўпарада ҳурпайган қоп-қора бир шакл пайдо бўлибди. От ўзини орқага ташлабди. Арава тўнтарилиб кетибди! Ҳаммаёғи шилиниб-қонаган амаким арава остидан чиқиб қараса, ҳеч нарса йўқ, фақат от ҳамон титраб турибди эмиш!

Мен бугун учратган Сирож муаллим... унинг хатти-ҳаракатлари... Бадалбекнинг қабри борасидаги тахмин... Ҳанифа айтган қарғиш... — бари —

болаликдан билган ўша воқеаларга ўхшар эди!

Мана, энди тун сукунатида яхлит манзара касб этиб, мени даҳшатга солган эди!

Менинг кўз ўнгимда Сирож муаллим билан Бадалбекнинг ҳалокати —

сўнги ҳолати қайтиб жонланган эди. Шу боисдан, қанчалик ваҳм босмасин, мен ўшанда нима бўлгани-ю, ҳозир қандай воқеа рўй бераётгани ҳақида хаёлга чўмиб, уларга тегишли сир-синоатларга жавоб изламоқда эдим.

«Дунёда аёлки бор, ҳам фаришта, ҳам алвастидир!» — деган ғалати бир гап... қачонлардир қулоғимга чалинганди. Аммо унинг мағзини энди чақмоқда эдим. Менга Ҳанифа шундай бўлиб туюлмоқда эди! У Бадалбекнинг қизи эканлигидан, бу кунги даҳмазага, назаримда, бевосита дахли бордек эди! Шунинг баробарида, мен ундан ажралгим келмасди!

Гоҳ ўрнимдан туриб кетиб, гоҳ тўлғаниб ётиб,

тун шу азоб-изтироб билан ўтди.

Кун ёришаётгандагина кўзим илинди.

Кўрган-кечирганимнинг давомидек, тушимда Ҳанифа қўллари мени томон чўзган эмиш. Мени унинг нозик бармоқларини бирма-бир лабларимга босаётган эмишман!

Сирож муаллим ҳам шу ерда. Тиржайиб, унинг ҳам узук тақилган қўлини ўпиб қўйишимни талаб қилаётган эмиш!

Кўнглим кирланиб, ғаш тортиб уйғондим.

Ишга боришим керак, вақт зиқ эди.

Шунга қарамасдан, шошмай ювиниб-тараниб, кейин, кўчага чиқдим.

Мактабни битирганимдан буён ишлаётган дурадгорлик устахонасига қараб кетаётиб, кеча кўрган воқеалар тўғрисида яна ўйга ботдим... Сўнг, муайян фикрга келгандек бўлдим: чойхонага бошқа бормаيمان! Сирож муаллим тўғрисида ўйламайман! Бадалбек ҳам гўрида ётаверсин! Менга у эмас, Ҳанифа керак! Фақат Ҳанифа...

12

Икки кун уйдан ишга бориб, ишдан тўғри ўйга қайтдим.

Устахонада арраларнинг тинимсиз визиллаши, тарақа-туруқ, усталарнинг бақир-чақир шовқини мени чалғитиб, эҳтимолки, ўзимга-ўзим орттирган бошоғриқ савдойи хаёллардан аста-секин узоқлаштираётгандек эди!

Ўйда ҳам тезроқ якшанба етиб келиши, Ҳанифа билан кўришишдан бўлак ташвишим йўқ! Ҳеч нарсани ўйламайман. Қоронғи тушмасдан, бошимни кўрпага ўрайман!

Одатдаги умргузаронлик; вақт тинч-осойишта ўтмоқда эди! Мен ўзимча буни эплаб-ўрнига қўймоқда эдим!

Бироқ

учинчи куни —

ишим тугаб, устахонадан чиққаним заҳоти, —

оёқларим менга бўйсунмаётгандек ҳолда, мени

яна таниш чойхона томон бошлаб кетишди!

Мен чойхонага боришим шарт, бу гўёки мен қочиб қутулмаётган — бир дард эди!

«Чойхонадаги одам ким?! Бегона бировми ёки Сирож муаллим?!»

Назаримда, оддий шу саволга жавоб топмагунча, дунёда яшаб юролмайдиганга ўхшар эдим! Бу — энди йўлимда ётган бир тош; суриб ташламасам, кўксимга қадалиб тураверади гандек эди!

Ҳаш-паш дегунча, яна ипдек ариқ ҳалқасига юзлашдим.

Ариқдан ҳатлаб, ичкарига кирдим...

Чойхонада Сирож муаллим олдинги гал рўпарадаги хиёбонда беркиниб туриб кўзим тушган тўрт киши — новча, бақувват тўрт йигит билан нималарнидир пичирлашганча, гаплашиб ўтирар эди!

Дафъатан бостириб келганимга қарамасдан, улар менга ортиқча эътибор беришмади.

Мен ҳам атайин уларга аҳамият бермагандек, чой олиб, пойгакда чўнқайдим. Лекин ҳаяжонланиб турганимданми, томоғимдан бир қултум ҳам ўтмади.

Чойхонадан қайтиб кўчага чиқдим у иккиланиб ўтирмай, энди Сирож муаллимнинг уйига қараб йўл олдим.

Унинг уйи — мактаб, қабристондан кейин бирон гап аниқланса-аниқланиши мумкин бўлган сўнгги нуқта эди! У ҳақдаги сир-синаотни кимдир билса — уйдагилар билади! Айтса — шулар айтади! Суриштириш керак...

Улар менга нотаниш эди. Лекин уй-жойни мактабда ўқиган пайтимдан кўрган эдим: киш кунлари болалар томдан қор курагани бир неча марта борганмиз. Сирож муаллимнинг ўзи бошлаб борган эди!

13

Шаҳар марказидаги дўкондан қанд-қурс харид қилганча, ассалом алайкум, деб дангал кириб боравердим.

Қадимдан таомил шу: эшикда кўринган кишига, ким керак, дейилмайди. Марҳамат, дейилади.

Сирож муаллимнинг уйида ҳам, дарвозани очган — мендан ёши сал каттароқ йигит, хуш кўрдик, деди. Мени рўпарадаги ойнаванд баланд айвонга бошлади.

Ўртада турган япасқи хонтахта ёнига чўкиб, юзимизга фотиҳа тортгач, айвоннинг қоқ белидаги қопқадан мен тенги — яна бир йигит чиқди. Илжайиб кўришиб, даврага қўшилди.

Мен бу йигитлар кимлиги-ю, уларга нималар дейишим кераклигини билмаганимдан, гапга қандай даромад қилсам экан, деб ўйлаётган эдим; мушқулим ўз-ўзидан осонлашди!

Ҳалиги қопқада қўлида дастурхон, сочига оқ оралаган ўктам бир аёл кўринди. Бу, афтидан, Сирож муаллимнинг хотини эди. Дастурхонни ёзаётиб, у ҳам мен билан эски қадрдонлардек сўрашди. Кейин, қани, дастурхонга қаранг, деб негадир кафти билан кифтимни ҳам сийпалаб қўйди.

Шу пайт қопқа ёнидаги деразада икки ёш, хушрўй жувоннинг юзи кўринди.

Аёл деразага тунд қараганича, қайтиб ичкарига кириб кетмоқчи эди, уни тўхтатдим.

— Кечирасиз... ойижон! Сизга гапим бор эди, — дедим салмоқлаб. Сўнг, мезбонларни ҳадеб ажаблантирмаслик учун мақсадимни қисқароқ ифодалашга уриндим. — Мен муаллимнинг шогирдлариданман. Кўп йил қўлларида ўқиганман. Жуда қадрдон... эдик! Мактабни битиргач ҳам, кўришиб турганмиз. Хоҳ ишонинглар, хоҳ йўқ, шундай эди! Бугун устозни бир йўқлай, деб келган эдим...

Менинг гапимни эшитиб, аёлнинг бўлиқ юзига кўзларидан дув ёш оқди.

— Вой ўргилай, болам, — деди у. — Муаллимни йўқлайдиган шогирди ҳам бор экан-ку! Раҳмат сизга, болам. Улманг!

Энди ўктам аёл хонтахта ёнига вазмин чўкди. Бу етмагандек, дераза томон имлаганича, ёш, хушрўй жувонларни ҳам даврага чақирди. Жувонлар, рухсат тегиб, меҳмондан «қочмайдиган» бўлишгач, шошмасдан гапни ўзидан бошлаб, менга даврада ўтирганларни таништиришга тушди.

— Хўп, мен муаллимнингизнинг рафиқалари Сожидахон бўламан, — шусиз ҳам бунинг билганимга қарамай, тушунтирди уй бекаси. — Ўттиз уч йил бирга истиқомат қилганмиз. Аҳил эдик. Муаллимнингиз менга ҳеч қачон қаттиқ гапирмасдилар. Қийнамасдилар. Ипак эдилар. Хотин кишига муносабат маданият белгиси, дердилар. Маданиятли одам эдилар... — Ниҳоят, у бурилиб, ёши мендан каттароқ йигитга қаради. — Уғилчамиз. Сотижон. Чўли-сахроларни обод қиладиган идорада ишлайдилар. Обрўлари яхши... — Мен тенги йигитга юзланди. — Бу одам куёв. Адҳамжон. Ер қазийдилар. Хунарлари шу... — Энди жувонлардан новчароғига имо қилди. — Қизчамиз. Мамлакатхон. Дадаларига ўхшаб, муаллим. Бир этак шогирд... — Навбат бўйи пастроқ жувонга етди. — Бу киши келин. Сожидахон... — Мен, тавба, Сожидахон ўзи эди-ку, нима бало, бошқа исмли қиз қуриб қолган эканми, деб ўйлаётган эдим, суҳбатдошим тушунтирди. — Муаллимнингиз танлаганлар! Сожидахон, деб чақирганимда, иккаланг ҳам югуриб чиқасанлар, қизиқ бўлади, деганлар...

«Таништириш маросими»дан кейин, табиий ҳолда «унутилмас хотиралар»ни эшитишга тўғри келди.

— Қандоқ одам эдилар-а, муаллимнингиз! — деди уй бекаси, янгамиз. — Чумолига озор бермасдилар! Ҳазрати инсон... Мендан бўлак аёлга қарамасдилар. Одобни бузмасдилар. Мени бошларида кўтариб юрардилар. Кўчага бирга чиқсак, олдинга ўзингиз ўтаверасиз, Сожидахон, биз эргашамиз, дердилар. Ҳеч қачон рашк қилмасдилар. Менга ишонардилар. Баъзан фақат, меҳрлари товлаб, дунёда аҳмоқ эркак ҳам кўп, дердилар...

Хотира узоқ давом этди.

Мен бу ерга келиб, кўнглимдагини сўраб-суриштиргани оғиз жуфтлашга улгурмай тошқиндек қуюлган дийдиёнинг охири кўринмас эди!

Бир шоир айтган экан: «Сендан яхши билар — сени, хотининг!»

Сожидахон ҳам Сирож муаллимни унинг ўзидан кўпроқ билар экан! Шу паллада Сирож муаллим камида авлиё, бўлмаса пайғамбарга айланиб кетган эди...

Тахминан, бундай:

...Мақтаб болалар кетидан тўп-тўп судралиб юришади. (Баҳо қўймаган пайтлари биз ҳам судралар эдик!) Кўчада учраган ёш боланинг бошини силайди. Қўлига кўтариб олади. (Яқин орада сураткаш бўлса, бирга суратга тушиб қўймаганмикин?!) Чўнтагидан албатта эсдаликка нимадир чиқариб беради... Аёллар, кексаларни қаттиқ ҳурмат қилади. Юрганда йўл, ўтирганда ўрин

бўшатади. (Йўл четидаги ўт-ўланни топтамайди!) Емайди. Ичмайди. (Кечирасиз... бу туришда керакки жойга ҳам бормаган!) Олдидаги насибасини бева-бечораларга улашади. (Ғариб-ғураболарга қутига солиб нарса ҳам жўнатган бўлиши керак!) Айниқса, Сожидахоннинг соясига кўрпа тўшайди...

Биз кунда кўриб юрган Сирож муаллим шунақа одам бўлган экан! (Биз унинг олижаноблиги-ю, ҳақиқатпарастлигини билсакда, барибир қадрига етмаган эканмиз. Энди, афтидан, кеч... кеч!)

Менга аввалдан уй эгалари бир оз сермулозамат, бунинг устига, ийиброқ муомала қилаётгандек бўлиб туюлишган эди. Ҳозир эътибор бердим... Даврада ўтирганлар ҳикояни бўлмай, жимгина-берилиб, маҳзун жилмайиб эшитишарди. Мен бу хонадонга гўёки ажиб бир хушxabар олиб келганману шу сонияда катта Сожидахондан тортиб бутун оила аъзолари алланечук бахтиёр эди! Мен буларникига одатда кам одам кириб-чиқса керак, деб ўйладим. Менда, ҳар қалай, булар кўпдан буён одамни соғинганми, моғор босган кўйга тушгандекми — таассурот уйғонган эди! Бу ердаги ҳолатни фақат меҳмондўстликка йўйиб бўлмас эди!

Бироқ мен зерика бошлаган эдим.

Демак, Сирож муаллим ўлган, қайтиб тирилмаган экан! Чойхонадаги киши бошқа экан! Худога шуқр. Хайрият! Гап тамом. Вассалом... Мен учун шу муҳим, бу ерга келишдан мақсадим ҳам — шу эди! Азбаройи одобсизлик қилмай деб, мен энди маза-матрасиз хотираларни истар-истамас эшитмоқда эдим.

Менинг қисина бошлаганимга яна бир сабаб бор эди.

Сирож муаллимнинг ва албатта, Сожидахоннинг — «қизча»лари — Мамлакатхон, ўт-олов десамми ёки парданинг четини сал очиб, ғаркўз деймикан — шунақароқ экан! Даврага келиб қўшилганидан буён у, эри ёнида эканлигига ҳам парво қилмай, кўзи билан мени сузиб ўтирар, қўйиб берса, шу дамдаёқ мисол учун бир қултум сувдек ютиб юборадиганга ўхшар эди! Унинг ўзини тутишидан, у қолиб, мен уялаётган эдим... Бундан ташқари, жуворлардан бирининг бемор ётган боласи борми, ичкаридан аҳён-аҳён инграшми-ихрашгами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган ғалати овозлар эшитилиб турарди. Мен бунинг нима эканлигига тушунмаганимдан, бўғилиб-асабийлашмоқда эдим.

Ниҳоят, сабрим тугаб, гапни чўрт кесдим:

— Муаллим ҳали яшашлари мумкин эди. Ақл бовар қилмайди.

Сожидахон ҳикояси оҳангини бузмай, менга жавоб қайтарди:

— Тўғри, болам. Ақл бовар қилмайдиган иш. Ушанда ҳам, кейин ҳам...

— Нима, кейин? — деб сўрадим сергакланиб.

— Йўқ, ўша кунни, ойижон, эсингиздами... — ҳаяжонланиб гапга аралашди ҳозиргача жиддий ўтирган келин Сожидахон. У, айтаверайми, дегандек қайнонасига қаради. Катта Сожидахон бошини лоқайдгина силкитиб қўйгач, сўзида давом этди. —

Биласизми, дадам йўлакда турган кўзгу олдида баъзан ўймалашиб қолардилар. Шунақа одатлари бор эди! Мен аёллардек мунча ойнага ўзларини солмасалар, деб ғашим келарди... Мактабдаги воқеа рўй берган куни кечга томон йўлакдан ўтаётиб, ойна олдида яна дадамни кўрдим. Лекин бу кўндоқда теккан касал эканлигидан, эътибор қилмай, ичкарига кирдим. Кирдим кутилмаганда дадам негадир сўкинганлари, кўзгу чил-чил синиб тушганини эшитдим!

— Мен югуриб чиқсам, дадам менга, ойна ўз-ўзидан синиб қолди, деганлар, — тўнғиллади куёв Адҳамжон. — Одам ойнани ўзи синдирмайди-ку! Бу келаётган фалокат белгиси эди...

— Эҳтимол, шундайдир... Синдирмаслиги керак! Айниқса, дадам, — деди кичик Сожидахон. — Лекин барибир, у киши олдин сўкинганлари, кейин ойна синганини эшитганим аниқ. Худо ҳаққи, эсимда турибди...

Мен бу воқеага шу аснода аҳамият бермадим. Кўзгунини биров синдирганми, ўзи синганми — шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Синса синибди-да! Ҳар қандай хонадонда гоҳо нимадир синади. Табиий ҳол!

— Ундан кейин-чи? — деб сўрадим тоқатсизланиб, катта Сожидахондан.

— Кейин... Муаллимнинг учун ҳозиргача муттасил қаердандир пул келиб туради. Олган ойликларидан кўп... У кишининг ёзувига ўхшаган, лекин имзо билан жойи белгисиз хат ҳам келиб туради. Ким ёзиб юрибди, билмаймиз!

Мен энди тахтадек қотиб қолган эдим.

Ниҳоят, бу ишга бефарқ қарамаётганимни яширмай:

— Уша хатларни кўрсан бўладими? — деб сўрадим секин.

— Майли, яна бир келинг, болам. Топиб қўяман...

Сирож муаллимнинг уйдан аввалгидан баттар эс-ҳушим оққанича, кўчага чиқдим.

14

Кўчада кетаётиб, биринчи навбатда Сирож муаллимнинг уйи эмас, бугун чойхонага борганимдаёқ —

аллақаяқдаги даҳмаза-савдони дастлаб сотиб олганим кам, тўхтаган жойидан давом эттирганим, ўзимни-ўзим жар ёқасига чиқиб олганида туйқусдан оёғи тойган одамдек кўйга солганимни —

ҳис этдим!

Ахир, мен бугун қайтиб чойхонага бормасам, шу билан ҳамма нарса тугаши, унутилиши ҳам мумкин эди-да! Кейин, олдинги пайтлардаги сингари рўҳим азобдан фориг, жоним роҳатда юраверар эдим. Бу — менга аён эди! Энг баданингни қичитиб, алам қиладиган жойи: мен нега бўлмаган бир нарсаларга қизиқиб, бунга ҳеч қандай зарурат йўқлигини билган ҳолда, бошим билан шўнғиганимга тушунмас эдим!

Гангиб мадорим қуриганча, кўчада кетаётиб, Сирож муаллимнинг уйида менга бир лаҳза бурун, —

нозанин Мамлакатхоннинг ўтли нигоҳлари билан юрагимга ўқ отиб ўтирганлари-ю, ичкаридан аҳён-аҳён ғалати овозлар эшитилиб турганини айтмаганда, бутун иш рисоладагидек туюлганини ҳам —

эсладим.

Мен зерикарли суҳбат охирида «портлаш» рўй бериб, ойна синганидан Сирож муаллимга тегишли қолган гапларгача янги сир-синаотга айланишини хаёлимга келтирмаганимдан, адашиб-алданган эдим!

Мана, энди мактаб, қабристондан кейинги — сўнги нуқта — Сирож муаллимнинг уйига бориб, ҳамма нарсани аниқлаш ўрнига мени даҳшатли ноаниқлик гирдоби бир йўла тубига тортган эди!

Ҳозир кўчада кўксимга совуқ шамол урилиб, сесканган-жунжиккан ҳолатда, илк дафъа шу кунлар ўзимнинг ўт билан ўйнашаётганим — қалтис ўйин қилаётганимга ич-ичимда иқроп бўлдим. Бу — қандайдир хатарли, аёвсиз йўл; каллангни учраган туйнукка тикма, ўласан, бола, эсинг борида ҳали ҳам тўхтат, деб ўйладим.

Аммо менга панд-насиҳатнинг фойдаси йўқ; бунинг устига, аллақачон ғишт қолипдан кўчган эди... Менинг ҳаётимда тепаликдан вазмин-гарон бир ғилдирак думалай бошлаган, унинг охир-оқибатда пастга келиб тушиши қонуният эди! Мен бу қонуниятни буза олмас эдим! Қўрқаётганми, номардлик қилаётгандекми иш тутишни ҳам истамасдим! Қолаверса, савол устига савол қалашиб, мени қийнамоқда эди. Мен қаршимда кўндаланг бўлган бу саволлардан биронтасига ҳали жавоб тополмаган эдим! Умуман, Сирож муаллим тўғрисида ўйламайман, чойхонага энди бормамайман, деб қанчалик тиришмай... шаҳардан тўлқиндек қулоч отиб ташқарига — олисларга чиқиб кетган катта йўл бўйидаги чойхонага барибир бораман! У ерда Сирож муаллимни учратаман! Хўп, ҳамон оёғимнинг бир томири тортаётганига қарамай, бундан ўзимни мажбур қилиб-тўхтатган тақдирда ҳам... Сирож муаллимни ғафлатда қолдириб, бошқа пана томондан «дарча» очишга, кейин, шунга қараб, унга муомала қилишга уринишим аниқ: унинг уйидагиларга яна учраб, у ёзган хатлар билан танишишим керак! Бўлмаса, тинчишим қийин! Назаримда, менга бу хонадонда биринчи кўришишдаёқ уйдаги бор сандиқлар оғзини очишмаган эди! Мен ҳарҳолда ҳозир, бутун сир-синаотнинг калити (чойхона ҳам, мактаб ҳам эмас!) шу ерда, деб ўйламоқда эдим... Хўп, бунинг баридан сақланиш мумкин. Лекин Бадалбек-чи?! Ҳанифа билан кўришгач, барибир уни эслашга тўғри келади! Бадалбек ҳақидаги ҳар қандай гап Сирож муаллимга бориб тақалади... Демак, бу — қисмат; бош бурганим билан қочиб қутулолмайман!

Бугун ҳам кўчадан уйга қайтганимда, олам зулмат-зимистон эди.

Туни бўйи яна чироқни ўчирмай, гоҳ нари-бери одимлаб, гоҳ мурватлари бўшаганидан нолон ғижирлаган тахта-тўшақда думалаб, вос-вос бўлган кишидек,

алахлаб-тўлғаниб чиқдим.

Шунинг баробарида, энди тақдирга тан берганимдан, эй, жинлар-алвастилар келса келмайдими, деб кулбам деворидаги арзон-гаров рубобни босим тинғиллатиб, алланималарни ғўлдираганимча, бу тунни ўзимча кўпроқ шовқин-сурон, исён билан ўтказдим.

Яна, болалигимда кимдандир эшитган қизиқ ривоят ҳам ёдимга тушди. Уни менга Сирож муаллим эслатган эди!..

Улуғ бир шоҳ ўлганидан сўнг, қирқ йил давомида одамлар унинг қабри бошидаги туйнукка хат ташлаб, оёқ томонидаги иккинчи туйнукдан жавоб олиб туришган эмиш...

Мен бу ривоятни эслагач, мабодо Сирож муаллимнинг оиласига пул жўнатиб, хат ёзиб турган бошқа биров эмас, аллақачон хоки туробга айланган унинг шахсан ўзи бўлса, —

бу ҳолда, у фақат олижаноб инсонгина эмас, чиндан авлиёми, пайғамбарми экан, деб ўйладим.

Лекин Сирож муаллим бундай қила олишига ишониш — телбалик; бу — ҳаддан ташқари, ҳавойи гап эди!

Мен ўзимча, йўқ, у эмас, деган хаёлга ҳам бордим.

Аммо бошқа биров Сирож муаллимнинг оиласи ташвишини қилиб, бу етмагандек, эринмай унинг ёзувига мослаб хат ёзиб юришига ҳам ишониб бўлмасди. Бу — айтилган, омонат гап эди!

«Сирож муаллим фалокат пайтида ўлмаганми, Гўрўлғига ўхшаб қабрда ўнганганми — шундай бир ҳолат рўй берган...»

Мен яна олдин ҳам хаёлимдан кечган шу фикрга қайтган эдим!

Бу фикр қанчалик бемаъни туюлмасин, ҳақиқатга яқиндек эди.

Бироқ бунга ишониб-қаноат ҳосил қилиш учун ҳам кўп саволларга жавоб топиш керак эди:

масалан, жасад нима бўлди-ю, қабр нима қилиб турибди?! Ёки «тирилган» Сирож муаллим, наҳотки, икки йил ичида оиласини бундан огоҳ этиб, ақалли бирон марта уларга кўриниш бермаса?! Кўча-кўйда, чойхонада санқиб юраверса?! (Афтидан, унинг ётиб-турадиган жойи ҳам ўша овлоқ чойхона!) Буниси ҳам гўрга! Сирож муаллимнинг мактаб биносига кириб, у ерда йўқолганига нима дейсиз?!

Бу кеча яна, қайта-қайта —

Сирож муаллим билан Бадалбекнинг ҳалокати — сўнгги ҳолати менинг кўз ўнгимда жонланди... Бадалбек тўғрисида Ҳанифа айтган нарсалар энди менга ҳам беихтиёр ажабланарли туюлди. Афтидан, ўша кунни у рост гапирган эди!

Туни бўйи яна Ҳанифанинг ўзи тўғрисида ҳам ўйга толдим.

Мен уни аввалдан ёқтирганим ҳам, кўчада тасодиф кўришиб — у мени мафтун қилгани ҳам рост! Бу қиз илк қарашдаёқ камтар, жиддий, ақлли, меҳнатқаш, самимий эканлиги кўриниб турарди. У фариштами, алвастими?! — барибир нур; менинг ҳаётим эшигидан тушиб турган ой нури эди! Мен уни йўқотиб қўйишдан қўрқар эдим! Бахтсиз бўлишим мумкинлигини энди

ўйламасдим! У билан ўзимни, аксинча, дуч келган бало-қазони энгиб ўтадигандек ҳис этар; ҳар қалай, ҳозир шундай кайфиятда эдим!

Олдинги галга ўхшаб, бу сафар ҳам тонгга яқин кўзим илинди.

Бироқ сесканиб кўзларимни очдим.

Қиз бола, аёл кишининг феъли маълум: баҳор ҳавоси! «Мана, Астробод!» — дегандек бир гап.

Ҳанифа менга очиқ ваъда бергани йўқ. Учрашувга келмаса, нима бўлади?!

15

Йўқ, якшанба куни, менинг хавфсираганимга зид ҳолда, ўз вақтида —

Ҳанифа учрашувга келди.

Биз шаҳар марказидаги куз кунларида ҳувиллаб қоладиган боққа кириб, тўкилган баргдан олачалпоқ гилам тўшалган йўл-каларда айлана бошладик.

Боғ шу палла баҳордагидек тиниқ ярқираган офтоб нурлари остида қаҳрабо-қизғиш тусда тўлқинланиб-товланар, ҳар япроқ узилиши эшитилган осойишталикда, ажабки, буюк бир фарёд яшириниб ётгандек эди!

Мен бу учрашувда албатта Ҳанифа билан биринчи кўришаётгандек ҳаяжонланаман, суюнаман, биз энди бедард-баҳасрат гаплашамиз, кўнглимиздаги илиқликни бир-биримизга улашамиз, деб ўйлаган эдим. Шундай бўлишини ҳаттоки орзу ҳам қилган эдим! Аммо боққа қадам қўйгач, кўксимни болалик пайтимдан юрагимда яшаган ноаниқ бир ғусса чулғаб, негадир яна ўзимнинг ўтган бутун ҳаётимни эсладим. Биз ҳали бир-биримизни яхши билмаслигимизни ҳис этдим. Қандайдир қутлуғ саждагоҳга тавба-тазарру қилгани кирган кишидек, Ҳанифага ўз тўғримдаги бор гапни айтгим келди.

— Сизга раҳмат, Ҳаниф. Ҳаммаси учун! — дедим унга. — Мен сиздан яширмайман... Менинг умримда ёруғ кунлар бўлди. Ота-онам меҳри. Мактабга борган пайтим. Мактабни битирган пайтим. Кўчада болалар билан эркин-бепарво ўйнаб юришлар. Илк марта улғая бошлаганимни англаш... Лекин менинг ҳаётим, асосан, оғир кечди! Ёввойи ўтдек ўсдим. Одамдек тарбия кўрмадим! Шундан, бўйнимда гуноҳларим ҳам кўп. Отам оддий косиб эдилар. Лекин билимлари бор, китоб ўқирдилар. Касб билан шуғулланиб, баъзан китоб ўқиш менга отамдан юққан. Онам уйда ўтирадиган аёл. Кўйлакми, нимчами тикиб, гоҳида бозорга олиб чиқардилар. Турмушимиз ночор эди! Кейин, отам, кўп ўтмай онам дунёдан ўтдилар. Уларнинг топган-тутганлари опам билан акамга сарфланган эди. Ҳовли-жой, мерос дейишга арзиб-арзимаган нарсалар ҳам шуларга қолди! Мен уйдан бош олиб кетдим. Аввалига ўзим ишлаётган устахонада ётиб турдим. Бўлмагач, ғарибгина бир кулбани топиб жойлашдим. Ҳозир ҳам куним шу ерда ўтапти... Тўғри, мен пок сақланишга уринаман.

Кўнглимда худога ишонаман. Қўрқаман. Отам шунга ўргатган. Лекин ўзимни икки жаҳон овораси деб биламан. Менга болаликдан, туғилган муҳитдан кучлироқ муҳитда, сен ҳаётнинг эгаси, дунё сеники, ҳаёт фақат шу, олға бос, қабилда ёвуз тарбия беришди. Мен иккига парчаланиб, бир вужудда икки одамга айландим... Чекаман. Ичган пайтларим бўлади. Иста-истама, сени устахонада эгри ишларга аралаштиришади. Бош буришнинг иложи йўқ. Ҳар хил одам бир қозондан овқат ейсан... Шундай яшаймиз! Баъзан уйда юрагим сиқиб, отамдан қолган эски китобларни варақлайман. Баъзан рубоб тингиллатаман... Сизни кўрмай юрганда ҳам, ора-сира рубобни қўлга олганимда, эслардим. Рост! Сиз тўғарақдаги бошқа ўйинқароқ қизлардан ажралиб турардингиз. Кўнглингизга олманг, кўпчилик сизни санъаткор бўлади, деб ишонарди...

Шу дамгача менга жим қулоқ тутиб, ёнимда ўйчан одимлаётган Ҳанифа:

— У гаплар қолиб кетди, Вали ака! — деди ғамгин кўлмсираб. Кейин, ҳозир касалхонада оддий ҳамшира эканлигини айтди. — Бизда ёмон киши йўқ; ҳаттоки, бирон жиноятчи йўқ. Барчаси одам. Қараш керак! Мен учун мусиқа шу! — деди Ҳанифа. Бу билан у ҳикоямни эшитиб, мendan ҳафсаласи пир бўлмагани, ортиқча айб излаб юрмаслигини ҳам эслатгандек эди.

Мен Ҳанифа ўзи тўғрисида нималарнидир айтиши, суҳбат давом этишини истар эдим.

— Хўп, ўз соҳангизда нега ўқимадингиз? — деб сўрадим ундан, эҳтиёткор оҳангда.

— Дадам ўлмаганларида, балки... Энди эса яшаш керак!

Мен бу учрашувда Бадалбекни эслашим ёки Ҳанифа билан Сирож муаллим тўғрисида гаплашим шарт эмасди. Ундай ниятим ҳам йўқ эди. Аммо аввалдан тасаввур қилганимдек, гап ўз-ўзидан уларга бориб боғланган эди!

— Кечирасиз, Ҳаниф. Мен шунчаки... Дадангиз кўп ичармидилар? — қизиқсиндим беихтиёр.

— Доим эмас. Лекин ичганда қаттиқ ичардилар. Бир неча кунлаб ўзларига келмасдилар... Бу ҳаммаси аламдан!

— Қанақа алам?

— Одамлар билмайди. Айтсанг, ишонмайди... Биз асли бу ерлик эмасмиз. Дадам ёшлиқда уч-тўрт йил фазокорлар орасида юрган. Сирли ҳарбий учишларда қатнашган. Обрў қозонган! Машҳур одам бўлиб кетиши мумкин эди. Лекин қарғиш текканидан, омад юз ўгиради... Дадам тақдир айланиб, Ширинкўлда оддий аэропланда учаётганидан, қилаётган ишидан норозиланиб, баъзан эзиларди...

— Эзилса, далага-дори сепадими! Ерни нега заҳарлайди?! Нега ўйламайди?! — аччиқландим бехосдан.

— Биласизми, дадам эркин, мағрур киши эди. Ҳаётда бировга бўйин эгмасди. Ҳар кимнинг гапига киравермасди... Лекин унинг учун буйруқ муҳим; у аскар эди! Шундай тарбия олганди. Унга буюрилса, бас, ўтга, сувга ташланарди! Қўлга айланарди...

Мен дадамни оқламайман. Шу билан бирга, айб фақат менинг дадамда эмас. Тушунинг!

Буни тушунишга хоҳишим йўқ эди.

Ҳанифанинг ҳикоясини эшитиб, Бадалбекка нисбатан муносабатим ўзгармаганди. Мен унга Сирож муаллим ҳалок бўлганидан буён нафрат, адоват билан қарайман! Ушандан буён у далаларни, ерни заҳарлар эди, ёвуз эди, деган гап ҳаёлимдан кетмайди. Буни даҳшатини ҳис эта бошлаганимдан, жазавога тушаман. Шундан, ҳозир Ҳанифанинг гапига қулоқ солгим ҳам келмаётган эди.

Дарвоқе, Сирож муаллим...

Мен сўнги кунларда у тўғрида ўйлаганимча, эзилиб, адоийтамом бўлган эдим. Шу боисдан, унга қўйган эътиқодимга ҳам бир оз дарз тушгандек эди... Бироқ учратган одамим уми, бошқами?! — менга ҳозирча қоронғу эди. Бунинг устига, гоҳ соддадил, гоҳ изқуварларга хос жиддий-муғамбирона йусинда бировни таъқиб қилаётган — у эмас, мен эдим! У мендан ҳайиққандек, чеккада нафас ютиб турарди. Унга қандай эътироз билдириш мумкин?! Демак...

Сирож муаллимнинг хотираси азиз, у мен учун олижаноб инсон бўлиб қолаверади!

— Сизга ҳам Сирож муаллим дарс берганмидилар? — деб сўрадим Ҳанифадан.

— Сизга дарс бергандан кейин... мактаб бир бўлса! — эслатди Ҳанифа.

Шу пайт миямга чақмоқдек фикр урилди:

бир ўлимга йўлиққан икки одам! Қабрлари ҳам ёнма-ён!

— Булар олдиндан бир-бирини танирмиди?

— Танимай қаёққа боради! — ажабланди Ҳанифа. — Мен мактабда ўқисам... Шаҳарда кўпчилик бир-бирини билса... Икковлари одамлар орасида бир-бирлари билан тортишиб-талашиб юрган бўлсалар... Қолаверса, Сирож муаллимнинг биринчи хотинлари бизнинг кўчамизда турган...

— Сирож муаллимнинг олдинги хотини ҳам бор эканми?!

— Бор эди. Маҳлиқо опа деган аёл... Биз болаликда уларнинг ҳовлисига кириб ўйнардик. Болаларни яхши кўрарди. Боласи йўқми, ўлганми дейишарди. Биз, бегона болаларга, кирганимизда доим бўғирсоқ пишириб берарди...

Мен Сирож муаллимнинг турмушидан беҳабар эдим. Аммо ҳозир бу мени ортиқча қизиқтирмади ҳам! Дунёда оиласи бузилиб, янги оила қурган одам оз эмас. Бировни айблаш қийин! Мени шу аснода бошқа бир нарса ҳайратга солган эди...

Мабодо Бадалбекка қўшилиб, унга буткул дахлсиз кимдир ҳалокатга учраса, эҳтимолки, буни тасодиф ҳам, табиий ҳам деса бўлаверарди! Бадалбекнинг ёнида Сирож муаллимнинг ҳалокати... худо кечирсин, кел, бир-биримизни билардик, курашиб юрардик, бирга ўлиб ҳам қўяқолайлик, дегандек таассурот уйғотарди! Ҳарҳолда, Ҳанифанинг гапидан энди саросималаниб, мен худди шундай ҳаёлга борган эдим.

Афтидан, Ҳанифа нега бугун у билан учраганимда, отаси

ҳақида суриштириб, Сирож муаллимга бунчалик қизиқаётганимга тушунмаётган эди. Лекин мен унга буни тушунтириб ўтирмадим. Пайти келар! Ҳозир эзмаланиб, нима ҳам дейман?!

Афсуски, шундай бир малак — Ҳанифа, — Бадалбекнинг қизи! Мен ундан кечолмайман, аммо Бадалбекни ҳам кечиролмайман. Менинг энди қисматим шу. Борини кўраверишим керак. Илож қанча! Ҳанифани бундан кейин қийнамайман. Ахир, кўришишдан мурод бу эмасди-ку!

Биз уларнинг кўчаси муюлишида хайрлашдик. Келаси дам олиш куни яна учрашадиган бўлдик...

16

Менга Сирож муаллимнинг хатларида унга тегишли бутун сир-асрор ёзилгану уларни ўқисам, кўз олдим ёришиб, руҳим бир оз енгил тортадигандек туюлар эди!

Бунинг устига, унинг хонадонида бу гал нималар дейилиши мени қизиқтирмақда эди. Мен уйдаги бор сандиқлар оғзи ниҳоят очилишига умидланар эдим!

Шу кайфиятда юриб,

бир куни устахонадан чиққанимча, яна қанд-курс харид қилиб, уларниқига бостириб бордим. Дарвозани тақиллатдим.

Бироқ

бу гал ҳадеганда негадир остонада биров кўринмади.

Кейин...

Мамлакатхон...

— Келинг... Келаверинг! Уялманг! — деди у. Менинг иккиланиб турганимни пайқадими, қўшиб қўйди: — Биз ҳозир...

У шипиллатиб айвонга кўтарилганча, ичкарига кириб кетди. Мен йигитлардан биронтасими, ойисиними қақирса керак, деб айвон этагида қотиб турардим. Аммо қайтиб унинг ўзи чиқди.

— Нега бу ерда турибсиз?! Келавермайсизми?! — деди. Кейин, кулди. — Юракдан ҳам бор экан-ку!

Мен айвонга ўтиб-ўтмай, Мамлакатхон тагин кўздан ғойиб бўлди. У ичкаридан энди бахмалга ўралган аллақандай жилдни қўлтиқлаб чиқди. Мен бу хатлар солинган қути бўлса керак, деб ўйлаётган эдим...

— Ойим ҳозир келадилар. Сиз зерикмасдан сурат кўриб ўтиринг, — деди Мамлакатхон.

Сурат кўра бошлаганимда, қўлида чойнак кўтариб, ёнимда пайдо бўлди.

— Танимаяпсизми? Дадам... ёшлик йиллари, — деди мен тикилаётган суратга имо қилиб. Чойнакни хонтахта устига қўйиб, ёнимга чўккалади. — Келинг, ўзим кўрсатаман! — У менинг олдимдаги жилдни варақлаб, суратларни бирма-бир шарҳлай бошлади. Менга шу қадар яқин ўтирар эдики...

Мен қисиниб, кескин дарвоза томон қарадим.

— Юракдан бор экан! — деди мендан бу сафар ўпкаланиб Мамлакатхон. Сўнг, алланечук титроқ пичирлади: — Кўрқманг. Беркитганман! Ҳали келишмайди... Булар пайшанба кун-

лари овга кетишади. Уйда ҳеч ким йўқ! — Унинг ростми, ёлгон, нимани кўзда тутиб гапирётганига тушуниш қийин; йигитлар балки ов қилишар! Лекин қайнона-келин Сожидахонлар қанақа овга боришлари мумкин?! — тасаввурга сиймас эди!

Мен барибир уялаётганми, қўрқаётгандекми эдим. Аммо Мамлакатхоннинг овозидаги титроқ менинг вужудимга кўчган. У қонимда ёт туйғуларни қўзғатмоқда эди.

Кўп ўтмай, — қайси бир лаҳзада, нега бундай бўлди?! — билмайман, — иккимизнинг қўлларимиз бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди... Мен уни бағримга босиб, ўпа бошладим.

Бехосдан, ўтган келганимда бўлганидек, ичкаридан (бемор ётган бола шекилли?!) инграшми-ихрашгами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган ғалати овозлар эшитилди...

Мен — кўксим музлаб, — Мамлакатхоннинг иссиқ оғушидан бўшандим. Яна уялаётганми, қўрқаётгандекми ҳолатга қайтдим. Кескин ўрнимдан турдим.

Бироқ иккимизнинг орамизда бегоналик йўқолган, қандайдир муносабат пайдо бўлган эди.

Шу боисдандир, эшик олдига борганимда, Мамлакатхон қўлимдан тутиб, олдингига ўхшамаган ажиб бир ҳасрат билан нидо қилди:

— Мендан кулманг. Мени айбсотиб ҳам юрманг... Мен ўзимни тутолмадим. Нега? Узим ҳам билмайман...

Кейин, аниқ кўрсатма берди:

— Келаси пайшанба куни келинг. Кутаман. Хатларни ҳам ўзим ойимдан олиб қўяман...

...Бунинг ҳаммаси

Сирож муаллимга боғлиқ бутун воқеалар сингари алоқ-чалок тушни, ҳаётдан кўпроқ хаёлга ўрин берган телбаликни эслатар эди. Ҳозиргина нималар бўлгани-ю, нималар бўлаётганини менинг тез англашим душвор эди!

Кўчага чиққанимда, нечундир отамдан қолган қайсидир эски китобдаги: «Шайтон тандаги қон каби...» — деган сўзларни эсладим. Узимча: «Энағарни боласи...» — деб ўйладим. Бу — шайтонгами, Сирож муаллим ёки Мамлакатхонгами — кимга тегишли? — билмас эдим.

Шунинг баробарида, Мамлакатхоннинг рангпар лаблари, оппоқ бўйни, катта, ўтли, ёввойи кўзлари энди хаёлимда қотиб қолган эди! Мен умримда ҳали аёл билан бу қадар яқин ўтириб, унинг баданини туймаган, аёл тафтидан куймаган эдим. Мен — бир ёнилғи; гугурт чақса, ўт оладиган бўз йигит эдим! Шунинг учун, рўй бераётган воқеалар — мени домига тортган даҳмаза гирдобида, энди Мамлакатхондан ҳам осонликча қочиб қутулдиганга ўхшамас эдим...

Мен —
 бошдан Мамлакатхон ўт ёқиб, шу йўлга тортгани, ўзимни
 оқлагим келаётганига қарамай, —
 Ҳанифага хиёнат қилган эдим.
 Буни билар эдим!
 Менга ишонган пок бир қизнинг кўзларига тупроқ сепган
 эдим.

Буни кечириб бўлмас эди!
 Ҳанифа билан учрашувга боряпман-у, уни ҳозир кўришга
 майлим йўқ; бўйнига олган мажбуриятни адо этгани кетаётган
 кишидек ҳолатни сезмоқда эдим!

Бу ҳам майли; мен гўёки икки хотинли одамману кимдир
 мени бармоғини бигиз қилиб кўрсатаётгандек, атрофга нотинч
 аланглар эдим!

Ўзимни шу паллада қандай, Ҳанифа билан кўришганда қан-
 дай тутишимни — билмас эдим!

Шаҳар марказидаги боғ эшигида Ҳанифани икки соатча
 кутдим.

Лекин у менинг хиёнатим, бугунги ҳолатимдан хабар топга-
 ну келмасликка қарор қилгандек эди! Келмади.

Кулгили: мен унинг келмаётганига инжиш эмас, суюнаётган-
 дек эдим! Шундай бўлгани яхши, худога шукр, деб ўйлар эдим.

У икки соатдан кейин ҳам келмади!

Мен ўзимни елкасидан тоғ ағдарилгандек сезиб, уйимга
 қараб жўнадим...

Пайшанба куни Мамлакатхон пойлашини билсам-да, унга
 ҳам бормадим.

Сирож муаллимнинг изидан тушганим — бир томон, бу —
 икки; бу — айниқса, хатарли, фалокатли, Ҳанифага хиёнат қи-
 лишдан ташқари, одамгарчиликка тўғри келмайди, деб ўйладим.

Ўзимдан ҳам, Мамлакатхондан ҳам қўрқдим!

Ҳафта бўйи Ҳанифани эсладим. «Сен унга муносиб эмассан!
 Сенга нима керак?!» — деган гап хаёлимдан кетмас эди. Шу
 билан бирга: «У мендан озор чекканми, мени кечирмайдими,
 нега учрашувга келмади?!» — деган минг хил савол мени бур-
 далар эди! Аниқ билишни истар эдим...

Менга ҳамон — Ҳанифани учратсам, — ўзимни қандай тутиб,
 нима дейишим маълум эмасди.

Аммо энди уни кўришни истар эдим!

Кейинги якшанба куни яна шаҳар марказига бордим.

Яна Ҳанифа келмади...

Қабристонга ҳам бордим. Балки, отасини зиёрат қилгани
 келар, деб ўйладим. Бироқ Ҳанифа у ерда ҳам кўринмади...

Навбатдаги ҳафта — пайшанба эмас, атайин бошқа куни —
 Сирож муаллимнинг уйига яна йўл олдим.

Ҳамма уйда эди.

Катта Сожидaxon менга бир даста хат кўрсатди.

Хатларда чиндан имзо билан жой белгисиз, мазмун ҳам

шунга яраша: барчалари саломат бўлсинлар, омад буюрсин! — қабилдаги умумий гаплардан иборат эди. Булар Сирож муаллимнинг ёзувини бир оз эслатганини айтмаганда, аниқ маъно топиб, у ёки бу хулосага келиш мушкул эди! Буларнинг қизиқарли томони фақат ўша: имзо билан жойнинг белгисиз эканлиги эди!

Уйда Мамлакатхонни ҳам учратдим.

Унинг қош-қовоғи солиқ, ўзини туттишдан, у менга: «Юракдан бор экан-ку!» — деб таъна қилаётгандек эди. Мен гўёки йигит эмасману муттаҳамларча қочиб, уни қаттиқ ранжитгандек эдим!

Шу алфозда
яна кунлар
ўта бошлади...

18

Сўнги пайтларда ўз-ўзим билан ўралашиб,
таниш чойхонага бормадим;

Сирож муаллимни йўқламадим.

Бу ҳақда ўйламадим ҳам!

Афтидан, энди қочишга ҳожат йўқ; Сирож муаллимнинг ўзи менинг ҳаётимни тарк эта бошлагандек эди...

Шундай юриб, бир куни тасодифан мактаб биноси ёнидан ўтарканман, эзилиб,— Ханифа ёдимга тушди.

Беихтиёр бинога қараб юрдим.

Эшик олдида директорга дуч келдим. Улуғ Ақобир деган бу киши мактабда ўқиётганлардан битирганларни кўпроқ яхши кўрар, борсанг, қўлтиқлаб олар эди.

У мени ҳам қўлтиқлаб, хонасига судраб кетди.

Мактабдаги янгиликлардан, Улуғ Ақобир, ярим соат чамаси ахборот берди. Ниҳоят, қизиқ бир гап айтди:

— Мактаб номини ўзгартирмоқчи эдик! Нима дейсиз?!

Мен — кўчадаги одам; бунақа нарсаларга ақлим етмаслиги, ишим ҳам бўлмаганидан кифтимни қисдим.

— Уйлаб қаранг,— деди директор. — Турган жойимиз Ширинкўл. Ошхона Ширинкўл. Мактаб Ширинкўл. Ҳаммаёқ Ширинкўл... Кимга керак?! Халқ кулмайдими?! Биз мактабга Сирож муаллим номини бермоқчи эдик...

— Ях... яхши,— дедим ўпкам бирдан оғзимга келиб.

— Албатта, яхши. Устоз умрини мактабга берган. Мактабни бағрига босиб, қаҳрамонларча ўлган! Биз эсламасак, биров эсламайди. Ана, сизлар бу одамдан тарбия олгандек, болалар у кишининг номидан ҳам тарбия олиши мумкин! Лекин тушунишмаяпти...

— Ким?— деб сўрадим секин.

— Катталар,— деди Улуғ Ақобир.— Рухсат тегмаяпти! Кўнишмаяпти... Буларнинг билгани: тўхтанлар, шошманлар! Нега тўхтар эканмиз?! Нега шошмаймиз?! Биз ҳам пақ этиб ўлиб қолсак-чи?!

— Бирор сабаб бор эканми?! — эҳтиёткорлик билан сўрадим директордан.

— Тергов битмаган, дейишяпти. Мумкин эмас, дейишяпти...

Мен мактаб дардида куйиб хуноби ошаётган Улуғ Ақобирга, ҳаммаси яхши бўлади, мазмунида далда бердим. Ортиқча ломим демадим. Бироқ лаҳза ичида шу кунгача рўй берган барча воқеаларни эслаб, «Бунга терговдан бошқа сабаб йўқми-кан?!» — деган содда-шубҳали бир гап хаёлимдан кечди. Яна гангиб-саросималанган эдим!

Мактаб биносидан чиқиб, Сирож муаллимнинг ўлган-ўлмаганлигини янгидан текширмоқчидек, чойхонага қараб кетдим.

Чойхона тўрида Сирож муаллим — негадир ҳадеб бош бармоғининг орқаси билан қошини сийпаганича, — мен олдиндан билган тўрт йигит билан бугун ҳам нималарнидир пичирлашганча, гаплашиб ўтирар эди!

Мен чойхона эшигиданоқ орқага бурилдим. Бирдан...

кун — пайшанба эканлиги, Мамлакатхон уйда бўлиши кераклиги ёдимга тушди.

Бу хонадонда ҳамон менга нималарнидир айтишмаётганини ҳис этар эдим! Мамлакатхонни гапга солиш керакмиди, деган хаёлга бордим... Худодан яширмаган бандадан яширмайди. Мен уни эркалагим ҳам келмоқда эди!

Бордим.

Мамлакатхон мени нохушроқ қаршилади. Аммо айвонга бошлади.

— Нега келмадингиз?! — менга тик қараб, қатъий оҳангда сўради, айвонга чиқиб ўтирганимдан сўнг.

— Тобим бўлмади...

— Қочиб юрибсиз! Елғончи... — У бехосдан юмшаб, олдинги нозанин Мамлакатхонга айланди. Чой келтириб, ёнимга оҳиста чўккалади.

Бизнинг қўлларимиз яна бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди.

Бу қандай бало?! —

худди шу маҳал ичкаридан яна инграшми-ихрашгами, кейин ожизгина кулгангами ўхшаган ғалати овозлар эшитилди.

— Уйда ёш бола борми? — сабрим тугаб, секин сўрадим Мамлакатхондан.

У бошини чайқади.

— Сожидахоннинг болалари ойисиникида туришади. Менинг болам йўқ. Эрим соғ эмас... — У дабдурусдан тутатди. — Мен буларнинг ҳаммасини ёмон кўраман! Дадамни ҳам, ойимни ҳам, эримни ҳам... — Қандай тез бўғилган бўлса, негадир шундай тез шаштидан қайтди. — Мен бола кўргим келади... — У менинг бетимдан ўпди. — Сиздан!

Мени яна уялаётганми, кўрқаётгандекми ҳолат чулғаган эди.

— Дадамни кўрсатайми?! — деди шу палла бехосдан Мамлакатхон менга жиддий.

Мен, бирон олдин кўрмаган суратни айтаётгандир, деб ўй-

ладим. Бироқ у нечундир уй томон нотинч кўз ташлади. Менинг баттар эхсонам чиққан эди! Шунга қарамасдан, бош силкидим.

— Йўқ. Келаси пайшанба... Бўлмаса, қочиб кетасиз! — деди Мамлакатхон.

19

Биз ҳозиргача уч марта кўришган,

буниси — тўртинчи эди.

Тўғрироғи, улар юзма-юз туриб, бир қур ҳам мени кўрмаган, мен ҳам уларга шу пайтгача яқиндан қарамаган эдим.

Илк дафъа уларни мен чойхона қаршисидаги хиёбонда беркиниб туриб кузатган, кейинги икки қатла чойхонада фақат уларнинг сал букилиб турган елкаларини кўрган эдим.

Аммо барибир

устахона эшиги олдидаги майдончада кўзим тушиши билан, дарҳол танидим:

мен буларни Сирож муаллимнинг ёнида учратганман!

Атроф-оламдаги бошқа шаҳарларда қандай?! — билмадим, Ширинкўлда безори кўп. Ўғри, товламачи. Бадмаст каллаке-сарлар... Бу — тўрт йигит илк қарашда ким эканлиги, кўнглида нима борлиги номаълум, афти-ангори шубҳали шундай одамларни эслатишар эди! Шунинг баробарида, ўзларини эркин, кибор туттишлари жиҳатиданми, ниҳоятда сипо кийинишганиданми, уларга ўхшашмас эди. Тўрттала йигит ҳам одатдагидан новча, бақувват. Уларнинг орқалари ва оёқлари, айниқса, гавдаларига нисбатан каттароқ эди. Бир хилда эчкисифат сийрак соқол қўйишган; юзлари малла, кўзлари кўм-кўк. Турқи-тароватлари яхлит ҳолда қандайдир кўкиш алангани ёдга солар эди.

Ажабтовур бу кишилар майдончада, менга эътибор бермай, сўзлашиб туришарди!

Мен ҳам аҳамият бермагандек, уларнинг ёнидан югурганимча ўтиб,

энг қисқа йўлдан, эгри-бугри, тор кўчалар орқали уйимга қараб жўнадим.

Бироқ кўча бошидаги майдончада

улар худди ўша ҳолатда туришар, мендан олдин етиб келишган эди!

Мен яна парво қилмагандек кўйда югуриб, ўзимни ҳовлига урдим. Уйга киргач, эшик-деразани маҳкамладим. Бошимни ўраб, калима ўгирганимча, ётиб олдим...

Бу манзара

кетма-кет икки кун давом этди.

Менинг изқуварлигимга жавобан ниҳоят менга нисбатан ҳам таъқиб бошлангандек эди...

Йўқ. Хайрият!

Икки кундан кейин,

янги танишларим йўлимда қандай қомат тиклашган бўлса, шундай ғойиб бўлишди. Улар мени урмаган-сўкмаган, ҳозирча фақат огоҳлантириб қўйишгандек эди!

Мен бу таъқиб

Сирож муаллимнинг изидан тушишни ҳамон тўхтатмаётганим учунми,

Мамлакатхон учунми?! — билмас эдим. Балки, иккаласи учун ҳамдир... Ахир, улар бир-бирига боғлиқ эмасми?! Қандай бўлмасин, Сирож муаллимга қўл силташ керак; Мамлакатхон борасида ҳам... кейинчалик қорин оғриб юрганидан ҳозир қўлни ювиб қўлтиққа урган маъқул! Мендан ҳеч бўлмаганда энди иродамни жамлаш талаб қилинмоқда эди!

Мен буни тушунардим! Аммо менга Сирож муаллимга тегишли сир-саноат ана-мана очиладигандек туюларди. Мамлакатхоннинг олдида эса иккинчи бора ёлғончи бўлишни истамас эдим!

Келаси пайшанба куни яна уларникига бордим.

20

Бу сафар

Мамлакатхон мени уй бекасига хос дастурхон тузаб, очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Ишдан келяпсизми?! Ҳозир овқат пишади,— деди у. Биз анча дилкашлик қилиб ўтирдик. Бирга овқатландик.

— Сизлар қаерда турасизлар? — деб сўради овқат пайти мендан Мамлакатхон.

Мен ўзим турган жойни айтдим. Бу — шаҳарнинг чекка ҳовлиларидан бири, Рўзибой деган одамнинг уйи!

Мамлакатхон негадир қизиқсинди:

— Уйда одам кўпми?

— Буларнинг иккита ҳовлиси бор,— тушунтирдим унга. — Гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёқда. Лекин Рўзибой ака, асосан, шу ҳовлида. Фақат шанба, якшанба кунлари у ҳам кетади... — Кейин, ўз ҳовли-жойимиз ҳам борлигини, у ерда опам билан акам яшашларини айтдим.

Мамлакатхон ўйланиб қолди. Дастурхонни йиғиштиргач, қайтиб келиб бағримга сингиди.

— Дам олиш кунлари уйда бўласизми?

— Кўпинча уйда... Нима эди?!

Мамлакатхон туйқусдан мени койиди:

— Тинчроқ учрашадиган жой... ўзингиз ўйламангиз! — У бўйнимдан қаттиқ кучди. — Бирон якшанба куни борсамми-кан? Ҳайдамасангиз керак... Бу ерда қийин!

Мен вужудимни бирдек тарк этмай келаётган қарама-қарши ҳолатлар, ҳиссиётлар тўлқинида ҳозир худди еру осмон орасида муаллақ юзаётгандек эдим. Нималар бўлганию нималар бўлаётганини идрок қилишга аввалдан-ҳамон ақлимми, ҳолмадоримми етмаётган эди!

— Дадамни кўрасизми?! — деди Мамлакатхон менга тикилиб.

Бу кун уй ҳар қачонгидан тинч туюлиб, ўзимни осойиштароқ ҳис этганим учундир, унинг бу ҳақдаги ваъдасини унутгандек

эдим. Очиғи, юрагим орқага тортганига қарамай, Мамлакатхон нимани кўзда тутаётганига тушунмаганимдан, бу гапда жиддий-роқ маъно бор, деб ўйламаган ҳам эдим! Назаримда, бу шунчаки бир ўйин эди...

Кўрсак кўрибмиз-да!

— Юринг...

Мамлакатхон мени айвон белидаги қопқадан ичкарига бошлади.

Биз кенг йўлакдан энсиз бир хонага, ундан катта хонага ўтдик. Сўнг аллақандай нимқоронғи даҳлизга кириб, рўпарадаги эшикдан уч-тўрт зина пастдаги ертўлага ўхшаган тор бир жойга тушдик. Бу — тахминан айвон билан йўлак ўртаси эди.

Дераза йўқ. Икки бурчакда чироқ ўрнатилган; улар хирагина милтиллар эди.

Мен ҳали ҳам Мамлакатхоннинг ниятига тушунмаган эдим.

— Дадам... Махлуқ! — кутилмаганда алланечук ижирғаниб пичиради у.

— Нега ундай деяпсиз?! — инжидим Мамлакатхондан.

Шу пайт кўзим тушди... Худойим, ўзинг кечир!

Биров,— белидан арқон ўтказиб, маҳкам боғлаб қўйилган ҳолда,— тўшакка ярим қапишиб, ярим мункайиб ўтирарди. Озиб-тўзиган, кўзлари ичга ботган, аммо уни барибир таниш мумкин... у — Сирож муаллим эди!

Мен умримда кўп саросималанган, қўрққан, бироқ ҳеч қачон бунчалик даҳшат туймаган эдим! Бошимга тўқмоқ тушгандек, ўзимга келолмай, кесакига суяниб турардим. Шундай бўлса-да, ҳозир, биринчи галда ўзимни гўлга олиб, Сирож муаллимга нималардир дегим, у билан гаплашгим келмоқда эди. Мен ундан алланарсаларни сўраб-суриштиришга чоғланган, аммо лаб жуфтлаёлмай қотиб қолган эдим.

Шу аснода беихтиёр пайқадим... У ёш боладек қандайдир эски ўйинчоқни ўйнаб, ўз-ўзи билан овора, инграбми-ихрабми ўтирибди!

— Дадам! — ижирғанди яна Мамлакатхон. — Ҳамманинг миясини заҳарлаб, ўзининг ҳам мияси заҳарланиб қолган... Махлуқ!

Мен хаёлимга келмаган оддий бир нарсани ҳис этиб, мана энди олдингидан баттар даҳшатга тушдим... Сирож муаллим — ҳалок бўлган кишими, чойхонадаги одамми, буми? — ким?! Ким, ахир?!

Менга лаҳза ичида ўзим билан бирга зулмат-зимистон ертўла, унга қўшилиб уй, уйга қўшилиб бутун дунё портлаб кетадигандек бўлиб туюлди.

Мен бошимни чангаллаб,

Мамлакатхон билан хайр-маъзур ҳам қилмай,

ташқарига отилиб чиққанимча,

кўчага қараб югурдим...

Муҳаббат

21

Мени шу куни туйган даҳшат тез орада тарк этадиган эмасди.

Сочимга оқ тушган, лабларимга учуқ тошган эди.

Мен ҳеч нарсага тушунмаётган эдим... Ҳзи нима бўлди?! Ертўладаги одам ким эди?! Сирож муаллимми, бошқами?!

Бошқа бўлса, унинг уйида турадимми?! Унга шунчалик ўхшайдимми?! Мамлакатхон нега у ҳақда: «Дадам. Махлуқ! Мияси заҳарланиб қолган!» — деди?!

Бу ҳам (мабодо) яна бир Сирож муаллим бўлса, улардан ким — Сирож муаллим?!

Чойхонада учратганимда, Сирож муаллим битта эди; у тирилган, холос, деб ўйлаётган эдим. Энди буларнинг иккисидан (учаласидан) қайси бирини Сирож муаллим, деймиз?!

Бошимга тўқмоқ тушгандек, ҳамон ўзимга келолмаётган эдим.

Ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилгандим. Аммо фойдаси йўқ, барибир йўлимда шарпадек жонланиб-ғойиб бўлган, ака-укалардек ўхшаш тўрт йигит ўрнида —

учга бўлиниб қолган Сирож муаллим мени нафас ростлашга қўймай, таъқиб қилаётгандек эди...

Ишга ҳар куни хавф-хавотир ичида бориб-қайтар эдим. Уйда дарвоза тик этса, юрагим шиф этарди.

Айниқса, ҳовлида ёлғиз қолиш — мен учун азоб. Аксига, Рўзибойнинг ошналари у бўлган пайтдан бўлмаган пайтида кўпроқ келишар эди! Нохушланиб турганинг устига, қоровулга ўхшаб, эшикдаги одамга эшилиб гап тушунтиришинг керак! Совуқроқ муомала қилсам, Рўзибой ака кейин ранжиб қолмасин, деб ўйлайсан. Ўз аҳволингга ўзинг ачиниб кетасан!

Ҳаётим шундай давом этаётган эди...

Икки кундан буён осмон қоп-қора,
ёмғир эзиб ёғар эди.

Ҳаммаёқ кўлмак, лой. Уйда ўтириш зерикарли. Аммо кўчага чиққани юрак бетламайди.

(Кузни негадир мақташади. Дунёда куздан бемаъни нарса йўқ...)

Эски бир чопонга ўраниб,
дераза олдида
фаромушланиб турар эдим;
дарвоза бехос тақиллади.

Юрагим яна қинидан чиқди. Бироқ, Рўзибойни сўраб келишгандир, сен мунча титрайсан, деб ўзимни койидим.

Орқадан биров суриб кетаётгандек алфозда дарвозани бо-
риб очдим...

Шу кунлар ўз-ўзимдан ортмай юрганимдан,—

Мамлакатхон ҳам,

у билан охирги марта қандай гаплашганимиз ҳам —

хаёлимдан кўтарилган эди!

Лекин Мамлакатхон бу ваъдани ҳам

унутмаган экан! —

бошида рангин соябон, очилган бир даста гулдек,—

остонада турар эди...

Унинг журъатими, малоҳатими мени шу паллада қайтиб
тирилтиргандек бўлди!

Мен яна ҳаёт — кўклам нафасини туйган эдим...

— Уйдамингиз?! Кутмаганмингиз?! — деб мендан
аразлаётгандек оҳангда сўради Мамлакатхон.

— Уйда... Кутиб ўтирибман,— дедим унга. Назаримда, мен
фақат у ҳақда ўйлаб юргандек эдим.

Биз ҳали уйга киришга улгурмай, даҳлиздаёқ ҳар галгидек
қўлларимиз

бир-бирларимизнинг бўйинларимизга чирмашиб кетди.

Мен ўзим англамаган-билмаган ҳолда, уни қандайдир со-
ғинганимни ҳис этдим.

Биз бирга тамадди қилдик. Анча гаплашиб ўтирдик.

Мен ҳозир Мамлакатхондан ҳеч нарсани сўрамадим. Яна
даҳшатга ботишни, муҳими: қаёқдаги даҳмазани деб бу кун
насиб этган ёрқин бир кайфият шамдек сўниб қолишини иста-
мадим.

Кейин...

у яна менинг бағримга сингиди.

Кейин...

мен олдин туймаган бир ҳолат:

аллақандай ғурурланганми, суюнганми эдим.

Мамлакатхон эса, тўшакда ўтириб, негадир йиғлади.

Йўқ, у бўйнимдан яна, ҳар қачонгидан қаттиқроқ кучди. Мен
ҳам уни яна эркаладим.

Кейин...

у кетди...

22

Кейин...

Биз шундай кўриша бошладик.

Мен айборманми, Мамлакатхонми?! — нима қилганда
ҳам,—

менинг ҳаётим энди қил устида эди!

Мен қисматимда учраган бир даҳмаза етмагандек,

кутилмаган бошқа даҳмазага

юз тутган эдим...

Менинг ҳаётимда

шу кундан бошлаб қизиқ ўзгариш рўй берган,

у — олдингига ўхшамас эди!

Мен дунёни унутган эдим.

Ишда ҳам, кўчада ҳам, уйда ҳам
фақат Мамлакатхон ҳақида ўйлар,
уни интиқ кутар эдим.

Мамлакатхон ҳафтада бир келиб турарди.

У энди ўзи овқат қилар, уст-бошимни ювиб, дазмол босар эди. Янги келинчақлардек, супуриб-сидириб, уйни ораста тутар, хатти-ҳаракатидан уч-тўрт соатда кетадиган эмас, шу ерда гўёки қоладиган эди. Мен умримда аёл қўли — аёл эътиборини сезмаган эдим! Она меҳрига тўймадим; опам, янгамнинг менга иши йўқ. Шу боисдан, ҳозир бағрим тўлгандек эди...

Мен бу муносабатни аввалида енгилтаклик, шўхлик деб ўйлаган, қочиш-бепарво бўлишга уринган эдим!

Аммо аслида,

ўз-ўзимни алдаган,

Мамлакатхон билан биринчи кўришгандаёқ эс-ҳушимни йўқотиб қўйган эдим.

Бора-бора унга ўрганиб, мана энди

уни беихтиёр севиб ҳам қолган эдим!

Мен ҳамон Ҳанифанинг олдида хиёнат қилганми, гуноҳкордекми ҳолатни ҳис этардим. Мабодо Ҳанифа мендан кетмаган — узоқлашмаганида, бутун иш бошқача кўчиши, мен бу савдога балки йўлиқмаслигим ҳам мумкин эди! Лекин энди инон-ихтиёр менда эмас, орқага чекиниб бўлмасди! Мамлакатхон менинг жони-жаҳонимга айланган, менга усиз ҳаёт йўқдек эди. Мен унга топина бошлаган эдим...

Шунинг баробарида, бу муносабат ҳозир

мени баттар қалқитган; оромимни бузган;

атрофимда кўпдан буён рўй бераётган воқеалар, сир-синоатлар эмас, ақалли, ўз ҳаётимда нималар бўлганию нималар бўлаётганини

ниҳоят — тез

англаб етгим ҳам келмоқда эди!

Менинг ҳаётим суюнч-ҳаяжонга хавф-хавотир қоришган, ҳар қачонгидан кўпроқ

изтиробга ўралган бир ҳолатда

ўтмоқда эди!

Юрагим хижил; хаёлимда, ишинг охири вой бўлади, деган таҳдид...

Тунлар уйқум қочиб, кўз ўнгимда: бир гал мени огоҳлантирган тўрт йигит, негадир турфа намойиш касб этган Сирож муаллим, Мамлакатхоннинг яқинлари...

Қўни-қўшнилари сезиб-айтишганми, гарчи менга ҳали индамаган бўлса-да, Рўзибойнинг сўнгги пайтда ўзгара бошлаган авзойи...

Дунёда сазойи деган нарса — жазо: қадимдан юзига қора суркаб, арава ёки эшакка тескари ўтқазилган, кўчада ҳамма тош отган — кимсалар...

Буларнинг устига,

уйдаги отамдан қолган эски китоблар... Уқишим қийин. Қўл-

га олишга қўрқаман! Рубоб чертиш ҳам йўқ. Энди жинлар-алвастилар эмас, диққат-эътибори тортилган одамлар... Улар бостириб киришлари мумкин...

Мен шу кўйда юриб, ахийри қатъий қарорга келдим.

— Менга тегинг... Рост! — дедим Мамлакатхонга. Унга шундай талаб қўя бошладим.

Бироқ Мамлакатхоннинг мақсадини ҳам, кўнглини ҳам билб бўлмасди. У менинг гапимни баъзан эшитмаганга олар, баъзан кулар эди:

— Сизга нима етишмаябди?! Мен сизники...

Мамлакатхон, масалан, бир нарсани нега айтди?! Тўғри айт-ябдими, тўқиябдими?! — ҳеч қачон тушуниб-ажратолмасдинг! Уни гапга солишга уриниш ҳам фойдасиз эди. Аёл табиатининг бутун об-ҳавоси унда мужассам эди!

Лекин мен ҳеч нарсани унутмаганимдан, уни барибир гоҳи-да сўроққа тутардим:

— Уйларингда пайшанба кунлари ҳали ҳам овга боришадими?

— Ҳа. Улар бориб туришади,— дерди Мамлакатхон.

— Қанақа ов?

— Овни билмайсизми?! Ов-да!

Мен энди гапни Сирож муаллимга бурардим:

— Мактабда ҳалок бўлган ким? Сизнинг дадангизми?!

— Дадам-да!

— У киши дадангиз бўлса, ертўладаги одам-чи?

Мамлакатхон доим бир хилда жавоб қайтарарди.

— Дадам! — дерди у. — Ҳамманинг миясини заҳарлаб, ўзининг ҳам мияси заҳарланиб қолган... Махлуқ!

Мен Мамлакатхонни қанчалик тергамай, бундан бошқа жавоб ололмас, унинг гаплари маъзини чақолмас эдим.

23.

Унга одамлар пайқаб, дашном беришлари мумкинлиги ҳам, шарманда бўлиш ҳам барибир; афтидан, менинг ҳаётим (ўзининг ҳам ҳаёти) қил устида эканлигини ҳаёлига келтирмас эди!

Уйланиш ҳақидаги гапимга у ҳамон лоқайд-бепарво қарар, шу билан бирга, дам олиш кунлари келиб турарди... Бу муносабат қачонгача давом этиб, нима билан тугайди?! — айтиш қийин эди.

Аммо бир куни намозгар пайти эди;

кутилмаганда менга имзосиз хат келди.

(Менинг бирон шаҳарда танишим йўқ. Ширинкўл эса кафтдек жой; бу ерда одамлар бир-бирларига хат орқали муомала қилишмайди! Умуман, менга ёзишмайди... Мактабнинг юқори синф ўқувчилари: йигитлар қизларга, қизлар йигитларга баъзан хат топширишади, деб эшитган эдим. Вақтида бу қисмат ҳам менга буюрмаган... Шу боисдан, хат мени эсанкиратиб қўйди. «Сирож муаллимдан эмасмикан?!» — деган ҳаёлга ҳам бордим.)

Уйга апил-тапил кириб, чироқни ёққанимча,

хатни шошиб очдим.

«Бошқа кўришолмаймиз!
Мендан хафа бўлманг. Мени
айбситиб ҳам юрманг. Хўпми?!
Мен сизни ҳурмат қиламан.
Сиз ҳам балки яхши кўрарсиз.
Лекин илож йўқ...
Дунё шу экан!

М.»

Бизнинг муносабатимиз —
мен бошдан кечираётган бир даҳмаза тугаган эди!
Бироқ хатни ўқиб, олдингидан баттар эзилиб-эсанкираб
қолдим.

Мамлакатхон ҳазиллашгандир, мени синаш учун ёзган-
дир, деб ўйладим. Ундан айрилганимга ишонгим келмасди;
ҳозироқ, дарҳол кўришишни истардим. Аламдан кўзларим
ёшланган эди...

Менга ақли, эс-ҳуш бу савдони кўй, тўхтат, деб уқтирар-
ди. Аммо уни йўқотгач, аксинча, ўтга сув сепилган эди! Мен
бундай бўлишини кутмаган эдим.

Хат олган шу пайтдан бошлаб менинг ҳаётим янги бир
намоишга кирди.

Энди дам олиш кунлари уйда ҳамон Мамлакатхонни пой-
лар, қолган кунлар уни излагандек, бир кўришга зор бўлиб,
кўчаларда гоҳ ярим тун, гоҳ оппоқ саҳаргача тентирар
эдим!

(«Айта олмонки, фироқингдин не янглиғ зормен!»)

Мен уни бунчалик севаман, деб ўйламаган эдим!

Бу — аҳмоқлик, бу телбалик эди! Лекин тақдирга тан бе-
ришга қурби-қудратим етмас эди!

Мен Мамлакатхонни нега севдим, мени нималар унга бу
қадар чирмаб боғлади?! — ўйлаганим билан тушунмас эдим...

Баъзан пайшанба кунлари кўча айланиб, беихтиёр Сирож
муаллимнинг остонасига бориб қолар эдим. Бироқ яқинларига
қўшилиб, Мамлакатхон ҳам «ов»га кетганими, чиндан кўришишни
истамайдимми?! — менга энди дарвоза очилмас эди... Пайшанба-
дан бўлак кунлари боргани: парда йиртилиб, ўзимни ҳам, Мам-
лакатхонни ҳам ноқулай аҳволга солиш, шарманда қилишдан
қўрқар эдим!

Сирасини айтганда, Мамлакатхон билан кўришиб, яна аввал-
гидек муносабатни давом эттиришда ҳам маъно йўқ эди! Аммо
мен уни ҳеч бўлмаса яна бир кўргим, бир оғиз сўзлашгим
келар эди!

Менга, ўрганган кулбам — уйим торлик қилганидан, айрим
кунлари опам, акамникига ҳам борар эдим. Улар бир ҳовлини
қинғир-қийшиқ девор тортиб, иккига бўлиб олишган, икки то-
мондан иккита дарвоза очишган эди. Бу — ҳозир отажон, она-
жоним яшаган ҳовли эмас; бўлиниш баробарида, у қандайдир
ўз қиёфасини йўқотган эди. Мен гоҳ опам, гоҳ акам хонадониди
бир оз туришни чамалар, лекин юрагим тўлиши ўрнига қандай-

дир қисиниб кетганимдан, яна ғариб ижара кулбамга қайтар эдим.

Гоҳида ўзимни қўйишга жой тополмай,
қабристонга борар эдим.

Ҳозир менинг Сирож муаллим ёки Бадалбекнинг қабри билан ишим йўқ,

(умуман, Сирож муаллим ўлганми ёки тирилганми, у чойхонадами ёки ертўладами?! — менга энди барибир!)

Ҳанифани учратиш ҳам
мени қизиқтирмас эди!

Отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, икки ёшида нобуд бўлган кичкинтой сингилчам ором олаётган хилхонага кирар, буларга йиллар бўйи кам меҳр кўрсатганим учун узр сўрар эдим.

Кейин, йиғлаб: «Менга қайтиб Мамлакатхоннинг васлига етиш ёки юрагимни куйдириб ётган бу муҳаббат балосидан қутулишга кўмак беринг!» — деб ялиниб-ёлворар эдим...

24

Қабристонда кўпинча болаликда эшитган бундай ривоятлар негадир ёдимга тушар эди...

Бир шоҳ тиланчининг қизини севиб қолган экан. У қизга, сенга уйланаман, сен малика бўласан, фақат шарт: тиланчиликни ташла, бу касбни унут, бундан сўнг хаёлингга ҳам келтирма, дебди. Тиланчининг қизи рози бўлибди. Улар тўй-тамошо қилишиб, бирга яшай бошлашибди. Шоҳ маликани ардоқлаб, зарзеварга кўмиб ташлаган экан... Лекин орадан йиллар ўтиб, маликанинг ўзига тегишли хилват бир хонада баъзан беркиниши шохнинг диққатини жалб этибди. У маликани кузата бошлабди... Малика аввалдан ўрганган касбини унутолмаганидан, эшикларни ичкаридан ёпиб, хонадаги қатор токчаларга эринмай бир бўлакдан нон қўйиб чиқар, кейин тиланиб, токчалардан нонни қайтиб териб олар экан...

(Яна шундай ривоят:)

Қачондир қадим замонда Ғурбат деган мамлакат — буюк бир водий бўлган экан. Бу водий ғаройиб; жаннатдек ҳаммаёқ яшнаб ётар экан. Айниқса, ариқлар, дарёларда шарбат сувлар шарқираб оқар экан. Одамлар бахтли, бедард; эҳтимол, шу боисдандир, бир оз низога ўч, ноаҳил экан. Йўқ, пайти келиб, улар бахтдан, бедардликдан қандайдир норозилик сезишибди. Уларга ажиб бир дард юқиб, гўёки бахтсизликда осойишталик бордек туюла бошлабди... Бироқ шу кундан ўрганган ҳаёт ўзгариб, ўз осойишталигини улар баттар йўқота бошлашибди. Бунинг устига, бутун водий улар билан бирга ўзгариб, поёнсиз саҳрога айлана бошлабди... Қум ҳам эмас, ерни куюнди-кулга ўхшаганми, чириб-увадаланганми тупроқ қошлабди. Энди кентлар-туманлардаги кўчалар ўртаси, ҳовлилар атрофи, қишлоқлардаги экин майдонлари, ялангликлар — ҳаммаёқ хандақ син-

гари қазиб чиқилган, юрган йўлда, оёқ остида катта-кичик қудуқлар кўзга ташланар экан... Бу ерга биров адашиб келиб қолса, уйлар, кўча муюлишларидан гув этиб, қора кийган одамлар югуриб-ёприлиб, рўпарада пайдо бўлишар, улар барчалари қўлларини осмонгами, келган киши томонгами чўзиб, илтижо қилишар экан:

— Юрагим куяябди. Сув... Сув... Сув...

25

Мен ўзимни бир карра ўтга, сувга урганимдан кейин,
бора-бора

ҳаётдан кўнглим совий бошлади.

Ичим бўм-бўш. Қамишга ўхшар эдим.

Уйми, устахонами фақат баъзан бир кўмсаш, юракнинг алла-бурчида бир оғриқ сезиб, беҳос кўчага югуриб чиқиб кетар эдим.

Ишимда унум йўқ эди. На иштиёқ, на ҳавас. Устахонада ҳамма: «Тўғри ишла, бўлмаса...» — деб жеркишар, силташар эди. Лекин тушуниб туриб, ўзимни эплаёлмас эдим... Акам, опамми, янгам: «Сенга нима бўлди?!» — дейишганча, ажабланишар эди. Мен бирор важ-карсон кўрсатишга ҳам ҳолим келмас эди.

Худонинг берган кўни ичар эдим. Ружу қўйиб, ишқим тушган! Оқшомлар устахонадан кўчага чиқишим билан томоғим аллақачон тақиллаётганини сезар, ҳаяжонланиб-шошиб, қалтирай бошлар эдим. Ошхонами, дўкон олдига бориб, томоқни ҳўлламагунча тинчимасдим. Уйда ҳам аҳвол шу. Албатта, ўша сабилдан уч-тўрт шиша тайёр турар эди.

Ҳоҳида ичгач, аламинг янгилашиб, олдин овозсиз, сўнг секин овоз чиқарганимча, йиғлашга тушар эдим. Йиғи мени сал ҳушёр торттирарди. Шиддатланиб кетиб, Мамлакатхонга ўзимча хатларми, узук-юлуқ бир нарсалар ёзар эдим.

*«Одамни ўлдириб қўйдингиз, малак!
Уйингизга энди боролмайман. Мактабингиз ойналаридан
бир-икки мўраладим. Бу ҳам қийин экан.
Кўчаларда излаб-кутсам, учиб юрибсизми, тутолмаяпман...»*

«Қаердасиз? Бормисиз?!

*Қаерда бўлсангиз ҳам, бор бўлинг! Менга шу бас.
Дунёда биттагина — М... Уф...»*

*«Мудраган юракни уйғотиб, олдингидан қаттиқроқ ухлатиш
мумкин, деб ўйладингизми?*

Мен аввалдан сизга тушунмадим. Сўнгигача...»

«Сизни яна бир кўрсам...

Сочларингизга кўмилиб,

Кўзларингиз қаърида ўлгим келади...»

«Жонланиб қай бир куни сен
Бу кўнгил саҳросида —
Фарқ этиб кетдинг мени сен
Кўзларинг дарёсида...»

«Менинг қисматим ўзи чигал эди!
Сиз билан баттар чигаллашди...
Эндиги ҳолатнинг исми нима?!»

«Сиз бир куни, атрофимдагиларнинг ҳаммасини ёмон кўра-
ман, деган эдингиз.

Мен ҳам ўша рўйхатга кириб қолмадимми?!
Нега бундай бўлди?! Нега бирдан келмай қўйдингиз?! Бахт-
ли бўлиш мумкин эди-ку...»

«Менга аввалдан учраган сир-синоатлар сизнинг даракчин-
гиз эдими ёки сиз янги бир келадиган сир-синоатларга
даракчимисиз?!

Сиз ўзингиз сир-синоат! Биламан...»

«Сени кўрар кун борми,
санам?!

У — ўнғимиди ё туш?
Наҳот, мангу айрилдим сендан —
Хаёлимда учиб юрган
қуш?!»

«Сиз ҳам мени баъзан эслайсизми?!
Қутилмаганда қайтиб келишингизни билсам, яшар эдим...»

Мен ёзганларимни йиртиб ташлар, аммо кейин, яна ёзаве-
рар эдим.

Бу — юрагим зардобга тўлганида, мени оз-моз овутадиған-
ми, ҳаётимга маъно бахш этадиганми — бир машғулот эди!

Менга, — кўришиб юрганимизда, — Мамлакатхонни яхши
кўрганимдан ҳам, у мени кўпроқ яхши кўрадигандек бўлиб
туюлар эди. Шу боисдан, ҳозир унинг мени буткул унутганига
ажабланар эдим. Биз ҳали бир куни барибир яна учрашамиз,
деб ишонар эдим!

Баъзида Мамлакатхон тўғрисида ўйлаб,
беихтиёр

Сирож муаллим, Бадалбек, Ҳанифа ёдимга тушар,
бутун рўй берган воқеаларни эслаганимча, жоним баттар
дўзах ўтида қоврилаётгандек бўларди.

«Падарига лаънат! — дердим асабим қақшаб. — Энди бу
сардафтарни ёпиш керак! Нимаики бўлса, ўтди-кетди. Қайтмай-
ди! Ҳаммаси энди унут... унут!»

Аммо мен неча марта шахдланиб, рўй берган воқеалардан
қочиб қутулолмаганим сингари, —
ичишга ружу қўйганимнинг ҳам фойдаси йўқ; —

хеч нарсани унутиш мумкин эмас эди!

Уйин тугамаган,

менинг иродамдан ташқари бир ҳолда, —

томоша иштирокчилари хос хонада ўзларига оро бериш-

моқда; томошанинг давоми эса

Буюк Муаллиф томонидан

ёзиб қўйилган эди...

Мен шу кунлар доим кеч ётиб, тошдек қотиб ухлаганимдан,
сахарлаб турмас эдим.

Турганимдан сўнг, юзимни апил-тапил ювиб, устахонага қа-
раб югурардим. Ишда кун тезроқ кеч бўлишидан бошқа нар-
сани ўйламас эдим!

Кунлар шу алфозда ўтиб,

бир сахар

инганибми-азобланибми ўйғондим.

Кўксимга тоғдек юк босилган, менга ҳаво етишмаётган-
дек эди!

Кифтимга чопонимни ташлаганча,

остонага чиқиб ўтирдим.

Тонг оқариб келар, осмон тиниқ, том устида ой девордаги
гиламга осиглиқ чилдирмани эслатар эди.

Осмонга тикилганча,

туш кўрдимми ёки бу кечаги кўрган ҳаёт таассуротими?! —
эслашга урина бошладим.

Мен учун шу кунлар туш, хаёл, ҳаёт қоришиб кетган,
қай бири нима эканлигини

фарқлаб-ажратишим қийин эди.

Сўнгги пайтлар, умуман, ажратолмай ҳам қолган эдим!

Қандай бўлмасин, кечкурун устахонадан чиқиб, ҳар қачонги-
дек бўкиб ичганим ёдимда. Уйга келгач, ечинмай ётганим ҳам
аниқ эди. Аммо уйга етиб келганимча шундай ҳолат рўй берди-
ми ёки кейин туш кўрдимми?! — ўйлаганим билан эслай олмас
эдим.

Қисқаси, дўкон олдида турганимча ичиб, негадир боққа
борган эдим.

Ҳамма ерда бўлганидек, одатда ёш-яланг маврид-бемаврид
айланишадиган бу хилват гўшани («маданий ҳордиқ» дегандек!)
бир-бирига ёпишмаган икки сўз билан «Маданият ва истироҳат
боғи» деб аташар эди. Боғда дарахтлар сонига баравар ҳар хил
ҳайкаллар, шакллар, олачалпоқ суратлари ўқлоқдек ажи-бужа
ёзувлар кўзга ташланарди.

Менинг кайфим тарақ. Бошим айланар, кўнглим беҳузур
эди (афтидан, шунинг учун боққа кирган бўлсам керак!?) Гоҳ
дарахтлар, гоҳ ҳайкаллар теграсида тинимсиз чарх урмоқда
эдим.

Ниҳоят, оёқда туролмаганимдан, тор бир йўлкада серрайиб
қолдим.

Шу пайт

ердан чиқдимми, осмондан тушдимми?! —
рўпарамда

Ҳанифа (балки, Мамлакатхондир?! У — Ҳанифа, шу билан бирга, Мамлакатхон; иккиси қоришиб кетган эди!) пайдо бўлди.

Ўша (Ҳанифа — Мамлакатхон) мени койиб, қўлтиқлаганча, уйим томон судради. Кўча муюлишигача бошлаб келди. Кейин, сизни якшанба куни (балки, пайшанбадир?!) албатта, кутаман, деди. Менга яна алламбалоларни тушунтирди. (Мен билан шу паллада аҳд-паймон туздимми?! — билиш қийин эди.)

Саҳари мардонда жунжикиб, кулбам остонасида ўтирганимча, шулар ёдимга тушди.

Бироқ қанчалик тиришиб, фикримни жамлашга уринмай, кўрганам тушми, ўнг, Мамлакатхонми, Ҳанифа! — барибир аниқлай олмадим. Тўғриси, ҳозир буни аниқлашим шарт ҳам эмасди.

Шунинг баробарида, — қизиқ жойи! —

эркин юрган кунлари тугаган кишидек, мени қандайдир ғусса чулғаган эди.

Мен энди ўз-ўзим билан овора, тинч ҳаёт кечиролмаслигимни ҳис этмоқда эдим...

27

У қўлида узун халта, — йўл четида турарди.

Арақ сотиладиган дўкон олдига қизлар, аёллар кам келишадди. Узларига эп кўришмайди! Лекин у, афтидан, мени кечқурун шу ерда тутиш мумкинлигини билиб, бостириб келаверган эди.

Унга кўзим тушгани заҳоти, бундан бир неча кун бурун тушмас, ўнгимда, Мамлакатхон-иккиси эмас, уни кўрганлигимни пайқадим. Ешлик йилларидан танишлигимизни айтмаганда, кейинги тасодиф учрашувларда қандай кучли таассурот қолдирган эканманки, у мендан бадар кетмаган эди! «Бу нега менинг юрагимни бурдалайди?! Нега бундай қайсарлик қилади; мени ўз ҳолимга қўймайди?!» — деб ўйладим. Бунинг бари майли... Назаримда, унутилган бутун бошоғриқ савдо яна янгидан бошланмоқда эди! (Менга ёпишган даҳмаза қачон тугайди, худойим?! Наҳотки, бир умрлик азоб?!)

Аммо ҳозир Ҳанифадан қочишнинг иложи йўқ; муҳим бир гапи бордек мени излаган, мени кутмоқда эди!

Биз боққа кириб, узун йўлқаларда айлана бошладик.

Қор учқунламоқда. Кун совуқ.

Ҳанифа менга бебурдлигим учун таъна-надомат қилиши, ёки масалан, мендан ўпқаланиши керак; бунга у ҳақли! Унинг бундан бўлак нима ҳам гапи бўларди?! Бироқ, иш бошқача кўчди.

— Агар кечира олсангиз, мени кечиринг. Айб менда! — деди Ҳанифа дабдурустан. Сўнг, изтироб чекаётган бир йўсинда кўнглидаги дардини ёра бошлади. — Сиз мени кутгансиз, албатта. Излагансиз... Мен сизни алдаганим йўқ, Вали ака. Ишонинг... Ўша кунлари онам бир ўлиб тирилдилар. Уйдан чиқолмадим. Ишга ҳам бормадим. Мен қарамасам, ким қарайди?! Онам бир оз соғайгач, сизни қидирдим. Ҳеч тополмадим. Шу боғ гувоҳ, минг марта келиб кетдим... Сиз мени кечирмайсиз...

Қийин. Тушуниб турибман. Ранжимаيمان... Фақат, илтимос. Бундай юрманг! Мен сизни бу ҳолда кўришга чидаёлмайман...

Мана, сенга томоша! Ҳанифа мени пичоқсиз сўйган эди. Бир куни бундоқ бўлишини ким билибди дейсиз.

Ҳанифа мендан инжишни хаёлига келтирмаган. Аксинча, у мени ўзи учун шундай кўйга тушган, деб ўйламоқда; бунга ўзини ишонтирган эди! Мен бундан — олдинроқ воқиф бўлсам экан... Ҳозир-чи?!

Мен яна Ҳанифанинг олдида хиёнат қилганми, гуноҳкордекми ҳолатни ҳис этиб, ўз-ўзимдан нафратланиб кетган эдим! Йўқ, бу унчалик тўғри эмас. Менинг ҳолатим ниҳоятда чигал эди...

Ҳанифа билан ёнма-ён одимлаб, унинг овозини эшитяпман-у, кўз ўнгимда — Мамлакатхон; мен Мамлакатхонни унга алмаштиришим мушкул эди. Қанчалик дунёни унутган бўлмайин, ўша дилкаш-дилозор ҳамон юрагимда яшамоқда! Мен Ҳанифага шунчаки ачиниб, нима қилишим, нима дейишимни билмаганимдан, бошим қотган.

Лекин фақат бу эмас... Мен ёнимда ҳорғин, маҳзун судралган Ҳанифанинг гапига саросималаниб жавоб излар, шунинг баробарида, негадир асабийлашиб, ундан қандай қочиб қутулишни ҳам ўйлар эдим. Мен аввалданоқ унга инон-ихтиёрсиз эргашиб, боққа келган эдим! Шу аснода ҳаммадан кўпроқ бизнинг муносабатимизга дахли йўқ бир гап хаёлимдан кечмоқда эди... Уйда ичадиган нарса қолмаган! Дўкон ёпилмасдан, изимга қайтиб улгуришим керак! Бўлмаса, қоровул нақ шилади... Мени бора-бора шу ўй буткул банд этган эди!

Ниҳоят, Ҳанифани алдаб-тинчитаётгандек бўлдим.

— Яхши, — дедим унга. — Мен сизни кечирдим! Ўзим ҳам, албатта, энди бундай юрмайман! Тўхтатамиз. Қайтарилмайди. Менинг иродам кучли... Умуман, бутун иш жойида!

— Мени алдаяпсиз, — деди Ҳанифа бу гал қатъий оҳангда, ammo ажиб бир озор билан.

— Хўп, сизга ҳақиқат керакми?! — дедим туйқусдан жоним ҳалқумимга келиб. — Борини айтаверайми?!

— Айтинг.

— Мен бир пайтлар Сирож муаллимга қаттиқ ишонардим. Уни устоз деб билардим. Кейинчалик муносабатим ўзгарди. Олдинги меҳр, эътиқод йўқола бошлади. Улди. Лекин у мен учун барибир Сирож муаллим бўлиб қолаверади...

— Бунинг нимаси менга тегишли?!

— Сирож муаллим ҳалок бўлганидан кейин, дадангиз тўғрисида кўп ўйладим. У аввалдан, дори сепаиб, ёвузлик қилганига тушундим. Унга энди қандайдир адоват билан қарай бошладим. Уша адоват менинг мана бу еримда тошдек қотиб турибди. Юлиб ташлаёлмайман. Гап шу... Кўнглингизга олманг.

— Кўнглимга олмайман... Мен дадамни ҳеч қачон фаришта деб ўйламаганман. Лекин бу ишлар учун у айбдор эмас. Тушунинг! Дунёда шундай гуноҳлар борки...

— Майли, буни ҳам қўяқолайлик, — дедим эзилиб. — Бахт одамга боғлиқ, саодат инсоннинг ўз ҳунари... булар барчаси

бўлмаган нарса! Албатта, инсон умид билан яшайди. Интилади. Лекин бу мураккаб савдо. Инсон учун ёруғ кун доим ё насиб... Айниқса, бизнинг изимиздан бахтсизлик судралиб юрибди! Ўзингиз менга айтгансиз...

— Мен ҳам қўрқаман. Лекин сизга ишонаман... Тушунинг!

— Энг даҳшатлиси, — дедим сўзимни давом эттириб, — биз ҳаётда бирон имтиҳонга дуч келмагунча телба-тесқари гапираверамиз. Ўз-ўзимизни алдаймиз! Менинг пок юришларим, мард, фидойи бўлишга уринишларим ҳаммаси ҳавойи... Мен ҳаётни билмаганман, холос! Мен сизга муносиб эмасман...

Ҳозир шундай алжираш шартмиди?! Ҳанифа билан орани очиқ қилиб, тезроқ хайрлашиш учун сайраган бўлсам керак-да?!

Қор энди бўралар эди. Борлиқ сукутга чўмган.

Сочлари, киприкларига қор иниб, елкаларини қор босган Ҳанифа ҳам жим; ғамми, ғуссага ботган эди! Бечора Ҳанифа... Бироқ мен бу тўғрида ўйлагим келмасди.

— Истасангиз, дам олиш куни кўришиш мумкин. Шошяпман. Кетишим керак...

Шуни айтиб, ўзимча гапни ортиқча чувалаштирмай, Ҳанифани боғда қолдирганимча, дўконга қараб югурдим.

Аммо ҳовлиққаним билан, дўкон ёпилган эди. Ноилож қоролдан арақ олиб, уйга жўнадим.

Уйда одатдагидек ичиб, дунёни унутишга чоғландим. Бўлмади... Бечора Ҳанифа! У хаёлимда гўёки боғда турганича, дам сайин қорга кўмилмоқда эди.

Инсонда уят ҳисси бор... Мен Ҳанифага нисбатан яна нотантилик, аёвсизлик қилган эдим!

28

Икки кун сурункасига ёққан қор борлиқни оппоқ чодирига буркаган; энди офтоб нурлари остида атроф-олам ойнадек ярқирайди.

Куз тугаб, қиш бошланмоқда.

Уша, боғда қолганича, Ҳанифа (қўлида узун халта, эгнида енгил ёмғирпўш) ҳеч қаёққа жилмаган — кетмагандек эди! Менга негадир шундай туюларди.

Бизнинг орамизда гап тугаган; аслида, қайтиб учрашмаслигимиз керак эди! Мен «дам олиш куни»ни баҳона учун айтган эдим. Бу боққа келмоқчи эмасдим! Ҳанифа ҳам менинг ланж муносабатимни кўриб, юз буриб кетгани тўғри эди!

Лекин... У менга астойдил боғланган эканми, боғда кутмоқда эди. Мен-чи?! Нега аҳдимни бузиб, у билан яна учрашувга келиб турибман?!

Ҳанифани аввалдан ёқтирганим, кейин тасодиф кўришиб, мафтун бўлганим, ўшанда уни йўқотиб қўйишдан қўрқиб юрганним — барчаси эсимда. У бир кунлар менинг ҳаётимни ёритган эди! Аммо мен ҳеч нарсани унутмаганимдан, боққа келганим йўқ... Ҳанифа бутун инжишларимга парво қилмаётгани ҳам менга қадрли эмас. Уни боғда қолдириб кетгач, эзилганим, унга

кўнглим ачиётгани, ўз-ўзимдан туйган норозилик — буларни ҳам (шу палла) қайтиб учрашганимизга сабаб деёлмайман!

Мени оддий бир соғинчми, кимнидир эркалаш, ким биландир ҳамдамлик истаги қийнамоқда эди... Дунё бўм-бўш, мен фақат Ҳанифага суюниб, ундан мадад олганча, ҳаётимдаги изтироблар, айрилиқ азоби, ёлғизликни тарк этишим мумкин; бўлмаса, бундан сўнг алвидо! — яшашнинг ўзи мушкул-муаммо эди! Шундай ҳолга келиб қолган эдим... Бу йўлда, ниҳоят, яна бало-қазоларга йўлиқишга ҳам рози эдим!

Қисматми экан?! — хуллас,

гўёки ҳеч қандай узилиш рўй бермагандек, шундан кейин,

Ҳанифа билан гоҳ дам олиш кунлари, гоҳ ҳафта ўртасида-оқшомлар кўриша бошладик. Кўнглимиздаги ғубор кўтарилди. Мен Мамлакатхон дардида ҳадеб куявермайдиган бўлдим...

Бироқ ҳамонки,

Мамлакатхон менинг ёдимда — менинг ёнимда эди!

Мен илк бора Ҳанифанинг қўлини тутганимда ҳам, уни бағримга босганимда ҳам, бу — Ҳанифа эмас, Мамлакатхон эди...

Шунинг баробарида, на юксак ҳиссиёт, на уйғун руҳ бор! Бир томондан, Ҳанифани дўст тутиб, иккинчи томондан, унинг олдида хатти-ҳаракатим суюлишга ўхшар эди... мен аввалги пок, уятчан йигит эмасдим. Димоғимга аёл ҳиди кирган эди... Менинг муомиламдан Ҳанифа баъзан титраб кетар, баъзан кўзларига ёш тўларди. Мен беҳаёлик, қандайдир ҳайвонлик қилаётганимни ҳис этардим! Лекин ўзимни бошқача тугулмас эдим...

Муҳаббат йўқ, аммо кўча-кўйда бундай судралиб юриш ҳам бемаънилик эди.

Қайсидир шоир: «Хоҳ яхшими, хоҳ ёмон, менга бир хотин лозим!» — деган экан. Ахийри, Ҳанифага уйланиб қўяқолишга қарор қилдим.

Опам билан янгамни совчиликка юбордим.

Менинг «ақлга кирганим»дан суюнишиб, опам билан янгам, кўтаринки кайфиятда кўчага йўналишди. Бироқ Ҳанифаларнинг уйдан тарвузлари қўлтигидан тушгандек бўлиб қайтишди.

— Ўзи ёмон қиз эмас экан. Тузук... — деди опам ўз уйида, янгам билан менинг қаршимда ўтиришганича, арқонни узун ташлаб. — Сенга ёққан бўлса, биз қаршилиқ қилганимиздан бир нарса чиқмайди.

— Чўзманг! — дедим асабийлашиб.

— Эсингни йиғиб, яна уч-тўрт кун ўйла, демоқчиман. Шошмаяпсанми?! Адашмаяпсанми?! Кейин, майли, тўйингни ўтказиб берамиз.

— Сизларга ёқмадимми?! Очиғини айтаверинг!

— Улар сизни ичкўёв қилишмоқчи, — опамнинг ўрнида жавоб қайтарди бу гал янгам. — Одамлар орасида, ичкўёв-иткўёв деган гап юради.

— Сен ота-онангдан қолган, опанг билан аканг уйида туrolмай, чиқиб кетган, эркин ўсган йигит... Бировнинг дастурхони бошида ўтира олармикансан?!

Мен муносабатимизда бундай ишқаллик борлигини бил-

маган эканман. Албатта, ёши қайтган, хаста онасини ташлаб, Ҳанифа менинг орқамдан ижара кулбамга ҳам, бизнинг бу ҳовлимизга ҳам келмайди!

— Иткуёвми, бошқами, ҳозирча туравераман. Кейин, яна ўйлаб кўрамиз! — дедим қатъий.

— Ҳўп, қизнинг эрга теккан иккита опаси бор экан, — сўзида давом этди опам. — Биз бировдан айб қидирмаймиз. Ҳар кимни худо ҳар хил яратади! Лекин иккаласининг ҳам бўйни қандайдир қийшиқ, боши елкасига ёпишган. Туғма шунақами, деб суриштирсак, томдан йиқилиб, майиб бўлишган экан!

— Аввало, мен опалари эмас, Ҳанифага уйланыпман, — дедим хаёлим қочиб, аммо ўзимни осойишта тутганимча. — Ундан ташқари, бировни ўпоқми-сўпоқ, деб мен одамлардан юз ўгиролмайман!

— Сиз тушунмаяпсиз, — деди янгам. — Улар ҳаммаси бошқаларга ўхшамайдиган, ғалати... Ҳовли тўла варрак. Биттаси ана шу уйдаги палосдай желади! Кўзлари нуқул томда, осмонда. Ҳар гапга офтобни, ой, юлдузни қўшишади. Ойилари касал ётибди; худо хоҳласа, дейиш ўрнига ҳамма нарса кўкдан, дейди...

— Бу жуда оддий. Мен тушундим... Сизлар кўни-кўшнидан сўрашларинг керак эди! Уларнинг отаси учувчи бўлган. Бадалбек! Шунинг учун улар осмонга, парвозга қизиқишади. Шу, холос! Ўрганиб қолишган.

— Улар ўзи бу ерлик ҳам эмас экан, — тўнғиллади опам. — Қаердан келишган?! Аниқ бир гап айтишмайди...

— Бунинг нима аҳамияти бор?! Улар барибир яхши одамлар, — дедим ўзимними, бўлажак қариндошларимними оқлаётгандек оҳангда.

— Улар бахтсиз одамлар! — деди опам. — Бу кўриниб турибди. Лекин сен уйланмоқчи экансан, уйланавер. Демак, насибанг экан...

Опам, янгамдан эшитганларим шу куни менга кор қилмади. Мен Ҳанифа билан биринчи кўришганимиздаёқ, биз бахтсиз бўлишимиз мумкинлигини билган, бу ҳақда етарлича ўйлаган эдим. Лекин менинг ҳаётим шу; аниқ! Ортиқча эзмаланиб ўтиришда маъно йўқ эди!

29

Тўй ўтди.

Ширинкўлдаги барча базмларда бўлганидек, олов ёқиб, атрофида айланишлар, эрталабдан кечгача карнай-сурнай, кўзбойлагич ва қайроқ тош томошаси, бир-бирига қайта-қайта салом беришлар, фонус ва машъала кўтариб, шаҳар кўчаларида тентираш... унутилган-унутилмаган ҳамма удумлар бажо келтирилди. Қариндошлар, кўни-кўшнилари, халқ — хурсанд; менинг акам, тўйга кўнгли чопмаган опам билан янгам ҳам энди гўёки хурсанд; Ҳанифа билан мен ҳам хурсанд... Бундай кунга нима етсин!

Бутун иш рисоладагидек эди!

Фақат: Ҳанифанинг онаси — Сокина опа — кўрпа-тўшак қилиб ётганидан, уни болишга суяб, ҳовлидаги хоналардан бирининг деразаси олдида ўтирғизиб қўйишди. Бизга фотиҳани ҳам у дераза олдида мунғайиб ўтирганича, берди.

— Илоҳим, юлдузларинг тўғри келган бўлсин! — деди. Кейин, негадир: — Осмондан бошларингга бахт ёғилсин! — деди. — Қушлардек доим бирга учиб юринглар! — деди. Унинг фотиҳаси ўзига хос, бошқача эди! Бизнинг ширинкўлликлар бундай фотиҳани билишмайди. «Қўша қаринглар! Худо бахтларингни берсин!» — деб соддароқ гапиришга одатланишган. Лекин тўй қизиғида буни ҳеч ким фарқламаган бўлиши керак...

Фақат: Ҳанифанинг опалари чиндан сал қийшайиб туришаркан. Лекин дунёда майиб-мажруҳ одам кўп. Балки, бу ҳам Худонинг бир имтиҳонидир?! Дард — кўзни очади. Инсонни бунга қараб баҳолаш инсофдан эмас...

Фақат... буни энди «фақат» деб ҳам бўлмайди!

Никоҳ кечаси беҳос, мен Сирож муаллим туфайли «танишиб» қолган, орқалари ва оёқлари гавдаларига нисбатан катта, турқи-тароватлари кўкиш алангани эслатган тўрт йигит қаёқдандир тўйхонага келиб қолишди. Улар бир чеккадаги дастурхон бошидан жой олишди. Деярли еб-ичишгани йўқ. Биров билан гаплашишгани ҳам йўқ. Малла иякларидеги эчкисифат соқолларини сийпалаб, кўм-кўк кўзлари чақчайиб, бир оз ўтиришди, холос. Кейин, бегона жойга кирганини пайқагандек, даврандан қайтиб сирғалишди... Уларни ким чақирган?! Менинг тўйимда нима қилишди?! — билиш қийин эди...

Тўй ўтиб, Ҳанифа-иккимиз ҳали ўзимизни ўнглаб-ўнғламасдан, Сокина опа аҳволи олдингидан оғирлашиб, кўрпага қапишди. Чўп-устихонга айланди. Ниҳоят, қирқ кун деганда, дунё билан ҳам видолашди... У шунчаки сўнги қизининг тўйини кутаётган экан!

Яна қабристон... Мен гоҳ ёлғиз, гоҳ Ҳанифага қўшилиб шу кунлар бот-бот бу ерга келганча, ўзим билган кишиларни зиёрат қилиб, уларнинг хоки пойида тиз чўкдим. Болаликда ўрганган қайсидир оятларни ҳар қачонгидек пичирлаб, аммо намоз пайти пойгадка қолган кавуши тўғрисида ўйлаган муллага қиёс, теран этиқодни ҳис этмай, — худойим, бу не кўргилик! — оддий бир расмиятни бажаргандек бўлдим. Менинг ҳаётимда, арзимаган ярим йилча муддат ичида қандай бахтиқаролик рўй бердики, мен на ер, на осмондан қўрқиб, аввалгидек астойдил илтижо қилишни энди унутган эдим...

Лекин ҳаёт сенинг этиқодинг ёки ота-онангдан мосуво бўлганлигингга ҳам, уларнинг изидан шошилиб кетаётганлигингга ҳам қарамасдан, ўзича давом этиб, янгиланиб бора-верар экан! Қайнона-онамиз қазо қилгач, Ҳанифа-иккимиз ҳувиллаган гордек ҳовлида беихтиёр бир-биримизга суяниб қолдик.

Баъзан тунлар уйғониб, Ҳанифа ёнимда эмаслигини сезардим. Кейин, даҳлизми, ҳовлими — қаердандир унинг шикаста товушда, секин хиргойи қилаётгани қулоғимга чалинар эди...

Сиз ҳам, онажон, кетдингизми?!
Қайтиб ҳеч қачон келмайсизми?!
Ким эшитади додимизни,
Эшитармикан?! Билмайсизми?!

Онажон, ерми, осмонданми —
Қаердан сизни излаш керак?!
Кимларга бугун бўзлаш керак,
Кимларга сиздан сўзлаш керак —
Бутун орзудан, армонданми?!
Ўтаётган бир замонданми?!

Куйдириб кетган, жон онам-ай,
Қандай чидар бу — юрак, юрак?!
Яшаб бўлурми ҳеч индамай,
Кимга додингни айтиш керак?!
Жон онажоним, жон онам-ай...

Жон онажоним, жон онам-ай!

Жон онажоним, жон онам-ай!

Халқ йўлидаги Ҳанифанинг бу хиргойиси — бу ўтли нидо мени ўртаб юборар, ҳаётимда кўрган айрилиқлар — изтиробларни ёдимга солар эди!

Мен энди Мамлакатхонни эсламай қўйган, Ҳанифани қайта ёқтира бошлагандек эдим.

30

Кунлар бир маромда ўтмоқда.

Ҳанифага уйланган пайтимдан кўча-кўйда санқишни ҳам, ҳуда-беҳуда ичишни ҳам тўхтатганман. Уйда аҳён-аҳёнда томоқни ҳўллаб тураман, холос. Қутулиш қийин. Иродам бўш! Ҳанифа индамайди; менинг ишимга аралашмайди. Умуман, бу хонадонда ичкуёв-иткуёвманми ёки уй-жойнинг эгасиманми?! — мен учун аҳамияти йўқ. Ўзим хон, кўланкам майдон. Илк қарашда ҳаётдан мамнун, учраган фалокатни доғда қолдириб, бахтимни топганга ўхшайман.

Лекин мен аввалдан ўз-ўзимни алдадим. Ҳамон алдамоқдаман!

Мени кундан-кунга яшагандан кўпроқ ухлаётгандек ҳолат чулғаётир. Жоним суғуриб олинган. Соядек судралиб юрибман.

Ҳанифа билан ҳовлида ёлғиз қолиб, бир қатла ҳамдам-ғамгусорга айлангач, кутилмаганда муносабатимиз ўзгарди. Бизга тез орада тирноқ насиб этмади. Иккимиз ҳам зерикиб, ҳар ким дарди ичида, ўз аравасини тортаётгандек кайфият ҳукмрон бўлиб қолди.

Ҳанифага ҳам, ўзимга ҳам кўнглим ачийди. Баъзан: «Бировни севмас экансан, нега уйланасан?! Иблислик қилдинг! Вақтида бу йўлдан қайтиш керак эди!» — деб ўйлайман, эзиламан.

Бизнинг бутун ҳаётимиз қандайдир расмиятни бажаришдан иборат.

Деярли кун ора Ҳанифа узун халтага супурги, калта белкуррак солиб, қабристон боради. Мен зиёратдан ҳам, тиловатдан ҳам совиганман. (Бора-бора, — худо кечирсин! — юрагимда бирон ишонч, эътиқод қолмади.) Аммо бунга мени биров қистаётгандек, кўпинча Ҳанифага эргашаман.

Ҳанифа ота-онаси қабри бошида чўнқайиб, доим тирик одамга мурожат қилаётгандек пичирлайди. «Отажон! Онажон! Тинчмисизлар?! Келдик. Биз ҳам юрибмиз...» — дейди. Унинг бу одати бир пайтлар менда кучли самимий таассурот қолдирган. Энди эса (тавба!) сохтами, сунъийдекми бўлиб туюлади. Бироқ менга Ҳанифа билан баҳслашиб ўтириш азбаройи малол эканлигидан, лом-мим демайман. У ҳар гал (бу ўнинчими, юзинчи маротаба?) отасининг қабри устидаги сағана ўрнидан сурилгани ҳақида гапиради. Мен шундай пайтларда негадир ўзимча, Бадалбек ерни заҳарлаган, тўғри, лекин Сирож муаллимнинг гуноҳи кўпроқ бўлиши керак, деган хаёлга бораман! Қаердан, нима учун бундай фикрга келганимни билмайман. Фақат бир чойхонадаги, бир ертўладаги Сирож муаллимни эслайман. Ҳанифага яна лом-мим демайман.

Одамга оғир ботаркан... Ҳанифани дастлаб кўчада учратганимдаёқ қисматимдаги шўришни бўйнимга олган эдим, албатта. Айниқса, унга уйланганимда, бахтсизликдан — ҳаётимдаги даҳмазадан қутулолмаслигимни ҳис этган эдим. У — Бадалбекнинг қизи; бу табиий ҳол эди. (Умуман, у — фаришта эмас, алвасти. Аниқ!) Шунга қарамасдан, ноумид шайтон! — мен, балки, бахтимни топарман, деб ўйлаган, унга суянган, мадад олгим-яшагим келган эди! Мана, мен Сирож муаллим билан кўришмаганим, уни изламаганимга минг йил бўлди. Шаҳар четидаги овлоқ чойхонага ҳам, Мамлакатхон турган кулбаи аҳзонга ҳам оёқ босмаяпман. Аммо Бадалбек, унинг ёнида Сирож муаллим барибир мени тарк этишмаябди. Хаёлимдан кетишмаябди! Аксинча, менинг ҳар бир қадамимни зимдан таъқиб қилишаётгандек... Афтидан, ҳозирча мен ўзимни кўру кардек тутиб, юпатишга уринябман, холос. Бу қанча давом этишини эса билиб бўлмайди!

Фақат қабристон эмас... Уйда бор нарса: кийим-кечак, рўзгор анжомларидан ҳовлидаги бурчак-бурчакда уюлиб ётган темир-терсақкача Бадалбекни эслатади! Ҳанифага эргашиб, кўчага чиққаним заҳоти, у эшиклардан бирига имо қилади:

— Маҳлиқо опа турган ҳовли...

— Маҳлиқо?!

— Сирож муаллим билан! — тушунтиради Ҳанифа.

Булар майли.

Гоҳ кеч тунлар уйғониб, Ҳанифа ёнимда эмаслигини сезаман. Ташқарига йўналиб, бехосдан унинг ҳовлида, ой ёруғида сочларини ёйиб, бош юваётганига кўзим тушади. (Беихтиёр болаликда холамдан эшитган ажинани эслайман... Инсонми, фариштами бўлса, кундузи ичкарида, тошнов олдида ювинмай-

дими?! Менга энди ёлғиз у эмас, бир неча ажина-алвастилар тоғора устида энкайганча, бош юваётгандек туюлади! Шу аснода, назаримда (у кимнинг уида бўлиши мумкин?!), товуснинг ҳунук қичқириғи эшитилади. Мен апил-тапил изимга қайтиб, кўрпага бурканаман.

Уйқу йўқ... Сўнгги даврда кечган бутун воқеалар ёдимга тушиб, хаёлимда турли саволлар айлана бошлайди:

1. Сирож муаллимнинг вақтида мактабга кеч тунда келиши-ю, унинг Бадалбек билан бирга ҳалокати нега тасодиф воқеа эмас, атайин рўй бергандек — нотабий таассурот уйғотябди?!
2. Чойхонадаги одам ким?! Ертўладаги ким?! Сирож муаллим (ўлмаган бўлса!) булардан қайси бири?!
3. Терговчилар ишни нега судрашябди?! Шаҳардаги катталар нега мактабга Сирож муаллимнинг номини беришмаябди?!
4. Кўзгу ўзи синганмиди ёки синдирилганми?!
5. Сирож муаллимнинг оиласига ким хат ёзиб, ким пул жўнатиб турибди?! Унинг уйидагилар пайшанба кунлари қанақа «ов»га боришади?!
6. Новча, бақувват тўрт иигит нега менинг йўлимда уймалашиб юришибди?! Уларнинг мақсади нима?!
7. Бадалбекнинг қабри ҳақидаги гапда қандайдир асос борми?!
8. Бу воқеаларга Ҳанифа қанчалик дахлдор?! У алвасти бўлганидан, мени аввалдан шу кўйларга солмадимикан?!
9. Бу даҳмаза қачонгача давом этади?!

Савол бору жавоб йўқ! — наҳотки, яшаш шарти?!

Ланжликми-эринганимдан, хаёлимда айланган саволлар тўғрисида чуқур ўйлагим келмайди. (Шууиримда*улар бир кўр жонланиб, қайтиб сувга чўккандек йўқолади.).

Ўзимни уйқуга соламан. Ухлаш керак! Ухлайман.

Кейин, Ҳанифа ҳам ёнимга келиб ухлайди.

Кейин, хонадон уйқуга фарқ бўлади...

Биз кузда уйқуга кетиб, баҳоргача ухлаймиз. Дарахтлар, баъзи бир махлуқотларга ўхшаб.

Баҳорда ҳаёт сал тирилади.

Хонадон гавжумлашади. Ҳанифанинг мажруҳ опалари ўз болалари билан ҳовлига ёпирилиб келишади.

Ҳовлини варрак босган. Айримлари дафтардек, айримлари — учар гилам.

Ҳанифа ҳовли бурчагида ётган оддий ёғоч нарвонни томга тиркаб кўяди. Мени ҳаммага бош бўлишга ундаб-туртганича, ўзи лип этиб томга кўтарилади. Болалар унга дарҳол эргашишади. Улар — хўп, Ҳанифанинг мажруҳ опалари ҳам нарвонга жон-жаҳдлари билан тирмашишади. Мен кўзларимни ишқалаб, буларга гангиб тикилиб туравераман. Булар фақат оталари учувчи бўлгани учун эмас, бошқа бир шаҳардан келиб қолишгани учун ҳам парвозга қизиқишса керак-да, деб ўйлайман.

Шу аснода, илк ёчликда хаёлимга ўрнашган бир нарсаларни беихтиёр эслайман:

Мен дейман, ўзимча кўтариб исён, —
Гарчи фанга бордир кўнглимда ҳурмат, —
Одамлар, одамлар, нечун сизга осмон,
Сизга камми, ахир, заминда ғурбат?!

Сиз кўкка боқасиз қандайдир ҳайрон,
Кўкда сизни гўё кутаябди тахт.
Одамлар, одамлар, нечун сизга осмон,
Сизга, ахир, камми заминдаги бахт?! *

Негадир мана бу сатрлар ҳам хаёлимдан кечади:

Деразамиз
Шундоққина айвон остида,
Кўча қошида.
Баъзан катта кичикни мен,
Баъзан кичик кичикни у
кўтариб,

Деразадан қараймиз.
Каптарларни кўрсатиб,
Жавраймиз:

— Ана, қара! Беҳ-беҳ!
— Қара, қара! Маҳ-маҳ... **

Баҳор кунлари кўксим илиб, Ҳанифани янгидан ёқтираман.
Унинг алвастилигини унутаман. Хаёлим ердан осмонга кўчади.

Аммо варрақлар осмонда йиртилиб-тўзиб кетади. Ҳамма
томдан пастга тушади. Ҳанифанинг опалари болалари билан
уйимизни тарк этишади.

Ҳанифа-иккимиз ҳовлида бир-биримизга суяниб қоламиз.

Ниҳоят, баҳор ўтгани сезилади.

Кейин, ўша эски аҳвол: ҳар ким дарди ичида, зерикиб,
ўз аравабини тортади. Мен Ҳанифа тўғрисида Алвасти, ўз тўғ-
римда Иблис, деб ўйлайман. Савол бору жавоб йўқ... Уйқу...
Соядек судралиб юрибмиз!

Шу тахлитда орадан яна икки йил ўтди...

ИККИНЧИ ДАВРА

Тасқара

Кириш

Ширинкўл қанчалик ҳаётдан ўзини четга тортган, шўрлик
унут бир юрт бўлмасин, бу ерда одамлар минг йиллар давоми-

* М. Алигердан.

** Чўлпон Эргашдан.

да турмуш қуриб, уй-жой қилиб, бемалол яшаб юришибди. Кимдир тасодифан четдан Ширинкўлга келиб қолса, худонинг бергани! — кўрадиган, томошабоп нарса топилади. Ҳеч ким пулим куйди, бунақа жойни елкамнинг чуқури кўрсин, демайди. (Бу ернинг ўзи ҳам, ҳаёти ҳам бир оз ширин, бир оз чучук экан, шунинг учун Ширинкўл деб аташгандир, мазмунида тўн-ғиллайдиган битта-яримта учрайди, албатта. Бироқ бунга чидайсан!)

Шаҳар маркази анча обод. Катта боғ, қатор дўконлардан ташқари, ҳунармандлик устахоналари, ҳар хил ўйингоҳлар, кураш майдончалари... Бува билан невара бир-бирининг пинжигига тиқилгандек, эски ва янги иморатлар... Шаҳарнинг бир чеккасида — обидалар. Гарчи қадимий хонақо, масжид қорайиб-ғишталари тўкилиб, пастак минора қийшайиб қолган, жимитгина ҳовузни пўпанак босиб ётган бўлса ҳамки, Ширинкўлга адашиб келган киши бу ер ҳарҳолда ўз тарихига эга эканлигини ҳис этади!

Аммо Ширинкўлда чинакам диққатга сазовор нарса: тўрт томондан кўринадиган нуқтада қурилган, қўшқаватли ҳаммом! У олисдан зангор қуббалари ялтираб, қандайдир қаср-саройларни эслатади. Унинг бу шаҳарда меҳр билан, эътибор бериб бунёд қилинганига ажабланасан...

Қисқаси, орадан яна икки йил ўтган,
яна куз келган эди...

Тўртинчи саҳифа

Илтижо

31

Бир пайтлари бўлганидек, ёмғир ёғиб, бехосдан осмон парчаланди.

Мен ҳаммомни ёнлаб кетаётган эдим,
дабдурустан орқа томондан чиқиб келаётган таниш —
новча, бақувват тўрт йигитга кўзим тушди.

Улар тўртталаси ҳам аскарликка қақирилган ўсмирларга ўхшаб, негадир елкаларига қопчиқ осиб олишган эди! Кўпдан буён учратмаганим учун ҳам, уларни кўриб, аввалига қаттиқ саросималандим. Кейин, бу ерда, ҳаммом орқасида нима қилиб юришибди экан, деб ажабландим.

Йигитлар менга аҳамият бермагандек, кўм-кўк кўзлари чақчайиб, ўзаро сўзлашганча, бир зумда ёнимдан зипиллаб ўтишди. Ёмғир остида, шу ондаёқ қаёққадир ғойиб бўлишди.

Мен кўча ўртасида серрайган эдим. Эҳтимолки, мен ҳам ўз йўлимдан қолмаганим дуруст эди. Лекин, улар барибир мени

огоҳлантириб-таъқиб қилишмаябдимикан, деган бемаъни гап хаёлимга келди! Бундан ташқари, нима учундир менга улар ҳозир тўғри чойхонага — Сирож муаллимнинг олдига боришаётгандек туюлди... Мен ҳам бостириб борсам-чи, деб ўйладим. Сирож муаллим билан очиқ гаплашиш керак! (У — Сирож муаллимми, бошқами?! Чойхонада шуни аниқласам, бас; бутун сир очила бошлайди! Иш осон кўчади!) Мен олдинлар бунга шахд этолмасдим. Бироқ энди жонимга теккан эди... Бу ҳолда яшаб бўлмайди!

Қонимда беихтиёр аввалги қизиқиш уйғонганидан шиддатла-ниб, катта йўл бўйлаб кета бошладим.

Емғир тинган, қуёш парча-парча булутлар орасида эринчоқ юзар эди.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етиб, одатдагидек,

ипдек ариқдан ҳатладиму

рўпарамга тикилиб... дабдурустдан

оёқларим ерга михланиб қолди.

Тушуниш қийин... Чойхона —

ипдек ариқ ҳалқаси ичида, йиртиқ чопонни эслатган чойхона негадир

кўринмас эди!

Уни бузишган, деб ўйлаш мумкин... аммо қизиқ жойи, бу ер йўлнинг нариги бетидаги сингари оддий хиёбон эди! Янги тикланган хиёбон ҳам эмас... нақ манглайингга уриладиган — қучоққа сиғмайдиган чинорлар қад кўтарган! Ахир, кўчадаги аҳмоқ терак ҳам бунчалик тез ўсмайди-ку!

Қандай бўлмасин, бундан икки йил бурун Сирож муаллим кўр тўкиб ўтирган, мен бир неча бора кириб чиққан чойхона йўқолган. Унинг қаерга, қачон йўқолгани-ю, азамат чинорлар қачон, қаердан келиб қолганини билиш мушкул эди!

Мен эсим оғиб, бошим қотганича, катта йўл бўйига қайтиб, бу ердаги аҳвол тўғрисида сўраб-суриштиргани одам пойлай бошладим.

Ахийри йўлда кўринган, афандига хос — эшак миниб, бошига фўтани қийшиқ қўндирган йўловчини тўхтатдим:

— Кечирасиз. Шу ерда бир чойхона...

У, афтидан, менинг мақсадимга тушунмади. Ўткинчи кимса гап нимада эканлигини қаёқдан ҳам билсин!

— Бу атрофда чойхона йўқ. Марказга боринг, — деди афанди.

Йўлнинг нариги бетидаги хиёбон ортида узоқдан қишлоқ уйлари кўзга ташланар эди. Одам пойлашга ортиқ сабрим чидамай, шу ёққа қараб илдам босдим. Мен ҳамон: «Чойхона эски, кўримсиз эди. Бузишган, албатта! (Балки, Сирож муаллим билан бояги йигитлар бузишгандир?!))» деб ўйлашга мойил эдим. Лекин буни аниқламагунча тинчийдиганга ўхшамас эдим!

Қишлоқ кўчасидаги бир ҳовли эшигида икки қария алламбапони муҳокама қилиб, ўйчан сўзлашиб туришар эди. Яқинлашиб, сўрашдим.

Қариялар менга савол назари билан тикилишди.

— Анави дарахтзор томонда чойхона бўлармиди?!

— Сизни адаштиришибди. Чойхона марказда. Йўлдан анча юқорида ҳам бўлиши мумкин, — деди қариялардан бўйи пастроғи.

— Бор эди! Мен ўз кўзим билан кўрганман. Чой ичганман, — ғўлдирадим ғалатироқ ҳолатга тушиб.

— Бу ерда ҳеч қачон чойхона бўлмаган, — гапга аралашди бўйи тикроқ қария. — Биз биламиз, болам. Оппоқ соқолимиз билан ёлғон гапирмаймиз...

«Демак, ҳали чойхонанинг ўзи йўқмиди?!» — деган ўй мана энди миямга урилди... Наҳотки, бир кунлари, бор чинорлар ўрнида менга йўқ чойхона кўринган эди?! Еки, йўқ чойхона кўриниб, бор чинорлар кўринмаган эди?! Ешликда эшитган эдим. Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмади, дейишарди. Наҳотки, бу ерда, аксинча, бордан йўқ, йўқдан бор бўлябди?! Дунё — сароб; у бизга кўрингани, биз бўлганимиз учун бор, биз бўлмасак, у ҳам йўқ, деган бир фикр ҳам қулоғимга чалинган. (Наузамбиллоҳ! Бу — мен борманки, худо бор, деган фалсафани эслатади.) Инсонга бор нарса кўриниши мумкин! Аммо йўқ нарса қандай кўринар экан?! Мен вақтида ақлдан озиб, Сирож муаллимни учратганманми ёки ҳозир ақлдан озиб турибманми?! — қанчалик қайсарланма! — шу иккисидан бири аниқ эди!

Қишлоқ кўчасида қарияларни қолдириб, мен энди телбалардек катта йўлга қараб кетаётганимча, бўғилиб, ўзимми-кимларгадир мурожаат қилмоқда эдим... Йўл бўйида хиёбон, кўкка бўй чўзган чинорлар бўлган, холос! Гарчи баъзан чинорлар ёнида, остида, ҳаттоки ичида чойхоналар учраса ҳамки, бу ерда ҳеч қандай чойхона бўлмаган! Хўп, шундай. Тўғри... Лекин, чойхона бўлмаса, мен кўрган нима эди?! Чойхона бўлмаса, Сирож муаллим ҳам менга шунчаки кўринганми?! Ертўладаги, Мамлакатхон кўрсатган Сирож муаллим-чи?! Мамлакатхоннинг ўзи ҳам кўринган эканми?! Ҳанифа ҳам?! Дарвоқе, бир хилда эчкисифат соқол қўйган тўрт йигит?! Бу ҳолда менинг ўзим ҳам ўзимга кўринган бўлиб чиқмайманми?!

Шу аснода орқамга қарамай қочишим керак эди! Бироқ...

Бундай ҳолатга биринчи марта дуч келмаяпман. Икки йил бурун қандай воқеалар рўй бермаган, менга нималар кўринмаган эди. Инсон ҳамма нарсага кўникади. Эт ўлади!

Мен даҳшат туйиб, ҳаяжонланган, телбаланганимга қарамасдан, шу боисдан, яна ипдек ариққа яқинлашиб, чинорларга қараб бормоқда эдим. Мен ҳамон, чойхона бўлган, аммо бузилганми-йўқолган, деган фикримдан қайтмаган эдим. Ақл бовар қилмаса ҳамки, бу Сирож муаллимга (балки, Бадалбекка ҳам?!) тегишли ўша сир-синаотнинг давоми — янги бир ҳалқа эканлигини ҳис этмоқда эдим...

Шу кундан эътиборан яна, аввалгидан баттар оромим бузилди. Икки йил бурунги ҳолатга қайтгандек бўлдим.

Мен, Сирож муаллим ёнидаги йигитлар билан марказдаги чойхоналардан биронтасига ўрнашиб олмаганмикин, деган ҳаёлга бориб, уларнинг изини тутишга урина бошладим. Олдинлар деярли кирмасдим. Энди кечқурунлар устахонадан чиқиб, гоҳ боғ яқинидаги, гоҳ бозор орқасидаги чойхонага бораман. Чой ичиб, қоронғи тушгунича ўтираман.

Қуббалари ялтираган ҳаммом атрофида ҳам баъзан айланаман. Сирож муаллимнинг шотирлари кўринмасмикин, деб кутаман.

Бир неча кун қорайиб, ғишлари тўкилган қадимий хонақо, масжидга ҳам қатнадим. Пастак минора, кўм-кўк ҳовузни томоша қиламан. Хонақо, масжид ичига мўралайман. (Танишларим бирон бурчақдан чиқиб қолишмасмикин, деб ўйлайман.) Бу ерда намоз вақтидан бўлак пайтлар одатда одам бўлмайди. Хилват жой. Гоҳида фақат қора соқолли, чиройли Мутавалли отага тўқнаш келаман. Бу киши шу ерда сўфиликдан қоровулликкача барча вазифани бажаради. Саломлашаман. Аммо гаплашмайман. Мутавалли ота ҳам индамай супуриб-сидиришми, ўз ишини қилаверади.

Орадан тахминан икки ҳафта ўтгач, изқуварлигимдан натижа чиқмаётганини кўриб, асабийлаша бошладим. Буларни қиёматгача кутаманми?! Битадиган иш (яхшилик биланми, ёмонлик биланми — менга барибир!) тезроқ битгани маъқул! «Сирож муаллимнинг уйига боришим керак, пайшанба куни бораман!» — деган қарорга келдим...

...Менга фироқ қилмай, Мамлакатхон энди дарвозани очади! Ишқ-муҳаббат ҳақида баҳс юритмаймиз, албатта. Бунақа ишлар одам бир совигунича! Лекин мени қочоқ деб юриб, ўзи қочиб қолган Мамлакатхонни рўпарамга ўтқазиб, отаси тўғрисида обдан суриштираман. Бутун билганини айтмагунича уни тинчитмайман!

Еху... Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, дейишганидек, кўчадаги гап ҳам уйга, айниқса, бировнинг уйига тўғри келавермас экан!

Мен ўйлаганимдек, Мамлакатхон дарвозани очди.

У бир оз тиниққанми-оқарган, олдингидан ҳам малоҳатга тўлган эди.

— Вой! Сизми?! Келинг...— деди. Кейин, пичирлаб: — Тинч-мисиз?! — деб сўради.

Тинчлик қаёқда?! Аммо ҳозир кўнглимда ҳаётдан шикоят йўқ эди!

Дадил ичкарига кирдим.

Кирдиму...

Айвон олдида турган катта Сожидахонга кўзим тушди.
(Ичимда ёнган шам лап этиб сўнди.)

Мен у билан сўрашиб, илож-ноилож айвонга кўтарилдим.

Дам ўтмай, ичкаридан Сотимжон, Адҳамжон, кичик Сожидахон ҳам чиқишди. Булар пайшанба кунлари «ов»га боришни энди тарк этишганми?! — ҳамма уйда эди!

Очиғи, мен гўеки йўқ жойдаги гирдибод урган қандайдир қуюнда беихтиёр бу ерга сурилиб келган, Сирож муаллимнинг жамулжам оила аъзоларини кўрганимдан сўнг, мени нима жин уриб бу ерга келдим, деб ўйлай бошлаган эдим! Мен учун бу даврада суҳбат аллақачон тугагандек эди.

Бироқ мени кўриб, ўз одатларича, буларнинг барчалари алланечук ийганими-суюнишганими эди! Рўпарамда катта Сожидахондан бўлак ҳамма маҳзун жилмайиб ўтирарди. Катта Сожидахон эса, менга «ўлманг, болам» деб қўйиб, Сирож муаллимга бағишланган «унутилмас хотиралар»ни яна бошлаб юборган эди:

— Қандоқ одам эдилар-а, муаллимингиз! Ҳазрати инсон...

Мен бу ерга ўз ихтиёрим билан ташриф буюрганимдан, қонидани бузмай, тишимни-тишга босиб ўтирар, ўрнимдан сапчиб туриш учун фақат гапнинг бирон нуқтаси етишини кутар эдим. Ора-сира эрига парво қилмай нақ менинг пинжимга келиб чўккалаган Мамлакатхонга разм солардим. Уртаниб, шайдо бўлиб, ҳатто уйланишни хаёл қилиб юрганимда мени ташлаб кетган Мамлакатхон ҳозир қайта бошдан васли-висолга майл кўрсатмоқдами?! — ҳарҳолда, яна даврада кўзи билан мени сузмоқда эди. Мабодо иккимиз шу кунни ёлғиз кўришганимизда, афтидан, муносабатимиз тикланиши ҳам ҳеч гээ эмасди! Лекин даврада ўтириб, унга нисбатан негадир бегоналикми, бир оз нафратми туйганимча, уни энди кўргим йўқлигига дам сайин қаноат ҳосил қилмоқда эдим...

Сирож муаллимнинг уйдан шу дарди-ҳасрат билан чиқиб кетмайманми?! Ушанда, кейинчалик сал энтиқиб, ўзимни бахтлироқ ҳис этармидим?! Мен бу даврада (зерикарли суҳбат пайти) орадан кўп ўтмай, булар бутун хонумонимни аёвсиз куйдиришларини ақалли билсам экан... Мени катта Сожидахонми, гўзал Мамлакатхонми чалғитган эди! Эзилибми-эснаб ўтирган эдим... Ғафлатда қолдим!

Катта Сожидахоннинг ҳикояси тугамаганди...

Кутилмаганда

айвоннинг қоқ белидаги қопқа очилиб, —

ичкарида ухлаб ётган эканми, кўзларини ишқаганича, —

икки ёшга тўлиб-тўлмаган

дўмбоққина болакай чиқди.

У менга ажабланиб қарагандек бўлди.

Мен-чи?!

Унга тикилиб, қотиб қолган эдим!

Бола — менинг ўзим...

менинг кичрайган нусхам...

кичик бир суратим...

менинг зуваламни олиб, қайтадан
кичикроқ шаклда бунёд қилингандек эди!

Аммо даҳшатли жойи, даврада мендан бўлак ҳеч ким бунга
эътибор бермас эди!

Фақат катта Сожидахон узундан-узоқ ҳикояни ўртасида тўх-
татган эди. Улар барчалари энди болага маҳзун жилмайиб
қараб ўтиришарди.

Ниҳоят,
бола,

бир нафас серрайгач, Адҳамжоннинг ёнига келиб, — ту-
ями-отми қилиб минмоқчи бўлса керак, — уни туртиб, киф-
тига тирмаша бошлади:

— Ада... ад-а...

— Олдин амакига салом бер, Умиджон! Олдин амаки...

Амаки!

Умид!

Ва албатта...

кўкракка ўнғайсиз қовуштирилган икки қўлча:

— Ас-саём!

Баракалла!

Мен бу ерда ўтиришга ҳолим йўқ,

ўрнимдан шарт туриб кетишга ҳам

мадорим

йўқ

эди.

Ўзимни қандай тутиб, нима қилишимни билмайман...

Сирож муаллимнинг уйдан қачон, қандай чиқиб кетга-
нимни ҳам...

Худо ҳаққи! —

билмайман!

35

Мен бу ерга Сирож муаллим тўғрисида бирон-бир гап-
дан воқиф бўлиш учун келиб, ўз тўғримдаги аламли бир ҳа-
қиқатни очган эдим...

Мен дунёда фарзанд кўрган, аммо ундан беҳабар эдим!
У — менга бегона, у — бировнинг боласи эди. Йўқ, у — ме-
нинг фарзандим эди; лекин мен ўз уйимда тирноққа зор эдим!

Қаерга бориб, бошимни қайси деворга уришим керак?!

Эски касалим қўзиб, энди деярли ҳар куни ўласи ичганча,
кўча-кўйда тентираб, ўз қисматимдан пана-панада ҳўнгир-ҳўн-
гир йиғлар эдим... Менга рўй берган воқеанинг бутун даҳшати
аста-секин ошкор бўлмоқда эди. Менинг изтироб чекканим
майли. Гап аҳмоқона ҳолатга тушганимда ҳам эмас! Бу — илк
туюлганидан кўра жиддий эди. Мен — осий банда, адашиб,
оғир гуноҳга ботган эдим...

Мен эс-ҳушимдан айрилиб, Мамлакатхонга боғланиб қол-
ган эдим. Сирож муаллимнинг уйига шу сўнги борганимда
ҳам, — уни остонада кўриб, — тирик экан, бор экан, хайрият,

шукр, деб ўйлаб, қалкиб кетган эдим! Мен ҳамон бу аёлни нафрат аралаш севар эдим! Мамлакатхон ҳам мени севгандек эди. Ҳарҳолда, менга нисбатан бефарқ эмасди! Шу боисдан, Ҳанифа эмас, бу алвасти экан, демайман. Ярашмайди... Фақат...

Мен Мамлакатхоннинг нияти чин, деб ўйламаган, у — бир кунлари, ёлғонми, рост гапирябди?! — билмаган эдим...

Биз нопок йўлдан юрган, нопок бир инсонни дунёга келтирган эдик!

Энди кўча-кўйда тентираб, азобланганимча, қайта-қайта бир нарсани ўйлар эдим. Бу — менга бегона — менинг болам улғайиб, ким бўлади?! Ундан қандай одам чиқади?!

Баъзан, қонунсиз-никоҳсиз туғилган болалар ҳам дуппа-дуруст одамга айланиб, сафга қўшилиб кетади, дейишади. Шундаймикан?! Қизиқ... Албатта, тарбиялайверса эшак ҳам мулла бўлади, деган гап бор. Лекин барибир, мулла бўлгани билан, эшак — эшак бўлиб қолавермайдими?! Бунинг устига, қон... Қутлуғ қон ёки ҳаром қон...

Дарвоқе... «Шайтон тандаги қон каби...»

Мен бу хаёлдан алланечук безовталаниб, бегона-болам учун ҳозирдан юрагимда хавф-хавотир¹ туймоқда эдим!

Шундан кейин, кўп ўтмай, ичишни тўхтатдим. Аммо кўча-кўйда ҳамон тентирар эдим. Ахийри...

ювиниб-тараниб, масжидга борадиган,

кеч тун-бемахалгача бўм-бўш масжиднинг бир кунжида ғамгин чўнқайиб ўтирадиган бўлдим.

Мутавалли ота масжидга бот-бот кириб-чиқар, меҳробдаги ёниб бўлган шамларни алмаштирар, гоҳида палосларни наридан-бери тартибга келтирарди. У менга индамасди. Мен ҳам у билан гаплашмас эдим.

Масжид кунжида мадорсиз қўлларим билан елкаларимни кучганимча ўтириб, ўз гуноҳларим тўғрисида эзилиб ўйлар эдим.

Дунёда ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради! Мамлакатхон ҳам, мен ҳам...

Демак, ҳеч ким мени мажбур қилгани йўқ; мен бу йўлдан бормаслигим керак эди...

«...Борилиши ман этиладиган жойларга борма.

Зоминлар ва ҳаромхўрлар уйига борма.

Қиморхона ва харобот каби нолойиқ, тўхмат жойларга борма.

Номаҳрамлар орқасидан қадам ташлама. Борма».

Ва ниҳоят:

«...Кўзни ҳар қандай номаҳрамни кўришдан ман этмоқ керак.

Кўзни шаҳват қўзғовчи ҳаттоки суратлардан ҳам асрамоқ керак!»

Ахир, мен бир пайтлари отамдан қолган қайсидир эски китоблардаги бу сўзларни ўқиган, ёд олган эдим-ку!

Илм бошқа, амал бошқа эканми?!

Умуман, шусиз ҳам менинг бўйнимда гуноҳим кўп эди...

Мен ёшлиқдан юрагим зардобга тўлиб, атрофимдаги одамлардан қачон, ким билан сўзлашмай, бизнинг барчамиз осий бандалармиз, инсон фаришта эмас, беайб Парвардигор, ҳаммининг ҳам ўзига яраша гуноҳи бўлади, қабилдаги турли фатволарга дуч келдим! Бу — билганингча яша, илдам босавер, деган гап эди... Ҳамма «гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул» мазмунидаги ақидага ория қилиб, даврага кириб, қироатга қўшилиб, ўтган-кетганларни хотирлаб, юзига фотоҳа тортиб, шу ондаёқ кўлига қадаҳ олганича, захри қотилни ичиб, маза-бемаза суҳбатга аралашиб юрганини кўрдим. Поклик, вафо, номус тўғрисидаги ҳикоятлар билан бирга, ёнма-ён бепарда, беҳаё сўзларни эшитдим... Бундай художўйлардан кейин, очиқ худосизларни учратдим. Булар учун қандайдир ҳалол ва ҳаром деган тушунчанинг ўзи ҳам йўқдек эди! Инсонга ҳаёт бир марта берилади, бос, босиб олганинг сеники, юз-кўзга қараб нима қиласан! Қорин, дабдабали уй-жой, қаппайган ҳамён, гўзал жонлар... дунё шу!

Буларнинг барчаси руҳан қашшоқ кишилар эди!

Мен ҳам...

Дунёда ҳеч қачон бунчалик тасқара авлод бўлганми?!

Ширинкўлнинг шўри: муҳит инсонни қурт-қумурсқага айлантириб, эзгу ҳиссиётлар, юксак тафаккур парвозидан маҳрум — бедаво кўйга солиб кўяди! Қабоҳатга муросасизлик, ҳаромдан ҳазар йўқлигидан, буюк ҳақиқатлар, дунёдаги қадриятлар кишининг хаёлига ҳам келмайди. Ҳар қандай бемаънилик оддий, табиий ҳол бўлиб туюлади!

Мен масжид кунжида бош эгиб ўтирганимча, шуларни ўйлар эдим.

Баъзан аччиқ кўз ёшлари тўкиб, мени кечириш қийин, лекин ахир, орада муҳаббат бор эди, Мамлакатхонга кўнгил бермаганимда, бу қадар гуноҳга ботмасмидим, деган хаёлга борар эдим. Барчасига муҳаббат сабаб, деб ўзимни бир оз овутишга уринардим! Кейин, олдингидан баттар чуқур ўйга чўмар эдим... Нега бундай бўлди?! Азалдан муҳаббатнинг асоси — гуноҳ; у гуноҳдан тўқилганмикан?! Балки, муҳаббатнинг ўзи ҳаромдир?! Балки, фақат хилқатга муҳаббат керакдир. Шундай! Шундай... Аммо ишқ-муҳаббат бўлмаса, дунёда нима қолади?! Евузлик, бир-бирига нафрат кўпайиб-кучайиб кетмайдими?! Холиқ ўзи яратмаганми эзгуликни?! Гўзалликка чорламаганми?! «Илоҳнинг яратмишларини ҳам севмоқ керак...» Тўғри... Бироқ бу ерда гап шунчаки муҳаббат устида эмас! Бошқа... «Шайтон тандаги қон каби...» Бунга оқлаб бўлмайди!

Баъзан, бу ўзи нимадан бошланди, мен қачон, нега бундай тасқара одамга айланиб қолдим, деб ўйлаб, эзилганимча Заҳҳок ва Иблис тўғрисидаги эски ҳикоятни эслар эдим. Ҳузурида юриб, ўзини ширин таомлар билан сийлаган Иблисга шоҳ бир кун ийиб, тила тилагингни, дебди. «Менга ҳеч нарса керак эмас, — дебди Иблис. — Фақат муборак икки кифтингизни ўпиб кўймоқчиман!» Заҳҳок рози бўлибди. Иблис унинг яланғоч

елкаларидан ўпибди. Кейин, шоҳнинг икки елкасидан икки илон ўсиб чиқибди. Улар Заҳҳокнинг миясини кемирмоқчи бўлишар, Заҳҳок энди талвасага тушганича одамларни сўйиб, уларнинг мияси билан илонларни боқиб-тинчитар экан... Менинг қоним — ҳаром қон эмасди. Бизнинг ота-оналаримиз диёнатли-покиза одамлар эдилар! Биргина муҳитни ҳам айблаб бўлмайди. Инсон ҳар қандай шароитда асраниши мумкин! Демак, кейинги тарбия... Кўп нарса, албатта, тарбияга боғлиқ! (Бекордан, пир — мурид, устоз — шогирд, дейишмайди. Дунёда қанча улуғ пирлар, буюк устозлар яшаб ўтмаган!) Биз яхши тарбия олмаганмиз, холос! Менинг аввалдан устоз борасида омадим чопмаганми, бахтим йўқми экан...

Мен илк дафъа шундай фикрга келиб, Сирож муаллимдан астойдил ранжиган ҳолда, унинг кимлиги, қандай одам бўлганлиги тўғрисида ўйлай бошлаган эдим.

Сирож муаллим кўзлари порлаган, юзида ажиб улуғворлик акс этган киши эди. Паст, сал синиқ товушда, сўзни чертиб-чертиб гапирарди. Доим ҳақиқат учун курашармиди?! Одамларнинг бахтини деб яшармиди?! — ҳарҳолда, юриш-туриши, феъл-атворига қараб, юрагингда унга нисбатан ҳурматми, меҳрми уйғонарди. Шу боисданми ёки Сирож муаллимнинг қандайдир қатъиятли, иродали эканлигиданми, беихтиёр бўйсуниб, у бошлаган томонга юрмаслик мушкул эди! (Мен Сирож муаллимга вақтида бефарқ қарасам эди, эҳтимол шунча оворагарчилик кўриб, унинг изидан тушмас, унга эргашмас эдим!) У, афтидан, ҳеч ким, ҳеч нарсадан қўрқмас, келбатли, салобатли бўлмаса ҳамки, унга аждар бас келади, дейиш мумкин эди! Гўёки фақат мактаб эмас, бутун мамлакатда муаллимдек, катта давраларда «халқ дарди» деб сўз бошлар, кейин, масалан «ҳовузлар ботқоққа айланиб ётибди; кўчалар ифлос; ерни заҳарлашябди» сингари кўпчиликнинг «тили учидан турган» гапларни дадил-бемалол айтаверарди. Одамлар анграйиб қолишар, муаллим яхши гапирди, янги гап айтди, дейишарди... Шунинг баробарида, Сирож муаллим кўпинча: «Оддийроқ яшашга ўрганиш керак!» — дер, ҳаётдан (Ширинкўлдаги бояги муҳитдан) ниҳоятда мамнунми, бахтиёрми эди! (Умуман, у ўртаҳол кун кечиргандек таассурот уйғонарди. Аммо бир воқеа эсимда... Мактабни янги битирган эдим. Кўчада тасодифан кўришиб қолдик. Бирга овқатланиб, суҳбатлашадиган бўлдик. Мен устозни, ҳотамтойлик қилиб, сийлагим келган эди; менинг бу ишимдан у кулди. Ошхонадан қайтиб кўчага чиққанимизда, кўлидаги чарм халтани негадир менга очиб кўрсатди. Кунда кўриб юрган ҳол эмас... халта оғзигача белбоғи ечилмаган пул эди! Мен бировнинг кармонига нима ишим бор?! Ўшанда шунчаки, унга бунча пулни ким берди, қаердан олди, деб ажабланган эдим. Айниқса, Сирож муаллимнинг осойишта илжайиб тургани... Мана, ҳозир ҳам қаердандир унинг оиласига олган ойлигидан кўп пул келиб турибди экан! Қизик, албатта...) Лекин буниси майли. Сирож муаллим тўғрисида бошқа гап муҳим эди! Бунга алоҳида тўхталмай бўлмайди... У одатда, «бир сафда!»

дегандек, шогирдларидан (атрофдаги барча одамлардан ҳам!) ҳаёт тўғрисида бир хилда ўйлаш, бир хилда гапириш, ҳар қандай воқеани бир хилда кўриш, ҳамма нарсани бир хилда тушунишни қатъий талаб қилар эди! Сирож муаллим учун «шахсий фикр» деган тушунча йўқ эди! Оғзингни очгани кўймас эди! У — дево-навор хислатлари бор, ғалати одам; ўзи доимо чизган чизиқдан юравермайди. Лекин бошқа бировнинг чизган чизиқдан чиқи-шига у бардош беролмас эди! Йўлингга ўлигини ташлар эди! Сени мактабдан ҳайдатиб юборар, бу бўлмаса, юқори синф ўқувчиларидан тўртта шотири хизматга тайёр; танобингни тор-тиб кўйишдан ҳам тоймас эди! Унга, ундан каттароқ кишиларга фақат сажда қилгандек яшашинг шарт... Икки бошли илонни эшитганмисиз?! Тана, қорин бир эканлигини унутиб, овқат усти-да икки бош бир-бири билан талашганча, бир-бирини ғажиб ташлагиси келар эмиш... Биз мана шу илондек тарбия олмоқда эдик! Уйлаганда — бир бош! Сўйлаганда — бир бош! Ёлғиз қол-ганда — бир бош билан, даврада иккинчи бош билан... Икки бошни кўтариб юришинг керак! Қўшиқда: «Таълим берган усто-зингдан айрилма!» — деб куйланганидек, биз Сирож муаллим-дан айрилмас... айрилолмас эдик. («Биз муридлар қайси йўл бирла Каъбага бораёлик, пиримиз майхона томонга бошляб-ди!» — деган бир гап ҳам бормиди?!) Биз аввалдан устознинг этагини тутган эдик!

Аmmo мен мактабни битиргач, Сирож муаллим билан бир гап бу тўғрида гаплашган эдим.

Бизнинг суҳбатимиз бундай эди:

— Ўртоқ муаллим...

— Ўртоқ эмас! Ўртоқ — муаллим бўлмайди, муаллим — ўртоқ... Булар орасида катта масофа...

— Узр. Майли. Мен бошқа... Отамдан бир ривоят эшитган эдим. Баъзан эслаб, азобланаман.

— Қанақа ривоят экан?!

— Қадим замонда, биздан олис томонда бир мамлакат бўлган экан. Ҳамма жойдагидек, мамлакат пойтахтида катта майдон; майдонда дор ўрнатилган экан... Ҳаёт тинч давом этаётиб, кутилмаганда каллаи-саҳардан бир одам ўз-ўзидан дор остига келиб, ўтириб олибди. «Дор остига судраб келинган» ёки «дор остидан қочган» деган гаплар бор, лекин ўзи дорга боши-ни тутган кимса йўқлигидан, аёнлар-беклардан жаллодларга-ча — барча шошилиб майдонда тўпланишибди. «Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?!» — деб сўрашибди бояги одамдан. «Мени осинглар!» — дебди бояги одам. «Нега?!» — деб сўра-шибди. Бояги одам шундай гап қилибди... Менга: «Ҳаётдан ҳам, ўзингдан ҳам норози бўлма... Ҳеч нарсани эшитма!» — дейишди. Қулоғимга пахта тиқиб олдим. «Ҳеч нарсани кўрма!» — дейиш-ди. Узим ўз кўзларимни боғладим. «Гапирма!» — дейишди. Тилимни тишлаб юрдим. «Кулма!» — дейишди. Бунга ҳам кўн-дим. Энди: «Ҳеч нарсани сезмагандек юр. Уйлама!» — де-йишябди. Мен тирик одамман. Идрок қилмай яшаёлмайман! Ундан кўра мени осиб кўяқолинглар...

Сирож муаллим ўшанда масхараомуз кулумсираб, бошини чайқаган эди:

— Хўп, ўйлаб нима қиласиз?! Биз учун ўйлайдиганлар бор! Яшаб юравермайсизми?!
...Мен яшаб юраверган эдим!

36

Ўз-ўзим билан овора бўлиб, олдин дуч келган бутун жумбоқлар ҳам, Сирож муаллимнинг тўрт шотирию йўқолган чойхона ҳам шу кунлар батамом хотирамдан кўтарилган эди! Устахонада амал-тақал вақтни ўтказиб, уйга қайтар, тунда эса масжидга бориб, масжид кунжида ҳамон хаёлга берилиб ўтирар эдим. Бу ҳол қачонгача давом этиши маълум эмасди.

Дам олиш кунларидан бирида, эрталаб, — Ҳанифа зиёратгами, бозоргами кетган, уйда йўқ эди, — дарвоза тақиллади.

Бу ким бўлди экан, деб ўйлаб, бориб очдим.

Остонада уринган бахмал дўппи кийиб, эгнига узун оқ сурп устидан ола-була нимча илиб олган бир йигит хўмрайиб турарди. Қўлида кафтдек қоғоз. У, соқов бўлса керак, бармоғи билан нуқиб қўйиб, қоғозни менга узатди.

Кирланган қоғозга ижирғанганимча тикилиб, истар-истамас олдим. Асабийлашиб, кўз югуртира бошладим.

Катта ҳарфлар билан «Тавсиянома» деб ёзилган эди. Кейин...

*«Ушбу ҳужжатни кўрсатган кимса
(негадир исми-шарифи йўқ!) уйи ёнғинда
қуйиб, хотини, бола-чақалари ўлган. Ўзи
ота-онасиз ўсган. Етим. Қариндош-уруғлари
зилзила пайтида йўқолган.*

*Унга ёрдам кўрсатишингизни
сўраймиз.*

Илова:

Нон ва эски кийим-кечак тиқиштирилмасин!»

Ёзув остига (яна, негадир) эгри чизиқ тортилиб, қайсидир маҳалланинг муҳри босилган эди.

Бунақа «ҳужжат»нинг баҳоси қанчалигини биласиз. Бунинг устига, олдинлар, бизнинг болалик пайтларимиз Ширинкўлда тиланчилар инсофлими-камтарми эди. Берганнинг юзига қарамай дуо қилишар — миннатдор бўлишарди. Ҳозир улар безбетликка одатланишди. Катта холасиникига келгандек, айримлари баъзан эшикни тепишга тайёр! Бироқ дунёда эси бор одам ҳеч қачон девона, бадмаст, тиланчи билан баҳслашиб-савдолашиб ўтирмайди. Қолаверса, бу йигитнинг аҳволи чиндан қандайлигини ким билсин... Индамай ичқарига кириб, пул олиб чиқиб бердим.

Бу эшлашга арзимасди. Лекин уч-тўрт кундан кейин, ишдан уйга қайтаётиб, ўша тиланчига дабдурустдан кўчада рўпара келдим. У тўхтаб (танимагандир?!) чўнтагидан қоғоз чиқарганча,

яна бармоғи билан нуқиб қўйиб, менга узатди. Мен бу гал ҳам индамай чўнтагимга қўл суқдим.

Тиланчи энди менга гоҳида шундай юзлашадиган бўлиб қолди!

Мен кўнглим қандайдир ғаш тортганига қарамасдан, нима ишим бор, деб юрган эдим... кутилмаганда...

бир куни бозор эшигида унга узоқдан кўзим тушди.

У соқов эмас экан, биров билан бидиллаб гаплашиб турарди.

Мен унинг ким билан гаплашаётганига қизиқиб, айланиб ўтиб қарадим...

Тўрт йигитдан бири!

Булар шу кунларда ҳам мени таъқиб қилишни тўхтатишмабди-ку, деган хаёлга бориб, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Сен неча бора Сирож муаллимнинг изидан тушиб, неча бора орқага қайтдинг, бунақа эмас-да, деб ўйладим. Изқуварликни эпполмаяпсан! Хўп, нима қилиш керак?!

Албатта, мен қўлим қичиб, уларнинг ёнига бостириб борганча, биринчи навбатда, муттаҳам эканлиги етмагандек, жосусга ўхшаб юрган тиланчининг бўйнига туширгим келмоқда эди! Лекин бундан нима чиқади?! Баттар иш бузилиши мумкин.

Гап тугадини пойлай бошладим.

Кўп ўтмай, улар хайрлашиб, тиланчи бир томонга, суҳбатдоши иккинчи томонга йўл олди.

Мен турқи-таровати кўкиш алангани эслатган, новча, бақувват йигитга эргашдим.

Биринчи марта тўртталовидан бирини ёлғиз юрган ҳолда учратмоқда эдим. У мендан кучли; ғашига тегсам, бир уришда учириб юборадиганга ўхшар эди. Шунга қарамасдан, мен уни тўхтатиб, гаплашмоқчи эдим! Лекин ҳамма бало шундаки, оёқлари ғўладек йигит шундай тез одимлар эдики, мен югуриб ҳам унга етиб ололмаётган эдим! Ҳатто орамиздаги масофа яқинлашиб, овоз бериб тўхтатишнинг ҳам иложи йўқ эди!

У икки-уч кўчадан ўтиб...

тўппа-тўғри...

Ҳанифа ишлаётган касалхона эшигига бориб тўхтади.

Кейин, зип этиб ичкарига кириб кетди.

Мен бу ерда у нима қилар экан, деб юрагим беихтиёр орқага тортгандек бўлди. Кейин, унга эргашиб, мен ҳам касалхона ҳовлисига кирдим.

Дарахтзор касалхона ҳовлисида у кўринмас эди.

Мен, Ҳанифа шу ерда эканлигидан, хаёлим қочганми-хавотирланганми эдим. Назаримда, ҳозироқ Ҳанифани кўрмасам, тузатиб бўлмайдиган бир кор-ҳол — бир фалокат рўй берадигандек эди!

Шошилиб, Ҳанифа ишлайдиган бинога кирдим.

Мен Ҳанифанинг «Ичак-ошқозон касалликлари» бўлимида ишладини билар, аммо ҳеч қачон бу ерга келмаган эдим.

Узун, тор йўлак ўртасида катта бир стол турар, Ҳанифа ўзига ўхшаган икки ҳамшира билан қандайдир қутичалару шиша идишларни кўздан кечириб ўтирар эди.

Бояги йигитнинг бу ерда йўқлигию Ҳанифа қизлар даврасида осойишта ўтирганини кўриб, кўнглим бир оз ўрнига тушгандек бўлди.

Мени кутмаганидан, аввалига Ҳанифа бақрайиб қаради. Кейин, кулиб — кўзлари порлаб, лабларини йиғиштиролмайд қолди. Менинг ёнига келганимдан, у негадир қаттиқ ҳаяжонланган, суюнган эди! Бечора Ҳанифа... Дунёнинг азалдан келган ўйинларидан бири: («Мен, сен дейман, сен ўзгага ёр!») Мен Мамлакатхонни севган, Ҳанифа эса дастлабки учрашганимиздан мени севар эди! Мен буни кўнглимда сезар эдим! «Муҳаббат бировга шайдоликдан ҳам кўпроқ ўз ҳиссиётларингга ажабланиш, улардан алданиб, уларга мафтун бўлишдир!» — деган эди кимдир. Бечора Ҳанифа ҳам ўзича ажабланиб, алданиб, мафтун бўлиб, юргандир-да...

Мен, унга ишим борлигини айтдим.

— Мен ҳозир... Касалларимга дори беришим керак, — жиддий тортиб, ташвишлангандек бўлди Ҳанифа.

— Эй, сен боравур. Биз ўзимиз, — деди ҳамширалардан бири.

Биз касалхона ҳовлисига чиқдик.

Ҳанифа мендан илиқ бир гап кутмоқда эди. Бироқ ҳозир бу менинг кўнглимга сиғмасди.

— Ҳаниф... Мен иш юзасидан. Бировни излаяпман. Шу касалхонада... — дедим унга. Кейин, бояги йигитнинг бутун қиёфасини чиздим.

— У битта эмас... Улар тўртта! — деди Ҳанифа.

— Биладан...

— Ҳув этак томонда, «Асаб касалликлари» бўлимида ишлашади... Тўйимизга ҳам келишган. Кўргансиз!

— Бўлиши мумкин. Гапиравур!

— Жамоага кўп аралашимайди... Нега улар эгизакдек бир хил, тушунмайман... — Ҳанифа менга беҳос кўзларини катта очиб тикилди. — Сизга қайси бири керак?! Уларда нима ишингиз бор?!

— Шунчаки. Ўзим. Қўявур... Майли, сен ишингдан қолма!

Ҳанифа қараб турганию безовталанаётгани учун ҳозир этак томонга тушмадим. Касалхона ҳовлисидан қайтиб кўчага чиқдим.

Лекин эртаси куни туш пайтигача бажарадиган ишни юма-лоқ-ёстиқ қилиб, шерикларимга минг хил ваз-қарсон кўрсатганимча, устахонани тарк этдим. Ҳозироқ бориб бировнинг гирибонидан тутадигандек, ичим пишиб, ҳовлиқиб, касалхонага келдим. Дарахтзор ҳовлининг этак томонига йўналдим.

Анча юргач, кенг йўлка тугаб, иланг-биланг сўқмоқ бошланди. Кейин, қандайдир қияликка дуч келдим. Пастда икки қаватли ғарибгина бино кўзга ташланарди... Касалхонадаги бошқа бино-

лар гўёки тоғ устида жойлашганв бу бино негадир суриб ташлангандек эди!

Энди шошмасдан пастга эндим.

Бичо эски, касалхонадаги бошқа бинолар сингари оқланмаган ҳам эди! Қорамтир-жигарранг тусда. Куз куни, аёчиқса, хазонга кўмилиб ётибди!

Мен бино атрофида айлана бошладим. Демак, эчкисифат соқол кўйган йигитлар шу ерда! Хўп, Сирож муаллимчи?! Чойхона йўқолиб, у ҳам шу ерга келиб ўрнашганмикин?! Тўхта!

Сирож муаллим — ўз отаси тўғрисида, уялмай-нетмай (балки, ундан безор эканлигидандир?!) бир кунлари жуда қалтис гапирган эди Мамлакатхон! «Мияси заҳарланиб қолган. Махлуқ!» — деганмиди?! Демак, у «Асаб касалликлари» бўлимида бемалол келиб ётган бўлиши мумкин! Аммо... (эски савдо!) Бу (Сирож муаллим) — ўша, ертўладаги телба бўлса, йўқолган чойхонадаги — ким?! (Улган Сирож муаллимни-ку эсламай қўяқолайлик!) Касалхонага келиб ётган тақдирда, улардан қайси бири келиб ётибди?!

Бошим яна шиша бошлаган эди.

Бир неча марта бинога яқинлашиб, деразадан ичкарига қарадим. Оддий шиша, лекин ичкари кўринмас эди.

Мен эшикдан тўғри кириб бораверишни ҳам ўйладим. Аммо кирсаму танишларим тўртталаси тўрт томондан чиқиб, сен бу ерда нима қилиб юрибсан, деб ўртага олишса, улар билан одамдек гаплашиб бўлармикан?! Умуман, улар ҳозиргача менга нисбатан ўзларини бепарво тутиб келишди. На бир кўпол ишора, на бир оғиз сўз! Мени фақат ички бир туйғу — ички бир сезги улардан сергак бўлишга ундаябди, холос. Бошқа ҳеч нарса! Бундан ташқари, менга, аслида, уларнинг кераги ҳам йўқ. Менга Сирож муаллим керак! У — ким, қаерда?! — билишим шарт!

Бино атрофида айланишдан толиқиб, эшик қаршисидаги нам бир харракка бориб ўтирдим. Эшикдан ҳамширалару битта-яримта хасталар ора-сира кириб-чиқиб туришар, аммо менинг танишларим ёки Сирож муаллимдан қандайдир даракми, хабарми — бирон мужда бўладиганга ўхшамас эди!

Кеч кирди, кун ўтди, боғлар қуёш алангасида ловуллай бошлади.

Жонимга тегиб, ўрнимдан турдим. Уйга қайтишни ўйлаб, шошмай пастдан тепаликка кўтарилдим.

Кўтарилдиму нафасимни ростлаб олмоқчидек тўхтаб, орқага ўгирилиб қарадим.

Шу асно эшикда турган новча, бақувват тўрт йигитга кўзим тушди! Улар озиб-тўзиб, кичрайиб қолган ертўладаги Сирож муаллимними, ўтган беш-ўн кун ичида бирдан анча улғайиб қолган менинг бегона-боламними негадир қўлларида азот кўтариб олишган эди! Эркалашябдими, бир ёққа улоқтириб ташлашмоқчимми?! — тушуниш қийин!

Одатда, тепаликка югуриб чиқишдан ҳам, пастга югуриб

тушиш эфир. Биласиз! Мен эса шуурсиз ҳолда югуриб қайтиб пастга тушгим келди.

Бироқ икки-уч қадам босмасимдан, кўксимга кучли бир шамол урилиб, томоғим ғиппа бўғилгандек бўлди. Оёқларим чаълишиб, хас-хашак устига гурс этиб йиқилдим. Худди шу паллада хас-хашак мен билан бирга аллақандай чуқурликка — ер қаърига чўкди...

38

Кўзимни очгим келиб, очолмасдим. Нимадир халал бер-ябди.

Ўрнимдан туришни ҳам ўйладим. Қимир этолмадим. Бутун вужудим ўғирда туйгандек зирқирайди.

Қаерда ётибману ўзи нима бўлганини эшлашга урина бошладим. Аста-секин эслай бошладим.

Ер қаърида қанчадан буён ётибман?! — билмас эдим. Ўликманми-тирикманми?! — аҳамияти йўқ; бир ўлиб, бир тирилган бўлишим керак!

Афтидан, ёмғир томчилаб ўтган ёки юзимга дарахтлардан узилган нам япроқлар келиб тушган эди. Шундан, бир оз ҳушёр тортган эдим.

Азобланиб-машаққат билан кўлимни кўтарганимча, юзимдаги хашак-баргларни сидирдим. Кўзимни очиб, рўпарамга қарадим. Бир-бирига чаъйшиб кетган шохлар орасида ой тўрдаги олтин балиқни эслатарди.

Мен ҳамон қимир этолмасдим. Тутаб ётибман... Ҳолим шу эканлигига қарамасдан, ўзимни мажбур қилганимча, атрофни кўздан кечиришга чоғландим. Чуқурнинг тўрт томони аскарлар қазиб-шиббалаган хандақдек теп-текис. Оёқ тирайдиган ёки қўлга илашадиган бирон нарса кўринмайди... Ҳозирги аҳволда, мен эмас, соппа-соғ одам ҳам бу ердан чиқолмайди! Кимдир арқон ташлаб, нарвон туширмаса...

Мен шу пайтгача осойишта эдим. Ҳаттоки, анча ҳушёр тортиб, дадиллашган эдим. Атрофни кўздан кечиргач, ташвишлана бошладим ва бирдан эладим. Боя йўлни қисқартириш учун сўқмоқ қолиб, четроқдан юрган эдим. Мабодо кимдир сўқмоқдан ўтган тақдирда ҳам, менинг бу ерда эканлигимни билмайди. Ёрдам беролмайди!

«Сенинг кунинг шундай битиши аввалдан кўриниб турган эди! Сен бу ердан чиқолмайсан. Сендан ҳеч ким хабар ҳам тополмайди. Ўлигинг ириб-чиригунича шу чуқурда ётаверасан».

Мана, энди кутилмаганда мени даҳшат босди.

«Ўлим — яшашдан осонроқ!» — деган гап бор. «Ўлганга осон, қолганга қийин!» ҳам дейишади. Булардан ташқари, одамлар орасида «Дунёга келиб, ўлмаганимга пушаймон бўласан!» — мазмунидаги ғалати гап ҳам юради... Менга шу паллада биратўла ўлмаганим алам қилмоқда эди!

Мен бир пайтлар, бу — хатарли йўл, каллангни учраган туйнукка тикма, ўласан, бола, деб ўйлаган, буни кейин ҳам неча

бора ҳис этган эдим. Лекин кун сайин қаршимда сирли бир занжир шалдираб, диққатимни тортаверганидан, ўзимни тўхта-толмай, яна бало-қазога юзлашаверган эдим! Улимдан қандайдир кўрқмаган эдим... Мана, ўша ўлим ҳозир мендан икки қадам нарига келиб, қузғундек менга чанг солишга шайланиб турибди! Мен унинг барҳақ эканлигини тан олишим керак. Уни қаршилашим керак...

Даҳшат ичида сапчиб ўрнимдан тургим, ўзимни қаёққадир ургим келди... Ўлмаган жоним!

Ожиз эканлигимни сезиб, эзилдим. Илож йўқ. Йўқ...

(«Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш!»)

Беихтиёр кўзларимда ёш ҳалқаланди.

Инсоннинг ҳоли шу. Чумолидан, кумурсқадан баттар!

Қани, қанотинг бўлса-ю, қушдек учсанг экан...

Табиат ҳақида

ўйлайман баъзан,

Саховатни билган табиат,

наҳот,

Инсонни қизғанди

битта нарсдан —

Берса бўлмасмиди

одамга қанот?!

Қушларга берди-ю,

унга бермади... *

Инсон фақат тушларидагина учиши мумкин!

Бу — энг ёрқин тушлар, дейишади.

Мен болалигимда (руҳан пок пайтларда) баъзан шундай тушлар кўра эдим!

Энди кўзларимда ёш, ўлимни кутишдан бошқа нима ҳам қила оламан?!

Илож йўқ. Йўқ...

(«Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш!»)

Тақдирга тан бериб, бир-бирига чапишиб кетган шохлар, уларга илиниб қолган ой, ҳаворанг рўмолдек бир кесим осмонга кимираб этмай, тикилиб ётганимча, баҳор кунлари ҳовлимизда осмонга варраклар қандай учганини эсладим. Одам Ато билан Момо Ҳавво тарихига кам қизиққан кишилар ҳам сўнгги пайтларда очиқ «Инсон — коинот фарзанди!» дейишябди! Мен Ҳанифа, унинг мажруҳ опалари-ю, уларнинг болалари нега бунча суюниб, кўкка сапчишади, деб ажабланган эдим! Тушунмаган эканман... Инсоннинг осмонга интилиши табиий ҳол; учиш — бахт экан! Учувчи...

Бадалбек, болалик кунлари кўча-кўйда ҳавас билан, унга сездирмай эргашиб, барчамиз осмонга учишни орзу қилганимиз — беихтиёр ёдимга тушди! Бадалбекнинг ёнида дабдурустан (албатта!) Сирож муаллим ҳам хаёлимда жонланди...

* Эски шеърлардан.

Кейин, негадир, сен фарзанд бўлсанг, осмонга пок руҳ билан қарамайсанми, деб ўйладим. Бировлар пастда қолиб, тепами, юқоригами кўтарилган зот заҳар сепиши шарт эканми?!

Кейин, ўз тўғримда, сен нималаргадир қизиққанг учун эмас, — асло! — тубанлашиб кетганинг учун, бўйнингдаги гуноҳлар учун бу чуқурга тушдинг, деган ҳаёлга бордим. Дунёда жазо бор. Жавоб бор! Сен энди ҳеч нарса қилолмайсан!

Баданимдан зах ўтиб, совуқдан тарашадек қотган эдим. Энди қўлимни ҳам кўтаролмайман, бўйнимни ҳам буролмайман. Тахтакачга айланиб қолдим.

Шох-шабба, хас-хашакни сичқонми, каламушларми кемириб, тинмай шитирлатишар, ора-сира чийиллаганми-ийиллаган овозлар ҳам эшитилиб турар эди. Баъзан устимда алламбалолар ўрмаларди.

Сўнги-бор мадорим ҳам қуримоқда!

Мен яна ўликманми-тирикманми, аҳамияти йўқ бир ҳолга кела бошлаган эдим!

Қабристонни, отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, кичкинтой сингилчам ётган хилхонани эслаб, мен ҳам боряпман, кечиринглар, деб нидо қилишга шахдландим! Бироқ энди ҳатто пичирлагани — лабларим ҳам қимирламас эди!

Кўп ўтмай, чуқурлик тепасида аллақандай қип-яланғоч бир аёл рақс тушаётгандек бўлди. Кейин, новча, бақувват тўрт йигит келиб, чуқурлик атрофида айлана бошлашди. (Улар озиб-тўзган Сирож муаллим ёки бегона-боламни шу чуқурга, менинг устимга ташлашмоқчимикан?!). Кейин, чуқурлик ёнида бояги йигитлардек, афти-ангори бир хил юзлаб, минглаб одамлар...

Мен энди кўзларимни чирт юммоқчи эдим. Лекин... шу аснода...

тепада

Ҳанифа, унинг ёнида уч-тўрт аёл кўрингандек бўлишди...

Улар (ажабо!) оппоқ қанотларини ёйиб, чуқурлик устида секин уча бошлашди...

Аёллар таниш. Мен уларни қаерда кўрган эканман?!

Эй... ҳовлимизда, Ҳанифа билан бирга, ой ёруғида сочларини ёйиб, бош ювишаётган пайтда...

Булар алвасти эмас, парилар экан!

Тепада бир оз учишгач, қанот қоқишганича чуқурлик ичига тушишди. Мени оппоқ қанотларида ер қаъридан кўтариб, осмон фалакка қараб парвоз қилишди.

Кейин, уларнинг қанотлари сингари юмшоқ бир парча булут устига ётқизишди...

Ҳанифа ёнимда, қўлимни қўллари орасига олиб ўтирибди.
Хона ёруғ. Кун ёруғ.

Яшаш мумкин.

Мен қараганим заҳоти, Ҳанифа юзини четга бурди. Юзига кўзларидан ёш сизмоқда эди.

Йилларнинг кераги йўқ; инсон лаҳза ичида кўп нарсаларни тушунади!

Энди аҳволим ўнгланиш томон кета бошлади. Худога шукр!
Тириклик — неъмат. Билмайсан-да!

Яшаш мумкин.

Уйга кўп одам келади. Опам, акам, янгам, поччам, Ҳанифанинг опалари, болалар... Ҳанифа бўлишга уриниб, ҳаммалари менинг устимда ўладиган!

Устахонадан ҳам кунда биров хабар олади. Мен сўнги пайтларда ишни ёлчитмадим. Иш бермадим. Аммо дунёда марҳаматли одамлар кўп экан!

Ана: ниҳоят, ўрнимдан ҳам турдим. Хонада беш қадам-ўн қадам. Дераза; ташқарига кўз ташлаш — бахт!

Хўп, бунинг ҳаммаси орқада қолди.

Байрам куни кўчага отланган боладек, титроқ-ҳаяжон билан, оро бериб кийиндим. Шунчаки кўча айлангим келди. Соғинганман. Кўча — бахт. Шаҳар — бахт!

Яшаш мумкин!

Остонада Ҳанифа устимни тартибга солган бўлди. Кейин, четга — бир нуқтага тикилди.

— Сизга ўғил кўпроқ ёқадими, қиз?!

Мен ҳеч нарсага тушунмадим.

— А-а?

— Билмадим, ким экан?!

У анча бурун кўнгли нордон нарса тусаб юрганини айтган эди. Эътибор бермаган эдим. Ҳозир қоматига қарадим. Эй... Уни секин кифтидан кучдим.

— Насиб қилгани. Барибир!

40

Кўчага чиқдимۇ дарвоза олдида тўхтаганимча, чайқалиб кетдим.

Мен бир шод, бир ношод эдим.

Байрам қилиб кўчада юриш қаёқда! Тўғри масжидга қараб кетдим.

Бўм-бўш масжиднинг бир кунжида яна аввалгидек ғамгин чўнқайдим.

— Осий банданга ўзинг шафқат қил, худойим! Сен Ғофур ва Раҳмонсан! Раҳимсан! Қодирсан! Ичим ёниб кетябди. Қачонгача бу азоб?! Ортиқ чидаёлмайман! Улиб ўлолмадим. Яшаб яшаёлмаяпман... Нима қилай?! Қаерга борай?! Сендан бўлак паноҳим йўқ...

Мен Худога узоқ илтижо қилдим. Кейин, қироат қила бошладим.

Кейин, ўпкам тўлиб, йиғлай бошладим.

Бир қироат қилар, бир йиғлар эдим...

Бехос кифтимга биров кафтини босганидан сесканиб кетдим.
Мутавалли ота!

— Ўғ-ли-им, — деди у сал чўзиб. — Ҳаммомни биласиз. Бориб турсангиз керак?!

Менинг кўз олдимга зангор қуббалари ялтираган ҳаммом келди. Ажабландим. Ғариб-нотавон бир инсоннинг тушқун аҳволига ҳаммомнинг нима алоқаси бор?!

Лекин ёнимда чўккалаган Мутавалли ота сўзни ўзи давом эттирди:

— Тоза сувдан чиқиб, ҳаммомнинг орқа тарафига ўтиб қаранг! Қанча кир оқиб ётганини кўрасиз...

Мен беихтиёр новча, бақувват тўрт йигит бир гал ҳаммомнинг орқа томонидан чиқишганини эсладим. Қизиқ, у ерда улар ўшанда нима қилиб юришган экан?!

— Мисолдан мурод, фақат жисм эмас, гоҳо руҳ, кўнгулни ҳам кир босади. Қасмоқ боғлаб кетади. Ичингиз қора қурум бўлиб қолади! Бу кўринмайди. Биз билмаймиз... Эшитгансиз.

*Камол эт касбким, олам уйидин —
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак, биайних
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ... **

Шундоқ, ўғ-ли-им. Биайних, дебдилар! Сизга недир азоб беради. Кўпдан қарайман. Бу — гуноҳми, дардми?! Мендан қисинмасангиз, сўзланг...

— Сиздан қисинмайман, — дедим ўйланиб. — Бу бир одамга қизиққанимдан бошланди! Ҳақиқатни билгим келди... Ҳеч нарса аниқлаёлмадим! Орқага қайтишга кучим етмаябди. Олдинга бораверишга ҳам кучим қолмади! Хўп, бу майли... Аввалдан бўйнимда гуноҳим кўп эди. Баттар гуноҳга ботдим, ота... Кўзимга ҳар нарса кўринди. Мени шайтон йўлга солгандек бўлди. Нима тўғри, нима хато, нима рост, нима ёлғон — билмай қолдим... Ҳозир ҳолим забун, ота. Эртамини ўйлайман. Туғилган бир фарзандимдан хавотирдаман. Туғилмаган бир фарзандим учун қўрқаман! Нега менинг қисматим бунчалар чигал, тушунмайман...

— Гуноҳларингизни англабсиз, ўғ-ли-им, қолгани ўтади, — деди беозорлик билан Мутавалли ота. — Ҳақиқат Ҳақ сўзидан. Унга етиш керак! Мушкул пайтда тиловат қилинг! — У чўнтагидан чарм қопламали кичик ёндафтар чиқарди. — Менинг охирагим яқин, сизнинг ҳаётингиз олдинда. Олинг. Қўйнингизда асранг! Буюк пирларнинг дуолари ёзилган... Ўрнингиздан туринг. Энди ўйингизга боринг, ўғ-ли-им...

Мен ҳамон бир оз паришонланган кўйда уйга қайтдим.

* Алишер Навоидан.

Исён

41

— Эшитдингизми, иккита қизча, бири тўрт яшар, бири олти; кўчага чиқиб кетишганича, қайтиб келишмабди...

— Бир боланинг дўпписини олмоқчи бўлишибди. Бола қаршилиқ кўрсатиб, бошига қўллари билан ёпишган экан, қорнига пичоқ санчишибди...

— Аэропланни олиб қочишибди. Иккита хотин, иккита эркак экан...

— Ширинкўл атрофида безорилар учраган ҳайвонни отиб-қириб кетишаётган эмиш. Ҳеч ким индаёлмас эмиш...

— Лаб-лунжини бўяган бир қиз кўчада яхши кийинган одамларни гапга солиб, боққа олиб кираркан. Боғда, дарахт остида шериклари, икки норғул йигит пойлаб тураркан. Кейин, улар ҳаммаси бир бўлиб бояги одамни шилишар экан...

— Ёлланган қотил чиққанмиш. Арзимаган пулга одам ўлди-рармиш...

— Биттаси кечалари ниқоб тақиб юраркан. Қоронғи кўчаларда аёлларга ташланар экан...

— Ун яшар бола! Лекин ўз тенги иккита болани ўлдирибди. Битта қизчани қўлидаги соат учун, битта болани расмли китоб учун...

Мен бундай нарсаларни одамлардан эшитар, ойида икки марта чиқадиған «Ширинкўл ҳақиқати» рўзномасидан ҳам баъзан ўқир эдим. Бу нарсалар менга онда-сонда учрайдиған ҳодиса, ваҳима гаплар бўлиб туюлар эди.

Кўпинча кеч тунлар уйга қайтаётиб, кўча четларида тўртта-бештадан тўпланиб турган шубҳали кишиларга кўзим тушарди. Гоҳо эса бозорда ғуж бўлиб юрган шундай кишиларни учратардим... Боғда, янги бинолар олдидаги ҳовлиларда ҳам уларни кўрганман. Башанг кийинишган; афти-ангоридан йигитми-қизми ажратолмайсан; ўтган-кетганни оёқлари билан кўрсатиб, баланд товушда-бепарда сўзлашиб ўтиришади. Улар қандай фикр юри-тиб, нималарни гаплашишади?! — билиш қийин! Буниси майли. Уларнинг бизга кўринмаганми, биз беҳабар юрганми — давралари, иш фаолиятлари, ҳаётлари бор...

Лекин мен бунга лоқайд-бепарво эдим. Ҳозиргача бу — менга дахлсиз олам эди! Кўнглимга ёқмайдиган кишиларга дуч келганимда, уларни оддий бир тоифа деб қабул қилар, булар бахтсиз одамлар, деб ўйлар эдим, холос! Дунёда жиноят, жиноятчилик деган тушунчалар мавжуд; у ҳар бир инсон ҳаётига вобаста эканлиги ҳаёлимга ҳам келмас эди! Шу боисдан, мен нафрат эмас, нари борганда, фақат озор ҳис этар эдим...

Мана, энди ҳаётимда ҳузур-ҳаловат қолмади! Кечалари яхши ухлаёлмайман. Нотинчланиб-безовталаниб, тўлғаниб чиқа-

ман! Бутун жиноят олами, тун сукунатида гўеки менинг хонадонимга аста-секин яқинлашиб, ёпирилаётгандек бўлади!

Мутавалли ота айтмаган тақдирда ҳам, мен инсоннинг пок ва нопок ҳолатини, одамлар гоҳо руҳи, кўнгли кирланиб, ҳайвондан баттар қабихликлар қила олишларини билар эдим. Фикр юритишдан махрум бир кўйга тушиб-яшаб юрганим учунгина, бу тўғрида ўйламаган — ўйлашдан қочган эдим! Қурбим етмаган эди!

Энди ўйлаш керак! Гоҳо туғилмаган, ҳаттоки жон ато этмаган боланг учун ҳам қайғуришга мажбур экансан. Масалан... менинг икки фарзандим кўчада бир куни юзма-юз келса, улардан қайси бири ўзини қайси йўсинда тутуди?! Одамлар бир-бирига қуйиб-қўйгандек монанд бу икки вужуддан қай бири пок, қай бири нопок эканлигини ажрата олишадими?! Менинг бегона-болам менинг бу боламга зулм ўтказиб, ўша кўчада, ўша куни унинг қорнига пичоқ санчмайдими?!

Мен изтироб ичида шуларни ўйлар эдим.

Ширинкўлда юз берган (юз бераётган) жиноятларга Сирож муаллим билан ёнидаги тўрт йигитнинг қандайдир алоқаси борми?! — билмас эдим. (Балки, алоқаси йўқдир?!). Шунга қарамасдан, бундан буёғи уларнинг изига тушиб, қаерга бориш, нима қилиш тўғрисида муттасил бош қотирар эдим... Шу кунлар менинг ҳар томондан йўлим берк эди. Соғлигим ҳали ўнганмаган. Ўзимни қайтиб қутилмаган бирон ўпқон тортиб кетишини ҳам истамайман! Бунинг устига, қабристондан ҳеч нарса суриштирилмайсан. Чойхона йўқолган. Касалхонага яна боришдан маъно кўринмайди. Сирож муаллимнинг уйига боролмайман. (Албатта, у ерга боргим, бегона-боламни яна бир кўргим келади. Оталик ҳисси мени эзади. Аммо бу ғирт ғалва эканлигини олдиндан сезиб турибман!) Қандай бўлмасин, йўл топиб, ҳақиқатни барибир аниқлашим керак. (Мутавалли ота ҳам менга шу мазмунда гапирган эди!)

Мен ҳозир, асосан, уйдаги ташвишлар билан банд эдим.

Мисгар уйда ҳам мисгар, ямоқчи уйда ҳам ямоқчи.

Дурадгор ҳам шу.

Рўзибой аканинг уйида турганимда, бутун курсилар, тўмба-лар, жавонларни тузатиб, бир-икки эшик-деразани ҳам янгилаб берган эдим... Машқим паст эканлигиданми, ичкуёв бўлганимдан ғурурим тутиб, эрка бир меҳмондек юрганимданми, ўз уйимда арра-тешани қўлга олмаган эдим... Соғаю бошлаганимни сезгач, беихтиёр даҳага кирган қуртдек гимирлаб, ҳаяжонланган-шошганимча, уйни тартибга солиш — чиннидек қилиб қўйиш ҳаракатига тушдим. Эшик-деразаларни алмаштирдим. Ҳаммаёқни янги жавонлар, катта-кичик токчалар билан безадим. Мўъжаз бир каравот, аравача, ғалтак ҳам ясадим...

Кунлар шундай ўтаётган, илк қарашда тирикчиликдан бошқа нарса мени қизиқтирмаётгандек эди.

Лекин бир куни кечга томон

уйда дастурхон ёзилган, Ҳанифа овқат сузиб келгани ҳовлига чиққан эди.

Мен нон чайнаб, хаёлга ботиб ўтирар эдим.

Ҳаво илиқ. Том устига қизарган офтоб ёнбошлаган.

Дераза очиқ эди.

Қулоғим остидан нимадир шувиллаб ўтди. Тарс этган товуш эшитилди.

Уён-буёнга қарадим. Янги жавон қопқаси тешилган эди!

Ирғиб туриб, қопқани очдим. Жавонда ёнғоқдек қайроқтош ётар эди.

Деразадан ҳовлига сакраб, нарвонни тиркаганча, томга югуриб чиқдим. Назаримда, узоқдаги бир томдан қандайдир тирмизак-бола пастга сирғалгандек бўлди.

Туни бўйи мижжа қоқмадим. Хаёлим қочгандан-қочди... Алламаҳалда олисдан ҳар қачонги — товуснинг хунук қичқириғи эшитилди.

Урнимдан секин туриб, ярим-ёрти кийинганимча, кўчага чиқдим. Кўча этагига қараб бора бошладим.

Товус яна қичқирди.

Бир ҳовли эшигига келиб тўхтадим. Бу —

Ҳанифа менга кўрсатган, —

«Маҳлиқо опа турган ҳовли» эди!

Эртаси куни кечга томон атайин бориб, ўша эшикни тақиллатдим.

Ичкаридан миқти бир жувон чиқди.

— Вой, келинг, қўшни. Яхшимисизлар?! — у мени учратган, танир экан.

Мен аҳвол сўрашиб, мақсадга кўчдим:

— Кечирасиз. Сизларнинг уйларингда товус борми?

— Ҳа. Ана, томда саллона юрибди. Қаранг, — бир қадам орқага чекинди жувон.

Томнинг лабида чиндан товус хиромон қилар эди. Саройдаги маликаларни кишининг ёдига соладиган, ажойиб-шоҳона қуш!

— Овози ўхшамас экан, — дедим суҳбатга баҳона тариқасида.

— Бу ўзи бизники ҳам эмас, — деди жувон. — Эскидан шу ерда эди.

— Маҳлиқо опа пайтиданми?!

— Ким билсин!

Мен воқеанинг бир учи шу ҳовлида эканлигини тунда эшик олдига келганимдаёқ ҳис этган эдим. Фақат, бу ерда қандай сир-асрор бўлиши мумкинлиги менга қоронғи эди.

— Сизлар қариндошмисизлар?!

— Йўқ. Бегона, — деди жувон.

— Опанинг яқинларидан ҳеч ким қолмаганми?!

— Биз ҳовлини сотиб олганмиз. Билмаймиз...

Жувон менга нималарнидир айтгиси келмаганми, айтишни эп кўрмаётгандекми эди!

Бироқ мен у билан хайрлашгач, фикрим ўз-ўзидан ёриша бошлаган эди...

Тўхта! Сен ҳозиргача қайсидир паст кўчаларда юрибсан! Бу

дунёда Сирож муаллим (ёки, масалан, Бадалбек)нинг қисмати билан сендан кўпроқ қизиқиб, аниқ маълумотга эга бўлган одамлар бор! Уларни қидириб-топиб, гаплашишга уриниб кўриш керак!

Биринчи навбатда, мактабга бориб,
Улуғ Ақобирни учратиш...

42

Уша кунлариёқ бордим.

Улуғ Ақобир одатича мени қўлтиқлаб, хонасига бошлаб кирди.

Биз ундан-бундан бир оз сўзлашдик. Ниҳоят, директорнинг қитиқ пастига тегдим:

— Мактабнинг номини ҳалиям ўзгартирмабсиз!

— Бўлмапти... Югуриб юрибмиз! Кўнишмаяпти!— эзилди директор.

— Катталарми?!

— Катталар! Мумкин эмас, дейишяпти.

— Терговни тугатмабдими?!

— Тугамаган...

— Раҳбарлардан кимга боғлиқ экан бу иш?!

— Мирқобил ака... Ўз ўқувчимиз! Мактабни сизлардан олдинроқ битирган. Бунинг устига, қоровул чол Юнус хўжанинг жияни...

— Хўп, мен ҳам сиз билан бирга у кишига учрасам-чи! Ҳаммамиз учун шу мактаб азиз остона, деган гап қилсак...

Улуғ Ақобирнинг кўзлари чақнаб кетди. Шўрлик директорни бу таклиф шунчалик тўлқинлантириб юборган эдики, гўё Сирож муаллимнинг номи тахтага ёзилгану уни шунчаки кўчага олиб чиқиб, мактаб тепасига илиб қўйишгина қолгандек эди!

— Раҳмат! — деди у ўрнидан боладек ирғиб туриб, қўлимни қисар экан. — Мен сиздан худди шуни кутган эдим! — Кейин, хонада тез нари-бери одимлаганича, ўз таклифини ўртага ташлади. — Сиз мактабни битирганлар номидан гапирасиз! Қоровул чолни ҳам оламыз. Жамоатчилик номидан. Жиянига айтсин! Шу фикр олдин менинг калламга келмаган экан! Бир ўзим сўлқиллаб... — Уйланиб қолган Улуғ Ақобир, сал бўшади. — Уч кун бурун исми шарифимизни ёзиб, хат киритишимиз керак. Бўлмаса, қабул қилмайдилар...

Биз Улуғ Ақобир билан яна кўришишга ваъдалашдик.

43

Уч кун эмас, орадан уч ҳафта ўтди... «Каттакон банд эканлар!», «Каттаконнинг товлари йўқ экан», «Каттаконнинг ишлари кўп экан!»

Раҳбарлик сиёсати — кутдириш!

Кутсанг — эзиласан!

Қизишиб турган бўлсанг — совийсан!

Кибор бўлсанг — мўмин бўлиб қоласан!

Тўппа-тўғри хонага кириб бориш билан йўлакда икки соат сарғайиб ўтириш — бир-биридан кескин фарқ қилади!

Мен шўрлик директорнинг аҳволига ачиндим. Арзимаган масалани ҳал этиш учун у неча бора сарғайиши керак!

Агар гап фақат мактабга Сирож муаллим номини бериш устида борганда-ку, мен Улуғ Ақобирдек собитлик қилмай, бу ишга тупурардим! Аммо нималарнидир эшитиб-билиш истаги... Ҳозир бошим қотиб, бундан бўлак бирон йўл ҳам тополмаётган эдим!

Орадан уч ҳафта ўтгач, ахийри, имдод келди. Биз — директор, Юнус хўжа амаки, мен — учовлон судралиб йўлга тушдик. Шаҳар марказидаги серҳашам бинолардан бирида жойлашган Мирқобил ақанинг кенг-мўл хонасига кириб бордик.

Мирқобил ака бизни алланечук суюниб, «ўзи ҳам гўзал, сўзи ҳам гўзал» қиёфада қўлларини бир-бирига ишқаганича, хона ўртасида кутиб олди. Юмшоқ курсилардан жой кўрсатди.

— Тинчликми, тоға?! — деб сўради дастлаб Юнус хўжа амакидан. Кейин, менга қаради. Иккимиз таниш, бир пайтлар мактабда учрашган эканмиз. — Яхши юрибсизми?! Кўринмайсиз...

Шундан сўнг, Улуғ Ақобирга юзланди:

— Сирож муаллимни гўрдан чиқариб ўтирмаймиз! Бошқа нимаики гапларинг бўлса, бемалол...

Менинг бировдан кўрқадиغان жойим йўқ. Катта хонада ўтирган одам мен учун осмон ҳам эмас!

— Биз учун Сирож муаллим муҳим, — дедим тўнғиллаб. — Шунинг учун ишдан қолиб келдик. Бу гапни кўмиб кетолмаймиз...

Мирқобил ака менга аҳамият бермади. У Юнус хўжа амакига тешиб юборгудек тикилди:

— Сиз нима учун бу ишларга аралашиб юрибсиз, тоға?! Нега бундай қиласиз?! Оддий бир қоровул одам бўлсангиз...

Қария саросималаниб қолди.

— Ий... Мирқобилжон! Акамиз! — у бир жияни, бир директорга қарар, ичида буларнинг иккаласидан ҳам ўлгудек кўрқиши кўриниб турар эди!

Бўш келмаслик учундир, каттакон энди Улуғ Ақобирни янчишга тушди:

— Сиз бевосита ўз ишингиз билан шуғулланмаябсиз, Улуғ Ақобир. Қариб қолганга ўхшайсиз! Тарбияни бўшаштириб юбординглар! Ҳар бир синфдан камида иккита бола мактабни ташлаб-ташламаган, ўқиб-ўқимасдан юрибди. Қачон кўча айлансак, тўп-тўп мактаб-болаларга дуч келамиз! Ёшлар, болалар орасидан безори кўпайиб кетди. Шаҳарни тарбияли одамдан кўпроқ кундан-кун жиноятчи эгаллаябди! — Бу бизни хона ўртасида қаршилаган Мирқобил ака эмас, бошқа; асаби таранглашиб, жаҳли чиққан, ҳатто кўйлаги ёқалари буришиб, бўйинбоғи ҳам қийшайган эди!

Унинг гаплари айни ҳақиқат; аммо нега дафъатан бундай бўғилганига тушуниб бўлмас эди. У мактабда интизом бўш

эканлигидан кўра муҳимроқ ниманидир айтишга ҳаққи йўқми, қўрқаётгандекми! — ўз ваҳмини ҳайдаш учунгина ноғора чала-ётган кишини эслатар эди.

Мен албатта оғзимдагини олдиргим келмасди. Бошлаган гапим совиб, менга ҳам калтак навбати етишини кутмасдан, тарозига тош босдим:

— Хўп, менга қаранг. Ўзингиз шу мактабда ўқигансиз! Нима, номини қўйишга Сирож муаллим арзимайдими?!

Менинг дадиллигимдан руҳланиб, ўнгланиб олган Улуғ Ақобир сўз қистирди:

— Ном ҳам инсонни тарбиялайди...

— Сенлар нега ҳамманг Сирож муаллимга бунча ёпишиб олдиларинг?! Мен тушунмаяпман...

— Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз, каттакон!

— Арзийди! Минг марта арзийди... Буюк одам! Мен қарши эмасман! Лекин... лекин у кишининг ҳозирча номини қўйиб бўлмайди! Мен рухсат беролмайман... Мендан каттароқларга учраганларингда ҳам, буни ҳал қилолмайсанлар. Биз ҳаммамизнинг тилимиз бир. Фикримиз — бир... Фойдаси йўқ. Сизлар, яхшиси, бу гапни миянглрдан чиқариб ташланглар! Ўйлаб ҳам юрманглар! Менинг маслаҳатим шу...

— Нега?! Нега, ахир?! — дедим қайсарланиб. — Сабаб?!

Қаршимда бутун сир-асрор пардаси ана-мана кўтариладигандек эди. Қудуқдан бир челақ сув тортгандек, Мирқобил аканинг ичидагини секин суғуриб олсанг, бас!

Бироқ у мақсадга яқинлашганда, орқага тисарила бошлади:

— Сабаб... Тергов тугамагунча биз бир нарса деёлмаймиз! Бекқул деган йигит бошлиқ гуруҳ иш олиб борябди. Биз тезроқ ишнинг тугабини кутябмиз...

— Бу иш рўзи қиёматгача... — деб пичирлади Юнус хўжа амаки, афтидан, беихтиёр.

Жиян тоғага энди шафқат қилди.

— Қиёматми, кейинми... биз билмаймиз. Биз аралашолмаймиз! — деди мулоимлик билан.

44

Айлантириб чинга армонни,
Бокий умр бериб ҳар дамга,
ОДАМИЙЛИК бериб ОДАМга —
Мен яшашни истаيمان ёниб.

Майли, узсин умримни уйқу,
Майли, мени фарқ этсин уммон —
ЭРТАНГИ КУН, мамнун бўлса-ю,
Айтса басдир бахтли бир инсон:

У яшаган, наҳотки, ахир,
Фақат бўлиб ҳасратга банда?!

Бизни Мирқобил ака эшиккача кузатиб, кўчага чиққанимизда, барчамиз фаромуш, тепки еган ланж ҳолатда эдик.

Улуғ Ақобир билан Юнус хўжа амаки мендан уялаётгандек, кўзларини олиб қочишмоқда эди.

Менинг ҳам аҳволим уларникидан яхши эмасди.

Шерикларим билан лоқайд хайрлашдим.

Мен яна ёлғиз қолган эдим...

«Фикр — бола. Бола — ўсувчан!»

Қайсидир шоир шундай деган экан.

Инсон — буқаламун эмас. Аммо унинг фикри ўсиб-ўзгармаса, уни қотиб қолган, дейишади. Кесак... Дарди йўқ кесак ёки, кесакдан ўт чиқибди.

Машҳур латифани эшитгансиз... Афандининг уйида кечаси нимадир гурс этибди. Эртаси куни қўшнилари афандидан қандай воқеа рўй берганини сўрашибди. «Тўним томдан тушиб кетди!» — дебди афанди. «Тўн ҳам шунақа гурсиллайдими?!» — деб ажабланишибди қўшнилари. «Тўннинг ичида ўзим бор эдимда!» — дебди афанди...

Қисқаси, бир кунлари Сирож муаллим билан Бадалбек мактаб биносида ҳалокатга учрашганида, мендан миршаблар, терговчилардан ҳеч ким гап сўрамаган, уларнинг лоқайд-бепарволиги менга ёқмаган эди!

Мен рўй берган воқеа тўғрисида ўз фикрим-тахминларим бор, деб билганимдан, ўшанда бунга ўкинган эдим!

Улар (қаланғи-қасанғи ҳар кимдан гап сўраб ўтирмай!) ишга панжа орасидан қарашябди, деган хаёлга ҳам борган эдим!

Аслида, бу тўғри бўлган экан!

У пайтда менинг кўпчиликка ўхшаган тўним бор, аммо тўн ичида ўзим йўқ эдим...

Мана, энди, дунёда нималарнидир билганим сари ҳеч нарсани билмаслигим ошкор бўла бошлади, деганларидек ҳақиқатни аниқлашга уринганим сайин кундан-кун, баттар, саволга кўмилиб, жавоб тополмай, паришонланиб турибман! Яна қизиқ жойи: мен энди — фикр-мулоҳаза айтиш қаёқда, аксинча! — ўзим бировдан гап сўрашга муҳтож бўлиб турибман!

...Бекқул деган терговчи йигитни топишим осон кўчди (Мирқобил ака раҳбар бўлган маъмурий идорага нисбатан адлиядаги иш тартиблироқ экан!)

У кичик бир хонада ўтирарди. «Терговчи» дегулик салобатли ҳам эмас. Нозиккина, зиёлига хос қиёфали йигит. Мен билан осойишта, самимий гаплашди.

Бизнинг суҳбатимиз бундай кечди.

* А. Блокдан.

— Мен сизларга аллақачон учрамоқчи эдим, — дедим унга. — Мавриди энди экан! Бадалбек менинг қайнотам. Сирож муаллим — устозим... Мен улар тўғрисида оз-моз билишга ҳақли бўлсам керак! Айниқса, Сирож муаллим...

— Нега қайнотангиз эмас, айниқса, Сирож муаллим?!

— Бу эътиқод масаласи... Бир пайтлар Сирож муаллимга қаттиқ ишонардим. Ҳурмат қилардим. Кейин, ўз-ўзидан муносабатим ўзгара бошлади. Дарз тушди...

— Хўш, нима учун дарз тушди?

— Мен буни тушунтириб беролмайман. Чунки ўзим тушунмаябман... Энг аввал, мактаб биносига рўй берган воқеа! Мен ўшанда нима бўлганига ақлим етмаябди...

— Сиз ўзингиз нима бўлган, деб ўйлайсиз?!

— Мен билсам экан! Менга фақат бу икки одамнинг бири-бирини қучиб, бирга ўлгани ғалатироқ, нотабиий туюлади. Уша кеча қандайдир биз кўриб турган, биз билгандан бошқа, муҳим бир воқеа рўй бергандек... Бу — ерми, осмонга тегишлими?! Қизиқиб, кўпдан буён сарсонман... Бундан сизнинг хабарингиз бор; яширмайман, шунинг учун сизнинг олдингизга келдим...

— Ҳаётда шунананги воқеалар учрайдики! — деди Бекқул. — Лекин гап унда эмас... Сиз аломат одам экансиз! Дунёда қайси бир терговчи ўзи шуғулланаётган иш ҳақида сизга ҳисобот беради?! Менинг касбим эшитиш. Гап сотишга ҳаққим йўқ! Пишмаган нонни тандирдан узиб, кўчага чиқариб ҳам бўлмайди...

— Шунча йил ўтиб, пишмайдими нон?!

— Баъзан шунақа бўлар экан!

— Мен Мирқобил ака билан кўришган эдим; у киши, биз бу ишни билмаймиз, деди. Тергов тезроқ тугашини кутябмиз, деди...

Менинг гапим наша қилдими, бу гал терговчи очиғини айтди:

— Улар балони билади! Бошоғриқни бизга юклашга уста, холос! Шу ишни бир оз чўзиб туринглар, деган ҳам ўшалар...

— Хўп, сиз менга мумкин бўлмаган гапни айтманг! Оддий бир савол... Мен унга жавоб олсам, тинчми-нотинчми, тирикчилигимни кўриб кетавераман! Ҳадеб хаёлим қочиб, безовта бўлавермайман... Сирож муаллим буюк одаммиди?!

— Мен ундай деёлмайман... Мен учун ҳамма барабар. Одатдаги одам! Умуман, ҳар кимни буюк, деб билиб-билмасдан, кўкка кўтаравермаслик керак. Кейин, томдан тушиши қийин бўлиб қолади...

— Демак, ишнинг чигаллашиб ётганига қараганда, у ғирт жиноятчи бўлган экан?!

— Мен ундай ҳам деёлмайман... Биз инсоннинг маълум пайтдаги, муайян шароитдаги ишини ўрганамиз. Шунга қараб, баҳо берамиз! Ҳали у тўғрида гапиришга эрта...

Сухбат тугаган эди.

Менинг кўп уринишларим сингари бу хатти-ҳаракатим ҳам охир-оқибатда зое кетгандек эди!

Бироқ мен ўзимга керакли хулосага келган эдим:

1. Сирож муаллим (ва Бадалбек) билан астойдил (мендан

кўпроқ) қизиққан кишилар ўз билганлари бировга ошкор бўлишини исташмайди. Ёки, ошкор қилишолмайди.

2. Тергов тез орада тугамагани бежиз эмас. Кимлардир, негадир унинг чўзилишига тарафдор.

3. Сирож муаллим ҳаётида қандайдир сир-асрор борлиги шубҳасиз. У биз таниган, биз ўйлагандан бир оз бошқача одам.

4. Сўнги йилларда рўй бериб, ақл бовар қилмаганидан мени эсанкиратган воқеалар тагида жиддий бир маъно яшириниб ётибди.

5. Мен бу иш охирига етмагунича, яна изқуварлик қилишимга тўғри келади.

46

Бино — йўл устида; ҳар куни кўриб юрганман.

Негадир эътибор бермаганми-қарамаган эканман.

Ташқаридан чамалаганга нисбатан бинонинг ичи анча улғувор. Айниқса, қироатхона эшигидан мўралаб, кўзинг тинади; камида мингта киши сиғса керак!

Қироатхонада одамлар — ҳар ким ўзича; бошқалар билан иши йўқ, — алланималарни бақириб-чақириб ётишибди. Биров мағрурланиб кўксини кўтарган, биров тўрт томонга зир югурган...

Мен бу бинода карлар ва соқовлар тўпланиб туриши — уларнинг жойи эканлигини пештоқдаги ёзувдан билган, мени эшикка ёпиштирилган (бояги ёзувга зид) бир хат қизиқтириб, ичкарига кирган эдим. Эмишки, истаган одам баъзан бу ерга келиб, кимдан, нимадан шикоят — хаёлида бор нарсани бемалол айтиб кетиши мумкин!

Лекин қироатхонага кириб, у ён-бу ёнга кўз ташлаганим заҳоти

беихтиёр донг қотиб қолдим...

Оломондан, халқдан четда,

қўлларида қалам билан дафтар

бир нарсаларни қитирлатганча, ажабо! —

катта Сожидахону кичик Сожидахон,

Сотимжону Адҳамжон

елкаларини букибгина ўтиришибди.

Улардан сал берирокда Сирож муаллимнинг тўрт шотири...

Мен бу манзарани кўргач, ваҳмга чулганганимдан, қироатхонани қайтиб тез тарк этдим. Кун пайшанба эканлиги, Мамлакатхоннинг гапи ёдимга тушди... Тавба!

Демак, Сирож муаллим тўғрисида уйидагилар яхши хабардор. (Ахир, мен буни сезган эдим!) Булар ҳаммаси бир одам; ўз билганларини ошкор қилишмайди. Мени алдашибди, холос! Узи шундай бўлиши керак эди!

Бу воқеадан кейин, кўп ўтмай...

Кўча эшик очиқ.

Ичкаридаги эшик-деразалар ҳам очиқ.

Уни ўғри ургандек, ҳовлида ҳамма нарса тўзиган, сочилган.

Хоналардан бири (иккинчиси меҳмонхона) пойгагида Ҳанифа ўйланибми, паришонланибми турибди.

— Нима қиялсан, Ҳаниф?! — деб сўрадим ажабланиб.

— Ҳеч нарса! — деди Ҳанифа. — Кўрмаяпсизми?!

— Нимани?!

— Қулфни бузиб, дарвозанинг бир табақасини синдиришибди.

— А? Эй-й...

— Қўлида калит борми, бу эшикларни очган.

— Бирон нарсани олиб кетибдими?!

— Йўқ. Фақат топтаб, ҳаммаёқни пайҳон қилишган... —

Ҳамон ўйланиб туриб, у менгами, ўз-ўзигами савол ташлади. — Қўли қичиган безорими, ким бўлиши мумкин?! Ким бировнинг уйига ўғридан баттар бундай тап тортмай киради?! Ким?!

— Бегона-болам... — саросима ичида оғзимдан чиқиб кетди беихтиёр.

— Эсингиз жойидами?! — деди Ҳанифа, менинг гапимга тушунмай. — Сиз дарвозани тузатинг. Мен уйни йиғиштираман, — деди, ниҳоят.

Кеч тунгача куймаланиб,

ҳовлини тартибга келтирдик.

Бироқ орадан уч-тўрт кун ўтгач,

яна худди шундай безорилик юз берди.

Бир ҳафта ўтиб, яна...

Мен энди тунлари (бу кўнгилсизликни унутолмай) хаёлим қочиб, безовталаниб-тўлғаниб чиқар эдим. Мижжа қоқмасдим.

(Назаримда, аввалги тунларга ўхшаб, яна! — бутун жиноят олами менинг хонадонимга яқинлашиб, ёпирилаётган эди. Улар мени тинч қўйишмаябди, деган гап хаёлимдан кетмас эди.)

Ҳанифани ҳам уйқу тарк этган эди.

У кечалари ўйчан, ҳорғин кўйда (ҳозиргача бунга пайт топмагандек) кўпинча негадир ўз иши, қайсидир беморлар, ҳамшира дугоналари тўғрисида эринмай гапирарди.

Мен тинглаб ўтиргандек бўлсам-да, нималар деяётгани қулоғимга кирмас эди. Яна касалхонага борсам-чи, деб ўйлар, шу ҳақда бош қотирар эдим! Сирож муаллим касалхонадамикан?! Унинг шотирларидан биронтасини ёлғиз тутишнинг иложи борми?! Умуман, энди қаерга бориб, нима қилиш керак?! (Ҳақиқат йўли бунчалик оғир!)

Мен ҳеч илож тополмай, ўзимни ночор, ожиз сезганимдан, азобланар эдим. Бир куни касалхонада чуқурга тушганимдек, ҳозир яна ўзимни чуқур тубига тушиб ётгандек ҳис этмоқда эдим!

Айниқса, Ҳанифа олдида мени ғусса чулғаган эди. Эр киши оилангни ҳимоятингга олишга мажбурсан! Кимдир уйингни оёқости қилишига қараб туролмайсан! Фуруринг сингандек бўлади!

Ҳанифага бир оз осойишталик буюрсин, деб болалигим ўтган ҳовли — опам, акам хонадониди тўрт-беш кун яшаб туришни мўлжалладим. Биз бордик ҳам... Аммо бир жойда ўз

ўлан-тўшагинг бўлгач, жигарларинг ҳам сени доим сиғдириша-вермас экан! Бунинг устига, келин четда бўлса — бошқа, қариндош-уруғ ичида бўлса, бу — бошқа экан! Аввалига опам билан янгам, кейин акам билан поччам бизга, айниқса, Ҳанифага талабчанми-зардалироқ муомала қила бошлашди. Ҳанифа баттар азоб чекмоқда эди.

Мен шу кунлар Ҳанифага ачинганимдан, вақтинча Рўзибой аканикига бориб туришни ҳам чамаладим. Лекин Мамлакатхон билан дийдорлашган кулбага Ҳанифани олиб боргим келмас эди.

Биз яна уйга қайтдик.

Бизнинг йўғимизда бутун ҳовли шудгор қилинган эди.

Эшик-деразалардан хоналарга қараб бўлмасди. Тўзон... Гиллавлар қирқилган. Кўрпалар пахтаси чиқиб ётибди. Кийимлар пичоқ билан тилиб ташланган. Идиш-товоқ ўрнида уюм-уюм шиша-сопол синиқлари. Ҳаммаёқда тахта, темир-терсақ!

Биз учун яна

олдинги ҳол бошланди...

Биз қийналиб, ҳовлини тартибга келтирардик. Кимдир (ёки кимлардир) уни қайтиб пайҳон қилар эди!

Ҳанифа бизга нисбатан нега бундай аёвсизлик қилинаётганига тушунмасди. Гаранг эди. Мен унга тушунтирмасдим. Тушунтириб ҳам беролмасдим!

Биз кечалари яна яхши ухлаёлмас эдик.

Ҳанифа ҳамон баъзан ўз иши, қайсидир беморлар, ҳамшира дугоналари тўғрисида гапирарди.

Мен ҳамон касалхонани эслаб, Сирож муаллим, унинг шотирлари ҳақида ўйлар эдим. Гоҳида Ҳанифани саволга тутгим келар эди...

«Эри севгандан кўпроқ эрини севган аёллар муҳаббат изтиробидан ташқари, мен уни бахтсиз қилиб қўймадиммикан, деб ўйлаб ҳам азоб чекишади. Севганлари устига, шу сабабдан улар хонадондаги ҳар қандай ғурбатга бардош беришади!»

Оилага бағишланган рисолаларда шундай дейилган.

Бечора Ҳанифа... У менинг ичганим, кеч тунлар кўчада тутилганим, уйланганимдан кейин (у хотиним бўлгани учун ҳам) уни сенсирашга ўтганим, унга баъзан шафқатсиз, ҳайвонларча муомала қилганим — ҳаммасига (менинг хиёнатимдан-ку, унинг хабари ҳам йўқ!) — чидаган эди! Бироқ...

касалхонадаги турқи-тароватлари эгизакдек ўхшаш йигитлар борасида гап очиб, ҳамон уларнинг изини тутаётганимга Ҳанифа чидаёлмас эди!

— Сизнинг уларда нима ишингиз бор?! Қўйинг уларни... — дерди ўрнидан туриб кетиб. Беихтиёр кўзлари ёшга тўларди. — Сизга шунча уқубат етмаябдими?! Бизни (у бўйидаги болани ҳам кўзда тутарди) ақалли бундай ўйламайсизми?! Сизга бир нарса бўлса, биз нима қиламиз?! Кимга, қаерга борамиз?!

— Йўқ, барибир, улар...

— Улар ёмон одам бўлиши керак! — шошиб менинг йўлимни тўсарди Ҳанифа. — Касалхонада кўпчилик улардан ҳайиқи-

шади. Ҳазар қилишади... Қандай ишингиз бўлмасин, бошқа одам зоти қуриб қолмагандир дунёда?! Қўйинг уларни!

— Хўп, фақат улар қайси соатларда...

— Мен билмайман... Улар бир неча жойда ишлашса керак! Мен уларни кўп учратмайман... — Ҳанифа менга аччиқ қилиб, тескари ўгирилиб олар эди.

Мен аскарликка чақирилган ўсмирларга ўхшаб елкаларига қопчиқ осиб олишган новча, бақувват тўрт йигит бир гал ҳаммом орқасидан чиқишганини яна эслар эдим. Улар ҳаммом орқасида иш юритадиган махсус бирон хона бормикан?! Ёки, гўлаҳда ишлашадими улар?! Асаб касалликларининг ҳаммомга нима дахли бўлиши мумкин?! Қизиқ...

Мен уринган бахмал дўппи кийиб, эгнига ола-була нимча илиб олган тиланчини ҳам эслар эдим. Унга ҳамон баъзан кўчакўйда кўзим тушар эди. Тиланчи бир-бирига ўхшаш йигитлар, Сирож муаллим тўғрисида бирон нарсга билармикан?!

47

Ҳовли вақти-вақти билан пайҳон қилинганидан,
биз ҳамон нотинч эдик...

Бироқ бу — ҳолва экан!

Орадан кўп ўтмай, янги кўнгилисизлик чиқди...

Энди кечалари, товус қичқириғига қўшилиб,
зилзила дайтидаги сингари хона остида нимадир гувилар эди!

Хона беланчакдек ҳавода осилиб турганга ўхшайди!

Кейин, туни бўйи томда қандайдир ёш бола уёқ-буёққа типти юрггани-юрган...

Биз беҳад толиқиб, жонимиздан безор бўлганимиздан, олдингининг аксича, энди қаттиқ, кўп ухлар, иккимиз ҳам кеч уйғониб, деярли ҳар куни ишга кечикар эдик.

Ниҳоят, тунлардан бирида, айниқса, даҳшатли ҳол рўй берди...

Мен тошдек қотган эдим. Туш кўрдим.

Тушимга улғайиб қолган бегона-болам кирган эди!

У катта соч қўйган; бошини эгиб, мендан силашимни сўрабди!

Силаб кўрсам, соч остида билинмай турган — иккита шох бор!

Мен сесканиб,

шунинг баробарида, аёздан эгим жунжикиб,

уйғониб кетдим.

Қарасам...

тўшакда эмас,

негадир дарвоза олдида,

остонага бош қўйиб ётибман.

Кимдир мени бу ерга кўтариб чиқиб, ётқизгандек!

Мен

сўнги пайтлар

кўпроқ одамлар ҳаётидаги жиноят тўғрисида ўйлаган,
аслида эса менинг бутун телба хатти-ҳаракатим
дунёда бор сир-синаотлар тагини кавлаштиришдан
иборат бўлаётганини унутган ҳам эдим!

Ҳаёт — биз кўрган, биз билгандан мураккаб!

Турли оламлар бор... Биз улар билан гоҳ ҳисоблашиб, гоҳ
ҳисоблашмаймиз!

Буюк бир онг бор... Унинг олдида бизнинг онгимиз ҳеч
нарса! («Сиз, инсонлар, жуда кам нарсани биласиз!» — деб
бежиз айтилмаган.)

Мен ҳақиқат учун исён кўтаргандек бўлдим. Бундан ғазаблан-
иб, афтидан, менга қарши қандайдир Қора Куч ҳам исёнга
келган эди!

Менинг ҳаётимдаги нотинчлик
фақат Ердаги жиноятлар оқибати эмас,

Осмондаги муайян бир ҳолатнинг ҳам натижасидир!

Мен Мўтавалли ота берган ёндафтарни кўздан бир ке-
чириб, токчага олиб қўйган, шу кунлар руҳим, кўнглимни кир
босиб,

яна тасқара намойишга кирган эдим.

Масжидга борганимда бўлган илоҳий ҳолатдан узоқлашган
эдим...

Ҳозир даҳшатдан эс-ҳушим оғиб,

ўрнимдан турганимча,
ювиниб-таранишга уриндим.

Ҳанифага халал бермаслик учун меҳмонхонага кириб,
ёндафтарни ўқий бошладим. Тиловат қила бошладим.

Бир ўқир, бир йиғлар,

бир йиғлар, бир тиловат қилар эдим.

.....
Мен ёлғиз Худога сиғинар,
дуч келган бало-қазолардан халос этишни
ёлғиз Худодан
тилар эдим!

Ҳамон маҳзун куз куни,

кечки пайт эди.

Менинг нигоҳим

офтоб нурларида ялтираган ҳаммомнинг зангор қуббалари-
дан пастга сирғалиб,

бехосдан бир нуқтага келиб тўхтади.

Кўз ўнгимда яна —

новча, бақувват тўрт йигит елкаларига қопчиқ осиб олишган-
ча, ҳаммом орқасидан чиқишган эди!

...Бизнинг уйимиз неча бора пайҳон қилиниб, нотинчликлар
юз бергач, ҳозир кутилмаганда — Худонинг марҳамати би-
лан! — ҳамма нарса ўрнига тушган эди. Бутун кўнгилсизлик туга-
ган эди. Бу — бўрондан кейинги сукунатни эслатарди! Менинг

хаётим шундай жимжит эдики, мен худди бекор қолиб, зерика бошлаган одамга ўхшар эдим! Қора Куч таъқиб қилиб-огоҳлан-тириб бўлган, энди мени қандай йўл тутаркин, деб пойлаётган-дек эди.

Айниқса, эчкисифат соқол қўйган эгизак йигитлар одатдаги-дек менга иши йўк, улар чамаси ўзларининг қандайдир юмуш-лари билан овора эди! Мен ҳам ўз йўлимдан кетавермайман-ми?!

Бироқ мен қаерга бориб, нима қилишимни билмай, сару сомонимни йўқотиб юрганимдан, бугун уларни тасодиф учратганимга алланечук суюниб кетган эдим. (Ахир, уларни баъзан қидириб юриб ҳам, тополмайсан!)

Улар йўлга тушишган эди.

Шошиб, эргашдим.

Шу паллада Ҳанифани, туғилмаган фарзандимни ўйладим. Ўзимни хатарли йўлга уриб, бошимни яна туйнукка тикаётганим аниқ! Шу билан бирга, илож қанча! Дунёда ҳар кимнинг қисмати... Улар тез одимлашади. Улгуриш керак!

— Вали ака! Валижон... Қарамайсиз!

Қарадим, албатта.

Ҳовлиқиб, нафаси бўғзига тикилган Мамлакатхон орқадан менга етиб олган эди.

Мен ишим яна юришмаганига бир оз ўкинган эдим!

Мамлакатхонга разм солдим. У — бир олам чирой эди! («Бир-бир не дейин, бошдин-оёғинг яхши!») Бу — хаёлга сиғмайдиган ҳол эди. Мен уни кўчада шундай кўришни орзу қилиб, зор излаб юрганимда, қораси кўринмаган эди! Мана, энди ўз-ўзидан рўпарамда қомат тиклаб турибди! Менга эргашиб, чақирганини айтмайсизми?!

Аммо мен ҳозир унга нима деб, қандай муомала қилишимни билмас эдим. Тўғрироғи, уни учратиш менга малол келган-дек эди!

Мамлакатхон менинг ҳолатимга эътибор бермади.

— Юринг, сиз менга керак-сиз, — деди у. — Боққа кирайлик. Кўчада одам кўп...

Унга эргашдим.

Боққа кириб, совуқ бир харракка ўтирганимиз заҳоти, Мамлакатхон пинжимга тикилиб, бошини кўксимга босди ва бирдан... йиғлаб юборди.

— Эй, қўйинг... Нима бўлди?! — дедим паришонланиб.

— Мен сизга қулоқ солмадим. Айтганингизга кўнмадим... Мен хато қилдим. Бунинг устига, сиз ўйланмаган йигит, деб ўйладим... Энди яшаёлмаябман. Сизсиз яшаёлмайман! Сиз охири марта уйимизга келгандан буён кўчаларда сизни излайман. Кечалари ухлаёлмайман... Мени ўлдириб юбордингиз, Вали акажон! Уламан... Жон Вали ака...

Менинг бутун суякларим музлаган ва бунга терс ҳолда, бутун вужудимни ўтли бир титроқ тутган эди.

Инсон истаса, ўзи ўрганган яхшими-ёмон йўлдан дарҳол қайтади, ҳафтада-ойда тиловат қилиб, Худога сидқидилдан ёл-

борса, бас, унинг руҳи, кўнгли покланади, деб ўйлайсизми?! Инсоннинг олий бир мақом — камол касб этиши шунчалик жўнми?!

Э, йўқ! Ҳафтада-ойда ҳаммомга тушган одамнинг бадани дарров тозаланмайди-ю!

Азиз инсонлар покланиш учун йиллаб сокин гўша ихтиёр этиб, гўшанишин бўлишган! Баъзан ҳафталаб, ойлаб ўрнидан кўзғолмай, тиловат қилишган!

Болаликда кўрган эдим... Дадамнинг ошнаси бир қария гуноҳдан сақланиш учун, жонлиқ, жонивор — тирик нарса, мен қандоқ ейман, деб, бунга ижозат бор, мазмунида кўпчилик фатво беришса ҳамки, гўшт емас эди! Бошқа қария пок асранишга чоғланиб, ўзи буғдой экиб, ярғичоқдан ўтказиб, нон ёпиб, фақат шу нонни сув билан тановвул қилар эди!

Қайсидир китобда ўқиган эдим... Гўзал бир санам истиғносига учиб гуноҳга ботмаслик учун тақводор киши болта олиб, ўз бармоқларини чопиб ташлаган эди!

Дадам-чи?! Ўзини пок тутганидан, унинг нафаси баъзан кўрқулик эди! Қовоқари инига қараб: «Бир пуфласа, ҳаммаси ириб-чириб тушади. Лекин ҳаққимиз йўқ!» — дерди... Тўрт-беш ёшларимда ялангоёқ ажириқзорда юриб, неча бора оёғим устидан илон ўрмалаб ўтган. Кавагида илонлар ин қурган дарахт остида, сув бўйида ўйнаб ҳам ўтирардик. Уйларимиз ўшанда хароб, ҳаммаёқ фатарот эди. Нақ товонимдан илон, чаён чаққан. Отам ёнимда ўтирганча, пичирлаб мени ўқирди; мен ухлаб қолиб, эртаси куни ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетар эдим. Қироат (тиловат)нинг бадандаги заҳарга нима дахли бор?! — тушунмай ёқа ушлаш мумкин!

Ширинкўлда олдинлар руҳи бир, вужуди (тани) бир қирқ киши — чилтанлар бўлган! Турли жойларда яшаб, каромат, башорат деган белгилардан (гўёки масофа йўқ, дару девор йўқ) улар бир-бирлари аҳволидан бемалол хабар топишган. Уларга бутун олам кафтдагидек кўриниб турган!

Бу — барчаси, покликка етаклаган ирода кучи...

Менинг руҳим ҳали пок эмас. Иродам ҳам бўш!

Бунинг устига, ҳозир Мамлакатхонни ҳамон нафрат аралаш севишимни ҳис этмоқда эдим!

Шу боисдан, дунёни унутиб, мен ҳам яна эҳтиросга таслим бўлишим осон эди!

Муҳаббат — ўт. Биз вақтида ўт билан ўйнашган эдик!
Бироқ энди...

Мен сизни севдиму
кўксимда дастлаб —
осмонда бор қушлар
учдилар пастлаб... *

* Эски шеърлардан.

Энди

қани у қушлар?!

У қушлар энди йўқ эди!

Менга Мамлакатхон қанчалик ўзини бахш этмасин, мен икки йўлдан бирини танлашим керак... Мен учун Мамлакатхондан Ҳанифа, бегона-боламдан туғилмаган болам азиз эди!

Мен булар олдида масъул эдим!

— Мамлакатхон! Энди кеч. Қийин... Кечиринг! — дедим азобланиб.

Шу куни Мамлакатхон мен билан худ-бехуд ҳолда хайр-лашди.

Лекин у мендан кетмади!

Гоҳ кунда, гоҳ кун ора йўлимдан чиқар эди.

Менинг бир пайтлардаги телба ҳолатим унга келган эди!

Мен ҳақда, муз бўлса ҳам, тош бўлса ҳам, темир бўлса ҳам барибир эритаман, деган унинг қасди бордек эди!

У нега бирдан бундай офатга айланди?!—билиб бўлмасди.

Аёлнинг кўнгли нимаю юрган йўли нима?!—минг Афлотунга ўхшаганда ҳам, тушунмайсан! Аёл олами даҳшат эканлигини кўриб, кимдир унга: «Бу — инсондан ташқари, қизиқ бир мавжудот!» — деб баҳо берган экан!

Мен Мамлакатхонга индамас эдим. Ўзи совир! Ўзи тушунар! Ундан (мен учун қанчалик муҳим бўлмасин!) Сирож муаллим тўғрисида ҳам қирон нарса сўрамас эдим. Кераги йўқ! Уни тинглар эдим, холос. У: «Мени ташламанг!» дер, йиғлар, кўнглини тўкиб, кетар эди.

Ниҳоят, Мамлакатхон мени изламай қўйди. Кейин...

Кейин, бир куни рўпарамдан Адҳамжон чиқди:

— Сизга гапим бор!

Энди Адҳамжон билан боққа кирдик.

— Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям! — деди Адҳамжон.

Одамнинг шарманда ҳолга тушиши! Ер ёрилса экан!

Айниқса, гуноҳи аниқ эканлигини ҳис этган киши ҳимоясиз бўлиб қолади! Адҳамжонни йўлим устида кўриб, гапи борлигини эшитганимдаёқ бўйнимга арқон солинган эди. Мана, энди...

...Мамлакатхон мен билан қайтиб кўришгани яхши бўлмади! Э, йўқ!

Бу — аввалданоқ яхши бўлмаган эди! Оқланиб ўтириш ортиқча!

— Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям! — деб қайтарди Адҳамжон.

Жоним бўғзимда лиқилларди... Бунча чўзмаса! Урсанг, ур. Қўйнингга пичоғинг бўлса, чиқар! Миқ этган номард!

Аммо шу пайт негадир, аксинча, мендан Адҳамжон қисинаётгандек бўлди.

— Мамлакат ёш. Чиройли! — деди ҳамон шошмасдан. — Яхши бир одам бўлса, майли... У мендан фақат кулмаса! Бировларга айтиб юрмаса! Демак, сиз... Гап соғлиқда эмас! Мамлакат барибир мени севмайди. Мен ҳам...

Эй, шармандалик бу ёқда экан!

Севмасанг, уйланма... Ажрал! Барчага ўхшаб юринг кел-
япти-да! Молдан баттар...

— Энди бола бор, — деб сўзини давом эттирди у. — Тур-
муш фаровон. Тинчмиз! Фақат шу... илтимос!

— Уйлаб гапиряпсизми?! — дедим тепа сочим тик бўлиб. —
Бунинг сизга аҳамияти йўқми?

— Сиз покликни айтяпсиз! Тушунаман... Лекин дунёда ким
пок?! Шундай одам борми?! Бири ўғри, бири порахўр. Товлама-
чи... Масжидга кирганлар ичида муттаҳам қанча! Одам шу. Ҳам-
мамиз ҳам одам!

Эй, Худойим-е...

Қўлим мушт бўлиб, ҳавога кўтарилган эди. Бироқ ҳавода
котди.

Уни уриб нима қилдим?! Худо урган...

Кўчага қараб югурдим. Кейин, ҳўнграб юбордим.

Менга бу имтиҳон — бу жазо ҳам бор экан! Бир кунлар
чойхонага кириб, Сирож муаллимни учратмасам, уни эслама-
сам, тақдиримда бу кунлар бўлмасмиди?! Еки бу нарсаларнинг
барини кўриш ўзи — қисматмиди?!

Кўчада бошим оққан томонга қараб югурар эдим.

Бу гал мен фақат Мамлакатим учун

ийғлар

эдим...

49

Тиланчини баъзан эслайман.

Гирибонидан тутиб, бўйнига уришдан фойда йўқ.

Унга кузатиб-эргашиш керак.

У ошналари ёнига бошлаб бориши мумкин.

Ахийри бир куни эргашдим ҳам.

Тиланчи кимларнингдир уйига кириб чиқди. Қўлидаги қоғоз-
ни нуқиб кўрсатиб, кўчада одамларни тўхтатди. Бозор айланди.

Ниҳоят, катта йўлга қараб кетди.

Унинг изидан тушиб, мен ҳам қорама-қора боравердим.

У бир пайтлар овлоқ чойхона бўлган, кейин азамат чинорлар
қад кўтарган жойга келди. Чинорларга қараб юрди.

Мен ҳам етиб келиб, ипдек ариқдан ҳатладим.

Чинорлардан ўтгач, у — ерга кирдими, осмонга учдими?! —
кутилмаганда кўздан йўқолди.

Бу томон яйдоқ дала эди.

Ажабланиб, илдам босдим.

Қанча юрганимни билмайман, рўпарамда катта бир жар-
лик кўринди.

Жарлик тубида иланг-биланг чизиқдек сув оқар, икки то-
мон қалин тўқайзор эди.

Тиланчи мени пайқаб ўзини шу ёққа урган, албатта, деб
ўйлаб, анча тик сўқмоқдан пастга эндим.

Сўқмоқ тепадан кўринмаган, икки ёни бутазор кенг, равон бир йўлга уланди.

Йўл ораста, узоқ-узоқларга кетган эди.

Олдинга юра бошладим.

Осмонда офтоб қарақлар, чор атрофда кузги заъфарон-қизғиш ранглар ўйини кўзни ҳамаштирар эди.

Анвойи ёввойи ҳидлар. Умрингда эшитмаган ҳашарот-жонзотлар товуши.

Мен бошқа илож қолмаганидан,

тиланчига эргашган эдим.

Лекин энди нақ Ширинкўл пинжида — шундай жойлар борлигини билмаганимдан ёқа ушлаб, тиланчини ҳам унутган, шуурсиз ҳолда

бормоқда эдим...

Ширинкўлга кам одам келиб, кам одам қизиққани сингари биз ҳам

Ширинкўлдан нарини билмаймиз!

«Атрофга ҳадеб қарайверма, болам!

Уёқ-буёққа борма, болам!

Ҳеч нарсани ўйлама, болам!»

Сирож муаллим фақат биз эмас, биздан катталарга ҳам таъсир ўтказганми?! —

улар доим шундай дейишар эди!

Биз шунга ўрганган эдик!

Мен Ширинкўл марказидан тўлқиндек қулоч отиб, ташқарига — олисларга чиқиб кетган йўлнинг охири қаер эканлигини билмаганимдек,

ҳозир бу йўл

қаерга олиб боришини ҳам билмас эдим!

Балки, бу икки йўл бирон нуқтада туташар?!!

Балки, бу йўлнинг Ширинкўлга ҳеч қандай дахли йўқдир?!!

Жарлик ёнбағридаги кенг, равон йўлдан

шуларни ўйлаб бормоқда эдим...

Йўл тайёралар учадиган йўлкани эслатар экан!

У мен энган сўқмоқдан туйқус бошланиб, туйқус тугаган эди!

Рўпарада шунчаки

қора бир туйнук кўзга ташланарди...

50

Мен туйнукка яқинлашиб, ичкарига қарадим.

Мабодо ҳаммаёқ зулмат-зимистон бўлса, изимга қайтмоқчи эдим.

Аммо оғзи қорайиб турган туйнукдан узоқда қандайдир шуъла ярақлар эди!

У томон —

бу томондан ҳам ёруғ,

фараҳли эди!

Бир нафас саросималаниб қолгач,

ердан чўп олиб, ўргимчак тўрларини сидириб ташлаганимча,

туйнукка кирдим.
Яна олдинга бора бошладим.
Ниҳоят...
(биз Ширинкўлда юриб,
бошқа, катта бир олам борлигини
билмаган эканмиз!)
осмонга бориб туташган чексизлик!
Осмоннинг тиниқлиги... Кўм-кўк! Тубсиз эмас, йўқ, худди
аниқ, таранг тортилган парда!
Мен энди бир қадам ҳам олдинга жиллолмай,
туйнук олдида турар эдим.
Шу ҳолатда уён-буён қарадим.
Мендан бир томонда мавжланиб дарё оқар эди!
(Бояги иланг-биланг чизиқдек сув бу томонга келиб, на-
ҳотки, дарёга айланган бўлса?!)
Мени ҳеч қачон туймаган севинчми-ҳаяжон чулғаган эди.
Боладек сакраб-ўйнагим келмоқда!
Бироқ...
шу асно...
пайқадим.
Дарё бўйида
оддий бир лунги ҳам боғламаган
минглаб қип-яланғоч эркак-аёл
ғимирлашар эди!
Улар барчаси
авратларини қўллари билан ёпиб,
мен томон бурилишди!
Мен болалик йиллари кекса бир одамнинг уйида антиқа-
ботиқ ойна кўрган эдим. Унинг ичига кириб олгандек яқинлашиб
қарасанг, қаршингда тизилган ўнлаб шаклинг акс этар эди. Унг
томонда ҳам, шундай. Чап томонда ҳам!
Уша ҳолат ҳозир қайтарилгандек...
қаршимдаги эркак-аёллар битта қолмай, даҳшатли тарзда
менга ўхшар эди!
Улар менга шундай ўхшаб, шармандали ҳолда туришгани
учунми,
ўз-ўзимдан уялиб кетиб, кўзларимни қўлларим билан
тўсдим.
Кўзларим юмилгани заҳоти
бошим айланиб,
ерга гурс этиб йиқилдим...
Кўзимни очганимда,
бир дафъа бўлганидек,
негадир яна дарвоза олдида,
остонага бош қўйиб
ётар эдим...

Ҳақиқат

51

Уйда бир неча кун ўзимга келолмай юрдим.

Мени кимдир ўласи уриб, дабдаламни чиқаргандек эди.

Ҳозиргача умримда кўрган машаққат-изтироб бир томон, бу — бир томон эди! Ўзимни неча бора тупроқ билан тенг сезганда ҳам, касалхонада чуқурликка тушиб ётганимда ҳам бунчалик абгор бўлмаган эдим... Айниқса, тиланчига эргашиб, ўзи нималар бўлгани-ю, мени ким уйимга келтириб ташлаганига тушунолмас эдим! Бу — яна ўша, олдингидек сир-асрор эканлиги мени эзмокда эди...

Бироқ, йиқилган курашга тўймас! Мен ҳақиқатни аниқламагунча йўлимдан қайтмаслигимга энди бирон сония, зигирча ҳам шубҳаланмас эдим...

Сал ўзимга келгач, биринчи навбатда ювиниб-тараниб, энг яхши уст-бошимни кийганча, қабристонга бордим... Отажон, онажоним, уларнинг аждодлари, қариндош-уруғлар, кичкинтой сингилчам ётган хилхонага кириб, яқинларимни бирма-бир хотирладим. Тиловат қилдим... Бадалбек, Сокина опа қабрлари олдаида ҳам тиз чўкдим.

Шундан кейин, уч-тўрт кун уйни астойдил тартибга келтириб, ўз ишларимни саранжомлашга уриндим.

Ниҳоят, саҳарлаб меҳмонхонада беркиниб, кунт билан Ҳанифага хат ёздим.

«Ҳаниф! Ҳанифжон...

Мен сенинг гапингга кирмадим. Кирилмадим.

Менга нимадир бўлса, озорланма. Марҳаматли бўл.

Сенга, албатта, қийин. Лекин инсон қисматни танламайди.

Мен бошқача яшаёлмадим.

Фарзанд кўрсак, Умид деб исм қўй.

(Дунёда ҳар кимнинг ўз Умиди бўлади!)

Сен билан, шу туғилмаган боламдан — азиз нарсани билмадим.

Вали».

Хатни хонадаги тўмбалардан бири устида қолдирдим.

Мутавалли отадан олган ёндафтарни қўйнимга авайлаганча жойлаб, кўчага чиқдим.

52

Кетдим.

Катта йўл орқада қолди.

Ипдек ариқдан ҳатлаб, чинорлардан ўтганимча, яна

яйдоқ далага қараб юрдим.

Сўқмоқдан жарликка тушиб, кенг, равон йўлдан
туйнук олдигача бордим.

Туйнукдан ҳам ўтдим.

Ҳамма нарса ўша, олдин кўрганимдек эди!

Мен энди ғимирлашган минглаб эркак-аёл томон кўз ташла-
масдан, калима ўгирганимча, дарё бўйлаб тўғрига тез, дадил
одимлай бошладим.

Шу кетишда қаёққа боряпману нега буёққа келганимни
билмас эдим. Энди бу иш нима билан тугаши менга қоронғу;
фақат ички бир ҳиссиёт мени шундай қилишга ундаган эди!

Кўп ўтмай, дарё торайиб, ариққа айланди.

Ариқ бўйлаб йўлимда давом этдим.

Яна бир оз юргач, нақ рўпарамдан ариқнинг икки бетида бе-
тартиб жойлашган, девор-дарвозаси йўқ қандайдир ҳовли чиқди.

Ҳовли ичидан ўтган ариқ бўйида қозиққа боғланган қора бир
йўрға ўтлар эди. Бошқа каттароқ қозиққа сувдаги қайиқ боғлаб
қўйилган.

Мен ҳовлининг ичиданми ёки уни четлабми ўтишимни бил-
май турган эдим...

уйлардан бирининг эшиги очилиб,

беш-олти ёшлардаги иккита бола,

уларнинг орқасидан

тиланчи кўринди.

Аслида, мен уни эмас, у мени излагандек, бу учрашувдан
унинг оғзи кулоғида —

алланечук

мамнун эди!

53

Уйида ҳам, тиланчи кўчадагидек, уринган бахмал дўппи
кийган, эгнига нимча илиб олган эди.

— Келинг, азизим. Пих... — эски қадрдонлар сингари мен
билан негадир кулиб кўришди у. Кейин, бошяланг, лекин унга
ўхшаб нимча кийган болаларга қаради. — Бор. Онанга айт,
овқат берсин! Меҳмон келди...

Болалар ёнма-ён ариқ томон ташланиб, анча энли ариқдан
мушукдек лип сакраганча, нариги бетдаги хонага кириб кетиш-
ди. Тиланчи эса мени ҳозир улар чиқишган шу бетдаги хонага
бошлади.

Хонада одатдаги ҳамма нарса бор. У безалган, чиройли;
фақат девор энламасидаги қатор тоқчалар охурга ўхшар эди.

Мен нари-берини яхшироқ кўриб бўлмасдан, болалар ёғоч
косада овқат, иккита нон кўтариб киришди. Косадаги суюқ
овқатнинг усти совун кўпигини, нон кунжарани эслатар эди.

Тиланчи менга эмас, мен унга ҳукимини ўтказишим керак
туюлганидан, ўзимча дангал мақсадга кўчдим:

— Оғайни! Қорним тўқ. Овқат емайман... Сиз билан бир
нарсани гаплашишга тўғри келади.

— Бемалол, азизим. Пих...
 — Сизнинг ошналарингиз... тўрт йигит... соқол қўйган...
 Тиланчи бошини чайқади.
 — Тиланчининг ошнаси бўлмайти, азизим. Ўзи тиланчи бўлса... Пих! Улар менинг ошнам эмас...
 — Сиз барибир уларни биласиз! Мен аллақачон сезганман. Кўрганман...
 — Мен ҳаммани биламан! Дунёда иккита шоҳ бўлади. Биттаси катта оқсоқол. Биттаси биз — гадо! Пих...
 — Менга уларни топиб беринг! Шоҳ экансиз...
 — Топиб бераман, азизим, — мен кутганимга зид ҳолда, осонлик билан кўнди тиланчи. — Улар ҳозир оролда бўлиши керак! Лекин мен яқин бормайман. Ўлдиришади. Пих...
 — Сиз жойни кўрсатсангиз, бўлди.
 — Кўрсатаман, азизим. Пих... Кейин, ўласизми, қоласизми, ўзингиз...

54

Биз қайиққа ўтириб, йўлга тушдик.
 Ариқ яна кенгайиб, дарёга айланди.
 Энди икки томон оқариб ётган юксак тоғлар эди.
 Бу жойларнинг гўзаллиги... Чўққилар — тик найзалар; осмонга санчилган. Улар остида қор билан қуёш талашиб, ёниб ётибди. Осмон — тўнтарилган кўл. Чўққилар орасида осмон билан бирлашиб, ёнбағирларда мовий, алвон, заъфарон гуллари барқ урган... Тикилиб туриб, йиғлагинг келади! Нега?! Бу абадиёт олдида умр нафасдан ҳам қисқа, «хув» дегандек бир нидо! Келдим, дейишга улгурмай, кетябсан!
 Ҳаётда ниманидир ўйлаш, ҳатто тушунишдан уни ҳис этишнинг фарқи катта.
 Мен уйдан чиққанимда, ҳаёлим фақат тезроқ бу ёққа келиш билан банд; жисми-жонимда осойишталик, ажиб беғамлик бор эди! Мана, энди Буюк Борлиққа юзма-юз бир ҳолатда ўзимни қайиқда сузаётган одамдан кўпроқ хасда оқиб кетаётган чумолидек сезмоқда эдим... Сенинг ўзинг киму ҳаётинг нима?! Ана шу чумоли сувда фарқ бўлса, биров ташвишланиб, жони оғрийдими?! Мени хавф-хавотир чулғаб, умримда яна бир карра ўлимнинг шумшук башарасини кўрмоқда эдим... Ҳанифа тўғри айтган эди. Сен ўлсанг, Ёвуз бир Олам қаршисида хотининг, туғилмаган боланг нима қилади?! Кимга, қаерга боради?! Айниқса, мендан олдинда ўтирганча, эшқак эшаётган тиланчига ора-сира қараб қўйиб, мени ҳам босган эди... Унинг уйи ҳам, ўзи ҳам менга тасодиф рўпара бўлганидан тортиб, уйдаги нарсалар, ҳолатлар таажжубли эди. Тиланчининг уйига етиб келгунча йўлдаги кўрган, мени олдин ҳам неча бора — занжирдек шалдираб — эсанкиратган сир-синаотларга ўхшар эди!
 Умуман, бу одам ўзи мен учун жумбоқ эди...
 У — оддий тиланчими?! Жосусми?! Бошқами?

Унинг самимиятига ишониш қийин. Менга айтган гаплари шубҳали.

Мамнунлиги, пихиллаб кулиши ҳам. Дарров ҳамроҳ бўлишга кўнгани ҳам...

Бу томонда яшаб, Ширинкўлда тиланчилик қилса (тиланчи бўлатуриб!) нега хизмат эвазига мендан ҳеч нарса сўрамади?! Бирон шарт қўймади?! Бунинг устига, мана, ҳозир ҳам қандайдир роҳатланиб, ғайрат билан эшкак эшябди?! Сабаб нима?!

Аммо тиланчи эмас, биз бораётган орол муҳим.

У мени кўпроқ ташвишга солган эди!

Бу — қандай орол?! У ерда фақат эчкисифат соқол қўйган бир-бирига ўхшаш тўрт йигитми, ёки Сирож муаллимни ҳам учратаманми?! (Қайси Сирож муаллим?!)

Мабодо Сирож муаллим бу ерда бўлмаса...

у чойхонадан қаерга кўчган?!

У касалхонада, «Асаб касалликлари» бўлимидами? Ёки... ҳамон ертўладами?!

Тўрт йигитдан Сирож муаллимни сўраш мумкин! Менга ҳақиқат керак, холос. Бошқа ишим йўқ! Лекин улар билан тўғри гаплашиб бўлармикан?!

Улар менга нисбатан ўзларини ҳар қачонгидек бепарво тутишармикан?! Ёки сабр косалари тўлиб...

Мен улардан биттасига ҳам бас келишим гумон!

Оролда нима қилиб юришибди экан?! Касалхона, ҳаммом орқасидан ташқари, бу ерда ҳам ишлари борми? Ёки бирон касал... Дарвоқе,

ертўладаги телба!

Бошим тошдан оғир эди.

Юрагим ғаш. Ғаш...

Дунёда қузғуннинг чанг солишини суюниб қаршилайдиган одам йўқ!

Мен аллақачон очиққандим. Чанқаган ҳам эдим.

«Кўзимга энам кўриниб кетди!»

Кўнгилсиз дамларни эслаб, одамлар баъзан шундай дейишади.

Шу аснода менинг ҳам кўз олдимга негадир — онам келган эди!

Мен одатда кўпроқ отам тўғрисида ўйлар эдим. Отамдан кейин вафот этган бўлса ҳамки, онам кам ёдимга тушар эди.

Она деганда кўпчилик кўзлари жовдираган, топган-тутганини боласининг устига ташлаб, оғзига тикадиган гиргиттон аёлни тасаввур қилишади!

Ҳаётимиз ночор эканлигиданми, онам менга нисбатан аёвсиз эди. Бардошсизлик қилиб, инжиб-инқилласам, орқамга туширар, бирон нарсани сўрамасдан олсам, қўлимга урар эди!

Тиланчининг уйида овқатни таъбим тортмаган, у менга ҳаром бўлиб туюлган эди... Дарёдан ҳовучлаб бемалол сув ичиш мумкин, албатта. Лекин дарё юзи мойга белангандек милтираётганими, нимадир — бунга ҳам монелик кўрсатмоқда эди.

Менинг кўнглимда «Ема!», «Ичма!» деган буйруқ бор эди!

Онажоним, онам-а...

Кўз олдимга онамнинг кичкина, дағалгина қўллари келиб,
юрагимдаги бутун ғашлик ҳам ювилган эди!

Мен яна таскин топган эдим!

Узоқдан орол кўринди.

Дарё ёйилиб, икки томондан уни айланиб ўтган, гўёки қучиб
олган эди.

Четдан қараганда, оролни оддий чакалакзор қоплаб ётган-
дек эди.

— Тушинг, азизим. Тамом. Пих...

Мен тиланчига ўзимча миннатдорчилик билдириб,
қайиқдан тушдим.

55

Йўқ, орол фақат чакалакзордан иборат эмас экан!

Боғлар. Гулзорлар.

Қандайдир катта-катта ҳовузлар ҳам бор. Лим-лим. Лекин
яқинлашсанг, ботқоқними, совун кўпиги аралаш кир-сувними
эслатади... Шу сабабданми, умуман, бутун оролни бадбўй-қў-
ланса ҳид тутган.

Жарликда бўлганидек, бу ерда ҳам бир неча йўллар
тайёралар учадиган йўлгага ўхшар эди.

Қолган йўлларда тупроқ тўзиб,

уларни дағал ўт босган.

Атрофда тўп-тўп пода судралиб юрибди.

Қарасанг, ростмана қўй,

аммо ҳаммасининг боши, башараси чўчка...

Қадимда филнинг хартумини силаб, чўчка, чўчкадан сичқон
туғилган, мазмунида ривоят бўларди! Албатта, эчкиэмар билан
калтакесак, қоплон билан мушук, дегандек шакли, насли яқин
жонзотлар табиатда учрайди. Бироқ бу ерда антиқа қушлар, анти-
қа ҳайвонлар; дурагайми? — насли-зотига тушунуш мушкул...
Юмронқозиққа ўхшайди, лекин қарға; қағиллаб учиб юрибди.
Тошбақага ўхшайди, лекин кирпи; устида тошдан ташқари, тикан.
Итга ўхшайди, лекин эшак; ҳанграб, шаталоқ отябди... Ҳамма-
дан, маймун кўп. Уларни бир оз ажратиш (фарқлаш) мумкин!

Пода орқасида чўпон қани?! Чўпон кўринмайди.

Негадир биронта ҳам инсон йўқ.

Мен оролни ажабланиб-анграйиб айланмоқда эдим.

Ҳеч нарсага тушунмасдим... Бу қандай орол?! То ҳозир
Ширинкўлдан нарнини кўрмаган-билмаганим тўғри. Аммо бун-
дай жойлар борлигини кексалардан ҳам эшитмаган эдим.
(Ахир, улар кўп нарсени билишарди-ку!) Бу ерлар Ширинкўлга
кирадимми, бошқами?! Қайси юрт?! Кимга қарайди?! Тиланчи
мени алдаб, бу ерга ташлаб кетмаганмикан?!

Дунёда кимсасиз оролга тушган сайёҳлар қанча!

Ризқу рўзини эплаб, юраверган! Тирик қолган!

Мен энди ниҳоятда очикқан, ундан ҳам чандон
чанқаган эдим.

Боғлардаги дарахтларда олма билан беҳи пайванд қилинган-
дек сап-сарик мевалар... Майизми-узум... Ерда тарвуз билан
қовоқ... Қоринни қаппайтириш осон! Бироқ...

кўнглимда бояги «Ема!», «Ичма!» деган буйруқ! Кўз олдим-
да онаминг кичкина, дағалгина қўллари!

Мен боғларни иккиланиб-азобланганимча айланиб,
ҳозир негадир

энг қадим, энг буюк ривоятни эсладим.

Одам билан Ҳавво...

*«...Мана, бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан
бўлиб қолурсиз!»*

Кейин:

*«Уша дарахтдан тотиб кўришлари биланоқ авратлари очилиб
қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар!»*

Ниҳоят:

«(Жаннатдан) тушингиз!»

Менинг хаёлимда

туйнук оғзидан чиқиб, дарё бўйида кўрганим — минглаб
эркак-аёл жонланишди.

Улар олдин оролда айланиб, кейин дарё бўйига бориб
қолишмаганмикан?!

Кун қайтган, вақт ўтмоқда. Нимадир қилиш керак!

Агар чиндан тиланчи мени алдаган,

бу кимсасиз оддий бир орол бўлса, —

биринчи навбатда бошпана топган дуруст! Қолгани шош-
масдан...

Шу хаёл билан кетаётиб, кутилмаганда

қуюқ дарахтлар панасидаги

қандайдир бинога

дуч келдим.

56

Бино ёғочдан тикланган,

икки қаватли эди.

У нимаси биландир

бизнинг мактаб биносини эслатарди.

Аmmo ердан қарийб шифтгача ойналар

ўрнатилган эди.

Мен бинога яқинлашиб, ойналардан бирига

секин манглаймни босдим.

Ичкари қоп-қоронғи эди.

Қизиқ жойи:

шу зулмат-зимистон қаърида, липиллаб ёнаётган шамдек,

манаман деган одамни ҳам диндан чиқарадиган,

эртаклардаги сингари гўзал —

соҳир ва хаёлий! —

бир санам
рақсга тушмоқда эди.
Мен
энди кўзимни ойнадан узишга шайланган эдим...
кўзларимдан дув учқун тўкилди.
Кимдир
оғир бир нарсани кўтариб, зарб билан
бошимга урган эди!

57

Ўзимга кела бошладим.
Азобланиб, кўзларимни очдим.
Нимқоронғи хона.
Иккита эшик:
бири рўпарада, бири ён томонда.
Булар — ичкари билан кўчаники бўлиши керак!
Суякларим зил-замбил эди...
Энди пайқадим:
қандайдир курсига занжир билан боғланган эдим!
Курсининг оёқлари эса ерга михланган!
Ҳушимни йиғиб, ён-веримга қарадим.
Хонада чироқ йўқ. Лекин деворларда
ойна тортилган қатор
туйнук-токчалар;
улардан ҳар бирида биттадан чироқ
ёнар эди...
Туйнук-токчаларда
(Ажабо!)
(Даҳшат!)
Одам бош суяклари
уюлиб, ғарам бўлиб
ётар эди!

Мен қайсидир жангномадаги: «Унинг боши ҳаргиз танасида
бўлмаган!» деган ғалати гапни эсладим.

Кейин, яна эсладим:

«Найза ва ўқлар билан одамларни бир-бирига михлаб, сих-
лай бошладилар!»

— Ҳикоятнинг охири бундай эди:

«Қонлар дарё бўлиб оққан... Улдирилганларнинг сон-саногига етиб бўлмасди!»

Шу аснода яна негадир Заҳҳок,
унинг икки елкасидан илон ўсиб чиққанию илонларни
шоҳ —

одамларни сўйиб, уларнинг мияси билан
боқиб-тинчитгани тўғрисидаги эски ҳикоят ҳам
ёдимга тушди!

Сир-асрор излаб, бир тўда жинойтчилар қўлига тушиб қол-

ганим аниқ, деб ўйладим. Оролларда қароқчи тўдалари бўлади, деб эшитган эдим! Тиланчини ичимда бўралаб сўқдим. Лаънати, мени шунақа жойга келтириб ташлайдими?!

Аммо гап тиланчида эмас.

(Аллақачон ўйин тугаган, фақат кетиш тадоригини кўриш қолган эди!)

Мен уйдан чиққанимдаёқ бу гал ўлимга чап беришим қийин эканлигини билган,

қайиққа ўтириб оролга келаётганда буни ҳис ҳам этган эдим!

Мен ўз оёғим билан дор остига келган, ўзимга шу йўлни олдиндан танлаган эдим!

Қимир этмаган курсида, шалдираган вазмин занжирга бурканиб,

тутқун ҳолда ўтирганимча, энди бутун ҳаётимни кўз ўнгимдан ўтқара бошладим.

Болалигим... Яқинларим... Қасбдошларим...

Ҳанифанинг ҳам, Мамлакатхоннинг ҳам қисматига кўнглимда ўқинмоқда эдим!

Туғилмаган боламни хаёлан қучиб-эркаладим!

Бегона-боламни бадбахт, деб ўйлаб, унга ачингандек бўлдим!

Дунёда тўғри ишдан хатоим,

эзгуликдан гуноҳим кўп,

адашиб-улоқиб яшаганим менга аён эди!

Бунга иқрор бўлганимча,

ниҳоят, ҳаяжондан кўзларим ёшланиб, тиловат қила бошладим;

қўйнимдаги ёндафтардан ёд бўлган дуоларни

баралла овоз чиқариб, ўқий бошладим.

(Боя дарёда келаётиб-кўрган икки ёндаги тоғлар таъсирими, шу палла менинг овозим ажиб оҳанг касб этиб,

негадир атроф-борлиқни шиша-идишдек силкитган — ларзага солган;

шунинг баробарида, мендан нималарнидир талаб қилаётгандек, у —

мени исканжага олган эди!

Юрагим-кўксимни тимдалаётган бу силсиладан

ана-мана портлаб кетадиганга ўхшар эдим!)

Худонинг қудрати!

Мен дунёда қийналиб-уриниб бошқа ерга кўчиришганида, одамларга «бўйсунмай», яна ўз ўрнига қайтиб бориб қолаверган буюк тошлар борлигини эшитган эдим!

Бир кўрсанг, тўғри, бир кўрсанг, тескари, бир пастга, бир эса юқорига қараб оққан буюк дарёлар борлигини ҳам эшитган эдим!

Иккига бўлиниб, ўртасидан йўл очилган буюк уммонлар, балиқ қорнида ўлимдан топилган нажот тўғрисида ҳам эшитган эдим!

Лекин
бир куни
менга — шундай марҳамат nasib этишига
ақлим бовар қилмас эди...

Худонинг қудрати!

Бутун занжирлар ўз-ўзидан чириган арқондек чирт-чирт узи-
либ,

пойимга ҳалқа-ҳалқа
тўкила бошлади.

Менинг
руҳим ҳам, жисмим ҳам
қушдек енгил эди...

Мен
ўрнимдан бемалол туриб,
(яна яшашим мумкинлигига шукр қилиб!)
ўзим тутқун бўлган нимқоронғи хонадан
чиқиб кетмоқчи эдим; —
кутилмаганда...

Рўпарадаги эшикдан
нотаниш қароқчилар эмас,
менинг танишларим —
новча, бақувват тўрт йигит
хонага кириб келишди.

Улар менинг йўлимни тўсгандек,
икки эшикнинг иккала томонида икки кишидан
соқчидек қомат тиклашди.

Мен уларга биринчи марта
юзма-юз туриб,
яқиндан тикилганимча,

булар бизнинг мактабимизда ўқиганга ўхшамайди, Сирож
муаллим билан буларни нима ишми-мақсад ош-қатиқ қилиб
қўйган экан,

деб ўйлай бошладим.

Негадир шу пайтгача бу гап хаёлимга келмаган эди!

Улардан Сирож муаллим ҳақида сўраш керакмикин, деб
энди лаб жуфтламоқчи
бўлиб турган эдим...

Рўпарадаги эшикда
Сирож муаллимнинг ўзи
кўринди.

Бу — мен чойхонада учратган Сирож муаллим эди!

— Уртоқ муаллим! — деб юбордим беихтиёр.

— Уртоқ эмас. Уртоқ эмас! — деб негадир бақирди Сирож
муаллим.

Шу пайт нақ менинг рўпарамда қаердандир юмшоқ бир курси пайдо бўлди.

Сирож муаллим курсига ўтириб, менга энди бир оз юмшаброқ қаради.

— Сен нега бизни тинч қўймаясан?! — деди сенсираб. — Нега изимиздан судралиб юрибсан?! Ҳар нарсани ўйлайвериб, жонимизга текканингдан, биз сени баъзан таъкиб қилдик, холос. Бошқа зиён етказганимиз йўқ. Отдайсан... Нега бундай қиялсан?!

— Мен ҳақиқатни билишим керак, — дедим секин.

— Хўп, билиб нима қиласан?! Ҳақиқат истаб, ёстиғи қуриган қанча, дунёда! Ҳозир ҳам кун йўқ. Мумкин эмас... Яшаб юрармайсанми?!

— Барибир...

— Сен, яхшиси, бизни унут, — сўзини давом эттирди Сирож муаллим. — Сенга индамаймиз. Чиқиб кетасан! Қизиқиш, ўйлашни йиғиштир. Ед олганларингни ўқима! Қўйнингдаги дафтарни ҳам менга бер! (У негандир туйнук-токчаларга қараб қўйди.) Сенинг устозинг — Сирож муаллим! Бошқа пир-устоз қидирма! Сен тақводор ҳам, мулла ҳам эмассан...

Мен шу аснода, унинг бу айтганларига амал қилсам, бутун дунёим куйиб-барбод бўлишини ҳис этиб, саросималандим. Туйнук-токчаларга мен ҳам беихтиёр қарадим.

— Эҳтимол, — дедим ўйлаиб. — Лекин мен орқага қайтмайман! Аввалгидек яшаёлмайман! Менга ҳақиқат барибир керак!

— Жонингдан тўйибсан, бола! — деди Сирож муаллим эзилганидан афти-ангори ўзгариб. У энди чойхонадагидан кўпроқ ертўладаги Сирож муаллимга ўхшар эди! — Хўп, нимани билмоқчисан?! — деди анча сукутдан кейин.

— Биринчи галда... Сиз Сирож муаллимми?!

— Мен Сирож муаллим эмасман, — деди Сирож муаллим. (Мен уни шундай атаб қолавераман!) — Мен билан бу йигитлар ким?! Ишинг бўлмасин! Қолгани, майли, сўра, айтаман... Кейин, кет. Бизга кўринма! Ҳар нарсанинг чегараси бор!

— Яхши... Умуман, мен аввалдан қандай воқеа рўй берганига тушунмаяпман!

— Бунинг нимасига тушунмайсан! Оддий нарса... Инсон фақат баъзан ўз кўрган-эшитганлари мағзини чақолмайди! Хулоса чиқаролмайди...

— Мен кўп хулоса ҳам чиқардим. Лекин... масалан, Сирож муаллим вақтида ўлганмиди ёки тирик қолганмиди?!

— У тирик. Улгани йўқ... Бошқа шаҳарда юрибди! — деди лоқайдлик билан Сирож муаллим.

— Бошқа шаҳарда?!

— Ҳа. Махсус топшириқ билан кетган. Бадалбекни ёнига олиб...

— Сирож муаллим Бадалбекни ёмон кўрарди-ку?! Курашиб юрарди!

— Бу, мушукнинг сичқонни ўйнатганидек гап! Кимгадир

диққатни тортиб, одамларни чалғитиш... Бадалбек Сирож муаллимга нисбатан жуда кичик одам эди! У қулдек, айтган ишни бажарарди. Итоатли эди... Сен бу гапларни неча бора Ҳанифадан эшитгансан. Шундай эмасми?!

— А-а?! Албатта, — дедим паришонланиб.

— Сирож муаллим узоқ-узоқ шаҳарларда ҳам, Ширинкўлда бўлганидек, иш олиб бориш учун кетган эди! Ҳозир ҳам шу вазифани бажарябди! Бадалбек бошқа ерларни билгани учун, кўшиб юборилган. Оддий ҳамроҳ эди... У кўп ўтмай, қазо қилди. Ширинкўлдаги сағанани очиб, жасадини келтириб кўмишган! Бўлган-бор воқеа шу...

— Мактаб-чи?! Бизнинг мактабимиз...

— Аэропланни осмонда икки-уч айлантириб, озгина ёнғин чиқариш, томни тешиб, тўртта темир-терсакни сочиб ташлаш қийин эканми?! — деб кулди Сирож муаллим.

— Ахир, у ерда жасад бор эди?!

— Улар шунчаки тулуп эди. Қўғирчоқ!

— Қизиқ... Сирож муаллим Ширинкўлда бўлмаса, ертўладаги ким?!

— Бемаъни бир одатлар, қилиқлар Сирож муаллимнинг жони эди! Сожидахон деган қизни келин қилганидек, биринчи хотини Маҳлиқодан туғилган ўғлига, оҳангдош, деб Махлуқ исмини қўйган эди... Ертўладаги телба Маҳлиқо вафот этгач, ҳовлига олиб келинган унинг шу ўғли! Сен буни деярли аниқлаган эдинг!

— Мамлакатхон уни қайта-қайта, дадам, деганди?!

— Мамлакатхон гапираверади! Рост билан ёлғон қоришган... Қолаверса, унинг учун уйдагилар ҳаммаси Сирож муаллим!

Мен ҳозир беихтиёр: «Хўп, Сирож муаллим қаердадир олисда юрган, Махлуқ — ўғли, жасад — қўғирчоқ бўлса, бу — менинг қаршимдаги ким?!» — деган хаёлга борган эдим. (Мабодо у чап кўлининг ўрта бармоғига узук тақиб, манглайида ёшлиқдан қолган тиртиқ кўриниб турмаса-ю, ҳадеб бош бармоғининг орқаси билан қошини сийпамаса, мен уни бегона биров, деб кетаверар эдим! Ҳозир эса, бу ҳақда билиш истаги мени қийнамоқда эди!) Бироқ суҳбатдошим шарт қўйганини эслаб, буни сўрамадим.

— Сўнги, арзимаган савол... Сирож муаллим нега ойна олдида кўп турарди?! Кўзгуни у синдирганмиди ёки ўзи синганмиди?!

— Бу жиддий савол... Сирож муаллим, оғзи юзига нисбатан каттароқ эканлигини айтмаганда, келишган киши! Лекин у ойнага қараганида, ўз шакли қолиб, баъзан бадбашара бир шакл акс этарди! Бунга чидаёлмаганидан кўзгуни синдирган эди...

Мен, ўзим дуч келган айрим сирли кичик ҳолатлардан ташқари,
назаримда, ҳамма нарсани —

бутун ҳақиқатни билгандек эдим!
Шартга биноан, энди ўрнимдан туриб, чиқиб кетишим ке-
рак эди!

Аммо дахшатга чулганиб, юк босгандек, бўшаганимча,
ўрнимга қапишиб ўтирардим...

Менинг хонани тарк этишимни кутмай,
иккала эшик олдида соқчидек турган танишларим —
новча, бақувват тўрт йигит секин
рўпарадаги эшикдан чиқиб кетишди.

Кейин, суҳбатдошим...

ўрнидан турди.

Шу пайт унинг остидаги юмшоқ курси
қайтиб қаергадир
ғойиб бўлди.

Ниҳоят,

у ҳам

йигитлар изидан

рўпарадаги эшикка йўналди.

Мен унга орқадан разм солиб қарадим ва
бирдан...

бояги йигитлардек, унинг ҳам
қандайдир кўкиш алангани эслатаётгани,
орқаси ва оёқлари гавдасига нисбатан каттароқ эканлигини
пайқадим.

— Иблис! — деб юбордим беихтиёр. — Бу Иблис-ку, ахир!

(Мен аввалдан ажина-алвастилар тўғрисида бекорга ўйлама-
ган эканман-да!)

Шу асно: «Одамлар орасида одам шаклида юрган бир қисм
жинлар, фаришталар бўлади!»—деган қадимги нақл
ёдимга тушди.

«Дунёда бировга кўриниб,

бировга кўринмайдиган нарсалар бор!» — деган ҳикмат-
ни ҳам

эсладим.

Энди ўрнимдан даст туриб,

ён томондаги кўча эшикка

қараб юрдим.

60

Эшикдан чиққанимча, бошимни кўтариб,
донг қотиб қолдим.

На боғ, на орол, на дарё...

Ипдек ариқ ҳалқаси олдида турардим!

Мендан икки қадам нарида —

Ширинкўлдан олисларга қулоч отган катта йўл!

Паришон бир ҳолатда орқамга ўгирилиб қарадим.

Мендан орқада,

менинг панамда

кўримсиз, йиртиқ чопонни эслатган чойхона —

кўқкайиб турар эди!
Мен гўёки ҳозир тўғри чойхонадан чиққандек эдим!
Ариқдан ҳатлаб,
катта йўлга етиб олганимча, энди орқага бошқа бурилмай,
Шириккўл маркази — уйим томонга
қараб кетдим...

ХОТИМА

Мана, бу воқеалардан кейин,
анча йил ҳам ўтиб кетди!
Ҳанифа-иккимизнинг Умид деган ўғлимиз бор.
У — эсли-ҳушли. Биз ундан мамнун!
Фақат...
у баъзан кўчада тутилиб, уйга кеч қайтса, —
мен ўзимни қўйишга жой тополмай,
ҳовлини қаричлаб ўлчаб чиқаман!
У келгач, ҳар гал, албатта! —
Худога шукроналар айтаман!
Баъзан уйда китоб варақлаб, баъзан эса, шунчаки рубоб
чертиб,
ўтган бутун воқеалар ёдимга тушади...
Ўрнимдан туриб, уйдаги энг катта ойнага бориб қарайман!
Менинг шаклим ўрнида бошқа бир шакл
акс этишидан қўрқаман!
Гоҳо тоқатсизланиб,
югурганимча кўчага чиқиб кетаман...
Кейин, ёмғир ёғиб, қаршимда
бехосдан осмон қоқ тўрт бўлакка ажралади.
Осмоннинг гоҳ у-гоҳ бу буржида ловуллаб худди гулхан
ёнади.
Шу асно аланга кўкдан ерга кўчгандек бўлади.
Мен беихтиёр Бадалбек билан Сирож муаллимни эслайман.
Менга чойхонада, сўнг оролда учраган ўткинчи хаёлимда жон-
ланиб, у ким эди, деб ўйлай бошлайман. Азобланаман...
Дам сайин ҳол-мадорим қуриб, шунинг баробарида, бошим-
ни чангаллаганча, аллаёқларга қараб баттар югуришга тушаман.
Шундай пайтларда негадир кўз олдимга яна —
икки елкасидан илон ўсиб чиққан
Заҳҳок келади!
...Сиз бу гапларга ишонасизми, йўқми?!
Бир нарсани айтишим керак:
Дунёда
Худонинг борлигига ишонмаган одамгина
Иблиснинг борлигига ҳам
ишонмайди!

1980—1993 йиллар

КЎНГУЛ КЕТГАН ТОМОН

* * *

Шунчаки, сочингни силагим келди,
Соғиниб қолгандир, дея ўйладим.
Қўлимга олиблар ўйнагим келди,
Қаварган кафтларим эса қўймади.

Шунчаки, кўзингда кўрингим келди,
Ешларинг фарқ этмас, дедим, бу сафар.
Қошингда бир лаҳза юрингим келди,
Толиққан кўзларим қўймади аксар.

Шунчаки, қалбингни тинглагим келди,
Эврилгандир, дедим, менга охири.
Ётсираш нигоҳдан инграгим келди,
Тағин бўлган эдим ҳижрон асири.

Шунчаки, деёлдим, ортга йўл олдим,
Ортимда ўзга йўл йўқ эди асти.
Қақшатган кечада тентираб толдим,
Муҳаббат, бормиди шунчалар қасдинг?!

Энди мен кетгум-эй, қаён кетгум-эй,
Униқиб, синиқиб кетган-ку бағир.
Наҳотки, бир умр шундай ўтгум-эй,
Қўйвора қолгин-эй, эй дарди кабир!

Шунчаки, шунчаки эмасди, ахир!

* * *

Субҳидамда сўйласам,
Соғинчларим сирдошима,
Ётсираб ёқтирмади
Ёшини ёшлаб ёшима.

Кўнгулма кўнгул керак,
Кетма, камолингни кўрай,
Деганимда дўнмади
Дардингга давоман дея.

Қанчалар қаттиқ қаро
Қисмат қўлида қолганим,
Уз-ўзимдин ўксиниб
Уйларда ўйсиз ўлганим.

Жилди жонон жойидан,
Жоним жаҳонимдан жудо
Аста-аста азмида
Асирини айлар адо.

Бир баҳорнинг бағрида,
Бағримни боғга боғлатиб,
Чор чаманни четида
Чоршамъни чоғга чоғлатиб.

* * *

Банд бўлибдур бу умр
Хуснинг-ла ҳур бошдин-оёғ,
Ишқ майин ичсам кўнгул
Топгай ҳузур бошдин-оёғ.

Бу фалакда кўп малак
Лек ул гўзал танҳо, нетай,
Ой демай, юлдуз демай,
Этган асир бошдин-оёғ.

Сиғмайин қолгум бу дам
На еру на осмонига,
Жисми тан, руҳи бадан
Жайҳуни Сир бошдин-оёғ.

Икки дил шайдоланиб
Этса муҳаббат ихтиёр,
Бўлғуси беихтиёр
Дунё зухур бошдин-оёғ.

Қолдим-эй мен тун аро,
Кетмай хаёлдан ул пари,
Ёрни кўргандан бери
Чоршамъ басир бошдин-оёғ.



МУҚАДДАС ЭЪТИҚОД ЯЛОВИ

Юрак

Кенгликда бекиёс бўлур ҳар софдил,
Унинг ҳар қатига сиғар бир олам.
Буни тан олмагай жоҳилу ғофил, —
Занглаган зеҳни-ла пайқолмас ҳеч ҳам.

О, замон кенлиги, ёхуд торлиги,
Сарҳадни билмас қалб ила ўлчанар.
Ҳаёт қароргоҳи, бутун борлиги —
Бирдекдир, дард ўти бирдайин ёнар.

Қарашлар юракнинг амрига боғлиқ,
Назари кенг элда муҳит ҳам кенгдир.
Назарлар жаҳоний шуурга боғлиқ,
Миллат, ирк, қавм демас, барчага тенгдир.

Бағри кенгликда рўй беҳудуд олам,
Сиғар жами инсон дардлари билан.
Оташин жаҳондир ўтлуғ дил одам,
Дилларни иситар юраги билан.

Тийран йўл

Руҳиятда тумани йўқ бир йўл бор,
Юракларни бўйлар ниҳон ва тийран.
Юртпарвар ҳар дилда у топган қарор,
Фидойилик бурчу эътиқод билан.

Зоҳирда пинҳондир кўринмас фақат,
Ботин ичра ёниб ўтар машъала.
Қалбларни улайди меҳру оқибат,
Дўстликка ундайди қутлуғвор шуъла.

Беғубор эътиқод қатламларидан
Ўтганлигин сездим, англадим чунон.
Яшаш синоатин ҳар бир дамида,
Туташ ришта рамзи экан беғумон.

Қиёмга етмоқлик тарзида ўтар,
Башарий назарнинг кенгликларидан.
Ниҳон йўл эканин зеҳнингиз пайқар,
Миллатлар, элатлар тенгликларида.

У йўлда ҳамиша оппоқ тонг ҳоким,
Заррин шуълалари аримас ҳеч он.
Таҳқиқ не, ранжиш не, билмайди ҳеч ким,
Умумбашарийлик бонг уради, бонг!

Рўшнолик соҳилин бўйлайди бу йўл,
Аввали, манзили, сўнгги хайрлик.
Икки ёқда дўстлик очилтирган гул,
Ундан ҳид симирган кўрмайди хорлик.

II

Муштарак туйғулар кўри-ла бу йўл,
Маҳкам туташтирар дилларни-дилга.
Оқибат, имон, меҳр-ла бу йўл,
Яқинлаштиради элларни-элга.

Бу йўлнинг ялови хоҳиш, ирода,
Аҳдлашар, саф чекар ҳалол одамлар.
Суюнарсиз, табриклар она сайёра,
Ёнма-ён ташлангач эзгу қадамлар.

Минтақалар аро, кенгликлар аро, —
Шодлик уфқлари ёзилур мудом.
Истиқлол яшнайти тенгликлар аро,
Дунёнинг лаззатин тотишар мудом.

Рухингга босади дўстлик муҳрини, —
Муқаддас эътиқод ялови билан.
Қалбдан-қалбга қуяр меҳру сеҳрини,
Покиза имоннинг олови билан.

Ҳамроҳдир бу йўлда ишонч, садоқат,
Ҳар бекатда пешвоз чиқар истиқбол.
Боғичлардан сизар инсоф, диёнат,
Нурли манзиллардан ўтар истиқлол.

ЯПРОҚЛАР ТУПРОҚНИНГ ВАСЛИГА ЕТГАН

Тонг ёришиб қолди. Ҳадемай
Қуёш найза отади кўкка.
Мен қанчалик ғамини емай,
Тун барибир бормайди кўпга.

Шундан унга бўламан далда,
Сочларини силайман секин.
Лабига сув теккан маҳалда,
Азон янграб қолади лекин.

Аммо унга айтмайман буни,
Яшираман бор ҳақиқатни.
Тун билмайди битганин куни
Ва санамас ҳар дақиқани.

Қалқиб кетар қўлимдаги сув,
Ўзгаради туннинг ҳам бети.
Юрагига киради қўрқув,
Увушади туйқусдан эти.

Ошкор бўлар оламга бор сир,
Нафаслари келади куннинг:
Қичқиради хўрозлар бир-бир,
Оқаради юзлари туннинг...

* * *

Бу оғир, бу улкан сабр косаси —
Кўнгулни қўлингга тутдим мисли гул.
Куз кетиб тингандай боғларнинг саси,
Бор-будимни тўқдим деярли буткул.

Деярли борини айтдим, хайрият,
Ҳеч кимса халақит бермади менга.
Дунёда нима гап, дилда не ният,
Деярли барчаси аёндир сенга.

Фақат ҳамма гапни талхми ё тахир,
Билмоғинг шарт эди кетаринг олди.
Мен сенга ростини айтсам, барибир,
Ичимда ханжардай битта сўз қолди.

Кўрганимнинг бари шу бир каломда,
Айтсам, шабадалар ўғирлар дайди.
Айтмасам, нетайин, бутун оламда
Менинг билганимни ҳеч ким билмайди?!

Қарагин, йўқотиб қўйиб қуёшни,
Туманлар қўйнида қийналар руҳим.
Айтсам, кўтаргайман қандай бу бошни,
Айтмасам, у сенга шу қадар муҳим?!

Ҳеч кимса менингдай қолмасин ночор,
Ҳозирдан оламга очолмайман кўз.
Айтсам, бошим узра тортилади дор,
Айтмасам, бўғзимни йиртади шу сўз!

Кузги мажнунтол

Биз ҳеч тушунмадик бир-биримизни...

Сен мудом бошингни чайқайсан дилгир,
Боғ аро сарпойчан куз кечади жим.
Тўхта, сўроғимга жавоб бергин бир,
Бир мени кўнглунгга яқин ол, синглим!

Пойингдаги муздай кўзгуга боқиб,
Нафас олишингни туяман, холос,
Шунда шабадалар ўйнаб, улоқиб,
Шивирлай бошлайди шоирларга хос.

Фақат тушунмайман шўрлик шамолни,
Аммо англагайман, нимадир муҳим.
Шу лаҳза парчалаб ташлаб хаёлни,
Хазонларни босиб ўтар аллаким.

Шунда, кўк юзига тортади қора,
Юлдузлар йўқолур ва сен ҳам баъзан
Ё пана-панада, ёки ошкора
Ҳеч нарса демасдан йиғлаб оласан.

Кейин, тонг келади олис-олисдан,
Қуёш ҳам чиқади жунжикиб, жимжит.
Дунё дунё бўлиб, сен ўйчан қиздан
Бир сўз ололмаган биронта йигит.

Сен яшайверасан ҳеч нарса демай,
Ҳамроҳинг — хотира, дугонанг — хаёл.
Мен қанчалик сенинг ғамингни емай,
Бир калом айтмоғинг шу қадар маҳол!

Мен эса шеър қилдим шамолдай елиб,
Шам каби титраган ҳаяжон ҳисни:
Во дариф, во худо, дунёга келиб,
Кўрмадим сенингдай хаёлкаш қизни!

* * *

Айтмасанг зорим бор, зўрим йўк, пари,
Сен кимнинг ёлғизи, кимнинг сарвари,
Кимга ойсан, кимга юлдузсан, бари
Тушларимдан аён бўлди,
Тушларимдан аён бўлди.

Боди сабо бўлиб ёбонларни кез,
Юрагимни майли, анор каби эз,
Шафқатинг йўқлиги худо берган эс —
Ҳушларимдан аён бўлди,
Ҳушларимдан аён бўлди.

Япроқлар тупроқнинг васлига етган,
Зоғу зоғчаларни бахтиёр этган,
Заргар куз экансан, бу — учиб кетган
Қушларимдан аён бўлди,
Қушларимдан аён бўлди.

* * *

Кимга кераги бор танти кўнглунгнинг,
Йўловчи шамоллар тингламас асло!
Уларнинг сенсиз ҳам ташвиши минг-минг,
Сенсиз ҳам шўрликлар қувғинди, гадо!

Ишониб бўлмайди юлдузларга ҳам —
Тунлар қучоғида ёнадир фақат.
Боғларнинг бошидан ёғилган шабнам,
Баҳорга нисбатан минг бор муваққат.

Фасллар — бевафо, умр — ўткинчи,
Дўстларинг хоиндир, душманинг номард.
Биламан, йўқолган мартнинг ҳам тинчи,
Февралдай тарк этар бир кун мени март.

Биламан, қолмади энди бирон сир,
Қолмади лоақал таскин ҳам дейсан.
Лекин, тўлиб кетган дилни, барибир
Ишонгинг келади кимгадир баъзан.

ИЛТИЖО ҚИЛДИМ ЧАМАНГА...

Кўкдек орзуларга кўмдим умримни,
Ҳалиқиб улоқдим, сўлганча ёндим.
Ҳазонлар қоплади яшил тилимни,
Ҳушимдан айрилдим, яна уйғондим!

Тўнка деса бозор, уммед тўнкаси,
Содда тозаликлар ичра ингроғим.
Ҳислар кўлка, майли, баҳор кўлкаси,
Қотган азобларим маъсумлик доғи.

Бир сафлар келади, кўкларда ҳавас,
Мозорни айланган жавон турналар.
Улар мени билмас, мен, ахир, абас,
Вафоқул судралар, вафо сургалар.

Ҳамон орзуларнинг чархида созим,
Эврилиб-соврилиб кўнглумни очган.
Юракнинг қаърида чўккан парвози,
Қизғалдоқ қувончни оламга сочган.

* * *

Ҳали субҳ қайғусида, бўзларим бордир менинг,
Ўлмасам, марҳум меҳрни изларим бордир менинг.
Изларимга исмини берган девона қон ичар,
Қон ичида қонга ғарқ, сўзларим бордир менинг.
Кўҳна дард осмонида, неча юлдуз дор илар,
Дорга осик, қайтмаган, рўзларим бордир менинг.
Ботмаса ботгин демасман нилуфарлар комига,
Ям-яшил рафторида, кўзларим бордир менинг.
Илтижо қилдим чаманга, чамани туркона шавқ,
Ишқи ҳур Вафосига, кўзларим зордир менинг.

Армон

Уғлим Дилшодга

Менинг бу дунёда савдои ишқим,
Шафақнинг юрагини тирнар беозор.
Тушунмас феълимни содиқ қўшиғим,
Қалдирғоч таҳсинига бўлган сазовор.

Хаёл кemasида жони-жаҳоним,
Руҳимга ортмоқлайди чидовсиз ғусса.
Ортада чирқираган севгим-армоним,
Умрим қиёмида тўкилган бўза.

Чалғитмоқчи бўлиб изғидим сарсон,
Дўсту биродарлар кўнгулдан айри.
Дардим уфқидан ўтмаган карвон,
Одамовиликда замона зайли.

Қақнус азасида туғилдинг Дилшод,
Ғамнинг қувончида янада базм.
Бунда, одамлигим гуноҳкор сароб,
Бунда, шоирлигим жилпангсоз назм.

Барибир, нолаларим қирларга етмас,
Бўғзида қилич қотган интизор дунё.
Нигоҳлар оғриғимни ковлар, ичар маст,
Бошимга ўтиради қаҳри қор рўё.

Шабнамларга боқиб, излайман маъни,
Бизнинг умримиз-да, гўёки шабнам.
Қизганма, мен ғарибдан оддий нарсани,
Очилмай сўлмасин кўкламим кўклам.

Қулфи йўқ кўнгулларга кўриндим далли,
Бойбека ҳасратларга юпун ва хасис.
Худойим, юрагимни очаман ҳали,
Топганим, йўқотганим — поёнсиз, сўнгсиз!

Дилбар куй чехрасида рангин изтироб,
Қаҳратон тепасидан офтобдай ўтдим.
Чопқила орзуларим, майли, мен хароб,
Юлдузлар хўрагида ойни унутгин.

Билмадим, нима истаб, кимларни кўмсаб,
Варрақлар пойгасида тебранар ноним?!
Кечир, бу телбани, қария-гўдак,
Кўклар дарёсида оқади қоним.

Ҳаётнинг селларида жолам кўзлаган —
Муҳаббат оғушида бадавлат узлат.
Уйғониш кўнғироғи бўзлаб музлаган,
Бир пулдир милён фасл, телба ҳақиқат!

Лайлақлар минорларга айтмади фикрат,
Умиднинг йўлларида умид чалажон.
Азоби соясида эврилган кулфат,
Хорлигинг — юрагимга санчилган эҳсон!

Доим кимларнидир бошимда кўрдим,
Ургимчакдек кимлар миям ичида.
Ҳайҳот, тугамаса шўрлик ғўрлигим,
Ёниб англанмоқда кўклам кечида!

Маддоҳликда тенгсиз майналар сотқин,
Шоҳ туйғулар ора дард овораси.
Қилич камалакда... капалак қопгин,
Балки, орланадир қасос наъраси...

...Индамай ўтармидим, жим кетармидим,
Кишаним синиғида мардлар суяги.
Чала ҳофизларинг не битар эди,
Зулматнинг хуржунида тонгнинг эртаги.

Қарғалган гул мену, сен хаста ғунча,
Беиз тақдиримиз кимларга керак?
Юрак муз диёри бағрида кунда,
Бошсиз оломонга томоша, эрмак!..
...Турна қанотини элтсин илтифот,
Майса нафасида тикланг зуредим.
Танимас қасамини сабри сил сабот,
Душманга тик қаролмай хўнграйди ёдим.

Йиғла, бўғзимдаги атрлар чиқсин,
Чидарман тишимни босиб тишимга.
Йиғла, исмимдаги сабрлар чиқсин,
Йиғлашинг келтирсин мени ҳушимга.

Майли, яшамайин тайинли, жўшиб,
Танглайимда қотган яшил изтироб.
Кечам ҳувиллаган, эртам ҳам бўшлиқ,
Борлигинг-йўқлигингга ичаман зардоб.

Мана, ўттизинчи баҳор бошимда,
Ўттиз бор, бепарво ғимирлаган жон.
Ўттиз бор, чўмилган ялпиз ёшимга,
Ўттиз бор, алвидо, юкланган карвон!

Бироқ, минг бир ҳалак ситилган жоним,
Бозор бўлиб ётган кўнглуда мозор.
Ҳузурми, парвардигор сенга бу оним,
Баҳорнинг адоғида ёғаётган қор?!

Менинг бу дунёда савдои ишқим,
Бўғзигача дардга, хатга қарздор.
Сарғарган сариқ гулдай, тулдай ёшлигим,
Туманлар пардасида сенга вафодор!

Ўлмас Умарбеков

ФОТИМА ВА ЗУХРА

Роман¹

Абдуллажон Зокир полвоннинг ҳовлисига кириб, ўчоқбоши рўпарасидаги деразаларига қора парда тутилган уйни кўрди, қизининг шу ерда хазон бўлганига ишонди. У ёлғиз борди. Ғираширада ўғлининг хонасига кириб, уни уйғотмоқчи бўлди, аммо Ҳамидулла йўқ эди. Абдуллажон эзилиб кетди. Ўғлидан оила учун, оиланинг обрўйи учун бирон наф йўқлигига энди амин бўлди, «садқан йўғил кет!» — деди ичида аччиқ ўкинч билан ва ёлғиз ўзи Зокирларникига боришга қарор қилди. Зухра азонга яқин кўзи илингани учун унинг айвонда юрганини сезмади. Адаси каби у ҳам кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Шунинг учун Абдуллажон ҳеч нарса демасдан, Ҳамидулла ғойиб бўлганлигини, ёлғиз ўзи безорилар билан гаплашгани кетаётганини айтмасдан кўчага чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши ёнини ушлаб кўрди. Кечқурун камарига осиб кўйган ов пичоқ ёнида эди. У хотиржам йўлга тушди. Жуда бўлмаганда биттасини саранжомлаб бўлса ҳам, қизининг қасосини олади.

Ўнқайрағоч тугаб, тор кўча бошланганда кўк дарвоза кўринди. У шу ерда тўхтади. Зокир семизнинг уйи шу бўлиши керак. У дарвозанинг темир ҳалқасини кўтариб, тақиллатди. Ичкаридан ҳеч кимнинг овози ҳам, шарпаси ҳам келмади.

— Зокир! — қичқирди Абдуллажон яна ҳалқани дарвозага уриб.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Яна жимжитлик. У бирпас кутиб турди. Аммо ҳеч овоз бўлмагач, дарвоза табақалари орасидан ичкарига мўралади ва бироз тинчигандек бўлди. Зангори «Жигули» дарвоза орқасида турарди. Абдуллажон ариқ ичидан кафтига зўрға сиғадиган битта тошни олди-да, кучининг борича дарвозани ура бошлади. Бу ҳовлига бемаҳалда турли одамлар келиб кетиши, кечалари маст-аласт овозлар кўтарилишига кўникиб кетган қўшнилари унинг зарб билан дарвоза уришига эътибор бермадилар.

Бир маҳал «ҳозир», деган бўғиқ овоз эшитилди. Кўп ўтмай, дарвозанинг ўнг табақасидаги кичик эшик очилди.

— Келинг?! — ҳайрон бўлиб Абдуллага қаради қовоқлари шишган одам.

Зокир семиз шу эди. Абдуллажон уни итариб, ҳовлига кирди. Дарвозанинг тўғрисида ошхона бор эди. Абдуллажон чап томонга қаради. Сийрак дарахтли ҳовлининг тўри шу ёқда эди. Бирдан унинг кўзи қора пардали иккита дерезага тушди. «Парда тортилган хона, демак, шу!» — тахмин қилди Абдуллажон ва шу томонга юрди.

— Ҳов ака! Тўхтанг! Нима гап ўзи? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Зокир семиз.

Абдуллажон индамай қоронғи хонага туташ даҳлизга кўтарилди.

— Тўхтанг, ҳов ака! Одам бор! — қичқирди орқасидан Зокир семиз.

Абдуллажон парво қилмади. Даҳлизнинг ўртасидан икки томонга эшик кетган эди. Биттаси бир томон очиқ, узун айвонга, иккинчиси, чапдагиси қоронғу уйга олиб кирар эди.

Абдуллажон шу эшикни шарақлатиб тепди. Эшик табақалари ланг очилиб, хона ёришди. Тўрда тахмон тагида қалин кўрпачалар устида бир одам ётарди. Ёруғдан афтини буриштириб, у девор томонга ағдарилди.

— Нима қиляпсиз?

Зокир семиз Абдулланинг тирсагидан ушлади.

Абдулла унга ўгирилди.

— Сен Зокирмисан? Сотиболди аканинг ўғлимисан?

— Ҳа, нима эди?

— Бу ётган ким?

— Нима эди?

— Айт. Тўхта қийшиқ шуми?

— Биларкансиз-ку?! Менга қаранг, ўзи нима гап? Ҳаммаёқни оёқости қилиб юбордингиз-ку? Қани, буёққа чиқинг!

— Мен Фотиманинг отасиман. Сенлар зўрлаган, ўзини осган қизнинг отасиман. Мен уйингни оёқости қилган бўлсам, сенлар одамни оёқости қилдиларинг. Уни ўлдирдиларинг!

Абдуллажон шундай деб, Зокир семизнинг ёқасидан ушлади. Аммо Зокир бир силтаниб унинг қўлидан чиқди. Мушти билан бошига ураман, деганда кучли тепки икки сони орасига тушди. У инграб энгашди. Шу пайт Абдуллажон иккала қўлини

занжир қилиб, унинг бўйни аралаш бошига урди. Зокир гилам устига чўккалаб йиқилди.

— Тўхтамурод ака! — қичқирди у инграшда давом этар экан.

— Чақир! Унта бўлсанг ҳам бугун мендан қутулмайсанлар!

Абдуллажон Зокирнинг биқинига, юз-кўзи аралаш япалоқ бурнига урар экан, қўлларида мутлоқ оғриқ сезмасди. Бирдан биқинидаги ов пичоқ эсига тушди. Уни шартта суғуриб, боши устига кўтарди, ўрнидан турмоқчи бўлган Зокирнинг бошини чап тирсаги билан босиб, бўйнига пичоқ уришни мўлжаллади. Энди ураман деганда, икки курагининг орасига нимадир санчилди. У эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, мўлжалланган жойига пичоқ урди. Аммо қўлида мадори қолмаган эди. Пичоқ Зокирнинг бўйнига тегди. Тегди-ю, зарбнинг ожизлигидан қайрилиб кетди. Абдуллажон ёнига йиқилар экан, яна бир нарса чаккасига боғганини сезди, қўлидан пичоқ чиқиб кетди.

Унинг тепасида учига резинка тақилган тўппонча ўқталиб, Тўхта қийшиқ турарди.

— Аблаҳ! — деди ўрнидан турар экан Зокир семиз. — Қовуғимни ёрворди чамамда.

У бор кучини тўплаб, ҳушсиз ётган Абдуллажоннинг қорнига тепди. Абдуллажон қимир этмади. Чаккасига теккан иккинчи ўқдан кейин у жон берган эди.

— Улибди-ку, — деди кўрқув аралаш Зокир.

— Иккита ўқ тегади-ю, ўлмайдими? — деди Тўхта қийшиқ. — Қишлоқдан олиб чиқиб кетиш керак. Ҳойнаҳой, орқасидан қидириб қолишади.

— Машинага соламиз. Багажникка! Тортинг!

Улар деразадан битта пардани тортиб туширишди-да, унга ўликни ўрашди. Кейин кўтариб, ҳовлига олиб тушишди.

Зокир юкхонани очиб, жой бўшатди.

— Олдин бўйнингни артиб ол! Сезмаяпсанми?

Зокир енги билан бўйнини сидирди. Абдуллажоннинг ов пичоғи унинг бўйнини тилиб юборган эди.

— Отмаганинга кетдим экан аспаласофилга! — илжайди Зокир.

— Отага нима деймиз? — сўради Тўхта қийшиқ.

— Буни энди, ака, ўзингиз эплаштирасиз. Ота билан бу ҳақда мен гаплашолмайман. Қўрқаман.

— Майли. Йўлини топармиз. Қани кўтар!

VIII

Майор Алиев уйда атиги уч соатгина бўлди. Ғира-ширада яна йўлга тушди. Уйининг тинчлиги, болалар, хотинининг соғлигини кўриб кўнгли хотиржам тортди.

Икки кун узлуксиз Дуркентда юз берган воқеаларни чуқур мулоҳаза қиларкан, унинг кетига тушганлар ҳам, хабар бериб туриб, кўкнорини ўриб олганлар ҳам шу машҳур раиснинг қўл остидаги одамлар эканлигини англаб етди. Бунинг учун катта ақл талаб қилинмасди. Лекин тушуниш бошқа, гумон, тахмин-

лар, ҳатто аниқ бир исботга эга бўлиш бошқа, Тешабой Султоновдек одамни қўлга тушириш бошқа. Аммо Алиев учун бир нарса қоронғу эди: Тешабой Султонов тездагиларнинг қайси бирига алоқадор одам экан? Ё у уста шахматчидек саккиз-тўққиз йўлни олдиндан ўйлаб, қариндошлигини яшириб келаётирми? Афтидан, шундай. Унинг ҳозирги аҳволида у истаган одамига ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Унга эса ҳеч кимдан ҳеч нарса керак эмас. Қорадорининг юз кило янчилгани ўн миллион доллар турганидан кейин, у қандай ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин?

Тонгги муздек ҳавода шуларни ўйлаб борар экан, Алиев Тешабой Султоновга ўхшаганларнинг барибир даври ўтганлигига ишонарди. Камбағалнинг нонига кўз олайтирган одамдан барака кетади. Бу албатта кексаларнинг гапи. Алиев буни ўзича тушунди. Қайси бир одамни эл ҳурмат қилиш ўрнига, ундан кўрқа бошлар экан, тамом — ўша одамнинг иши юришмай қолаверади. Тешабой Султоновдан кўпчилик кўрқисини Алиев вилоят жинойи қидирув бўлимида ишлаб юрган пайтларидаёқ англаган эди. Лекин, пул, давлат, амал ҳаливери Султоновни отдан туширмайди. Аммо туширадиган сабаб топилса, халқ унга ачинмайди, ёнини ҳам олмайди. Ана шу сабабни топиш Алиевнинг бурчи эди.

Алиев зангори «Жигули» эгаси орқали анча масалалар очилиб кетиши мумкин, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун учала адресни айланиб чиқши, машина қаердалигини аниқлаш ҳозир — эрталабнинг ўзидаёқ зарур деб ҳисобларди.

Меҳмонхонага келиши билан уни аллақачон оёққа туриб, нонушта қилиб улгурган Исмоилов кутиб олди. Азим Турсунов ҳам етиб келди. Унинг режаси бўйича аввал Исроил Маматовникига, кейин бошқаларникига бориш керак. Чунки тахмин қилинаётган машина ана шу Исроил Маматовники бўлса керак. Икки марта қамалиб чиққан, бир марта одам ўлдиришда айбланган, лекин тўла оқланган. Колхозда экспедитор бўлиб ишлайди. «Шифокор» колхозининг таркиби бошқа колхозларникига ўхшамайди. Бу колхозда маҳсулотнинг турлари кўп. Якка хўжаликларда ҳам шундай. Уларни йиғиштириш, сотиш, ўрнига колхозга керакли мол олиб келиш учун Тешабой ака Султонов экспедиторлар штатини жорий этган. Камида йигирмата экспедитор бор колхозда. Ҳаммаси ёш-ёш, эпчил йигитлар. Деярлик ҳаммасига раис машина олиб берган. Исроил Маматов Зокир Сотиболдиев билан бирга ишлайди. Шунинг учун Исроилнинг машинасини кўпинча Зокир ҳам ҳайдаб юради. Зарур бўлса, уникига ҳам куриб чиқса бўлади. Адресини Турсунов ҳар эҳтимолга қарши сириштириб олди. Лекин унинг назарида бунга зарурат йўқ. Умуман, Турсунов бу йигитларни яхши билади. Улар Тешабой аканинг ишончли одамлари. Тешабой ака унча-мунча одамни ишга олавермайди.

Алиев Азим Турсуновнинг фикрига қўшилди. Худди Турсуновдек, у ҳам йигитларнинг айбдор эмасликларига умидвор. Тешабой ака чиндан ҳам ёмон одамларни ишга олмайди. У Тур-

суовга шундай деди. Аммо вақтни ўтказмасдан, зудлик билан учала хонадонга бориб келишликни лозим топди.

Турсунов у билан гапи бир жойдан чиққанига хурсанд бўлди. Унинг «Нива»сига ўтириб, энди кетмоқчи бўлиб туришганда, қаршиларида Тешабой аканинг оқ «Волга»си пайдо бўлди. «Нива»нинг тумшугига тегай, деб тўхтади.

Тешабой ака машинадан тушар экан, сариқ жужун кителининг этагини бир-икки қоқди-да, Алиевга юмшоқ қўлини узатди.

— Кеча шу ерда тунашларингни билганимда, келиб боққа олиб кетардим. Азимбой! Меҳмонларингизни шу ерга қўйиб кетгани уялмадингизми? Е мелисанинг боғи йўқми?

Турсунов нимадир демоқчи бўлди, аммо дудуқланиб қолди.

Алиев уни хижолатдан чиқарди:

— Айб бизда. Қолиш ниятимиз йўқ эди. Мен тунда шаҳарга тушиб чиқдим.

— Барибир, — унга қулоқ солмади Тешабой ака. — Бу жой бозор-ўчарга келганларга аталган. Сизларга ярашмайди. Уят бўлади. Энди гап бундай: биламан, хайрли иш билан юрибсизлар. Ярамасларни топмасаларинг эл олдида уятли бўлиб қоламиз. Топишларингга аминман. Кундузи демайман. Лекин оқшомда кутаман. Собиржон олиб кетади. Азимбой, ука, хушёр бўл. Оқшомгача иш битсин. Меҳмонлар дам олишсин жиндек.

— Хўп бўлади! — Турсунов ҳарбийчасига жавоб берди. Раис машинасига эпчиллик билан ўтириб, қўлини силкитди.

Икки хонадондаги зангори «Жигули»ни Алиев кўриши биланоқ, ҳисобдан чиқарди. Биттаси йигирма кундан бери аккумулятори ўтириб қолганлиги учун уйдан чиқмаган, иккинчисининг эса олдинги ўнг ғилдираги қайилиб ётарди.

Исроил Маматов уйда йўқ экан. Хотини унинг азонда бозорга кетганлигини айтди. Зокир Сотиболдиев телефон қилибди. Машина уч кундан бери Зокирларникида экан.

Алиев Исмоиловга қаради. Ўктам Қўчқорович унинг нима демоқчи бўлганини дарров фаҳмлади ва кўчага чиқиб кетди. Алиевнинг шофёри ҳар эҳтимолга қарши «Нива»нинг орқасидан «Волга»ни ҳайдаб келган эди. Исмоилов шу заҳотиёқ у билан бозорга жўнади.

Алиев нимадир тайёрланганини, уларнинг ҳаракатида қандайдир бир сир борлигини пайқади. Саҳарлаб бозорда нима қилади?

— Кетдик! — деди у бирдан ва отилиб кўчага чиқди. Турсуновни кутиб ўтирмасдан машинага ўтирди.

— Сотиболдиевникига борамиз! Бўлақолинлар!

Турсунов машинага чиқиши билан шофёр газни босди.

Аммо Зокир Сотиболдиевнинг уйи кулф эди. Дарвоза тирқишидан машина кўринмасди.

— Кириш керак! — буюрди Алиев.

Турсуновнинг шофёри, ёш, эпчил йигит экан, машинани дарвозага яқин олиб келиб, томига чиқди-да, дарвозадан ошиб тушди.

Улар ичкарига киришганда, Алиевнинг кўзига ташланган

биринчи нарса уйнинг, ҳовлининг ўртасигача чўзилиб кетган қон томчилари бўлди. Машина изи ҳовлининг ўртасигача борган эди. «Бир нарса бўлибди, — хаёлидан ўтказди Алиев. — Ё улар бир-бирлари билан уришишган, ё улар билан кимдир уришган? Ким бўлиши мумкин?»

Алиев уйларни кузата бошлади. Битта деразадаги парда йўк, ичкарига кирганда ичкилик, тамаки ва яна аллақандай ҳидлар димоққа уриларди. Хона бўм-бўш, токчаларида турли хил идиш-товоқлар, тахмондаги кўрпа-кўрпачалардан бўлак ҳеч вақо кўринмасди. Тўрда, тахмоннинг этагида икки қават беқасам кўрпача тўшалган, устидаги ёстиқ ғижимланиб қолган. Кимдир ётган бўлса керак. Алиев яқинроқ бориб, ёстиқни оёғи билан сурди. Нимадир кўрпача устида ялтираб кўринди. Энгашиб олди. Ов пичоғи экан. Алиев эҳтиётлик билан уни икки четидан ушлаб, токчага қўйди-да, ёнидан дастрўмолини чиқариб ўради.

Улар ҳамма хоналар, ҳужраларни синчиклаб қараб чиқишди. Кўзга илинадиган бошқа ҳеч нарса кўринмади. Зокир Сотиболдиевнинг уйи қишда ҳувиллаб турадиган катта йўл ёқасидаги чойхоналарни эслатарди. Ҳаммаёқда ёғ юқи идишлар, синган қошиқ, белидан қайилиб чирий бошлаган оташқурак...

«Бундай пичоқ каллакесару қиморбозларда бўлмасдику. Улар ўзбекча пичоқни афзал кўришади. Буни этик қўнжи, ё шимининг ичидан камарга боғлаб олиб юриб бўлмайди — қўпол. Ўзбекча пичоқ қини билан ҳам енг ичида билинмай тураверади. Айниқса, Исфараники. Учи ҳам унча қайилмаган бўлади. Бироз ханжарга ўхшаб кетади. Ким олиб келди экан бу оврупоча пичоқни? Ўзбекча пичоқни пастдан тепага уриш қулай бўлса, бу пичоқни тепадан пастга уриш осон. Айниқса, бўрига, тўнғизга шундай ташланади одам».

Алиевнинг машинаси қайтиб келди. Шофёр Исмоиловнинг колхоз идорасида қолганлигини айтди. Кейин бироз ийманиб туриб, хунук хабарни эълон қилди: «Чилонзор билан Муқимий кўчалари бир-бирини кесиб ўтган чорраҳада лейтенант Ҳодиевни машина уриб кетибди. «МАЗ» экан. Орқасидаги прицепи электр устунни ҳам ағдариб юборибди. Капитан Раҳмонов айтди».

Лейтенант Ҳодиевга Райҳонни ҳимоя қилиш топширилган эди. Тасодифмикан? Ё атайин уюштирилган авариямикан?

Алиев бу ерда бошқа қиладиган иши йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўз машинасига ўтириб жўнади.

— Салимовларники эсингдами? Ҳалиги, ўзини осган қизнинг уйи? — сўради у шофёрдан. — Ҳайда, ўша ёққа!

Эшикни Зуҳра очди. Қисқа вақт ичида у озиб, кўзлари киртайиб қолибди.

Алиев саломлашиб, Абдуллажонни сўради.

Зуҳра ичкарига таклиф қилмай, жавоб берди:

— Йўқлар.

— Қаёққа кетганлар, жуда зарур эдилар.

— Билмадим. Турсам, уйда йўқлар. Акам билан бирга анави машинадаги йигитларни қидириб кетишган бўлишлари мумкин.

— Қайси машинадаги? — аввал тушунмай сўради Алиев,

кейин эсига тушди. — Фотимани олиб кетган машинани айтяп-сизми?

— Бошқа машина эгаларининг бизга кераги йўқ.

Зухра орқасига ўгирилди-да, молхона томон юриб кетди.

Алиев ичидан бир тутоқди, аммо ўзини босди. Бу қизда нима айб? Бошига кулфат тушса-ю, ҳеч ким унга қулоқ солмаса? Агар у билмаганида, марҳуманинг кўйлаklarини кўрмаганида, опаси шахсий сабаблар билан ўзини осди, деган гап тарқалиб кетарди. Шундай хулосага милиция, бошқа идоралар ҳам келишарди. Ҳали ҳам шундай хулоса чиқаришди. Лекин суд-медицина экспертизасига тушган кўйлак, ундаги излар бўйича ҳали аниқ бир натижа бўлмаса ҳам, кўйлак эгасига хуруж қилинганлиги, унинг номусига тегилганлигини шубҳа остига олиб бўлмас эди.

Нима қилиш керак? Алиев иккинчи муҳим вазифани ўзи учун белгилаб олди: зудлик билан Абдулла Салимов ва унинг ўғлини қидиртириб топиш керак. Ҳойнаҳой ов пичоқ шуларники-ёв. Агар шундай бўлса, безорилар аниқ — зангори «Жигули» эгаси билан унинг шериклари бўлиб чиқади. Улар билан ота-бола олишишган. Қон уларники. Ҳа, зудлик билан уларни топиш керак.

Алиев машинага ўтириши билан телефон жиринглади.

— Алиев!

— Қодир ака, бу мен, Уктамман. Бозорда қидираётган одамларимиз йўқ. Улар бозорга киришмаган. Шаҳарга кетган бўлишса керак. Мен шаҳар автоинспекциясига телефон қилдим. Улар ҳали Тошкентга етиб бормаган. Тутишни буюрдим. Қодир ака, Лутфуллани эшитдингизми? Ҳали ўзига келмабди. Аммо юрак уриши жойига тушаяпти. Алижон Ҳасанович МАЗ билан шуғулланыптилар.

— Уктам! Маҳкамовни бу ёққа чақир. Бир соат ичида етиб келсин. Уйимга телефон қил. Учалоги ҳам уйдан чиқишмасин. Агар институтга кетиб қолишган бўлса, иложини топ, уйга қайтаришсин, кейин хабар қилишсин. Фотиманинг соати ўша тоифадан эканми? Раҳмонов айтмадими?

— Кечирасиз, хаёлимдан кўтарилибди. Алижон ака айтдилар. Худди ўшандай қимматбаҳо соат. Ким Йўғонтепага мендан олдин борса, бериб юбораман, дедилар. Соат тушгача қўлингизда бўлади.

— Яна бир топшириқ. Уқитувчи билан ўғли уйида йўқ. Фотимани зўрлаганлардан ўзларича ўч оламиз, деб азонда уйдан чиқиб кетишган. Ҳаммаёққа хабар бериш керак, яна бир қотиллик, ўлим юз бермасин. Собиржон аканга айт, ҳаммаёқни афдар-тўнтар қилиб бўлса-да, уларни топишсин.

— Тушундим. Агар гапингиз тугаган бўлса, мен танишмоқчи бўлган одам шу ёққа келяпти. Кутиб олсам?

— Майли!

Алиев трубкани қўйди.

— Раймилицияга ҳайда.

У суянчиққа оғирлигини ташлаб кўзларини юмди. «Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин», деганлари шу бўлса керак.

Йўғонтепа воқеалари нимадан бошланди-ю, қандай фожиаларга олиб келди? Ё Алижон ҳақмиди, бу ишдан қайтиш керак, деганида? Наҳотки бошқа милиция офицерлари уларнинг айтганига рози бўлади? Наҳотки битта у шундай ҳақиқатпарвар бўлса? Мутлақо ақлга тўғри келмаган гап. Бошқаларни улар кам билишади. Алиев отнинг қашқасидек уларга маълум. Вилоятда кооператив «дача»лар қуриш баҳонасида давлатдан, корхоналардан, «дача»ларнинг бўлажак эгаларидан қанча-қанча пул ўмариб, еб юборган муттаҳам қурувчилар ишини у очганда, бутун республика билди. Тошкентдаги пиво заводи, халқ хўжалиги институтидаги қаллобликлар ҳам очиқ суд шаклида кўрилганда, унинг хизматлари бир неча бор тилга олинди. Бу ишлар албатта уларга маълум. Шунинг учун ҳам Алиевдан қутулсак, у ёғи бир гап бўлар, деб ўйлаётган бўлишлари мумкин. Чучварани хом санашибди. Алиевнинг бир бошлаган ишини чала ташлаб кетадиган одати йўқ. У охиригача курашади. Зухранинг ҳар қандай эркакни ер билан битта қиладиган аччиқ қарашларини у унутолмайди. Ҳеч ким олдида бўлмаса ҳам, шу қизча олдида ўзининг, фақат ўзининг эмас, бутун милициянинг нимага қодирлигини у кўрсатиши керак. Ҳозирча албатта улар ҳеч нарса аниқлашгани, тайинли бир қарорга келишгани йўқ. Ҳозирча четдан қараганда бир-бирига боғланмаган бир неча воқеалар содир бўлди.

Агар сержантнинг ўлимини кўкнори масаласига алоқадор дейилса, катта хатога йўл қўйилган бўлмайди. Балки бугун-эрта Исмоилов бу масаланинг тагига етар. Иккинчи ўлимни қандай қилиб шу масалага боғлаш керак? Алиев дилида икки-уч кундан бери бу ҳам кўкнорининг бир учи, деб фараз қиляпти. Лекин бу фақат фараз. Мактабни кумуш медал билан битирган, хаёли кейинги икки йил ичида асосан ўқиш билан банд бўлган қизнинг кўкнорига, кўкнорифурушларга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Соат орқалими? Бриллиант кўзли, қимматбаҳо соат... Лекин соатнинг бундай қимматбаҳолигини у билмаган-ку. Бу энди исбот талаб қилмайди. Балки соат аванс тариқасида ҳадея қилгандир? Ким совға қилганлиги маълум бўлмаса ҳам, колхоз идорасидаги зиёфатда, ё ундан кейин тақдим этилган, раисдан бўлак одам бундай совға қилмайди. Бу кечқурунга бориб аниқ бўлади. Озгина сабр қилиш керак. Сержантнинг ўлими бўйича битта фикр бор. Исмоилов билан маслаҳатлашади. Унга ҳам маъқул бўлса, Раҳмоновни чақириб, шу режани амалга оширишади.

Алиев шу қарорга келиб, бугунги мўлжалларини бир-бир ҳисоблай бошлади. Кечқурун раис билан бўлади. У билан гаплашадиган гапларининг очиғи ҳам бор, айлантириб суриштириб оладиганлар ҳам бор. Очиқ гаплар — кўкнори, унинг қаердалиги, Фотимага қилинган қимматбаҳо совға. Алиев қанча ўйла-масин ва раиснинг обрўйи, хизматларидан андиша қилмасин, совғанинг эгаси у эканлигига ишончи комил эди. Шоҳидага ҳам берган шунақасини. Лекин бу ерда Алиев раис орқали эмас, бошқа йўллар билан Шоҳиданинг йўқолиш сабабларини аниқла-

ши керак. Унинг назарида Шоҳида совғанинг қийматини билган, билмаганида онаси ҳам, эри ҳам хабардор бўлишарди. Улар учун бу соатни бошқа оддий соатлардан фарқи бўлмаган. Шоҳида шуни истаган. Нима учун? Онаси, эридан яширадиган қандай сири бўлган экан? Афтидан, бу сир раис иккаловининг ўртасида бўлган. Раис билан оциқроқ гаплашиб олинадиган масалалар — шулар. Сержант ҳақида ўзи гап очса, гапирди. Қотил бугун-эрта қўлга тушишини айтади: «Лекин бизга қотилни тутишдан ҳам муҳим иш бор, — дейди у. — Ким унга буюрган? Биз қотилнинг сержантда шахсий ғарази йўқлигини аниқладик». — Алиевнинг шу гапидан кейин раис ўзини қандай тутар экан?

Алиевнинг сержант масаласида ҳам ҳали ҳеч кимга маслаҳат солмаган тахминлари бор эди. Сержант Исматов тоғдан ўриб тушилган кўкнори қаердалигини топган, соддалик қилиб раҳбарлардан бирига айтиб қўйган. Уларнинг кимлигини Алиев ҳозир айтиши қийин. Турсунов ҳам бўлиши мумкин, Сиддиков ҳам, ҳозирги район совети раиси Усмонов ҳам бўлиши мумкин, Тешабой аканинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Шулардан бири, кейин уни йўқ қилишни «узун қўл»га топширган. Бошқа яна қандай сабаб бўлиши мумкин унинг ўлдирилишига? Бордир бошқа сабаб? Лекин ҳаётийроғи, ишончлироғи шу.

Милиция идорасига яқин қолишганда, коммутатор уни Тошкент билан улаб берди.

— Раҳмоновман. Қодир Алиевич! Лутфулланинг аҳволи оғир. Рухсат берсангиз, мен қолсам. «МАЗ» тутилди. Номери Наманганики. Аммо шофёр янги. Костромадан келган. Текширишяпти. Битта ҳадигим бор. У шаҳарни билмайди. Олиб келиб кўрсатишган. Ярамаслар қанчага уни ёллашган экан? Эшитдингизми? Свердловскда одам ўлдириш эллик мингдан ўттизга тушибди. Сизнинг кўкнорифурушларингизга бу писта пўчоғидек гап.

— Қолақол. Соат-чи?

— Бериб юбордим. Ўктам Қўчқорович беради сизга.

— Яна нима гап?

— Қодир Алиевич! Мени бугун бир жойга концертга таклиф қилишди. Бормоқчиман.

— Қаерга экан?

— «Тақсим» номли клуб. Клубга катта пул тўлаб аъзо бўлилади. Айтишларича, баъзи таомлар тўғри Кореядан келтирилмиш. Утган куни шу клубнинг раҳбарлари сиз томонда меҳмон бўлиб келишган, «МАЗ» ҳайдовчиси шу клубга мол олиб келган.

— Нима?

— Уч тонна гурунч. Мол бизда. Аммо мени таклиф қилаётганлар бунни билишмайди.

— Эҳтиёт бўл.

— Келишдик.

Алиев «Тақсим» клуби ҳақида қаердадир эшитган эди. Лекин қанча ўйламасин, эслолмади. Идорага етишганда, эсига тушди. Фарғонадан юз киши шу «Тақсим» клуби орқали Жанубий Кореяга бориб келишган эди. Москвадан таниш бир ёзувчи

телефон қилиб, шу гуруҳга бир одамни, хотинининг дўхтирини қўшиб беришни илтимос қилганди. Уйда, хонасида шу клубнинг шаҳодатномаси, қандайдир «шов-шув» қоғозлари ҳам, адашмас, бўлиши керак. Ўша врач қайтиб келганидан сўнг, идорага эмас, уйига кириб, Кореяда ишлаб чиқарилган симсиз телефон совға қилиб кетган эди. Уйда унинг адреси ҳам бўлиши керак. Қизиқ!.. Шу «Тақсим»нинг раҳбарлари Тешабой аканинг меҳмонлари бўлиб чиқиб турса. Бу ажойиб янгилик. Уларнинг ташриф тагида нима гап ётган бўлиши мумкин?

Алиев машинадан тушгандаёқ биринчи бўлиб тажанг ҳолдаги Исмоиловга кўзи тушди. Афтидан, лейтенант уни ошиқиб кутар эди. Тушиши билан олдига келди.

— Кечирасиз, ўртоқ майор! Сизни генерал Жалилов ахтаряпти. Ҳатто машина юбормоқчи бўлди сизни олиб кетгани. Узлари телефон қиладилар, агар лозим топсангиз борадилар, дедим.

Алиев бошлиғининг ахтараётганидан дуруст гап йўқлигини сезди. Ё қўшимча бир топшириқ бўлади, ё натижани сўрайди. Лекин ҳозир қайси натижа ҳақида айта олади?

Ичкарига кириши билан ҳамма ўзини четга олиб йўл берди. Ҳатто котиба қиз ҳам телефон трубкасини тутқазди-да, ўзи чиқиб кетди.

— Салом, ўртоқ генерал! — қаддини ғоз тутиб жавоб қилди Алиев. — Эшитаман. Ҳа, сиз айтгандек, иккита гуруҳ тузилган. Иккалови, сизнинг маслаҳатингизга биноан, элни безовта қилмасдан жиноятчиларни аниқлаш билан банд. Лекин, афсус, ҳали бирон натижа йўқ. Назаримда, уч кун ичида иложи борича олиб чиқиб кетиш йўлини қидиришади. Биз ҳамма томонини ўйладики. Хулоса шуки, улар бизни чалғитиб, дорини олиб кетиш пайида. Шу мақсадда ҳеч нарсадан тойишмайди. Мен яна ўлим бўлмаса эди, деган хавотирдаман. Ўзини осган қизнинг отаси билан акаси йўқолди. Хўп, хўп. Унақа эмас. Топшириғингизни оёқости қилиб, бошқа ишлар билан ўралашиб юрганимиз йўқ. Айтганингиздек, Тешабой ака билан бамаслаҳат ишляяпмиз. Ўртоқ генерал, агар рухсат этсангиз, ҳар куни кечқурун сизга шахсан ўзим ҳисобот бериб тураман. Раҳмат. Келишдик.

Алиев яна бир неча дақиқа трубкага қулоқ солиб турди-да, алоқа тамом узилгач, жойига қўйиб, Исмоиловга ўгирилди.

— Сен «узун қўл»га ҳар эҳтимолга қарши ордер олдириб қўй. Ким билади, балки бугун уни олишга тўғри келар. Демак, режа шундай: авжи ўтириш қизиган пайти «узун қўл»ни олиб кетишсин. Маҳкамовга тушунтириб айт, раиснинг гапларига анграйиб, иккиланмасин. Зарур бўлса, кишан солсин.

— Тушунарли, Қодир ака.

— Менга анув Турсуновларинг ёқмай турибди-да, — қўшимча қилди Алиев. — Ҳушёр бўл. Бир уйига ўтиб келиш ҳам керак. Қидирган нарсанг, баъзан мутлақо ўйламаган жойингдан чиқади.

— Тушунмадим? — ҳайрон бўлиб кўзларини пирпиратди Исмоилов.

— Ана шу тушунмаганинг учун уйига ўтиб кел, деяпман.
— Бўлди. Қаршилиқ қилмасангиз, тушликни Азимхон билан бирга унинг уйида қилсам. Сиз, ҳойнаҳой, Собир аканинг ихтиёрида бўларсиз.

— Қаршилиқ йўқ.

Собиржон Сиддиқов Алиевдан беш-олти ёш катта бўлиб, ўқитувчидан чиққан ходим эди. Унинг милицияга келиши ғалати бўлган. Қайси бир ўқитувчилар қурултойида ички ишлар вазирлиги болалар тарбияси билан шуғулланмайди, ўқитувчи бқланинг мактабдаги юриш-туришига жавобгар, ота-она уйда қарайди, кўчада бола билан шуғулланадиган одам йўқ, деган гап кўтарилди. Суриштиришса, бу гапни андижонлик ўқитувчи Собиржон Сиддиқов кўтарибди. Бир-иккита заҳарханда гаплар ҳам қилибди милиция шаънига. Шунда ички ишлар вазири маориф вазири билан гаплашиб, шу ўқитувчини милицияга жўнатишни илтимос қилибди. Сиддиқовнинг қаршилигига қарамай, ўртага коммунистликни қўйиб, мутлақо у кутмаган ишга, Андижон шаҳар милиция бошқармасига бошлиқ ўринбосари қилиб тайинлашади. Шундан бери ўн йил ўтди. Сиддиқов милиция ишига кўникиб кетди. Уни мажбур қилиб ишга олган вазир аллақачон ишдан бўшатиб юборилди. Иш билмасликда, қониқарсиз, беҳафсала ишлаганликда айбланди. Милициянинг ҳамма ўқишларини ўқиб чиққан, курсантликдан полковник, кейинчалик генерал даражасига кўтарилган, милициядан бошқа ишда ишламаган одам, ишдан бўшатиладиган сўнг, бир ой ҳам ўтмай, инфаркт бўлиб, ўлиб кетди. Милициянинг яқинида юрмаган, битта танқидий мулоҳазаси учун мажбур қилиб, милицияга ишга жўнатилган Сиддиқов эса тажрибали милиция офицерига айланди. Ҳозир янги вазирнинг тавсияси билан вилоят милициясининг бошлиғи қилиб тайинланган эди. Албатта, унвони ҳам шунга яраша ошади. Яқин кунларда подполковник, йил ўтмай, полковник бўлади. Ўша топилган кўкнори майдонлари, йўқолган кўкнори унинг иши эди аслида. Биринчи галда у қайғуриши керак. Йўқ, у жуда усталик билан ўзини четга олди. Ҳамма ташвишни шундай Алиев одамларининг устига ташлади-қўйди.

Алиев Сиддиқов таклиф қилган чойхонага борди. Уймакор устунлари камида йигирмата чиқадиغان айвон чойхонанинг кўрки бўлиб тушган эди. Айвон баланд эмас, кенг ҳам эмас, аммо узунлигидан, ўтиришга қулайлигидан ҳамма, ҳатто баланд тераклар остидаги сўриларда ўтирмасдан, шу ерга жой қилишарди.

Сиддиқов сомса буюрган экан. Ўтиришлари билан чойхоначи зипиллаб бир лаганда келтириб қўйди. Ёнида қора мурч билан, кичкина шиша идишда сиркаси ҳам бор.

Овқатдан сўнг чойхона атрофидаги теракзорни айланишди. Сиддиқов ўзича ҳеч нарса ҳақида гап очмади. Алиевнинг ўзи гап бошлади.

— Исматовнинг қотили топилди. Лекин нима учун уни ўлдиришди, ҳали қоронғу. Албатта, қорадори асосий сабаб. Бу маъ-

лум. Нахотки, Исмаатов ҳеч кимга қаёққа кетаётганлигини айтмаган? Сиз нима дейсиз?

— Айтган. Биласизми, Қодир Алиевич, эшитган бошқа, кўрган бошқа. Шундай бўлса ҳам мен тахминимни айтай. Ашурали биринчи Тешабой акага айтган. Кечқурун Тангатопдидан бир ҳовлини муҳрлаб, ҳовли эгасини районга олиб бормоқчи бўлган. Шунини расга айтган, кейин шу иш билан кетаётганини Турсуновга айтмоқчи бўлган. Турсунов ўзида бўлмаган. Ашурали уйига борган. Уйда кўкнори гуллари қопларга жойлаштирилаётганини кўрган. Иш устида Турсуновнинг ўзи ҳам бўлган. Айтмоқчи бўлган гапини ҳам айтмай, уйдан чиқиб «Запорожец»га ўтирган. Шунда қотил эргашган. Ундан кейин нима бўлгани ўзингизга маълум.

— Нега бу ҳақда рапорт бериб, маълум қилмадингиз? — ҳайрон бўлди Алиев.

— Шу саволни кутиб турган эдим, — Сиддиқов йўталди, бирпас хаёл суриб турди, кейин Алиевга ўгирилди. — Бу хабар фирт тўқима. Биронта исбот йўқ. Турсуновнинг уйда кўкнори йўқ. Иккита, аниғи, учта одам ҳамма бўлган гапни айтиб беради. Булар — Тешабой ака, Турсунов, қотил. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди. Гувоҳ қидирганнинг фойдаси йўқ. Қўлга тушириш мумкин бўлган, бундай ушлаб кўриб, ҳа, бунинг эгаси жиноятчи, дейдиган нарса ҳам йўқ. Нега? Биласизми?

Алиев бош қимирлатди-ю, лекин ўзи савол назари билан Сиддиқовга қаради.

— Аввало булар тўрт-беш киши эмас. Булар катта, яхши идорага эга бўлган уюшма. Махфия деймизми? Шубҳа йўқ, у ёки бу даражада, агар асосий бошлиғи бўлмаса, Тешабой Султонов ҳам шу махфияга киради. Махфиянинг тармоғи кўп. Улар фақат кўкнори етиштириб, уни янчиб сотиш билан чекланишмайди. Кўкнори аралашган дорилар ҳам тайёрлашади. Фармзаводлари бор. Тошкентдами? Самарқанддами? Балки, иккаловидадир? Балки Москвада ҳам ишлаб чиқаришар? Буларнинг энг соддаси бизнинг қишлоқларда, мураккаби, катта пуллик ишлар бошқа жойларда бажарилади.

— Шунча нарса биларкансиз, нега жим юрибсиз? — деди Алиев.

Сиддиқов оғир хўрсиниб, жилмайди.

— Қайси шахматчи рақибини ўрганмайди, унинг кучли, кучсиз томонларини билмайди? Уйнаётганда шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олади ва дилида ютаман, дейди, назарий жиҳатдан ютиб ҳам чиқади. Аммо шахмат тахтаси ёнида ютқазиб қўйганини билмай қолади, баъзан ютқазаетганини кўриб туради, лекин ҳеч нарса қилолмайди. Мен бизнинг ишимизни ҳам шахматчилар ўйинига ўхшатаман. Назаримизда, ҳамма қилаётган ишларимиз, босаётган қадамимиз тўғрига ўхшайди. Лекин қаерда ўра борлигини, унга тушиб қолишимизни билмаймиз. Тешабой Султонов биз ўйлаганимизча содда одам эмас. Агар уни жиноятчи дейдиган бўлсак, бир нарса билан, жуда бўлмаганда, уйда, кабинетидами топилган ўша яширин ўриб олинган кўкнорининг

биттагина уруғи билан унинг олдига бора олсак биз ютган бўлардик. Ҳозир ютуқ унда. Ичида биздан кулиб юрибди. Билман, у энди бизнинг пул билан ишламайди, балки анчадан бери хуфия ишлаётгандир? У энди чет эл пули билан иш қилади. Буни ҳам текширолмаيمиз. Кимда қанча чет эл пули бор ҳозир, бу унинг шахсий иши. Сизни у нега меҳмонга чақиряпти? Уч кундан бери ҳаракат қилади шунга? Сизни, милицияни яхши кўрганиданми? Қўрққаниданми? Йўқ. У, кечирасиз, Қодиржон, сиздан кўрқмайди. Сизнинг бевосита бошлиғингиз, айтиб қўяқолай, унинг кадрдон дўсти. Султоновга қарши бир оғиз гап оғзингиздан чиқса, сизни чақириб олади. Йўқолган кўкнорини шундан кейин эси паст бир одам икки кунда топади-қўяди. Ана шу эси паст одам билан сизни оғзингизни беркитишади, иш билмайдиган одамга чиқариб қўйишади. Бугун сиз раисга қўл чўзинг, учала майдондаги кўкнори чўнтагингизда. Узингиз акт қилиб колхозга топшириб кетасиз. Қандайдир келгиндилар эккан экан, Дуркентда бу жиноятга алоқадор одам йўқ, деган хулосага келасиз. Сиздан, сиз орқали ҳаммамиздан шуни кутишяпти. Ўзларига йўл очиб олишмоқчи. Бир миллион шахсан чўнтакка эмас, колхоз кассасига тушади, лекин ўн миллионга бемалол чақадиган ишлар қилинади. Ана, гап қаерда! Лекин бу гаплар ҳам гумон, тахмин...

Шундай очиқ мулоҳазалари учун Алиев Сиддиқовдан ичида миннатдор бўлди. Қизиғи шундаки, ўзининг ожиз томонларини деярлик яширмади. Хулосаларинг ўзингга ҳавола, мен ҳақимда нима ўйласанг ўйлайвер, бўлганим шу, қабилда гапирди. Бунинг учун ҳам Алиев ундан миннатдор бўлди. Чунки энди унга таянмасдан ишлаши лозимлигини англади. У мўлжалдаги қуршов гуруҳига фақат Турсуновни қўшмоқчи эмас эди. Унинг ёнига энди Сиддиқов ҳам қўшилди. Алиев энди фақат ўзига, ўзининг одамларигагина таяниши мумкин. Шуни сезгач, анча енгил тортиди.

IX

Тешабой Султоновнинг «Тешабой» Қураманинг этагидаги шаршара остида эди.

Раис уларни кўриб, баланд арча ортидаги меҳмонхонадан чиқди.

— Мана бу бошқа гап! — у семиз қўлларини ёйиб, пешвоз чиқди-да, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришди. — Иш қочиб кетмайди. Сизлар баҳона, мен ҳам жиндек дам оламан. Райкомда бюро кетяпти, шундай одамлар келади, деб бормадим.

— Ислому Усмонович бўладиларми? — сўради Сиддиқов. Алиев унинг фамилиясини эшитиб, ичида озгина хижолат бўлди. Йўғонтепа иши бошланганидан бери унга учрагани ҳам йўқ, телефон ҳам қилгани йўқ. Туман раҳбарлари одатда бундай нарсаларга эътибор беришади, рашк билан қарашади. Мабодо келиб қолса, уялтириши турган гап.

— Исломжон ўтаман, дедилар. Агар бюро эртароқ тугаса!.. Тешабой ака меҳмонларни боғнинг ўртасидаги гулзор ёнида

ёзилган дастурхонга бошлади. Ариқ лабида ковуш юзли, елкадор бир йигит обдаста билан сочиқ ушлаб турарди.

Қўл ювишни Тешабой аканинг ўзи бошлаб берди. Алиев ундан кейин қўл ювар экан, сув тутаётган йигитнинг оёқлари ундан камида икки кадам йироқда эканлигини кўрди ва беихтиёр бошини кўтарди. Исмоилов айтган қўли узун одам шу эди.

Дастурхон атрофига ўтиришаётганда, Исмоилов билан Турсуновлар ҳам келишди. Алиев «шуми?» дегандек узун қўл одамга ишора қилди. Исмоилов бош ирғаб тасдиқлади.

Ҳа, Алиев унинг қўлларига қараб фақатгина узунлигини эмас, саксовулдек пайдор, бақувват эканлигини, косовдек панжаларининг одам панжаларига ўхшамаслигини кўрди. Бу қўллар, бу панжалардан осон чиқиш амримаҳол эди. Сержант Исматовнинг жасадини кўрганида шундай йўғон, гавдалик одам қандай қилиб ўзини бўғдириб ўтирди экан, деган савол миясига келган эди. Балки икки киши бўлгандир қотиллар, деб ўйлаган ҳам эди. Одамбойни кўриб, марҳумга ачиниб кетди. Бечора ҳатто қимирлолмай қолган бўлса керак, бу қўлларнинг исканжасига тушиб.

Хаёллари ҳали тарқалмасдан, Алиев яна ҳайратга тушган воқеа содир бўлди.

Кимдир бир сават баркашдек-баркашдек келадиган тандирдан янги узилган қип-қизил жиззали жайдари нон олиб келди. Алиев болалигидан нонни, унинг ҳидини яхши кўрарди. Шунинг учун кўзини саватдан узолмай қолди. Шу пайт Тешабой ака ўрнидан туриб, битта нонни олди-да, иссиқлигидан қўлларига «пуф-пуф»лаб, синдира бошлади. Шунда Алиев унинг чап қўлидан кўз узолмай қолди. Тешабой аканинг қўлидаги соат анави қимматбаҳо соатларнинг биттаси эди. «Полёт» фирмасиники. Рақамлар ёнидаги нуқталар ўшандай ялтирайди. Тешабой ака нон синдираётиб, қўлини қайирганда, нуқталарнинг бўртиб турганлиги аниқ кўринарди.

Алиев оҳиста Исмоиловга қаради-да, ўз қўлидаги соатга ишора қилди, раис синдирган нондан бир бурдасини олиб тишлади. Исмоилов уни тушунди. Бошини қимирлатиб, тахмин тўғрилигини тасдиқлади.

Бир пиёладан чой ичилгач, суюқ овқат тортилди. Бу тўртта-тўрттадан нўхот, қўй қовурғаси солинган серпиез шўрва эди.

Алиев қорни оч бўлса ҳам шўрвадан бир-икки қошиқ ичган бўлди, мазасини ҳам сезмади. У ҳам хурсанд, ҳам чуқур ташвишга тушиб ўтирарди. Унинг Тешабой Султонов ҳақидаги тахминлари шу соат орқали бутунлай тасдиқланган эди. Бу албатта милиция ходими, терговчи учун хурсандчилик эди. Аммо ташвиши хурсандчилигини босиб кетди. Тешабой Султонов янги давр тақозоси билан сузишни билмаган одам сувга ташлаб юборилганидек, иқтисодий ҳаётга таниш-билишсиз, билимсиз, тажрибасиз тушиб қолиб, тиланчилик қилишдан, очлик, гадоликдан оиласи, бола-чақасини қутқариб, эндигина оёққа туриб келаётган йигитлардан эмас эди. У от қўшилган тайёр аравага ўтирган, кейин ақлини ишлатиб, колхозни бойитган одамлардан эди.

Тешабой ака ҳеч кимни овқатга ҳам, стол устига териб ташланган турли ичимликларга ҳам қистамади. Аммо овқат тез-тез янгиланиб турди. Шўрвадан сўнг тугмачадек-тугмачадек тандир сомса келди. Гўшт кабобдан олдин жигар кабоб тортилди. Пахта гулли косаларда иккитадан манти берилди. Охири девзира палов келди.

Ош ейлаётган пайти лейтенант Маҳкамов икки милиционер билан пайдо бўлди. Тешабой ака ҳайрон бўлиб аввал Сиддиқовга, кейин Алиевга қаради. Сўнг кўзойнак тақиб, Маҳкамов узатган ордерни ўқиб бошлади.

— Кечирасиз, кечиктириб бўлмагани учун безовта қилишга мажбур бўлдик, — деди Маҳкамов.

Тешабой ака унга қулоқ солмади. Одамбойни қамоққа олиш ҳақидаги ордерни икки марта диққат билан ўқиб чиқди. Кейин Маҳкамовнинг юзига қарамасдан қайтариб берди:

— Аввал бир пиёладан чой ичинглар, ўтиринглар.

— Раҳмат. Кечиринг, Тешабой Султонович. Бошқа иложимиз йўқ эди.

Маҳкамов яна бир нарса демоқчи эди, раис қўлини кўтариб, тўхтатди.

— Ўртоқ Алиев, колхознинг шуниси яхшики, раис меҳмон қабул қилаётган пайти, биронта колхозчи уни безовта қилмайди. Нима дердим, милициянинг ўз тартиби бор. Марҳамат! — раис шундай деб ўрнидан турди ва ошхона томонга қараб қичқирди. — Одамбой! Бу ёққа кел.

Аммо уни афтидан ҳеч ким эшитмади, ҳеч ким келмади.

— Одамбой ўчоқбошида, бораверинглар, — деди у Маҳкамовга ва жойига ўтирди. — Қани, олишиб ўтиринглар. Собиржон, сиз мезбонсиз, айтинг, еб ўтиришсин. Бу овқатларни шу Одамбой тайёрлаган, қўли ширин йигит.

Тешабой ака ошга қўл узатди. Жигарранг кунжут ёғини панжалари орасидан оқизиб, катта бир ошам олди-да, оғзига солди.

Алиев бошини эгганича, бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Исмоилов ҳам ўзини ноқулай сизди, ошдан ейиш нияти бўлса ҳам қўлини артди. Сиддиқов меҳмондорчилик пайти, ҳамкасблари шундай иш қилишларини мутлақо кутмаган эди. Шунинг учун уялганидан қип-қизариб ўзини қаёққа қўйишни билмай типирчилаб ўтирарди.

Ноқулай вазият анча давом этди. Фақат Тешабой акагина тинч, ўзини бепарволикка солиб, хўриллатиб чой ичар, баъзи-баъзида ошхона томонга қараб қўярди.

Жимликни Маҳкамов бузди. Ошхона томондан шахдам юриб келиб, Алиевга мурожаат этди:

— Йўқ. Ҳеч қаердан тополмадик!

— Одамбойни-я? — ҳайрон бўлиб сўради Тешабой ака.

— Ҳа. Бутун боғни айланиб чиқдик.

— Онаси бетоб эди, эрта кетиб қолган бўлса керак-да, — раиснинг хурсандлиги ҳам, ташвишга тушганлиги ҳам билинмасди. — Хавотир олманглар. Эртага мен ўзим уни топ-

тириб, Собиржоннинг олдига юбораман. Маъкулми, ўртоқ Алиев?

— Албатта, — деди Алиев. — Хавотир оладиган жойи йўқ. Кетаверинглар.

Маъкамов кетгач, Алиев Тешабой акага мурожаат қилди:

— Мени кечиринг, Тешабой Султонович. Сержант Исмаатовнинг қотилини зудлик билан қамоққа олишни мен буюрганман. Қотилнинг аниқ кимлиги Сиз меҳмонга чақирганингиздан кейин маълум бўлди. Сизни хафа қилган бўлсак, яна бир марта узр сўрайман. Менинг назаримда сиз, обрўли, халқ ҳурматини қозонган раҳбар одам қотил топилганидан хурсанд бўласиз ва уни қаерда қўлга олиниши сиз учун аҳамиятли эмас, деб ўйлабман.

Кутилмаганда раис Алиевнинг гапларини тасдиқлади:

— Албатта, мен қотил топилганидан хурсандман. Уни аниқлашда сизларга ёрдам беролмаётганимдан хижолат чекиб юрган эдим. Топилгани яхши. Лекин сира кутилмаган одам қотил бўлиб чиқди. Ростини айтсам, мен ҳали ҳам кўниколмаяпман. Бу ярамас менинг кўз олдимда, ҳатто менинг уйимда катта бўлган. Отаси билан биз қадрдон эдик. Қодиржон, ука, балки қандайдир англашилмовчиликдир бу? Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.

— Афсуски, бу аниқланган, Тешабой ака, мени кечиринг, биз тўғри қилмадик.

Алиев чин юракдан шу фикрга келган эди. Идорада, иш столи ёнида қарор қабул қилиш бошқа экан-у, дастурхон олдида шу қарорнинг амалга ошишини кўриш бошқа гап экан. Бунинг устига, Одамбой қочди. Ким, қачон унга айтди? У қандай қилиб уни олгани келганларини билди? Нима бўлса ҳам хунук, одамгарчиликка тўғри келмайдиган иш юз берди. Алиев ўзидан хафа бўлиб кетди.

Нега унда қотилни раиснинг олдида қамоққа олиш фикри пайдо бўлди? Қўрқатиш ниятида эдимиз? Уни қайириш, бошини эгиси мақсадидами? Ё ўзини кўрсатмоқчи бўлдими? Биринчи марта Алиев ўз қилган ишидан пушаймон еди. Ҳамкасби Собиржон Сиддиқов, ходимлари Исмоилов, Маъкамовлардан уялиб кетди. Улардан ҳам кечирим сўраши керак. Лекин қизиқ, нега ёшлар — Исмоилов ҳам, Маъкамов ҳам уни тўхтатишмади?

Йўқ, ордерни боққа, айни дастурхон атрофида ўтирилган пайти, худди театрда, ё ёмон кинофильмларда бўладигандек кўрсатиш, шу вақтдаёқ қамоққа олинмоқчи бўлган одамни қочириб юбориш жуда катта лапашанглик, ақлсизлик, ожизлик белгилари эди.

Алиев дастурхонни айланиб ўтиб, Тешабой ака олдига келди.

— Раҳмат. Жуда яхши ўтирдик. Яна бир марта узр.

Тешабой ака ҳам ўрнидан турди. Меҳмондорчиликни давом эттиришнинг энди фойдаси йўқ эди. Шундай бўлса ҳам у илтимос қилди:

— Ҳали эрта, ўтирибмиз-да?

— Йўқ, раҳмат. Агар сизга малол келмаса, яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Марҳума Фотима Салимовага колхоз берган совғаларнинг ичидан иккита соат чиқди. Биттаси манави соат. —

Алиев чўнтагидан боққа келишаётганда Исмоилов берган Фотиманинг соатини чиқариб кўрсатди.

— Сизнинг шахсий совғангиз, жуда яхши соат экан.

— Ҳа... — Тешабой ака соатни олиб чироққа солиб қаради. — Яхши қиз эди. Аълочи. Онасига ўхшарди. Онасини яхши биламан. Правление аъзоси, бригадир, яхши механизатор эди. Бечора онасининг ёшига ҳам етмади.

— Райондаги марказий клуб мудираси Шоҳида Луқмонованинг ҳам шундай қимматбаҳо соати бор экан. Худди қўлингиздаги соатнинг, манави соатнинг нусхаси дейиш мумкин. У ҳам сизнинг совғангиз экан, деб эшитдим.

— Бўлса бордир?.. Билмадим. — Тешабой ака ўйланиб гапирди. — Колхоз катта. Унга алоқадор идоралар, одамлар ҳам кўп. Клуб ҳам бир пайтлари колхозга яхши қарарди. Ҳаваскорларимизни тайёрлаб берарди, концертлар қўйиб кетарди, дала шийпонларида театрлар кўрсатарди. Раҳматли Шоҳида эса анча эпчил аёл эди. Правление унинг хизматларини шу соат билан тақдирлаган бўлиши мумкин.

— Раҳматли дейсизми? — сўради Алиев.

— Ҳа, энди жаноза очилганидан кейин, шунча вақтдан бери топилмаганидан кейин нима дейиш мумкин?

Тешабой ака гапни қисқароқ қилиш мақсадида дарвоза томон юрди. Бошқалар ҳам беихтиёр унга эргашиди.

— Тоғли жой — хавфли жой бўлади. Раҳматлининг отаси ҳам бизда ҳалок бўлган эди. Йўфонтепанинг бошидаги қоядан, адашмасам, тийганиб кетган эди.

— Хабарим бор, Шаҳодат опа, Шоҳиданинг онаси шахсан сиздан миннатдор. Хабар олиб, ёрдам бериб турар экансиз. Тешабой ака тўхтади. Алиевга ўгирилиб, қўлини чўзди.

— Келиб туринглар. Мабодо ёрдамим керак бўлиб қолса, бемалол.

Алиев хайрлашар экан, Тешабой аканинг ундан ҳафсаласи пир бўлганини сизди. Аммо билдирмади. Самимият билан ишларига ривож, ўзига соғлиқ тилади. Бурилиб кетаётганида, Тешабой ака жилмайиб, фақат, у эшитадиган қилиб шивирлади:

— Совғаннинг арзон-қиммати бўлмайди. Бориға барака, деб кетаверилади. Айниқса, шахсий совға.

У Алиевнинг жавобини кутмасдан, бошқалар билан хайрлаша бошлади.

Машинага ўтиришганда, Алиев сўради:

— Салимовлардан хабар келмади? Тинчликмикан?

— Билмадим, — Исмоилов ҳам хавотирга тушди. — Уйланидан хабар олмаймизми?

— Яхши бўларди, — қўшилди унинг таклифига Алиев. — Лекин сизларни ташлаб, мен ўзим ўтиб келаман. Сен Тошкентга телефон қил. Ҳаммаёқдан сўра.

... Соат ўндан ошган эди. Агар ота-ўғил қайтиб келишган бўлса, албатта чироқ ёниқ бўлиши керак. Чироқ ўчиқ бўлса ҳам,

улар қайтишмаган бўлса ҳам, у барибир уйга киради. Зухра билан гаплашади.

Алиев шу ўйлар билан бўлиб, машинанинг таниш, бахтсиз уй эшиги олдида тўхтаганини сезмай қолди.

Кўча эшик очиқ, ҳовли ёруғ эди. Алиев тақиллатмасдан қандайдир умид билан ичкарига кирди. Айвонга олиб чиқадиган цемент зинада мушларига энгагини тираб, Зухра битта ўзи ўтирарди. Алиев дарров тушунди, қўрқмаслик учун уйнинг, ҳовлининг ҳамма чироқларини ёқиб қўйган эди.

— Бемаҳал келдим, кечиринг, — деди Алиев ва омонатгина айвон зиҳига ўтирди. — демак, улардан ҳалиям хабар йўқ? Зухра бошини қимирлатди.

Алиев яна нима сўраши мумкин? Аксинча, қиз Алиевга ташланиши керак ҳозир. «Қани менинг адам билан акам», дейиши керак. Наҳотки, милиция кун бўйи биронта хабарга эга бўлмаса? Игна эмас-ку ахир улар? Кап-катта одамлар, наҳотки бирон жойда ўзларидан из қолдиришмаган? Алиев ҳайрон, у ҳеч қачон ўзини бугунгидек ожиз сезмаган эди. Одамбой, қотилнинг бирдан йўқ бўлиб қолиши тушунарли. Қотил ўзини яширишга уринди ва яширди. Муаллим билан ўғли ўзларини яширмаганлар-ку? Улар Фотимани зўрлаганларни топиш ва улардан ўч олиш учун эрталаб уйдан чиқиб кетишган. Ўч олмоқчи бўлган одамлар ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан бирон жойда бекиниб ётмайди-ку? Уларнинг Зокир Сотиболдиевниқига борганлари аниқ. Неча киши бўлган у ерда ҳаммаса бўлиб? Қани улар?

Алиев Зухрани ёлғиз қолдиргиси келмади.

— Зухра, менинг ишларим бор. Кетишим керак. Ёлғиз қолмаслигингиз учун бир одам юборайми?

Зухра бошини кўтарди.

— Адамни топиб беринг...

— Ҳаракат қиляпмиз. Эрталаб келаман. Хайр.

— Хайр.

Зухра ўрнидан турди, аммо кузатгани чиқмади. Алиев эшикка етганда, тўхтатди.

— Ўртоқ майор! Улар тирикми?

Унинг саволидан Алиев сесканиб кетди. Наҳотки бу хонадондан яна ўлик чиқса?

— Менимча, улар тирик... Агар... тирик бўлишмаса топиларди.

— Раҳмат.

Зухра яна жойига ўтирди. Алиев яна бир нарса деб уни юпатмоқчи бўлди-ю, лекин нима дейишни билмади. Бирпас жим туриб, эшикка чиқди. Йўлакда коса кўтарган Зухра тенги қизга дуч келди. Кийимлари, қийиқ кўзларидан у ўзбек эмас эди, корейс ёки қозоқ қизи бўлиши мумкин.

Қиз унга соф ўзбек тилида салом берди-да, сўради:

— Абдулла ака бор эканларми?

— Йўқ. Зухранинг ўзи ўтирибди. Сиз ким бўласиз?

— Қўшнимиз биз. Зухрага овқат олиб келаётувдим. Мен Светаман.

— Жуда яхши, Света, — хурсанд бўлиб кетди Алиев. — Иложи бўлса Зухра билан бирга бўлинг. Биз адаси билан акасини қидиряпмиз.

— Мен Зухрани ёлғиз қолдирмайман. Бирпас туриб дадалар ҳам чиқадилар.

Алиев анча хотиржам тортиб, машинага ўтирди. Меҳмонхонага келганда Исмоилов уни нохуш хабарлар билан кутиб турарди. Маҳкамов ҳам у билан бирга эди.

Алиев хабарлар кўнгилсиз эканини иккаловининг юз-кўзида ноқ билди. Лекин Тошкентдан етказилган хабар уни даҳшатга солиб юборди. Бешёғочда, Қозирабодга кетаверишдаги жар бўйида қурилган лағмонхона олдидан, бир одамнинг ўлигини топишибди. Тахмин бўйича Абдулла Салимовга ўхшар эмиш. Лекин ҳар эҳтимолга қарши уни биладиган одам юборишни капитан Раҳмонов илтимос қилибди.

— Нима, башараси...

— Ҳа, — уни тушунди Исмоилов. — Боши, юзи мажақланган эмиш.

— Ҳеч кимни юбормаймиз! Ўзимиз борамиз! Ҳозироқ жўнаймиз. Лейтенант Маҳкамов, нима бўлди?

Маҳкамов бошлигининг саволига тайёр эди. Боғда юз берган ҳодиса Одамбойнинг қочиб кетишига у биринчи галда ўзини гуноҳкор ҳисобларди.

— Айб менда, ўртоқ майор. У ҳожатхонага кириб чиқай, деди. Башарасидан қочадиган одамга ўхшамасди. Нимага қамоққа олинаётганини ҳам билмагандек кўринарди. Мен аҳмоқ шундай деганда қўлига аввал кишан солмайманми?! Аҳмаджонни бирга юбордим. Икки минут ҳам ўтгани йўқ, Аҳмаджон югуриб келди йўқотдим, деб. Учаламиз ҳожатхонага қараб югурдик. Ҳожатхонанинг эшиги ланг очик, ичида ҳеч ким йўқ эди. Бутун боғни айланиб чиқдик. Йўқ! Худди ер ёрилган-у тушиб кетгандек!..

Алиев индамади. Иккала лапашанг йигитлар шаънига айтиш мумкин бўлган гапларни ичига ютди. Ҳозир уришгани, сўккани билан қотил қўлларини чўзиб олдиларида пайдо бўлиб қолмайди.

— Нима дейсиз, раиснинг ваъдасига ишонса бўладими? — сўради у.

— Йўқ, — гапга аралашди Исмоилов. — Раис иложи бўлса уни қочириб юборади бунданам узоқроққа!..

— Билмадим, — деди Маҳкамов. — Аммо, ўртоқ майор, бу боғда бир сир бор. Қандайдир биз билмаган, кўзга кўринмайдиган бошқа йўл бор-ов...

— Расул Икромович, сиз Одамбойнинг уйини кузаттиринг. Онасининг олдида келиши керак. Кампирнинг ундан бошқа ҳеч кими йўқ, деб эшитганман.

Раҳбарларда кам учрайдиган хислат бошлиқларида борлигидан иккала лейтенант хурсанд эдилар. Маҳкамов ўзини қанча койимасин, дилида қотилни раиснинг боғида қамоққа олишга қарши эди. Аммо бошлиқнинг обрўси олдида фикри нотўғри

бўлиб чиқишидан ҳадиксираб, ҳеч нарса демаган эди. Ҳозир у хато қилганини тушунди. Ҳеч кимга бўлмаса ҳам, бамаслаҳат иш олиб борадиган ўз бошлиғига фикрини айтиши керак эди. Машҳур раис олдида унинг уялиб қолишига йўл қўймаслиги керак эди. Аммо Одамбойга қойил қолиш керак. Уни қишлоқда ақли расо одам ҳисоблашмайди. Ҳатто жинни ҳам дейишади. Лекин у бугун ўнта ақли расо одам қилолмайдиган ишни қилди.

— Қани, кетдикми? — унинг хаёлини бўлди Алиев. — Ўктам Қўчқорович, кетишдан олдин телефон қилиб қўйинг, Алижон бир соатдан кейин ўша ёққа борсин. Иложи борича Сотиболдиев ва унинг шериклари ҳақидаги маълумотлар билан борсин.

Исмоилов ўрнидан туриб, қўлидаги сигаретасини деразадан меҳмонхона ҳовлисига улоқтирди-да, даҳлизга чиқди. Телефон фақат навбатчи олдида бор эди.

Алиев ўз мулоҳазаларини Маҳкамов билан ўртоқлашди.

— Тўғри. Лекин, Қодир ака, бир фикр бор. Раис ўз фойдаси йўлида ҳеч кимни аямасдан, босиб-янчиб кетадиган одам. Бунга шубҳангиз бўлмаса керак. Биздан олдин Одамбойни ўзи туттириб, йўқ қилиб юборса-чи?

— Бу фикрни ҳам ҳисобдан чиқармаслик керак. Нима таклиф қиласан?

— Таклиф шуки, ёқадими, ёқмайдами, битта одам унинг ёнида бўлиши керак. Одамбойни тутмагунимизча, у раиснинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб турсин.

— Ким?

— Қаршилиқ қилмасангиз, мен борай.

Алиев рози бўлмади.

— Собиржон Сиддиқовга бу вазифани юклаймиз. Аввало раис ундан чўчимайди, кейин у ўз одами. Сизнинг ишларингиз кўп.

Алиев кўчага чиқди, машинасидаги телефонда коммутатор орқали Сиддиқов билан уланди. Сиддиқов таклифга дарҳол рози бўлди. Ўзи ҳам шунини ўйлаганини, маслаҳат қилмоқчи бўлганини айтди. Раиснинг Одамбой қаерда бекиниб ётганини билишига Алиевнинг шубҳаси йўқ эди. Сиддиқов унга қўшилди.

— Бояни яхши биламан. Боя кетганимиздан бери ўйлайман. Қаёққа ғойиб бўлди экан? Биласизми, Қодиржон, назаримда ошхона томонда яширин йўл бор. Яширинки, ҳеч ким у томонга ўтмайди. Утин, кўмир келади у томондан. Одамбой шу ёқдан қочган. Уйига одам қўйдим. Аммо ҳозирча дараги йўқ. Уйига у келиши керак. Эшитганмисиз, йўқми, билишимча, онаси бетоб. Овқатига Одамбой қарайди.

— Шаҳардан хунук хабар келди, — Алиев шаҳарга тушиб чиқиш сабабларини айтиб берди. Агар мурда Салимов бўлиб чиқса, унда ўгли Ҳамидулла қаёқда қолди? Шуларни ҳам суриштириш лозим. Қидиришни кучайтирмасак бўлмайди. Ҳамма мўлжалланган жойларда навбатчилар борми?

— Бор-у, лекин ҳеч қандай хабар йўқ. Зангори «Жигули» умуман шаҳарда юрмабди. Номерини ҳам пунктларга берганман. Бу ерда ҳам тинчлик.

— Майли, ҳушёр бўлинг.

Машинага ўтириши биланоқ Исмоилов унга Рамз билан учрашганини, бу олифта йигит унга ёқмаганини, соатнинг эгаси у эмаслигини айтиб берди.

Шофёр иш зарурлигини билганидан машинани одатдагидан тезроқ ҳайдай бошлади. Жумабозорга келишганда, ён кўчадан бир қора «Жигули» чиқиб, уларга эргашди. То Қўйликқа етгунларича орқаларидан келди. Қўйлик чорраҳасидан ўтилганда, кўприк остига кирди-да қайтиб чиқмади.

Алиев «буни қандай тушуниш керак?» — деган маънода Исмоиловга қаради. Орқа ойнадан кўз узмай келаётган Исмоилов жавоб бериб улгурмади. Кўприк тагидан бир машина чиқиб, яна уларга эргашди. Аммо бу машина бошқа рангдаги «Жигули» эди.

— Бизни қўриқлайдиганлар кўпайиб кетди-ку? — кулди Алиев.

— Наҳотки улар ҳам раиснинг одамлари бўлса? — иккила-ниб, айна пайтда ҳайрон бўлиб сўради Исмоилов.

— Бир нарса дейиш қийин...

* * *

Тешабой Султонов Одамбойнинг қамалиши уни бадном қилишини билса ҳам, хаёли кирди-чиқди одамга қулоқ солишларига, унинг гапи билан шундай ҳурматли, йигирма йиллик раисни қамашларига ишонмасди. Яна бир уни хотиржам қилган нарса бор эди: Одамбойнинг уни сотишига кўзи етмасди. Одамбой унинг назарига уйда катта бўлган ити эди. Ит эса эгасига содиқ бўлади. Раиснинг бадном бўлишига келганда, бу энди вақтинчалик гап. Одамбой қамалса, гап тарқайди, содиқ хизматкори қамалибдими, демак, ўзида ҳам бир гап бор, дейди уни кўролмайдиганлар. Ҳар хил латифалар тўқишади, баъзи идораларга сайланмай қолади, мажлисларнинг тўрида ўтириш камаяди. Булар вақтинчалик гаплар. Унга албатта қийин бўлади.

Тенгқур, унинг сингари обрўга эришиб олган раислар, совхоз директорлари ундан узоқлашишади. Кўриб ўзини кўрмаганликка солиб кетадиганлар ҳам пайдо бўлади. Аммо тишнатишга қўйиб ҳеч нарса бўлмагандек юриш керак. Шунда алам ҳам тез ўтиб кетади, Одамбой ҳам хаёлидан кўтарилади. У шу фикрга келди-ю, бир сесканиб тушди. Одамбой хаёлдан кўтарилишини у бошқача шаклда кўриб қолди. Уни тутишларини, қамашларини кутиб ўтириш, қамоқда нима дер экан, деб хавотирга тушиш кимга керак? Шу кун-кеча катта бўлиб қолган майор Алиевгами? Унинг ёнида кимлар бор яна? Бу ёққа қелиб, унинг ишларини шубҳа остига олишни ким унга буюрди?

Тешабой Султонов бир ўзи ҳали йиғиштирилмаган дастурхон ёнида ўтириб, шуларни ўйлар экан, Ислом Усмоновни чақиртириб келишни лозим топди. Телефон қилиб, ҳали ҳам бюро мажлиси тугамаганлигини билди-да, ҳукумат телефонида котибни чақирди.

— Келмасангиз бўлмайди. Ҳа, улар кетишди. Лекин зарур гап бор. Ярим соатга танаффус эълон қилинг-да, келинг.

Ислом Усмонович йўқ деёлмади. Тешабой Султонов уни бекорга безовта қилмас эди.

— Қирқ минутда етиб бораман. Мажлисни тугатаман, — деди.

— Қорабой! — чақирди Султонов Одамбойнинг ошхона бўйича ёрдамчисини.

Чиндан ҳам қорачадан келган чайир бир йигит югуриб раиснинг олдига келди.

— Одамбой сенга ҳеч нарса демадимми?

— Йўқ, ота. Анавиларга битта таҳорат ушатиб олай, деди-да, ҳожатхонага ўтди. Қайтиб чиқмади. Мен кўрмай қолдим чиққанини.

— Майли. Келинойингни ула.

Раис ҳовлига чиқди. Дастурхон ҳамон йиғиштирилмаган эди. Уз жойига бориб ўтирди.

Қорабой қизил симли телефонни меҳмонхонадан олиб чиқиб, трубкани раисга узатди. Узи телефонни ушлаб турди.

— Салтанат? Ҳа, ётувдингми? Яхши, ётмаган бўлсанг, машина юбораман, ейдиган у-бу олгин-да, анави Абдулла муаллимнигига ўтиб кел. Зухра деган қизи ёлғиз қолган. Битта ўзи юрагини ҳовучлаб ўтиргандир бечора. Ҳол-аҳвол сўраб, овқат едир. Бирпас ўтир олдида. Йўқ, на отасидан, на акасидан дарак йўқ. Иккалови эрталаб уйдан чиқиб кетишганича, ҳеч қаердан топилмаяпти. Тушундингми? Баракалла. Ҳозир машина боради.

Султонов трубкани узатди. Кўзларига ёш келган Қорабой трубкани қўлидан тушириб юборди.

— Кечиринг, ота!

— Ҳечқиси йўқ, — раис уни юпатди. — Менинг ҳам юрагим ачиб кетяпти. Безорилар ўлдириб кетган бўлиши ҳам мумкин. Битта уйда шунча ўлим...

— Иккаловиниям ўлдиришганмикан, ота? — қўрқиб сўради Қорабой.

— Ким билади. Балки иккалови ҳам омондир? Сен ўзинг ҳеч нарса эшитганинг йўқми?

— Йўқ. Фотимани зўрлаганларни қидириб ота-бола азонда уйдан чиқиб кетишибди, деган гап юрибди қишлоқда. Бошқа ҳеч нарса эшитганим йўқ.

— Аҳмоқлар! — куйиниб гапирди раис. — Милиция бор, колхоз бор, ярамаслар топиларди. Жазосини оларди. Нима қилар экан, уларни қидириб?! Барибир тополмайди. Кўча юзасида мана биз, деб туришар эканми? Мен Абдулла муаллимни айтяпман. Эслик одам эди. Уғли, Ҳамидулла, майли, ёш, қизиққон. Уни нима жин урди?

— Ота-да, чиқолмаган, — деди Қорабой.

— Бу гапинг ҳам тўғри, Қорабой! Чой қайнат, қозоннинг тагига ўт қала. Ҳозир Ислом ака келади. Хуллас, ўзинг билиб қилавер бу ёғини. Менга кўк чой келтир. Уйга машина жўнат.

Қорабой кетди. Тешабой Султонов учун Абдулла муаллим-

нинг ўч олиш ниятида уйдан чиқиши мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлди. Ҳамидулла тинчиши билан бу қоон ҳам ёпиқлигича қолар, деб ўйлаган эди. Муаллим Зокирникига ўғлини қидириб борганми ё атайин қасос умидида борганми — раисга қоронғу эди. Унга ота-боланинг маслаҳати ҳам аён эмасди. Шу боис гаранг эди. Эрталаб уйига Тўхтамурод келиб, бўлган воқеани айтиб берганида, аввал у ўзини йўқотиб қўйди. У икки марта қамалиб чиққан Тўхтамуродга ҳам, Зокир полвонга ҳам ишонмасди. Улар қўлга тушса, албатта кўп нарсалар очилиб кетарди. Аммо қизни зўрлаганларидан кейин, муаллимни отиб қўйишлари ақл бовар қилмайдиган янгилик эди. У Тўхта қийшиқни ҳам, Зокирни ҳам бўралаб сўкди. Тўхтамурод бошини ҳам қилиб, жим тураверди. Айбдорлигини у биларди. Тўппончани ишлатмаслик кераклигини ҳам биларди. Лекин шайтон йўлдан урди. Шошиб қолиб, энг осони отиш бўлгани учун ҳам отди.

— Қанча уришсангиз ҳам арзийди. Мен ўзим ҳам ачиниб кетяпман. Қизи бошқа гап эди. Зокирингиз билан Исроилингиз йигирма бирда ютқазиб қўйишди. Биринчи ким учраса, шуни олиб келишдан ўйновди-да.

— Бўлди, эшитганман! — уни бўлди Султонов.

— Йўқ, ота. Сиз мендан ҳам эшитинг-да. Ман честна ўйнадим. Олиб келишгандан кейин қайтариб юборсам, нима деган одам бўламан? Улар бошимга чиқиб олишади. Агар ўзини осиб қўйишини билганимда... Бир амаллаб, эрга тегиб кетади, деб ўйловдим. Узи ўжар экан. Дарров бориб ўзини осибди. Унга ўхшаганлар юрибди-ку. Бир-иккита бор, ўзлари келиб туришади. Урганиб қолишган. Бу бошқача экан. Отаси аҳмоқ экан, биз билан тенг келиб бўладими? Иннайкейин... ўзимми осаман деганда, тегмасдим. Ахир мен ҳам одамман, тушунардим...

— Хўш, энди нима қилмоқчисанлар? — жаҳлдан раис ўзини зўрға босиб турарди.

— Уришманг, ота. Бўлар иш бўлди. Бошқа қилмаймиз. Тек ўтираммиз энди. Нима десангиз, шуни қиламиз.

Тўхта қийшиқ йиғлагудек бўлиб, бошини эгди.

— Улик қатда?

— Исмоилнинг машинасида, багажникда. Зокир шаҳарга борайлик. Қоронғида жарга ташлаймиз деяпти.

Ота шу фикрни маъқуллади:

— Машинани ҳам йўқ қилларинг. Янтоқми, Бўками, шу томонга бориб ёқворларинг.

— Бўпти, ота. Шундоқ қиламиз.

— Ўзларинг бирон ҳафта шаҳарда бўлларинг, жой бор, биласанлар! Чақирсамгина, бу ёққа келасанлар!..

— Хўп бўлади. Урага тушгандек ўтираммиз.

Султонов улардан қанчалик жирканмасин, уларнинг қанчалик ифлос, паст эканликларини билмасин, уларсиз ишлаши қийинлигини биларди. Улар ҳеч нарсада гапни иккита қилишмас эди. Одамбой сингари улар ҳам унинг қуллари эди. Айниқса Ҳамидулласиз, шаҳарда ишлаши қийин. Булардан ҳам воз кечиб

юборса оғир бўлади. То одам топиб қўлига ўргатгунча анча вақт ўтади....

— Жўналаринг.

Раис гап тамом дегандек, қўлини силкитди.

Тўхтамурод эшик тагига борганда, тўхтади:

— Биз-ку, из қолдирганимиз йўқ. Лекин, ота, анави Ҳамид гуллаб қўймаса бўлди. Синглиси экан-да, а?

— Ундан хавотир олмаларинг.

— Раҳмат, ота. Яхшиям бахтимизга сиз борсиз!..

— Бўлди, йўқол...

Султонов жеркиб берди...

...Ҳа, шу чатоқ бўлди, Абдулла муаллим ўлмаслиги керак эди. Салтанат муаллимнинг уйига боргани яхши. Энди Зухрасини тинчитиш керак. Уқимоқчи бўлса, уни институтга жойлаб келади, эл олдида яхши бўлади бу иши.

Дарвоза томонда машина чироқлари кўринди.

Султонов ўрнидан туриб, ўша ёққа, Усмоновни кутиб олгани юрди.

— Бугунгидек сизни ҳеч қачон соғинмаган эдим!

Султонов қулочларини ёзиб, машинадан тушаётган меҳмонни кучоғига олди.

— Маҳмадоналар кўпайиб кетган. Икки соат бурун тугатиш мумкин эди, — деди Ислом Усмонов ҳам уни кучоқлаб. — Лекин нима дейсиз? Давр ўзгариб кетди. Доно гапларни эшитгандек қулоқ солиб, энсангиз қотса ҳам, индамай ўтирасиз. Ҳозир раҳбар гапиришдан кўра эшитишга ўрганиши керак. Эшитиб-эшитиб, ҳамма бир-бирига тўйгандан кейин, битта гап билан ўз режангизни айтишингиз керак. Шунда ҳамма лаққа тушади, ҳамма мани гапим маъқул бўлди, деб ўйлайди. Хўш, тинчликми?

— Олдин бир пиёла чой ичиб олинг.

Раис уни дастурхонга бошлади. Бошлиғининг одатларини яхши билганидан бир фужер тўлатиб, арман конягидан, ўзига эса пиёлани тўлдириб ароқ куйди. Қорабой иссиқ сомсани олиб келиши билан, фужерни Усмоновга узатди.

— Қани, шуни олиб юборинг. Асабларни бироз бўшатайлик.

Усмонов йўқ демади. Фужерни олар экан, кўзи билан ейдиган нарса қидирди. Маъқулроғи узум бўлди шекилли, шундан икки донасини узиб олиб, бир «куҳ»лади-да, Султоновга қаради.

— Қани, олайлик, олдирмайлик.

— Яшанг!

Фужер билан пиёла бир-бирига оҳиста тегиб, эшитилар-эшитилмас товуш чиқарди. Султонов котибнинг охиригача ичиб юборганини кўриб, пиёлани бўшатди. Битта сомсани оғзига солди. Кутмасдан яна фужерни ва ўз пиёласини тўлатди.

— Самарқанддан келишдими? — деб сўради Усмонов.

— Хат келди. Мошина, рефрижератор эртага келади. Ҳаммасини ўша ёққа жўнатворайми?

— Ҳа. Кейин ўша ердан тарқатасиз.

— Бўпти. Сизни безовта қилганимнинг сабаби Алиев менга ёпишяпти. Қани, олинг. Манави сомса жуда яхши бўлган. Боя

Одамбойни шу ердан қамоққа олдирмоқчи бўлди. Одамбой қочди. Лекин узоқ яшириниб юролмади. Улар тутишади уни. Алиев гапга кўнадиган одамга ўхшамайди. Буларнинг соҳасида ишнинг катта-кичиги бўлмас экан. Тўрт-беш кун ичида жуда қийнаб юборди. Исматовни ўлдирган Одамбойлигини билди. Бола-чақасини қўрқитувдик, уйига қаматиб, қоровул қўйди. Ўзи гапга кўнмайди. Соатларимнинг ҳам тагига етибди.

— Манавиларни-я? — Усмонов қўлидаги соатни кўрсатди.

— Ҳа. Бриллианти борлигини, мен совға қилганимни билбди.

— Ўзингиз ҳам, Тешабой ака, шу ишни чакки қилдингиз-да.

— Йўқ, — кулди Султонов. — Сизнинг йўрифингиз, сиз билан муносабатларимиз бошқача. Қизлар-чи, улар бунинг нархини билишмас эди. Соат уларнинг қўлидаги менинг бойлигим эди. Керак пайти айтардим уларга. Керак пайти ўзларини ечинтиргандек, қўлларидан ечиб оламан, девдим. Кейин совғанинг арзон, қиммати бўлмайди. Аммо буни назаримда Алиев тушунмаяпти. Бошқа маъно қидирыпти. Агар унинг йўлини топ, десангиз, йўли бор. Шундай қиламан. Йўқ, сабр қил, яшайверсин десангиз, уни бошқа ишга ўтказиш керак. Бу ёққа қадам босмасин.

— Эртагача сабр қилинг. Бир гаплашиб кўрай. Шуми?

— Шу.

— Йигитларингизга ҳушёр бўлинг, Алиев масаласи бир ёқлик бўлгунча, бир қадам ҳам жилишмасин.

— Тайинладим.

— Гапингиз тўғри, Тешабой ака, — Усмонов фужерни қўлига олди. — Бу соҳада катта-кичкина лавозим йўқ. Ҳар битта одамни чертиб кўриш керак экан. Билмай қолдик. Башарасидан қиздек, қўнимли бўлиб кўринган эди. Жалолов маслаҳат сўраганда, билганингни қилавер, деб юборган эдим. Ушанда тўрт-беш одамнинг ичида Сиддиқовнинг номзоди ҳам бор эди.

— Баракалла! Мана бу бошқа гап эди.

— Майли, уришиб кўрамиз. Алиевни бошқа зарурроқ иш кутиб тургандир балки? Шундай иш йўқ бўлса, топтирамик.

Х

Алиев суд-медицина институтининг музхонасидан кайфияти ниҳоятда бузилиб чиқди. У Абдулла Салимовни таниди. Уни фақат уришган эмас, тўппончадан икки марта отишган. Битта ўқ чаккасига, иккинчиси умуртқа суягига тегиб, тиқилиб қолган. Ўликин кейин жарликка келтириб ташлашган. Шундай қилиб, уч кун ичида бир хонадондан иккита ўлик чиқди. Бу даҳшат эди. Ҳамидулла Салимов қаерда экан? Милицияда ҳеч қандай хабар йўқ. Наҳотки уни ҳам ўлдиришган бўлса?!

Абдулла муаллимни кўмиш маросимига бутун қишлоқ, туман одамлари кўчиб келди, деса бўлади. Фотиҳага келганларнинг ҳам кечгача кети узилмади.

Зухра отасининг ҳалок бўлганини эрталаб, қора рангга бўял-

ган автобус ва уч-тўртта оқ халат кийган одамлар, милиция ходимлари келганида билди. Кечаси билан мижджа қоқмай чиқиб, яна ўша жойида, айвон зинасида ўтирган эди. Фақат колхоз раисининг хотини Салтанат опа келгандагина айвонга кўтарилиб, хонтахта ёнига ўтирди. Ярим соатлардан сўнг, у кетганидан кейин, яна зинапояга кўчди. Шу ер унга қулай туюлиб қолди. Мол безовта бўлса шу ердан туриб бориши осон, эшик тақилласа ҳам югуриш ўнғай. Ёлғиз қолганидан бери айвонга, ундан уйларига олиб чиқадиغان зинапоя унинг учун умид курсиси бўлиб қолган эди.

Машина келиб тўхтаганини эшитди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Кичкина енгил машина бунақа зардаланиб, қийналиб тўхтамас эди. Шундан у хавотирга тушди. Агар адаси билан акаси бўлса, улар ўзлари келишмаган, уларни олиб келишган. Шу фикр хаёлига келиб, у бўшашиб кетди. Машина эшиклари тарақлаб очилганда, у кучини тўплаб, ўрнидан турди-да, эшикка югурди. Аммо эшик олдида тўхтади.

Баланд бўйлик оқ халат кийган киши унинг йўлини тўсди.

— Синглим, бандалик, — деди у паст овозда.

— Нима? — тушунмай сўради Зухра.

— Бандалик, синглим, — қайтарди бироз овозини кўтариб оқ халатдаги киши. — Отангизни олиб келдик.

— Қанилар? — сўради Зухра атрофга аланглаб, гўё адаси ўзи кириб келаётгандек.

— Машинадалар. Олиб кираверайликми?

Зухра шундагина врачнинг гапига тушунди.

— Ада! Адажон! — деб қичқириб юборди у ва ўзини автобусга отди.

Абдулла аканинг жасади оқ чойшабга ўраб қўйилган эди. Зухра уни тортиб, адасини кўрмоқчи бўлди. Аммо кимдир қўлидан ушлаб қолди.

— Кўролмайсиз. Юзлари ўраб қўйилган.

Зухра ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

Жасадни уйга олиб кириб, катта хонага қўйишди. Дарҳол уйдан олиб чиқиш вақти, жанозани қаерда ўқиш масаласи эркаклар орасида муҳокама бўлиб кетди. Имом келиб, ҳамма масалани ҳал қилди. Зухрадан улар ҳеч нарса сўрашгани, уни безовта қилишгани йўқ.

Зухра бир маҳал уйда бўлаётган тўполон, йиғи-сиғини туш бўлса керак, деб ўйлади ва хотинлар даврасини ёриб, айвонга югурди. Зинапоядан ҳатлаб чиқиб, отаси ётган хонага кирди. Йўқ, отасининг ўлгани, ўлдирилгани рост эди. Одамлар келиб уни охириги маконига олиб кетишга ҳозирлик кўраётганлари ҳам рост эди.

Кексалардан кимдир унинг тирсагидан ушлаб, чеккага тортди.

— Қизим, жанозадан олдин отангизнинг бирон-яримтадан оладиган-берадигани ҳақида сўроқ бўлади. Ким жавоб беради?

Зухра ўйланиб ўтирмади:

— Мен.

— Эркак одам бўлгани маъқул эди.

— Бу уйда эркак ҳам, аёл ҳам энди мен. Нима ёсанглр шуни қиламан, ота.

— Баракалла. Раҳмат. Фарзанд шундоқ бўлиши керак.

Чол Зухранинг пешонасидан ўпди.

— Бардам бўл, қизим. Худо сенга ёруғ кунлар ҳам ато қилгандир...

Зухра ўз хонасига кириб белидаги рўмолни ечди. Чолнинг айтганларини қилиш учун, тобутнинг олдида бориш учун бошқачароқ кийиниши керак эди. Бошига дўппи кийди. Отасининг тоқча ёнида осиглиқ турган юпқа чопонини крепдешин кўйлаги устидан кийиб, қийиқ билан белини боғлади.

У шундай кийиниб, айвонга чиққанда, ҳовли тўла одам жанозага тайёр эди.

Тобут айвонга олиб чиқиб кўйилди. Бош томонга қишлоқнинг оқсоқоллари, имом ўтиб, аёлларга йиғини тўхтатишни буюришди. Зухра билан гаплашган чол кўзи билан уни топиб, зинапоёга ишора қилди.

Зухра у кўрсатган жойга келди.

Таниш чол имомнинг қулоғига нимадир деб шивирлади.

Имом Зухрага қаради.

— Мабодо биронта одам «отангиз мендан қарздор эдилар», деб келса, шу қарзларини узишга қодирмисиз? Шу қарзларини бўйнингизга оласизми?

— Ҳа, — деди Зухра. Лекин ҳаяжондан бўғилиб овози яхши чиқмади. У овозини ростлаб, қайтарди. — Отамнинг ҳамма қарзларига мен жавобгарман, бўйнимга оламан.

— Раҳмат.

Кимдир Зухранинг кўлидан тортиб, одамлар орасидан олиб чиқди.

Жаноза ўқиб бўлиниши билан тобут денгизда чайқалган кемадек, одамлар оқими устида пайдо бўлди. Зухра олдинга ўтди. Қишлоқ марказига етишгунча у битта ўзи тобут олдида юрди. Кейин ёнида Асом ака пайдо бўлди. Кўп ўтмай, синфдош ўғил болалар уни ўраб олишди.

Янги қазилган қабр тупроғи қуриб улгурмаган Фотиманинг қабри ёнида эди. Сал нарида раҳматли онаси ётарди. Утган йили Абдуллажон кичкина қора мармар топиб келиб, қабр устига қўйдирган эди. Мана энди учовлари қатор бўлишди.

Амакиси қаршилик кўрсатса ҳам, Зухра қабрга ўзи тушди. Гўрковга отасининг белидан кўтариб узатди.

— Адажон! Кечиринг мени. Бирга бўлганимда балки ҳаёт бўлармидингиз?!

Зухра ичида шундай деб, кеча эрталаб отасининг чиқиб кетганини билмай қолганига, у билан бирга бормаганига пушаймон қилди.

«Сенга яхши бўлди, Потий, — хаёлидан ўтказди у фотиҳа ўқилаётган пайтда. — Ойимлар ёнингда эдилар. Мана энди адимиз ҳам ёнингга келдилар».

— Халойиқ! — қичқирди кексалардан кимдир. — Абдулла муаллим қандай одам эди?

Қабристон бир чайқалиб кетди.

— Яхши одам эди!

— Омин! Жойи жаннатда бўлсин! Оллоҳу акбар!

Ҳамма яна фотиҳага қўл ёзиб, юзларига суртди.

«Адам ҳақиқатан ҳам жаннати одам эдилар, — ўйлади ўзича ариқ лабида ўтирган Зухра. — Потий, сен ҳам жаннатда бўласан. Ойимлар ўшатта бўлсалар керак. Болаларининг роҳатини кўрмай кетганлар жаннатда бўлади, дейишади. Улар жаннатдалар. Потий, биламан, сен уларни дарров топасан. Бирга бўласизлар. Фақат мен бу ёқда ёлғизман. Сен билан, сизларнинг ёнингизда бўлишни қанчалик истаётганимни билсанг эди!.. Энди қандай яшайман? Лекин яшашим керак. Агар мен ҳам кетсам, ҳеч қандай из қолмайди. Биламан, тўғри деяпсан. Биздан из қолдир. Одамлар Фотима-Зухраларни билишсин, уларнинг ота-оналарини билишсин. Баракалла, шундай яхши одамлар бор экан, дейишсин. Отасига раҳмат, онасига раҳмат, дейишсин, деяпсан. Топдимми, Потий? Айтганингни қиламан. Агар мен ҳозир орқаларингдан кетсам, сени зўрлаганлар, адамнинг қотиллари чапак чалишади. Сизларнинг ўчингизни оламан. Кўрасан, улар ҳали кўп пушаймон ейди».

— Зухра, ҳамма кетиб бўлди. Юр.

Бу Рамз эди. Зухра жавоб бермади. Аммо гапига қулоқ солди. Урнидан туриб, йўлга тушди: «Фотима! Адажон! Тинч ётинглар! Эрталаб келаман, — деди ичида у. — Сизлардан хабар олиб тураман. Бировлар устингиздан юрмасин, қараб тураман. Қабрларингизни ўт босмасин, супуриб тураман. Ҳар ҳайида, ҳар пайшанба келиб, шам ёқаман. Унинг нури дилингизни ёритади. Сизлар билан бирга бўлгандек бўламан ўшанда! Адажон! Фотиманинг ёнида тинч бўлинг. Мендан, бу дунёда ёлғиз қолган қизингиздан хавотир олманг, эҳтиёт бўламан. Ёлғиз юрмайман. Эшикларни тамбалаб ётаман. Ада! Сизни қанча одам яхши кўришини билсангиз эди! Улар жуда кўп. Улар сизга ўхшаган яхши одамлар. Менга қараб туришади. Бир нарса бўлгани кўйишмайди. Тинч бўлинг. Фотимани овутинг. Кўп эзилмасин. Бир гап эшитдим. Бу дунёда эзилган одам, у дунёда бахтли бўларкан, роҳатда яшаркан. Фотимага шуни айтинг!..»

Уч кун таъзия билдириб келган одамларнинг кети узилмади. Уч кун Зухра тўн, дўппи кийиб эшикда турди. Аёллар келганида эса бошига рўмол ўраб ҳовлига кирди.

Уч кун у ўзининг ёлғиз қолганлигини сезмади. Олис-яқин кўшиллар, қариндошлар келиб туришди, баъзилари ётиб қолди. Тўртинчи куни бир ўзи қолиб, Зухра бошига тушган кулфатнинг оғирлигини ҳис қилди ва қўрқиб кетди. Ҳувиллаган катта ҳовли, бўм-бўш хоналар уни чўчитиб юборди. Шу, тўртинчи куни сигир соғгани молхонага кирганида биринчи марта юрагини ваҳм босди. Ярим қоронғу молхонанинг бурчакларидан, устунига Фотима ўзини осган ҳужрадан ғалати, бадбашара ҳайвонлар, ажиналар, одам башарасига кирган илонлар ва яна аллақандай

махлуқлар чиқиб келиб, уни ўраб олаётгандек бўларди. Унинг ҳаяжони, уни босган титроқ сигирга ўтди. Бир-икки челаки тегиб, сутни ағдаришига оз қолди. Зухра чала соғин сигирни безовта қилишини билса ҳам, узоқ ўтиролмади, ҳар галгининг ярмини соғиб, молхонадан худди биров қуваётгандек отилиб чиқди. Шу куни акасини кўп ўйлади. Қаерда экан у? Нега адаси билан чиқиб кетиб йўқолди? Қаерларда юрибди экан? Тирикмикан ишқилиб?

Қабристондан машинасида олиб келиб қўйган лейтенант келганида унинг биринчи илтимоси акаси ҳақида бўлди.

— Уни топиб беринглар. Бир ўзим бу уйда қолгани кўр-қаман.

— Қидиряпмиз, — деди Исмоилов. — Афсуски, шу кунгача ҳеч қаердан дараги чиқмаяпти.

— Ўртоқ Алиев ваъда берган эдилар, — эслатди Зухра. — Милиция аралашади, уйингиздан бошқа ўлик чиқмайди, деган эдилар. Ушандан кейин адамдан ажрадим. Милиция бунча ожиз? Наҳотки биронта жиноятчини тополмаса? Одам ўлдириш жуда осон бўлиб қолибди-ку?!

Исмоилов эътироз билдирмай уни эшитди. Нима ҳам дерди? Опаси, отасидан бир ҳафта ичи ажраган одам тагин ҳам оғирлик қилиб гапиряпти. Бошқа одам бўлса милицияни олиб бориб, олиб келарди. Аммо у кўп нарсани айтгиси, тушунтиргиси келса ҳам, Зухранинг ҳозирги аҳволида, асаблари тортилиб турган пайтда ҳеч нарса дегиси келмади. Агар у гапирадиган бўлса, биринчи галда нима учун майор Алиев ўрнига у келганидан гапни бошларди. Бугун эрталаб бутун бўлим учун кутилмаган ҳодиса юз берди. Майорни вазир ўринбосари қақирди. Бир соат дегандагина Алиев қайтиб чиқди. У ишдан бўшаган эди. Бошлиқ билан иккови ўртасида нима гап ўтди, Исмоилов билмайди, лекин асосий келишмовчилик Йўғонтепа ишларидан келиб чиққанини Алиев айтди. У тўла мустақиллик ва ишонч сўраган. Ўринбосар талай шартлар қўйган. Алиев рози бўлмагач, бошқа ишга ўтишни таклиф қилган. Бунга ҳам Алиев кўнмаган. Ён босиш, дилига ўтиришмаган, виждони кўтармайдиган таклифларни қабул қилиб ишлашдан кўра, ишламаган маъқул деган ва ариза ёзиб, ташлаб чиққан.

— Пенсияга бемалол чиқсам бўлади. Йигирма етти йил бўлибди шу соҳада ишлаётганимга.

— Унда мен ҳам кетдим, — деди капитан Раҳмонов. — Нима кўп ҳозир, кооператив кўп. Жон-жон деб ишга олишади. Ҳаммаёқда юрист керак. Маошим ҳам ҳозиргидан яхши бўлади. Ростини айтсам, Қодир Алиевич, сендан андиша қилиб юрувдим.

— Мени директор ўринбосарлигига таклиф қилишяпти. Шунга борсаммикан мен ҳам? — савол назари билан Раҳмоновга қаради Маҳкамов.

— Қаерга? — сўради Алиев.

— Сизга ёқмайди.

— Айтавер. Балки ўша жойга мени тавсия қиларсан?

— Бозорга. — Маҳкамов кулиб юборди. — Қалай? Зўрми?

— Қойил, — унга ҳавас билан қаради Исмоилов. — Мени ҳам олиб кет.

— Директор ўринбосари ўрни битта-да, — жиддий жавоб қилди Маҳкамов.

— Менга паттачилик ҳам етади. Кунига юз сўм тушиб турса, ўттизини сенга бериб турсам.... икки йилда кооператив уй ҳам сотиб олардим. Нима дединг?

— Бўлди, майдалашманглар, — деб ўрнидан туриб кетди жаҳл билан Алиев. — Ҳаммага жавоб.

Гап бўлинди. Бунинг устига, Алиев одамларини узоқ ушлаб ўтиргиси келмади. Ҳаммасининг иши бор. Хонасини ҳам йиғиштириб, сейфни тозалаб қўйиши керак эди. Албатта, вазирга бу гап бориб етиши билан у чақиртиради. Алиевни ўзи олиб келган бўлса ҳам, Марказқўм юборган ўринбосари билан жанжаллашмайди. Битта қўлидан келадиган иш — тузукроқ иш таклиф қилиши ё каттароқ пенсияга тавсия этиши мумкин.

Алиев Жалолов билан узоқ тортишиб ўтирмади. Унинг илди-зи бақувватлигига, Султонов билан чатишиб кетган жойлари борлигига тушунди. Лекин уйда бўладими, бошқа ишга ўтадими, ўлдирилган ота-бола ишини шундай ташлаб қўймайди. Қандай бўлмасин, уларнинг қотилларини топади.

Алиевнинг хаёлига Султоновнинг Фотимага қилган совғаси келди. Соат сейфда эди. Олиб, Исмоиловга берди:

— Исбот сифатида Шоҳиданики турса бўлади. Буни Зухра Салимовага бер. Раисга қайтариб бериш аҳмоқлик бўлади. Айт, нархини. Нима қилса қилсин. Маъракалари кўп. Керак бўлиб қолар. Хуллас, ихтиёр ўзида.

Исмоилов Зухранинг таънали гапларини эшитиб, эрталаб бу ёққа келишдан олдин бошлиғининг хонасида бўлган ана шу суҳбатни эслади. Беихтиёр чўнтагига қўл солиб, соатни чиқарди. Аммо беришдан олдин, милициянинг ожизлик қилаётганига иккинчи сабаб ҳам борлигини айтмоқчи бўлди. Кўкнорифурушлар янги одамлар эмас, милицияда ишлаётганлар бу соҳада катта тажрибага эга эмаслар. Шунинг учун қотилларни тутиш ҳам, кўкнорифурушларни топиш ҳам чўзилиб кетяпти. Лекин албатта улар топилади, гуноҳкорлар жавобгарликка тортилади. Исбот талаб қилмайдиган бир мулоҳаза бор, тўғрироғи, ҳаётда тасдиқланган фикр бор, қотил ўз қурбонидан ҳеч маҳал узилиб кетолмайди. Қурбонга алоқадор жойларда, ишларда ўраллашиб юради ва бир кун тугилади. Бунинг учун қидириш билан бирга, сабр-тоқат билан иш юритиш зарур.

Бу гапларни у Зухрага айтмоқчи эди, унинг ғамгин кўзларига қараб, гапни соатга буриб қўяқолди:

— Сизга Қодир ака чуқур таъзия билдириб юбордилар. У киши, менга ишонинг, катта мутахассис. Фожиаларнинг сабаблари очилади. Қотиллар тугилади. Бунга вақт керак. Мени тўғри тушунинг. Манави Фотиманинг соати. Биз текширттирдик. Бу соат ҳозирги пулда камида ўн минг сўм туради. Раис опангизга шундай қимматбаҳо совға қилган. Олинг. Нима қилсангиз

қилинг. Ихтиёр ўзингизда. Ҳозир Фотиманинг, адангизнинг маъракаларига балки яраб.

— Ун минг дедингизми? — соатни олар экан, ҳайрон бўлиб сўради Зухра. — Тиллами, нима бу?

Исмоилов тушунтирди.

— Фотима... Фотима билганмикан қимматбаҳолигини?

— Билмаган бўлса керак. Тўғрироғи, билиб улгурмаган.

— Раисдан сўрамадигизми?

Зухрадан у бу саволини кутмаган эди. Боши ғам ва аламдан ғовлаб турган одам совуққонлик билан совғанинг тагига етмоқчи эди. Исмоиловга бу ёқди. Шунинг учун у бор гапни айтиб қўя қолди:

— Сўрадик. Чунки, раис Тешабой Султонов бошқа бир аёлга ҳам шундай соат совға қилган.

— Кимга?

— Шоҳида Луқмонова деган аёл. Дуркентдаги клуб мудираси.

— Биламан. Колхозга ҳаваскорлар билан тез-тез келиб, концерт бериб турарди. Йўқолган аёл-да, шундайми?

— Шундай, — Исмоилов қўшимча қилди. — Эри шу колхоз фермасида зоотехник бўлиб ишлар экан. Биз у киши билан гаплашолмадик. Таллинда экан. Қайтишини кутяпмиз. Балки, совғанинг сабабини билар.

— У билмаса ҳам халқ билади.

— Лаббай? — тушунмай, ёки яхши эшитмай сўради Исмоилов.

— Шоҳида Луқмонова раиснинг ўйнаши эди.

Зухра бу гапни хотиржамлик билан айтди. Эракк киши билан гаплашаётганидан уялмади ҳам.

— Буни исбот қилиш керак.

— Исбот... Наҳотки исботлаш шунчалик қийин бўлса? Хўп. Исбот қилдинглар, дейлик. Кейин нима қиласизлар? Бу исбот билан раисни жавобгарликка тортиб бўлармиди? Ўзи рози эди деса, нима қиласизлар?

Исмоилов Зухранинг очиқ ва аниқ гапларига қойил қолди ва шундай қизнинг бошига кетма-кет кулфат тушганига яна бир бор ачинди. Ҳали акаси нима бўлгани номаълум. Қодир Алиев ҳақ. Бу ишни тўхтатиб бўлмайди, тўхтатиш-жиноят.

— Саволингиз ўринли, Зухра. Биз уларнинг алоқалари орқали аввало ўша аёлнинг ўзи қаердалигини, унга нима бўлганини билмоқчимиз. Ахир ўзингиз ўйланг, кап-катта бир одам тўрт ойдан бери йўқ. Кимлардир онасини жаноза очишга кўндиришган. Шу билан қидирув тўхтатилади, деб ўйлашган. Аммо биз тўхтатмоқчи эмасмиз. Ўликми, тирикми, ўша аёлни албатта топишимиз керак.

Зухра индамади. Кўчадан икки аёлнинг йиғиси эшитилди. «Қарийдошлар келди!» — хаёлидан ўтказди Исмоилов ва ўзини четга олди. Зухра эшикка бориб, аёллар билан қучоқлашиб кўришди. Аммо йиғламади. Қанча ўзини мажбур қилмасин, кўзига ёш келмади.

Аёллар ичкарига ўтишди. Зухра Исмоиловнинг рўпарасида тўхтади.

— Кечирасиз... — деди у Исмоиловга тик боқиб. — Жиноятчилар топилмаса, мен сизлардан рози бўлмайман... Хайр.

У жавоб кутмади. Орқасига бурилиб, айвон томон юриб кетди. Исмоилов туман милиция бўлимига келганида, Азим Турсунов ким биландир шахмат ўйнаб ўтирарди. Уни кўриб, ўрнидан бир қўзғолди-ю, лекин турмади.

— Келинг, лейтенант!..

Исмоилов нима бўлганини дарҳол фаҳмлади. Алиевнинг кетгани ҳақидаги хабар етиб келибди. Лекин у Турсуновни хурсанд қилган воқеанинг иккинчи ярмини билмас эди. Турсунов яшириб ўтирмади. Чой ўрнига шу хабар билан уни меҳмон қилди:

— Собир ака Тошкентга кетдилар. Чақиришибди. Биласизми нега?

Исмоилов елкаларини қисди.

— Алиевнинг ўрнига қўйишмоқчи.

— Табриклайман, — деди Исмоилов, аммо ичида афсусланди.

— Ҳа, чиндан ҳам табрикласангиз арзийди. Алиев ҳиқилдоғимга келувди! Уртоқ лейтенант! Кечқурун бизникига марҳамат. Кўпчилик эмас, тўрт-беш киши бўлади. Агар қайтишга улгурсалар, Собир акам ҳам бўладилар. Кейин ўзингиз билган Тешабой ака. Раисимиз. Мен сизга айтсам, Уктам Қўчқорович, Алиев битта катта хатога йўл қўйди. Хуфия кўкнорининг биринчи душмани ким? Тешабой Султонов. Ўзи бориб, шунча яширин кўкнори топилганини айтди. Келиб-келиб шундай, хизмат кўрсатган, бутун вилоятнинг обрўйи бўлган одамни шубҳа остига оладими? Падарига минг лаънат ўша соатларни. Тешабой ака, миллионер колхознинг раиси, бир пуф деса, оғзидан иккита эмас, икки юзта шунақа соат тушади. Шунга ундан гумонсираб, орқасига одам қўйиб юрибди! Агар Жалолов айтганларидек, Тешабой ака билан бамаслаҳат иш қилинганда, яширилган кўкнори ҳам топиларди, ким билади, ҳалиги раҳматли Ашурали ҳам нобуд бўлмас эди. Нега бундай деяпти Турсунов, дерсиз ҳойнаҳой? Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмайди. Уч киши келдиларинг. Биз билан ўн киши. Хўш, нима қилдик? У ёққа бордик, бу ёққа бордик. Пақ этиб шу пайтда Исмаатовни ўлдириб кетишди. Анави Одамбойга келсак... Йўқ, ўлдирган у эмас. У ким ўлдирганини билиши мумкин. Лекин у ўлдирган эмас. Собир ака биринчи қиладиган ишим, ордерни йўқ қилиб келаман, дедилар. Тўғри-да! Раиснинг холис хизматкорини қамаш, раисдан ҳам шубҳа қилиш, деган гап. Буни ҳамма билади. Билиб туриб раисга муносабати кейин қандай бўлади? Бу билиб туриб, обрўни йўқ қилиш, деган гап. Қани, юр, Валижон, бўлмаса фарзинингни олиб қўяман!

Турсунов шу билан гап тамом, дегандек, Исмоиловдан кўзини олиб, шахматга тикилди.

Исмоилов яна бир марта Алиевнинг ҳақлигига ишонди. Турсунов раиснинг одами эди.

Кўпчилик эмас, ўн-ўн бешта одам бойлик орттириш, ҳокимият эгаллаш йўлида бир бўлиб, ўз манфаатларининг ҳимояси учун турли хиёнат, алдамчилик, фаҳш, қаллоблик, қотилликкача боришларини кўриб, Исмоилов улар билан ёнма-ён юрганидан, уларнинг адабини беролмаганидан нафратланди. Турсуновнинг гапларини у тишини-тишига қўйиб эшитди. Қани энди ихтиёр унда бўлса-да, шарақлатиб шу тиржайган башарасига солса? Қандай қонун ҳимоячиси бўлди шу Турсунов? Қандай қилиб жиноятга қарши курашаётган идорада жиноятчи пайдо бўлиб қолди? Одамбой, Зокир полвон, Исроил деганлар Турсуновлар олдида мишиқи болалар! Асосий жиноятчилар Султонов, Турсунов ва уларнинг ҳомиёлари. Ким билади, Алиев яхши фикрда бўлса ҳам, Сиддиқовнинг улар билан тили бирдир? Демак, Одамбойни қидиришга ҳожат йўқ. Топилгани билан уни Сиддиқов қаматмайди. Наҳотки шундай бўлса?

— Одамбой ўзи топилдими?

— Ордер бекор қилинмагунча топилмайди, — бошини кўтармай жавоб берди Турсунов. — Нима эди? Қамоққа олмоқчимидингиз?

Турсунов сигаретадан сарғайиб кетган йирик тишларини кўрсатиб кулди.

— Аммо-лекин шеригингизни роса мулзам қилди-да, қочиб! Бу Маҳкамов ландовур одам экан. Жиноят қидирув республика органида ҳам шунақа одамлар ишлайдими? Битта ошпаз уни шарманда қилиб кетди. Тағин бошлиғининг олдида! Мен Алиевнинг ўрнида бўлсам, ўша соатиёқ уни ишдан четлаштирардим.

— Ҳозирча сиз ҳам, мен ҳам Алиев эмасмиз, — унинг кинояларини тўхтатгиси келди Исмоилов. — Қочиб кетгани бир ҳисобда ёмон бўлмади.

— Нега? — ҳайрон бўлди Турсунов.

— Қочиб кетган одам биринчи галда кимнинг олдига боради? Кимнинг ишини қилаётган бўлса, ўшанинг олдига боради, ҳисоб беради.

— Гапингиз тўғри.

— Тўғри бўлса, унинг қочгани бизнинг фойдамиз бўлди. Икки қўллаб бошлиғини ҳам тутиб беради. Бунинг чораларини аллақачон кўриб қўйганмиз.

Турсунов ғалати бўлиб кетди. Уйланиб туриб, қўлидаги пиёда донасини тахта устига ётқизди-да, ўрнидан турди.

— Кейин давом эттираммиз. Телефон қилишим керак.

У Исмоиловга қўлини чўзди.

— Бўпти бўлмаса, кечқурун кутаман.

— Кутманг, боролмайман. Хайр.

Исмоилов уни ташвишга солиб қўйганидан хурсанд бўлиб хонадан чиқди.

Турсуновнинг ким билан гаплашмоқчи бўлганини, кимларни оғоҳлантириши мумкинлигини у биларди. Шунинг учун у Сиддиқов билан учрашиш-учрашмаслигидан қатъи назар, Сотиболди-

ев ва унинг шерикларидан дарак топиши керак эди. Йўфонт епага бугун келишидан иккинчи мақсади шу эди. Майор Алиев ундан шуни илтимос қилган эди. Лекин бугун бу одамларнинг уйларидан хабар олиб бўлмайди. Шунинг учун ноҳия марказига тушишга, Сиддиқовнинг келган-келмаганлигини билишга, қоронгида қайтиб, уйларни айланишга қарор қилди.

Вилоят милиция бошқармасида кеч кириб келаётганига қарамай, ҳамма ўз иш жойида эди. Сабаби маълум эди, албатта. Улар Сиддиқовни кутишарди. Исмоилов бирпасда «талаш» бўлиб кетди. Уни у хонадан бу хонага тортишди. Ҳамманинг дарди битта эди: Сиддиқов кетадими, қоладими? Исмоиловнинг бу ҳақда биринчи марта шу ерга келиб, Турсуновдан эшитганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

— Алиев нима қиладилар энди? — сўради кимдир қизиқиб. — Мен бундай маданиятли, иш биладиган терговчиларни кам биламан.

Исмоилов уларни тинчитди. Алиевнинг қўлида ҳунари бор. Яхши юрист. Фан номзоди. Ҳозир бундай юристлар ҳаммаёқда керак. Бунинг устига, уни бўшатишгани йўқ. Жалолов, вазир ўринбосари билан келишолмай, ўзи бўшади. Бир кун келиб вазир ҳам, унинг муовини ҳам пушаймон бўлишади. Чунки Алиев тўғри йўлдан кетаётган эди. Яна бир мулоҳаза шуки, Алиев билан Сиддиқов бир-бирларидан кескин фарқ қилсалар ҳам, бошланган ишни тўхтатиб бўлмайди. Охирига етказиш керак. Бутун бўлим Алиевнинг фикрига, унинг мулоҳазаларига шерик эди. Янги бошлиқ бу билан ҳисоблашиши керак бўлади. Ҳисоблашмаса, бутун бўлим истеъфога чиқади. Бу эса жанжал деган гап.

Исмоилов жўрттага шундай деди. Жуда бўлмаганда, бошқармадагилардан биттаси унинг гапларини Сиддиқовга етказарди. У шунда ўйланиб қолиши табиий. Исмоилов яна битта гапни айтиб юборди:

— Норасмий суратда майор Алиев кўкнорифурушлар иши билан шуғулланаверади. У ўзи бошлаган ишни чала ташлаб кетадиган одам эмас.

У шу гаплардан кейин бошқарма ходимлари ўртасида ноқулай вазият пайдо бўлганини сизди. Узини ҳам ортиқча одамдек ҳис қила бошлади. Алиев учун изтироб чекаётганини мутлақо билдирмаслик ниятида қўлини омонатгина кўксига қўйиб, хайрлашган бўлди-да, чиқиб кетди.

Исмоилов Зокир Сотиболдиевнинг дарвозасига етганда кимнингдир шарпаси кўринди. Машина яқинлашганда, шарпа ўзини четга олиб, кўчанинг нариги бетига ўта бошлади.

Исмоилов бу шарпа Зуҳра Салимова эканини кўриб, ҳайрон бўлди. Бу ёқда у нима қилиб юрибди? У беихтиёр машинани тўхтатди. Зокир полвонларникида ҳеч ким йўқлиги кўриниб турарди. Шунинг учун у бемалол машинадан тушиб, қизни чақирди.

Зуҳра тўхтаб, у томонга ўгирилди. Исмоилов унинг олдига борди.

— Тинчликми, Зухра? Бу ерда нима қилиб юрибсиз?
Зухра хўрсинди.

— Акам Зокир акаларникига келиб турардилар. Уйда ҳеч ким йўқ, тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Биласиз-а, Фотимани... шу уйга олиб келишган.

— Биладан, Зухра! — Исмоилов уни ўзича овутмоқчи бўлди. — Сиз ёлғиз юрманг. Уларнинг миясида яна нима гап, билмаймиз. Мендан тортинманг. Яқинда Қодиржон ака, ҳам келадилар. Биз у киши билан қотилларни албатта қидириб топамиз. Сиз тинч бўлинг. Акангизга ҳайронман. Улар акангизни ўлдирмасликлари керак. Акангиз уларга, Султоновга яқин одам бўлган. Сотиболдиев ва унинг шериклари каллакесар одамлар, раиснинг топшириғи билан иш кўриб юрган одамлар. Акангиз ҳам Султонов билан яқин бўлган. Биласизми шуни?

Зухра бошини қимирлатди.

— Уртоқ Алиев нега келмадилар?

— У киши... бошқа ишламайдилар у бўлимда. — Ростини айтишни лозим топди Исмоилов.

— Бўшатишдими?

— Ўзлари бўшадилар, десак тўғри бўлади.

— Бўшатишибди-да, — хулоса қилди Зухра. — Айтинг, бизнинг гуноҳимиз йўқми бўшашларида?

— Йўқ. У киши, боя айтганимдек, қотилларни топишга қаттиқ киришганлар.

— Шу ишлари кимгадир ёқмагандир?

Исмоилов жавоб бермади.

— Ҳа, кимгадир ёқмаган. Мен буни Фотиманинг жасадини уйга шошилишч жўнатишганида пайқаган эдим. Ҳеч ким қулоқ солмади. Қаерларга, кимларга телефон қилганим эсимда турибди. Уларнинг жавоблари ҳам қулоғимда. Алиев зўравонларга ёқмаганлар. Келадилар, дедингизми?

— Ҳа, келадилар. Биз қидиришни тўхтатмаймиз. Агар расмий тўхтатилса, биз норасмий, ўзимизнинг кучимиз билан ҳақиқатни топишга ҳаракат қиламиз.

— Раҳмат, — Зухранинг бироз дили ёришгандек бўлди. «Милиционерларнинг ичида ҳам яхши одамлар бор», деган фикр хаёлидан ўтди. Куни кеча Алиевни ҳам кўргани кўзи йўқ эди. Турсуновни бўлса-ку, агар тўппончаси бўлса, ўша куни Фотиманинг ўлигини текшираётганда унга айтган гаплари учун отиб ташлар эди.

— Фақат айтиб қўйинг, келсалар мен билан учрашсинлар. У кишига айтадиган гапларим бор. Кейин битта нарса кўрсатаман. Агар вақтингиз бўлса, ҳозир бизникига кириб кетинг, сизга ҳам кўрсатаман.

— Унда бирга кетамиз. Утиринг машинага.

Исмоилов машинасининг эшигини очиб, уни таклиф қилди. Уйда Зухра унга Фотиманинг хатини кўрсатди.

— Мени кечиринг. Уртоқ Алиев ҳам кечирсинлар. Хатни илгарироқ кўрсатсам бўларди. Аввал ўқинг, кейин айтаман.

Исмоилов хатни ўқиб чиқиб, яна бир марта Алиев ва у тўғ-

ри йўлда эканликларини тушунди, хатни олдинроқ кўрсатмаганларига ачинди.

— Менга бир нарса демоқчимидингиз? — сўради у Зухрадан.

— Ҳа. Агар... Фотима акамни ёзмаганда, ўша куниёқ кўрсатдим хатни. Биз адам билан иккаламиз аввал акамнинг ўзидан сўрамоқчи бўлдик. Фотима адашмаган экан. Ҳовлида акам бор экан ўшанда. Маст экан. Уларнинг кимлигини акам айтиб берди. — Зухра оғир хўрсинди. Гапиришга қийналаётганини Исмоилов кўрди, лекин тўхтатмади. У гапириб олиши керак эди. Балки шу билан бироз енгил тортарди? Бироздан сўнг, у нафасини ростлаб гапида давом этди. — Биттаси Зокир Сотиболдиев, иккинчиси, Фотима бошлиғи деб ёзгани, Тўхтамурад қийшиқ, учинчиси Исроил Маматов. Битта Зокири Йўғонтепада яшайди. Уйини кўрдингиз. Қолган иккитаси униқига келиб туришар экан. Асли уйлари, биттасиники Дуркентда, биттасиники Тошкентда экан. Тағин билмадим.

— Нега энди дарров бизга айтмадинглар? Ахир биз ўша куни шу ерда эдик-ку! — хуноби чиқиб сўради Исмоилов.

— Энди ачинапман, — Зухра унга қўшилди. — Лекин ўша куни адамларнинг гаплари маъқулдек кўринди. Уйимиздан ўлик чиқди. Иккита эркак эса қўл қовуштириб ўтирибди. Аввал қизларининг қотиллари билан адам ўзлари гаплашмоқчи бўлдилар. Акам ҳам хатни ўқигандан кейин ғазабланиб кетдилар. Икковлари эрталаб, уларни топмоқчи бўлишди. Эрталаб турсам, улар йўқ. Уша ёққа, Зокирларникига кетишибди, деб ўйладим.

— Тўғри ўйлагансиз. Шундайм бизга хабар қилганингизда менимча кечикмасдик. Биз Сотиболдиевларникига кечикиб бориб қолдик. Биринчи унинг уйига борганимизда Дуркентга тушмай, балки фалокат юз бермасди, адангиз тирик қолардилар.

Исмоилов кейсини очиб, Абдулла аканинг рўмолга ўралган ов пичоғини олиб, Зухрага кўрсатди.

— Танияпсизми?

— Ҳа. Адамларники. Лекин ҳеч ишлатмаганлар.

— Бу гал ишлатганлар, — деди Исмоилов. — Лекин қотилларнинг биттасигина енгил ярадор бўлган. Аммо, Зухра, Зокирларникида бўлган тўқнашувда акангиздан ҳеч қандай из йўқ. Акангиз адангиз билан ўша уйда бўлганига шубҳамиз бор. Аниқ биласизми адангиз билан кетганини?

Зухра ўйланиб қолди. Қандай бўлди ўша куни? Адаси акасига: «кир, дамингни ол», деди. Акаси ўз хонасига кириб кетди. Зухра ҳам уйга кўтарилди. У адасининг кечаси билан юриб чиққанини билади. Ўзи ҳам ухлагани йўқ. Азонга яқин кўзи илинди. Туриб қараганда, адаси ҳам, акаси ҳам уйда йўқ эди.

У шуларни Исмоиловга айтиб берди.

Исмоилов ҳайрон эди. Ҳамидулла Салимовнинг фамилияси, қачон йўқолганлиги бутун республика милициясига маълум. Қаёққа кетиши мумкин? Агар отасисиз, ёлғиз ўзи уйдан чиқиб кетган бўлса ҳам биронта одам уни шунча вақт ичида кўрган бўлиши керак эди. Ё ўзининг изи чиқарди. Қодир ака Тошкентга

кетаётганда уни кўрган. Лекин ярим кечада у қаёққа кетаётган эди. Буни ҳеч ким билмайди. «Шифокор» ерларида чиндан ҳам ғалати ишлар юз бeryпти. Бошқараётган одам ким экан? Алиев айтганидек, улар йўпчиликмикан? Маркази қаерда экан, ё уч бошлик аждаҳо Йўғонтепанинг ўзидамикан?

— Акам топилса, кўп нарса юзага чиқарди назаримда.

Зухра ҳақ эди. Лекин Исмоилов дилининг қаеридадир Ҳамидулла Салимовнинг топилишига ишонмасди. Оз бўлишса ҳам, кирдикорларидан хабардор бўлганларни йўқ қилиб келишяпти. Ҳамидуллани ҳам йўқ қилган бўлишлари мумкин.

— Зухра, билмайсизми, акангизнинг тоғда, ё довоннинг нариги томонида ҳеч қандай иши бўлиши мумкин эмасми?

— Ишини билмайман. У томонларга лекин кўп бориб турарди. Қолиб ҳам кетарди, уч-тўрт кунга.

— Мен Турсуновга айтаман. Уша томонлардан ҳам суриштираман.

— Фойдаси йўқ, — Зухра қўлини силтади. — Қидириш керак. Лекин Турсунов бу ишни қилмайди. Сиздан илтимос, акамни бошқа одамларга, янги одамларга қидиртиринглар. Агар бу ердагиларга ташлаб қўйсаларинг, у топилмайди. Балки ўзлари бекитиб қўйишгандир? Балки ўлдириб юборишгандир?

— Ундай деманг, — Исмоилов дилида шундай фикрга қўшилса-да, ҳозир, ҳувиллаган уйда ёлғиз қоладиган Зухрага эътироз билдирди. — Яхши ният қилайлик. Фақат битта илтимос, қандайдир бир янгилик эшитсангиз, дарҳол бизга хабар қилинг. Мени вилоят милиция бошқармасидан, прокуратурадан топишингиз мумкин. Телефонларни ёзиб бераман.

Исмоилов кейсидан ёндафтар олиб, бир варағини йиртди ва иккита телефон ёнига, ҳар эҳтимолга қарши ўз уйининг телефонини ҳам ёзиб берди. У кетганидан сўнг, Зухра алламаҳалгача шу ёндафтар варағига тикилиб ўтирди. Фотиманинг хатини қайтадан ўқиб чиқди. Унинг назарида у ўқимади хатни, Фотиманинг ўзи қулоғи тагида гапириб турди. Унинг дард тўла овози Зухрани эзиб юборди. «Дод!» деб кўчага югургиси келди-ю, ўзини ушлаб қолди. Бир нарса билан алаҳсиш учун, молхона олдига борди, сигирга терт қора бошлади. Шу пайт Исмоилов қайтиб келди. Зухра уни кўриб севиниб кетди. У қўлларини артиб, лейтенант қаршисига юрди.

— Кечирасиз, — деди Исмоилов. — Яна безовта қилдим. Фотиманинг хатини эрталабгача бериб туролмайсизми? Албатта менга ишонсангиз. Бир-иккита нусха кўчириб олардим. Бизга бу жуда керак.

Зухра Исмоилов ёзиб берган телефонлар қоғози устидаги икки буклоғлик хатни олиб узатди.

Исмоилов хайрлашиб кетди. Зухра яна тертга уннади. Қориб, сигирга, қўйларга бериб чиққач, яхши кўриб қолган жойи, айвон зинапоясида ўтириб, акасини ўйлаб кетди. Акасини кўргандек бўлди. У Йўғонтепадан сўқмоқ йўл олиб чиқадиган баланд қоя устида турарди. Чиройли, қора кўзлари пастга тикилган, қалин лаблари нималарнидир шивирлайди. Зухра

«Ака!» деб қичқиргиси келди, унинг ёнига кўтарилиб, дилидаги энг яхши гапларини айтгиси келди, уйга олиб тушиб овқатлан-тиргиси, ухлатгиси келди, аммо овози чиқмади, акаси уни эшитмади. Эшитмади-ю, уни кўриб тургандек бўлди шекилли, қўлларини кўтариб силкитди, хайрлашган бўлди, кейин худди сув-га шўнғигандек, қўлларини ёзмасдан ўзини пастга ташлади.

— Ака! — қичқириб юборди Зуҳра ва ўрнидан туриб кетди.

Аланглаб атрофига қаради. Ҳовли жимжит эди. Хужра томондан қу-қулаган товуқ овози эшитилди. Зуҳра оғир хўрсинди. Айвонга кўтарилиб, қамма хоналарнинг чироқларини ёқиб юборди. Кейин ўзи сезмаган ҳолда адасининг хонасига кирди. Қозикда илиғлиқ турган банорас тўн, қийиққа қаради. Кичкина ёзув столи устидаги китобларни бир-бир кўзидан ўтказди. Ада-си авторучкага ҳеч ўрганолмаган эди. Тўғрироғи авторучкада ёзишни хуш кўрмасди. Саксон олти пероли ингичка ручкада сиёҳда, кўпроқ бинафшаранг сиёҳ билан ёзишни яхши кўрарди. Шиша сиёҳдон, тўртта-бешта ингичка ручка солинган кўп қирра-ли стакан жойида турибди.

Зуҳра акасининг хонасига ўтди. Темир каравот бошида икки кун бурун кийган кийимлари бетартиб, ғижим бўлиб ётарди. Ўрни ҳам йиғиштирилмаган. Зуҳра акасининг бор-йўқлигини билиш учун ўша куни эшикдан бирров қараб, уйни йиғиштириш хаёлидан кўтарилган эди. У дарҳол кийимларни каравот устидан олиб эшик тагида турган стул суянчигига илди. Ўринни йиғиш-тирди. Шу пайт ёстиқ устида ётган, катталиги гугурт қутисидек келадиған қалин атлас қоғозга кўзи тушиб уни қўлига олди. «Тақсим». Клуб. Сулаймонов 26«б» деб ёзилган эди унда. Бурча-гида рақамлар ҳам бор эди. «371», ўқиди у. «Тақсим» дегани нима бўлдикин, ўйлади у. Ҳар эҳтимолга қарши хонани, акаси-нинг кийимларини йиғиштириб, чиройли қилиб тахлагандан кейин, айвонга чиқди-да, Исмоилов ташлаб кетган телефон қоғоз ёнига шу визиткани ҳам қўшиб қўйди.

Эшик тақиллади.

— Ким? Кираверинг! — айвондан туриб овоз берди Зуҳра ва тушиб эшик томон юрди.

— Бу мен, Зуҳра! Елғизмисан?

— Ҳа. Нима эди? Ким? Кираверинг!

Эшик қия очилиб, эркак кишининг боши кўринди. Зуҳра уни таниди. Отбоқар Алиқул эди.

— Кириг, Алиқул ака. Тинчликми? — сўради Зуҳра.

— Сени кўргим келди, — ичкарига кирди Алиқул. — Рост-дан ҳеч ким йўқми?

— Ким бўлиши мумкин? — унинг саволига савол билан жа-воб берди Зуҳра. — Фотима йўқ. Адам ҳам йўқлар.

— Ҳа, эшитдим. Бандалик, Зуҳра, бандалик. Бошинга бир-дан жуда кўп кулфат тушиб қолди, синглим. Нима қиласан энди?! Чидашдан бошқа иложинг йўқ. Мен ҳам итдек эзилиб юрибман. Мени урдиришганини эшитдингми?

— Кўрдим, — деди Зуҳра.

— Кўрдим? Бормидинг ўшатда?

— Янги отларни кўргани борувдим. Йиғладим сизни уришаётганини кўриб. Лекин сиздан жаҳлим ҳам чиқди. Улар урса индамай ётавердингизми? Сиз ҳам урмайсизми?

— Э, Зухра, нима деяпсан? — хўрсинди Алиқул, — улар ўлдиришдан ҳам тоймайди. Бола-чақам нима бўлади? Улар болачақаниям аяшмайди. Лекин, Зухра, мени бир чеккага кўяйлик. Мен бошқа нарсага келдим. Аканг билан бир пайтлар ўртоқ эдим. Йўқолганини эшитиб, жуда хафа бўлиб кетдим. Қишлоқда яна ким йўқолган эди, биласанми?

Зухра йўқ, дегандек, елкаларини қисди.

— Зоотехник Пўлатжоннинг хотини. У ўлган.

— Қаердан биласиз? — сўради Зухра.

— Биламан. Уни ўлдиришган.

— Ўлиги қаерда?

— Тепабоғда, — Алиқул ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир атрофга қараб чиқди. Кўнгли хотиржам бўлиб, давом этди. — Тепабоғда сир кўп. Лекин Шоҳиданинг жасади шу ердалигини биламан.

— Алиқул ака, тузукроқ гапиринг, ҳеч нарсага тушунма-япман. Ким ўлдирган уни? Нега? Нима учун шу пайтгача Тепабоғда ўлиги ётибди?

Зухра яна бир нарсани билмай турарди. Нега Алиқул унинг олдига келди? Нега унга бу даҳшатли ўлимни гапириб беряпти? Бошидаги иккита ўлим унга етмасмиди?!

Алиқул уни тушунди, шекилли, гапни бошидан бошлади.

— Олдинга келишимдан мақсад, менинг бир гумоним бор. Ҳамид йўқолмаган. Уни ўлдиришган. Агар гумоним тўғри чиқса, унинг жасади Тепабоғда. Шунга айтай деб, олдинга келдим. Мелисага айтганининг фойдаси йўқ. Тепабоғ раисга қарайди. У ерда фақат унинг одамлари бўлади. Мелисада ҳеч ким раисни шубҳа остига олмайди. Нега шундай гумон қиляпсиз, деб сўрамайсанми?

— Нега? — Унинг айтганини қилиб сўради Зухра.

— Шоҳидани улар шу боғда ўлдиришган. Мен кўрмаганман. Лекин шундай бўлганини биламан. Шоҳида баъзан раисга эркалик қилиб, отга миндиришни сўрарди. Раис шунда менга тўриқни боққа олиб боришни буюрарди. Шоҳида тўриқни миниб, боғда бир соат, ярим соат айланарди. Чоптиргани кўрқарди. Шундай, секин юганидан тортиб юрарди. От миниб, суратга ҳам тушган. Суратни раиснинг ўзи олган. Отни миниб зериккандан кейин мен олиб кетардим. Ўлдирилган куни ҳам у от минган эди. Лекин жуда хомуш эди. Шоҳидани ўзи кўрганмисан? Э, бунақа гўзал хотин бу дунёда йўқ. Мен кўрганман. Отни етаклаб кетаётганимда, унинг қичқиргани эшитилди. Тўхтадим. Аммо раис мени кўриб қолиб, ҳайдади. У ҳам ўша куни хуноб эди. Мен нима қилардим? Фермага кетдим. Лекин ўша куни Шоҳида Тепабоғдан тушгани йўқ. Пўлатжон ярим кечагача хонасида ўтирди. Кейин ёлғиз ўзи машинасида уйига, Дуркентга жўнади.

— Нега ўлдиришади? — ҳайрат ичида сўради Зухра. — Кейин нега Пўлат ака қаердалигини билатуриб, тўполон қилмади.

— Пўлатжон суриштирган. Раисда ишини битиргандан кейин кетди. Қаёққа кетди, билмаймиз, дейишган. Анави, маймун, Одамбой шундай деган. Шундан кейин Пўлатжон мелисага хабар қилди. Мелиса ҳалигача қидириб юрибди. Тополмайди. Мен сенга айтсам, Шоҳида ўша боғда. Улиги ўша боғда.

— Балки тирикдир? Раис билан яхши бўлса, шунақа ҳаёт унга ёққанидан ўзи бекиниб ўтиргандир?

— Йўқ. Менам аввал «уч-тўрт кун ўйнаб олай», деган бўлса керак, деб ўйловдим. Шу пайтгача битта-яримта кўрарди. Боққа ўтин, кўмир олиб борилади. Раис газда пишган овқатни ёқтирмайди. Шофёрми, битта-яримта уни кўрарди. Ҳеч ким кўрмаган. Биласанми... Боғда яширин бир жой бор. Шоҳида ҳам, Ҳамид ҳам ўшатда. Хафа бўлма, одам гумон қилиши мумкинми? Мени гумоним шу.

— Нега милицияга айтмадингиз, Алиқул ака?

Зухра сўради-ю, бекорга сўраганини тушуниб, бошини қуйи эгди.

— Биладан, фойдасиз.

— Йўқ, вилоят милиция идорасига бордим. Аммо Сиддиқов йўқ экан. Бошқалар билан гаплашган, балки бошлиқнинг ўзи билан ҳам гаплашган фойдасиздир? Тошқентга бориш керак, — таклиф қилди Алиқул. — Мен тушолмайман. Сен туш. Фотиманинг ўлими, адангни ўлдирганлар, кейин анави кўкнорифурушлар билан Алиев деган одам шуғулланаётган эмиш. Тўғримми?

Зухра тасдиқлади.

— Тўғри бўлса, шу одамга айтиб бериш керак менинг гумонимни. Тепабоғни бир ағдар-тўнтар қилиб чиқиш керак. Нима дейсан?

— Билмадим. Лекин ҳеч ақлим етмаяпти. Бу қандай бўлди? Одамлар бирин-кетин ўлиб кетаверса, ўлдирганлар пинагини бузмай юраверса?!

— Унчалик эмас. Алиев келганида улар типирчилаб қолишди. Раис ҳам. Бўлмаса, ҳар куни фермага борарди. Келмайди. Яна бир гап эшитдим. Пўлатжон билан бирга кетганлардан биттаси қайтиб келди. Қолганлар мол билан бирга келишаркан. Пўлатжон аварияга учраб, ўшатда касалхонада ётган эмиш. Аҳволи жуда оғир эмиш. Машина уриб кетибди. У, Зухра, сингилгинам. Қўрқаман. Булар ёмон, уйингга келгунча беш-олтита кўчани айланиб келдим, кўришмасин деб!

Алиқул аланглаб, яна ҳовлининг ҳамма бурчагига, кўча эшик томонга бир-бир қараб чиқди.

— Алиқул ака! Сиз нимадан қўрқасиз? — унга раҳми келиб сўради Зухра. — Битта ўша тўриқни буқа сузиб юборганими?

— Раис бировни ёмон кўриб қолмасин. Кичкинагина хато туядек кўринаверади кўзига. Адои тамом бўлмаганича қўймайди. Пулимни эллик поизга камайтиртиб қўйди. Кимга айтаман буни? Ким қулоқ солади? Майли, менинг ишларим бир ёқлик бўлар. Ҳалиги гумонимга ҳушёр бўл. Уша Алиевга айт.

Алиқул яна бир атрофга аланглаб, сўнг эшик томон юрди. Зухра уни кузатиб кўчага чиқди. Олисда ёниб турган икита

чироқ бирдан ўчди. Бу машинанинг чироғи эди. Кўча қоп-қоронғи бўлиб қолди. Нега ёниб турган эди-ю, неча ўчди? Ҳайрон бўлди Зухра. Аммо анча узоқда бўлгани учун диққат қилмади.

— Менинг келганимни ҳеч кимга айтма! — кўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам шивирлаб гапирди Алиқул.

— Хавотир олманг.

Зухра бирпас унинг орқасидан қараб турди. Қоронғулик ичида у кўринмай кетгач, эшикни беркитиб, танбалади. Яна ёлғиз қолгани эсига тушди, қайтиб эшикнинг тамбасини олди. Занжирни ҳам ечди. Табақаларини ланг очди. Шундан кейин бироз тинчигандек бўлди. Айвонга келганда, зинапоя ёнидаги устун тагида Исмоиловнинг телефон қоғози ва акасининг чўнтагидан тушган «Тақсим» клубининг таклиф қоғозини кўриб қолди. Светаларникига чиқиб сўрагиси келди. Светаларнинг уйи тўрт ҳовли нарида эди. Эшикни ёпмоқчи бўлди, кейин айниди. Уйда нима бор эдики, ўғри олиб кетади? Бунинг устига ёлғиз қолганидан бери, унга ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмаган эди. Светаларникида яна бир нарсани илтимос қилади. Энди у мол боқа олмайди. Товуқларнинг ҳам кераги йўқ. Иккала қўйни ҳам боқиши қийин. Ким ем олиб келади? Беда, пичан? Адаси қиларди бу ишларни. Баъзан Ҳамидулла акаси ҳам кунжара, шелуха олиб келарди. Бу ишларни Зухра қилолмайди. Шунинг учун Фотима ва адасининг йигирмаларидан сўнг, Светанинг отасидан молларни сотиб беришни сўрайди. Битта одам қанча овқат ерди! Жуда тухум егиси келса, сут ичгиси келса, кўни-қўшнилардан сотиб олади. Тўсатдан келган бу қарор унга маъқул бўлди, бирмунча енгил ҳам тортди.

У ўн қадамча юрганида олдинда кимнингдир шарпаси кўринди ва оёқ товушлари эшитилди. У танигандай бўлди.

— Света?

— Мен! — жавоб қилди шарпа. — Зухра, сенмисан?

— Мен!

Улар севиниб бир-бирларининг қаршисига югуришди.

— Вақтлироқ чиқмоқчи эдим. Ойим овқатга кеч уннадилар. Лағмон қилувдик. Сенга олиб келяпман.

Света икки қулоғидан ушлаб турган кастрюлкани баландроқ кўтарди.

— Мен сизларни кетаётувдим.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Бир-иккита маслаҳатли гапим бор эди. Аданг уйдадилар? — Ҳа, маъқул. Бирга овқатланамиз.

Светаларникида телевизор кўриб ўтиришган эди. Корейсча видеофильм. Зухра фильмни телестудия беряптими, ё ўзлари кассета қўйиб кўришяптими, эътибор бермади. Фильм воқеаси нимадан бошланганини билмаса ҳам қизиқтириб қўйди. Баланд тоғлар орасида қасрлар, феодаллар ҳаёти, полвонлар кураши, отларда қувишлар...

Чиройли бир аёл далада ишлаётган эрига овқат олиб кетяпти. Ёнида уч-тўрт яшар қизи ҳам бор. У онасидан ортада қолмаслик учун дам югуради, дам онасини чақириб ерга ўтира-

ди. Бирдан қаёқдандир дарахтлар ордидан тўртта қароқчи пайдо бўлади. Улар аёлни тўхтатадилар, қўлидан овқатни юлиб олиб ейдилар. Кейин уни зўрлайдилар. Ҳеч нарсага тушунмаган қизи йиғлайди. Қароқчиларга ёпишиб, онасини қутқармоқчи бўлади. Қароқчилар уни тепиб юборадилар. У ҳушидан кетиб, йиқилади. Ўзига келиб, ўрнидан турганда, ҳаммаёқ жимжит, қароқчилар кетиб қолишган. Онаси эса қонга беланган, кўкрагига ханжар санчилган. Хатарли, жангга чорловчи музика янграйди. Қиз бирдан катта бўлиб қолади. У бетоб ётган кекса отасининг олдида ҳўрланган онаси учун қасос олишга қасам ичади. Турли кураш йўлларини ўрганади. Қиличбозлик, каратэ усулларини бир-бир ўрганиб чиқади ва қароқчиларни қидириб кетади. Битта-битта ҳаммаси билан курашиб, улардан онасининг қасосини олади.

Бундай фильмларни Зухра илгари кўрмаган эди. Каратэ, у-шу ва яна бирқанча олишув усулларини у эшитган, озгина биларди ҳам, аммо шулар ҳақидаги фильмни кўрмаган эди. Азадор бўлса ҳам фильмни кўриб ўтирди. Кейин кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Зухра, балки бизникида ётиб қоларсан? Битта ўзинг ҳувиллаган уйда нима қиласан?

— Шундай қил, қизим, — қўшилди Светанинг отаси. — Ўртоғинг билан гаплашиб ётасан.

Зухра ўйланиб қолди. Йўқ, у уйга чиқиши керак. Беш-ўн кун ўтсин, кейин майли. Ҳозир у уйда бўлиши керак. Фотима, адасининг руҳлари уйда кезиб юргандир. Уйда ҳеч ким бўлмаса, эзилишади.

— Раҳмат. Бошқа гал. Амаки, сизда гапим бор эди. Молларни сотиб берсангиз. Мен энди уларга ёлғиз ўзим қарай олмайман.

— Ихтиёр ўзингда, — деди Светанинг отаси. — Лекин менинг маслаҳатим, шошилма. Мен қарашиб тураман. Сен ўқишга кириш-кирмаслигингни ҳал қил. Тошкентда яшайсанми, ё шу ердами, буни ҳал қил. Ана ундан кейин сотсак бўлади. Унгача шошилма. Биз қарашиб турамиз.

Зухра хурсанд бўлиб кетди. Миннатдорчилик билдириб, ҳовлига тушаётганида, клубни эслаб қолди.

— «Таксим» — савдо клуби, — тушунтирди Ким амаки. — Клубни Кўйликдаги корейслар очишган. Эшитишимча, ҳозир у клуб ёпиқмиш. Пул тўлаб кирилармиш унга. Беҳужжат ҳеч ким киролмасмиш. Нима эди?

Зухра акасининг ўрнидан топиб олган қоғозни кўрсатди.

— Ҳа, бу клуб аъзоларига бериладиган ҳужжатга ўхшайди. Бурчагида номери бор. Мана, кўраяпсанми, уч юз олтмиш бир.

— Раҳмат.

Зухра Света билан кўчага чиқди. Уйга боргиси йўқ эди. Аммо боргани маъқул. У энди катта қиз. Уйнинг, ҳеч кими йўқ уйнинг у энди каттаси. Бундан буёқ унинг уйида ундан катта одам йўқ. Кечагина ўйиндан, отлар, коптоқдан хаёли бўшамаган қиз, қайси институтга киришини ҳам ўйин билан бўлиб аниқлай

олмаган ўқувчи, бугун бирдан кап-катта одам бўлиб қолган, бир кунда хаёлидан, дилидан қиз болада бўладиган орзу-умидлар кўтарилиб, улар ўрнини отаси, опаси ва бедарак кетган аксининг ғами қоплаб олган эди.

— Қолақол бизникида? — илтимос қилди Света.

Шундай деди-ю, бирдан кутилмаган фикр миясига келди:

— Тўхта! Мен чиқаман сизларникига! Айвонда бирга ёта-миз. Майлими?

Зухра ўртоғидан миннатдор бўлиб, уни қучоқлади.

— Мен ҳозир. Айтиб чиқаман.

Света рухсат олгани ичкарига югуриб кетди. Кўп ўтмай ўзининг чойшаб, ёстиғини кўтариб чиқди.

— Овора бўлмайсан.

Икки ўртоқ ўша кунни тонгга яқингина ухлашди.

Света халқ хўжалиги институтига ҳужжатларини топширмақчи бўлиб турганини айтиб берди. Йўғонтепадан фақат угина институтга кираётган экан. Зухрани тортиб кўрди. Бошқа фанларга қараганда математикадан ҳарҳолда тузук баҳолар олиб ўқиганини эслатди. Зухра умуман ўқиш-ўқимасликни ҳали ҳал қилмаганини, отаси тириклигида Фотиманинг ўлиmidан кейин бу йил қишлоқда қолишини сўраганини айтди. Ҳозир у нима қилишини билмасди. Отаси йўқ, Тошкентга бориб, ўқишга мабодо киролмаса, аҳволи нима кечади? Кирса, уйни нима қилади? Сигир-бузоқни Светанинг отаси билан келишди. Катта уйда бир ўзи қандай яшайди? Кейин нима иш қилади? Далада ишлайдими? Наҳотки ўн йил далада ишлаш учун ўқиган бўлса? Ундай деса, ҳозир ҳаммаёқда турли артеллар ташкил этиляпти. Балки шулардан биттасига кирадимми?

Света унинг кўп гапларига қўшилмади. Нима бўлса ҳам Тошкентга боришни, ўша ерда яна бир ўйлаб кўришни маслаҳат берди. Тошкентда холаси яшайди. Уни Зухра ҳам танийди. Катта ҳовлиси, тўрт-беш хонадан иборат уйи бор. Агар Света институтга киролмаса, шу холасиникида яшайди. Зухра ҳам у билан бирга туриши мумкин. Зухра ўқишга кириш ҳақида ҳеч нарса демади. Лекин Тошкентга тушиб чиқишга рози эканлигини билдирди. Света бироз кўнгли ёришиб, ухлаб қолди. Зухранинг ҳам кўп ўтмай кўзи илинди. У албатта Тошкентга тушиши керак эди. Зокирларни топиш керак. Унинг учун энг муҳим вазифа ҳозир шу эди. У Исмоиловнинг гапларини эслади. Яхши одам бўлса керак. Алиев ҳам яхши одам бўлинадди. Лекин уларнинг қўллари калтага ўхшайди. Шунча воқеалар бўлиб ўтди, шунча одам ўлди, йўқолди. Улар эса ҳамон майда-чуйда нарсалар билан овора бўлиб юришибди. Зухранинг назарида акасини топиш, унинг тирикми, ўликлигини аниқлаш узоғи билан бир кунлик иш эди. Нима бўлибди, битта вертолётда айланиб чиқилса?! Ҳамма постларни суриштириш, айланиб чиқиш ҳам милицияга унча қийин бўлмаслиги керак. Кейин, нима учун гумонларини текшириша олишмайди? Раис ҳақида анча гапларни эшитишди, ўзлари ҳам билишади. Лекин ундан ҳеч нарса сўрашгани йўқ. Қўрқишармикан? Ё андиша қилишармикан? Жиноятга алоқадор ишларда

қандай андиша бўлиши мумкин? У агар Алиев ёки Исмоиловларнинг ўрнида бўлганда, раисни олиб бориб, олиб келарди. Обрўли раис бўлса ўзига! Халқнинг меҳнати билан у шу обрўга эришди. Акасини сўрарди ундан. Кейин адасининг қотилларини топиб беришни талаб қиларди. Шу колхоз ерида яшайдими улар, раис олдида, колхоз идораси олдида жавобгар. Унинг кўз олдига эркакча кийиниб, сочларини танғиб, онасининг қотилларидан қасос олган корейс қизи келди. Жуссаси Зухрадан катта эмас. Ихчам, қайтанга, Зухрадан ҳам нимжон. Албатта кинода ҳар нарса қилиш мумкин. Тўртта экан-у, ўнта қароқчи билан ҳам олишиб, ғолиб чиқиш мумкин. Ҳаётда қийин. Мана, Зухра, биров билан олишиб уёқда турсин, ёлғиз ётгани қўрқяпти. Тағин ўз уйида. Йўқ, у қизга ўшаб Фотима, адаси учун қасос олиши қийин. Алиевдан илтимос қилади, уларни топтиради! Алиев ёрдам бермаса, қўлидан келмаса, ҳукуматгача боради. Нима учун энди битта уйдан иккита бегуноҳ одам ўлиб кетавериши керак экан? Бунақада қандай яшаб бўлади? Боради, ҳукуматнинг катталаригача боради. Ҳозир эса Света билан шаҳарга тушганда, Алиевни топади. Исмоилов унинг қаердалигини айтиб беради. Ўзи айтди-ку, «Алиев келиб сиз билан учрашмоқчи», деб. Қизиқ, акасига нима бўлди экан? Наҳотки, Алиқул аканинг гаплари тўғри бўлса? Боғни қандай текшириш мумкин? Буни фақат милиция қилиши мумкин. Лекин, милиция қўлида ҳеч нарса йўқ. Алиқул ака қўрқяпти. Зухра ўзи бекитиқча кирсинмикан боққа? Битта ўзи нима қила оларди? Одамбой билан гаплашсинми? Алиқул аканинг гумонлари тўғри бўлса, Одамбой унга икки дунёда ҳам ҳеч нарса айтмайди. Нима қилиш керак? Нима қилса, Фотимаю адасининг руҳларини шод этади, ўзи ҳам тинч бўлади? Эрталаб Света уйдан нонушта олиб келгани кетди. Зухра чой қўйди.

— Кечаси Алиқул отбоқарни машина босиб кетибди, — Светанинг уйдан нонушта билан кўтариб келган гапи шу бўлди.

XI

Абдулла ака билан Фотиманинг йигирмалари ўтказилган куни Йўғонтепадан чиққан иккита рефрежератор автоинспекция пости олдида тўхтатилди. Машиналарни «Шифокор» базасидан кузатиб келаётган милиция ходимлари, уларда турли доривор ўтлар орасида кўкнори борлигини билишарди. Аммо қанчалиги ва қаерга олиб кетилаётгани номаълум бўлганидан, йўлда қўлга олишни лозим топишди. Иккала машинага кўкнори пожи билан ортилган, устидан брезент билан тортилиб, қоғоз яшиқлар, қопларга солинган ўтлар билан бостирилган эди.

Экспедитор йигит юкларнинг ҳаммаси Тошкент фармзаводига олиб кетилаётганини айтди ва тегишли ҳужжатни кўрсатди. Аммо заводда ҳеч ким бу юкларни талаб қилмаган эди.

Собиржон Сиддиқов Алиевнинг тахминлари тўғри чиққанини, фақат муддатда бироз адашганини ўз рапортида кўрсатди. Аммо генерал Жалолов бунга эътибор бермади. Сиддиқов

иштирокида ўша куниеқ колхоз раиси Тешабой Султоновни қабул қилди.

Султонов юклардан мутлақо хабарсиз эканини, аммо кўкнори топилганидан ниҳоятда хурсандлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди. Гап орасида Сиддиқовни мақтаб қўйди:

— Мана, Собиржон келишлари билан аҳвол ўзгарди-қўйди. Яқин орада ҳаммаёқ тартибга тушиб қолади.

— Отбоқарингизни уриб кетган машина топилдими? — гапириб буриб сўради Сиддиқов.

— Йўқ, топилмади. Турсунов, Азимжон бу иш билан қаттиқ шуғулланыпти. Лекин мен сизларга айтсам, отбоқар йигит, раҳматли ғирт маст экан. Узини йўқотиб қўйиш даражасида маст бўлиб юришини илгари пайқамасдим. Биласизми, от жонивор ароқ ҳидига ҳеч чидай олмайди. Маст одам олдига келса депсиниб, ер тепади, нари кетишга интилади. Шунинг учун уни бошқа ишга қўймоқчи бўлиб юрган эдим.

— Ундай бўлса, айб ўзида экан. Юкларни акт қилиб, тезроқ бериб юбориш керак. Ҳар ҳолда бизнинг ишимиз, деб колхоз зарар кўрмаслиги керак.

Сиддиқов озгина сабр қилиш керак, гап фақат экспедиторда эмас, колхоз базасининг ходимлари, шофёрлар ҳам жиддий текширилиши керак, демоқчи эди, айтолмади.

— Раҳмат. Базадагилар билан ўзим гаплашиб оламан. — Унинг ўрнига гапирди Султонов. Унинг бу гапи текширишларга ҳожат йўқ, дегани эди. Уша куни яна иккита юк машинаси тутилди. Ургатилган искович итлар уларда янчилган кўкнори борлигини аниқлади. Аммо Жалоловнинг буйруғи билан бир ярим тонна кўкнори «Шифокор» колхозига акт қилиб берилди.

Алиев булардан беҳабар эди. Ишдан бўшаганидан бери, Сиддиқов унга бир марта ҳам телефон қилмади. Бир марта у бозорга кетганида, вазир ёрдамчисининг телефон қилганини Санобар айтди. «Нима деб қўйяй?» деган саволига ёрдамчи ўзим телефон қиламан, дебди. Лекин телефон қилгани йўқ. Алиев ҳам биринчи бўлиб телефон қилмади. Бўлаётган ишлардан капитан Раҳмонов, Исмоилов, Маҳкамовлар уни хабардор қилиб туришарди, уйга келишарди. Алиев уларнинг келишидан хурсанд эди. Лекин ишларидан норизо эканликларини кўриб, уларга ачинарди. Янги бошлиқ билан ишлай олмаслигини биринчи бўлиб Раҳмонов айтди. Бундай дейишга унинг асослари кўп эди. Сиддиқов расмий равишда ишга келган кунининг эртасигаёқ, унинг Йўғонтепага алоқадор ҳамма ишларини тўхтатди. Заводларга қатнашини бекор қилди.

— «Тумор» деган корхона ташкил бўлибди. Италия билан бирга. Шунга таклиф қилишяпти. Аввал бир ярим ой Миланда ўқиб келарканман, — деди у бир куни келганида.

— Нима иш қилар экан бу корхона? — қизиқиб сўради Алиев. Чунки уни ҳам бир-икки жойга таклиф қилишаётган эди.

— Уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарар эмиш. Эллик фоизи республикада қолар экан, эллиги чет элларга валютага сотилар экан. Ҳом ашё биздан. Мармар чиқиндиси, қум, соғ туп-

роқ... яна оёқ остида эътиборсиз ётган алланималар. Хуллас, йўқдан бор қиладиган қорхона бўлар экан.

— Нима қиласан?

— Бораман. Ишлаб кўрай, — қатъий равишда гапирди Раҳмонов. — Унгача сени қайтаришар жойингга. Балки вазир ўринбосари ҳам қилишлари мумкин. Бу аҳвол узоқ давом этмаслигига кўзим етиб турибди. Лекин ҳозир у ерда ишлолмайман. Кейин биласанми, кўрқяпман.

— Кўрқяпман? — ҳайрон бўлиб сўради Алиев.

— Ҳа. Тўхмат билан бирон нарсани бошимга ташлаб юборишлари мумкин.

— Бу гапингга мен ҳам қўшиламан, — рози бўлди Алиев. Жалолов, Султоновга ўхшаганлар билган, истаган ишини қилиши мумкинлигини у тушунган эди. — Унда тезроқ кет.

— Аризам ёнимда.

Орадан икки кун ўтмай, Раҳмонов истейфога чиқди. Учинчи куниёқ, ўртоғиникига келиб, «Тумор»га ишга кирганини, бир ҳафтадан сўнг Италияга кетаётганини гапириб берди.

— Мен нима қилай? — сўради ундан Алиев.

— Менинг йўлимдан юр. Таклифлар бор, деяпсан-ку.

— Таклифлар бор. Лекин анави бечора Фотима-Зухралар кўз олдидан кетмаяпти. Бошлиғингга билдирмай бу ишни охирига етказмасам, тинчимайман. Узимни гуноҳкор ҳис қиламан.

— Йигитлардан илтимос қилдим. Йўғонтепа иши бирёқлик бўлмагунча жойларида бўлишади, кетишни ўйлашмайди.

— Мана бу гапинг яхши. Раҳмат. Маҳкамов ҳам айтди.

* * *

Санобар эрининг ишдан бўшаганини эшитиб, аввал ишонмади. Кейин боши осмонга етиб севинди. Равшан эса ажабланганини яширмади.

— Дада, бу ожизлик эмасми? — деди у.

— Билмадим, — самимий жавоб берди Алиев. — Балки, қолиб курашиш керакмиди? Гапинг тўғридир. Лекин бу ожизлик эмас. Мен ишни ташламайман. Охирига етказаман.

Санобар эрининг режаларини биллиб қолиб, хавотирга тушди. Уни бу йўлдан қайтаришга уриниб кўрди. Аммо Алиев Фотима билан нима бўлганини, Абдуллажон Салимов, сержант Исмаатовларнинг ўлимларини айтиб берганидан кейин, у қаршилик қилмади.

— Фақат энди жудаям эҳтиёт бўлишингиз керак, — илтимос қилди у. — Сизга тўхмат қилишлари, хуруж қилишлари мумкин. Болалар ҳам эҳтиёт бўлишлари керак. Энди уларни ҳеч ким кўриқламайди.

— Райҳонга мен жавобгарман, — ваъда берди Равшан.

Абдулла Салимов ва Фотималарнинг йигирмасига у ўз «Жигули»сида борди. Ҳамон уни кузатаётганликларини билганидан, у секин юрди. Шу туфайли одамлар сийраклашиб қолганда кириб борди. Исмоилов кўча оғзида уни кутиб олди. Эшик

олдида Абдуллажоннинг амакиси, куёвлари билан туришарди. Зухра кўринмади.

— Қаердалигини биламан, — деди Исмоилов улар кўчага чиқишганда.

— Қабристонда, — тахминини айтди Алиев.

— Борасизми?

— У билан учрашишим керак. Фотиманинг хатини қайтардингми?

— Эртасигаёқ берганман, — Исмоилов собиқ бошлиғининг нима учун хатни эслаб қолганини англамади.

Алиевнинг ўзи тушунтирди.

— У акасининг овозини таниганини ёзади. Шундайми?

— Ҳа.

— Акасини йўқ қилганлар, Фотимани зўрлаганлар, Абдулла акани ўлдирганларнинг ўзи бўлса-чи? Сен шуни ҳеч ўйлаб кўрдингми? Акаси Фотималигини билмаган, дейлик... Лекин Фотимани Ҳамидулланинг синглиси эканлигини улар билган, фақат биздан кўрққан, барибир бир кун бизни сотади, деб ўйлашлари мумкин эмасми?

— Мумкин, — кўшилди унинг фикрига Исмоилов. — Аммо исбот учун зарур бўлган машина Янтоқда ёниб кул бўлди. Қоннинг эгаси топилсагина биз Сотиболдиевларни олишимиз мумкин. Ана ўшанда акаси ҳақида гап бўлишини умид қиламиз. Сиз уни ўлдиришган, деб ўйлайсизми?

— Ҳа. У уларнинг ичида бўлган, раиснинг ҳам баъзи ишларидан хабардор, кўкнори бу ердан кимларга кетган — билган бўлиши керак. Кейин яна ким билсин, Шоҳида билан нима бўлганини ҳам у билгандир. Синглисининг ўлими уни ағдар-тўнтар қилиб юборган. Бунинг устига хат. У хатни ўқиган. Зухра шундай деяпти-ку? Шуларнинг ҳаммаси унинг адасини кутмасдан уйдан чиқиб кетишига, кимнингдир олдига бориб, ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлишига мажбур қилмаганмикан? Шунинг учун уни ўлдириб, худди адасидек бирон жойга олиб бориб ташлашган. Менимча, шундай. Мен ўзимни кечирмайман. Уни кўрдим ўша куни. Нега кетидан бормадим? Борганимда, омон қолармиди?!

— Улганига мен ҳам кўпроқ ишонаман, — кўшилди Исмоилов. — Лекин хаёлимда бир фикр юрибди. Фотима номусига чидолмай ўзини осди. Ҳамидулла ҳам синглисига ўхшаши мумкин эмасми? Ҳарҳолда, қон бир. Масалан, тоққа чиқиб, бирон қоя устидан ўзини ташлаб юбормаганмикан? Агар шундай қилган бўлса, ётгандир ўлиги бирон қоянинг тагида. Биз у томонларни қидирганимиз йўқ. Вертолёт бир айланиб чиқди, холос.

— Билмадим, — Алиев елкаларини қисди. — Хўп. Мен кетдим. Зухра билан ўзим учрашаман. Гапим битта. У бизга ишониши керак. Мен ундан хавотирдаман. Олов қиз. Алам устида у ҳам ўзича бир нарса қилиб қўймасин.

Улар Алиевнинг машинаси олдида хайрлашдилар.

Исмоилов Турсунов билан учрашиши, унга билдирмасдан,

Аликул отбоқарнинг ўлими билан шуғулланиши керак эди. Алиев билан унинг фикрича, бу ўлим ҳам тасодифий эмас эди.

Алиев Зухрани худди тахмин қилганидек, отаси ва Фотиманинг қабрлари олдида кўрди. У қалин ўт устида эркаклардек чордона қуриб ўтирарди.

Зухра унинг келганини сезмади.

— Яхшимисиз, Зухра?

Алиев қизни чўчитиб юбормаслик учун паст овозда сўрашди. Шундай бўлса ҳам Зухра бир сесканиб тушди.

Зухра ўрнидан турди.

— Ўзоқ қолиб кетдингиз, — деди Алиев. — Шунинг учун келдим. Бундай ёлғиз юрманг.

— Шунча ўлим етмасмикан? — киноя билан жавоб қилди Зухра.

— Барибир сизни ўз қизимдек кўраман, Зухра.

— Сизга ҳам ишониш қийин.

— Нега? — ҳайрон бўлди Алиев.

— Мени қизингиздай кўрсангиз, нега ишдан бўшаб кетдингиз?

Зухра қабристон дарвозаси томон йўл олди. Алиев унинг ёнига ўтди.

— Сиздан яширадиган жойи йўқ. Ҳа, мен бўшадим. Лекин бу бошланган ишни ташлаб кетиш деган гап эмас. Менинг энди чекланадиган жойим йўқ. Ўзим хон, ўзим бекман. Билганимча қотилларни топишга интиланман. Охирига етмагунимча қўймайман. Менга, синглим, ишонинг. Адлия ходими учун беғуноҳ одамнинг ўлиmidан кучли жазо йўқ. Мен шундай жазо олишни истамайман. Фақат, кучли рақибларга дуч келдик. Айрим одамлар уларни суяяпти. Аммо, барибир ҳақиқат рўёбга чиқади. Дунёда яхши одамлар кўп. Милицияда ҳам.

Зухра жавоб бермади. Алиевнинг юз-кўзидан яхши одамлиги билиниб турибди. Лекин, у фақат милицияга ишониб ўтирмайди. Ўзи ҳам бир нарса қилиши керак. Энди у бевақт, фожиали ҳалок бўлган отаси учун ҳам қиз, ҳам ўғил. Фотима учун ҳам сингил, ҳам ука. Алиев, Исмоилов, умуман, милиция, прокуратура ўз йўлига. Зухра ўзи ҳам бир нарса қилиши керак. Бўлмаса, ёлғиз қолди-эзилаверади, кўз олдидан Фотиманинг маъюс қиёфаси кетмайди, адасининг молхонада осилиб турган Фотимани кўриб, ўкирганини унутолмайди. Наҳотки қотиллар, ўша зўравонлик қилганларнинг отоналари йўқ, опа-сингиллари йўқ? Наҳотки, одамлар шунчалик ўзларининг одамлик башараларини йўқотганлар? Уларнинг яшаши, минглаб, миллионлаб адаси, Фотимага ўхшаганлар орасида юриши, улар билан гаплашиши, овқатланиши, тўй-ҳашамларда бир лагандан ош ейишлари қайси мантиққа тўғри келади?

Алиев ўз машинасида уни уйга олиб келиб қўйди. Хайрлашаётиб, уй адреси, телефони ёзилган таклифномасини берди. Зухра уни оларкан, акасининг ўрнидан топиб олган клуб таклифномасини эслади, уйдан олиб чиқиб кўрсатди.

Алиев капитан Раҳмоновнинг шу клуб ҳақидаги гапларини хотирлади.

— Ҳозир бундай клублар кўп очилапти. Мен суриштираман. Зухра, Тошкентга тушганингизда бизникига кириб. Олдин телефон қилинг. Уйдагиларга сизни айтиб қўйганман.

Алиев машинаси томон кетаётиб, яна тўхтади.

— Албатта ўқишингиз керак. Ҳужжатларни топширадиган вақт бўлиб қолди. Адангиз ҳаёт бўлганларидан, мен ҳеч қандай маслаҳат бермасдим. Энди эса менинг гапимга қулоқ солинг.

Зухра миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

Уйга кирганда, амакиси уни олдига чақирди.

— Зухра, болам, йигирмани ҳам ўтказдик. Қишлоғингга раҳмат. Ҳамма харажатни ўзи кўтарди. Кексалар охиригача туриб беришди. Энди менга рухсат. Опоқойингни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Кетаман. Кетиш олдидан сенга айтадиган икки оғиз гапим бор.

Ҳожимурод ака бошини ҳам қилиб бирпас ўйлашиб ўтирди-да, кейин Зухрага қаради.

— Қабристонда узоқ қолиб кетдинг. Ниятинг кўзларингдан билиниб турибди. Адангдан, Фотиладан бизни жудо қилганлардан ўч олмоқчисан. Формали, беформа мелисалар ҳам уйингга тез-тез келадиган бўлиб қолибди. Кекса қариндошларингни хафа қилма. Бўлар иш бўлди. Энди ўзингни ўйла. Улар ёмон йўлга кирган одамлар. Қўлидан ҳар бало келади. Сендан ҳам ажралиб қолишимиз мумкин. Мелисаям уйингга келмасин, сен ўзинг ҳам тек ўтир. Мактабни битирдинг. Тошкентга тушиб ўқимоқчи бўлсанг, ана, ўқи. Аммо ҳеч кимни қидирма, ҳеч кимга ўчакишма. Мени кечир. Яқин қариндошларингдан амманг билан мен қолдим. Мен ҳам ёнингда яшолмайман. Шунинг учун ёрдам беролмайман сенга, ёнингда туролмайман. Неча куним қолди, худо билади. Иннакейин, ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора. Куёвларим машиналарида олиб келмаганда, ўзим келолмасдим. Уқдингми, болам, гапларимни? Сен омон бўлишинг керак, туп қўйиб палак ёзишинг, Абдуллажон жиянимдан бир зурриёт қолиши керак. Оғиз очмай қўя қол. Менинг гапимга қулоқ тутсанг, гўримда тинч ётаман.

— Амакижон! Нега унақа ёмон ният қиласиз?

— Гапнинг рости ҳам шу. Сезиб турибман, бу охириги келишим. Худога илтижо қиламан, сенлар мендак узоқроқ умр кўринглар. Эварали, чеварали бўлларинг. Ҳа, айтгандек, уйда ёлғиз яшашдан кўрқсанг аммангникида тур. У билан гаплашганман, рози. Лекин ҳовлини сота кўрма. Ўзингга керак бўлади. Қани, омин!

Ҳожимурод ака фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Зухрани бағрига босиб, пешонасидан ўпди. Унинг бағридан келган ўткир, аммо ёқимли, нимаси биландир адасининг ҳидини эслатадиган бўй Зухрани ҳаяжонга солиб, ўзи сезмаган ҳолда тўлқинланиб кетди, кўзлари намланди.

Ҳожимурод ака эшик томон йўл олди. Куёвлари, қизлари ҳам Зухра билан хайрлашиб, машиналарига ўтиришди.

Зухра анча вақт ўйланиб кўчада туриб қолди. Шу алпозда қанча турди, билмайди, бирдан кўзлари чарақлаб кетди. Уйдан юз қадамча наридаги муолишда у ўзининг синфдош ўртоқларини кўрди.

Зухра югуриб улар олдига боргиси, ҳар бирини қучоқлаб ўпгиси келди. Улар уни кўргани келишар эди.

Улар келишиб, ўғил болалар қўл бериб, қизлар қучоқлаб кўришишаётганда, Зухра ўзини ушлаб туролмади, қизлардан кимнингдир елкасига пешонасини қўйиб, йиғлаб юборди. Бу йиғи ҳам алами, дарди, ҳам уни, Фотимани унутмаган, ҳурмат қилиб келган синфдошларига раҳмати эди.

— Қабристондан келяпмиз, — деди ҳамманинг номидан Рамз. — Фотима билан адангизнинг қабрига ҳам гул қўйдик. Ўқитувчилар ҳозир ўша ерда.

— Раҳмат. Қани, ичкарига киринглар, бу ерда турманглар.

Зухра ҳаммадан олдин айвонга кўтарилиб, жой ҳозирлай бошлади. Аммо ўртоқлари уни ҳеч нарсага уринтиришмади.

— Сен ўтир, биз ўзимиз қиламиз! — деди дугоналари ичидан энг чаққони Мунира.

— Биз, фақат сени кўргани келдик. Дастурхонга уннама, — деди Зухранинг партадош дугонаси, ёшлигида ўриқдан йиқилиб, оқсоқ бўлиб қолган Нозима.

— Йўқ-йўқ, ҳамма нарса тайёр. Бир пиёладан чой ичирмасдан кетказмайман сизларни!

Зухра шундай деб, ўчоқ бошига юрди. Ортидан икки-уч ўртоқлари эргашди.

Учта чинни лаганда ош сузиб келди. Мунира чой дамлади.

— Олийлар.

Болалар ошга қўл узатишаётганда, кимнингдир эсига тиловат қилиш лозимлиги тушиб қолди-ю, ҳаммалари бир-бирларига қараб қолишди. Кўпчилик болалар Қуръоннинг оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган машҳур сураларини билишса-да, лекин бундай кунда тиловат қилишмаганидан тортиниб туришар эди. Шу пайт кимнингдир майин, ҳали қотмаган, аммо беихтиёр ўзига тортадиган овози эшитилди:

— Авзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Зухра уни таниди. Синфдаги энг охирги партада ўтириб, доска ёнига чиқишдан ҳар доим чўчидиган, зўр-базўр мактабни тамомлаган, аммо ҳамма яхши кўрадиган Забиҳилла эди. Бўйи пастлигидан кўпчилик уни «Забиҳ пакана» деб чақирарди. Зухра унинг шундай ширали овози борлигини, қироат билан ўқишини биринчи марта эшитиши эди. Бошқалар ҳам унга ичларидан ҳавас билан қараб қўйишди.

Ҳозиргина, алланарсаларни бир-бирларига шивирлаб, ош келиши билан шошилинч унга қўл чўзган болалар бирдан сипо тортиб қолишган эди. Қироатдан сўнг Зухра бошқатдан овқатга таклиф қилишга мажбур бўлди. Улар ошни гап-сўзсиз ея бошладилар. Зухра уларни шу тобда ҳам таниб, ҳам танитай қолди. Уйга ботиб, чайналиб ош ейишар экан, у ўртоқларининг ҳар

бирига битта-битта қараб чиқди. Биронтаси битирув имтиҳонлари пайтидаги, ҳатто битирув кечасидаги ўртоқларига ўхшамас эди ҳозир. Ҳаммалари бирдан бошларига катта ташвиш, қайғу тушган, олис, машаққатли йўл бошида турган йўловчиларга ўхшарди. Нима кутаётган экан уларни олдинда? Забиҳилла тиловат қилган пайтда, балки улар Куръоннинг сеҳрли сўзлари оҳангида ўз тақдирларини ўйлаб кетишгандир?! Ўйчан, маънос бўлиб қолишгани балки шундандир? Нима бўлмасин, биронтасининг тақдири Фотиманикига, адасиникига ўхшамаслиги керак. Бунинг учун биринчи галда, Фотимаю адасининг қотилларини топиши керак.

Унинг хаёлида ҳам, дилида ҳам энди шу фикр эди. Амакисининг маслаҳатларига у қулоқ соллолмайди. Қулоқ соладиган бўлса, яшамагани маъқул. Нега энди бир одам иккинчи одам устидан зўравонлик қилиши керак? Тўғри, беш панжа баробар эмас. Лекин биттасини тишласангиз, ҳамма бармоқларингиз оғриydi. Одамлар тенг яратилган. Тенг бахт топишга ҳаққи бор, ахир.

Адаси ҳам ўлгач, шу ва шунга ўхшаш фикрлар Зухранинг бошида кўпроқ ўралашадиган бўлиб қолди. Камбағал-ожизларни ҳимоя қилган паҳлавонлар эсига туша бошлади. «Минг бир кеча», «Рустами дoston», «Алпомиш» қаҳрамонлари хаёлига суқилиб келарди. Демак, ҳозир ҳам шундай паҳлавонлар, ўзини бошқалар ҳаётининг ҳимоясига бағишлайдиганлар бўлиши керак. Балки бордир, шундайлар? Уларни фақат Зухра билмас? Аммо уларнинг қишлоқларида бундай одамлар йўқ ҳисоби. Бўлишганида, Фотимани ҳалок қилганлар, отасини азоблаб ўлдирганлар тинч юрармиди? Зухра нима учун ўша кинода кўрган корейс қизига ўхшаши мумкин эмас? Барчинга-чи? Гап жуссада эмас, корейс қизи Зухрадан ҳам нимжон эди. Демак, гап юракда. Юрак ботир бўлса, қўл ҳам ботир бўлади.

Болалар лаганларни йиғиштиришди. Кимдир Зухрага ҳам чой узатди.

Забиҳилла яна тиловат қилди. Фотиҳадан сўнг, баъзи қизлар Зухрага ёрдамлашгани ошхонага ўтишди. Қолганлар ўз режаю мўлжаллари ҳақида гаплаша кетишди. Кўпчилик Тошкентга тушиш, институтга кириш ниятида эди. Қишлоқда қоладиган фақат икки киши бўлиб чиқди. Биттаси Забиҳилла, иккинчиси Фотиманинг орқасидаги партада ўтирадиган, тўладан келган қиз, Маъфират. Забиҳилла оиланинг каттаси эди. Кетиб қолса, уйдагилар қийналиб қолишади. Маъфиратни эса узатишаётган экан. Афтидан, у хафа эмас эди. Уқимоқчи бўлганларнинг бирдан кайфиятлари бузилиб кетди. Маҳфузанинг адаси Тошкентдан топиб келган хунук хабар бунга сабаб бўлди. ТошМИга киришга ёрдам бермоқчи бўлган таниши йигирма минг сўраганмиш.

— Вой-бу! Куппа-кундузи шилиш-ку бу! — деди йигитлардан бири.

— Ундан ҳам баттар! — деди бошқаси. — Қани, айтинглар, шу йигирма минг сўраган одам бизнинг кўзимизга қандай қараб ўқитади?

— Қарамай ўқитади-да! — киноя қилди қизлардан бири.

— Халқ хўжалиги институтида ҳам ўн мингдан кам эмасмиш кириш. — Света шундай дея, уялиб бошини эгди. Отаси келишиб келганини у Зухрага айтган эди.

— Бунақа қилиб ўқигандан ўқимаган маъқул.

— Мен бормайман ТошМисига, — деди бир чеккада ўтирган хунуккина Солиҳа. — ТошМИга фақат чиройли қизлар кираркан. Аёл дўхтирларга қара, ҳаммаси бир-биридан кўхлик. Мен нимамага... кираман.

— Қаердан топдинг бу гапни? — бидиллашди қизлар.

— Телевизордан. Қайси аёл дўхтир телевизорга чиқиб гапирмасин, ҳуснига одам маҳлиё бўлиб қолади.

— Телевизорга чиройлиларни топиб чиқаришади-да, вой сени қара-ю.

— Мен барибир бораман ўша ТошМисига! — деди Маҳфуза. — Ўз кучим билан кираман, кўрасанлар.

— Сен-чи, Зухра, нима қилмоқчисан? — сўради дугоналаридан бири.

Ҳамма ялт этиб унга қаради.

Зухра шу саволни кутган эди. Алиевнинг маслаҳатидан кейин у ўйлашиб қолган, албатта, бирор қарорга келиши керак эди. Ўқимаса, уйда қолса, колхозда ишлайди. У бунини истамасди. Тешабой Султонов қўл остида ишлаш унинг учун Фотима хотирасига, адаси хотирасига хиёнат қилиш билан баробар эди. Ҳали бирон нарсани тайинли билмаса ҳам, у Фотима, адаси фожиаларини негадир раисдан кўрарди. Бунга сабаб—акасининг ялтоқланиб раис билан гаплашиб турганини кўриб қолгани эди. Ушунда хаёлидан кўп нарса ўтди. Ўтди-ю, буvasи тенги одамни, кўпчилик соясига салом берадиган одамни ёмон кўриб қолди.

— Билмадим, — ростини айтди Зухра. — Аммо уйда қола олмайман. Тошкентга кетсам керак. Ўқийманми, ишлайманми, ҳозирча аниқ ўйлаганим йўқ. Сизлар бир маслаҳат берарсизлар?

Болалар бир нарса дейиша олмади. Зухра қисқа вақт ичида жуда ўзгариб кетган, улғайиб қолгандай эди. Унга қандай маслаҳат бериш лозимлигини ҳам улар билишмасди. Лекин бу уйда ёлғиз турувчилари ҳаммага тушунарли.

Зухра ниятини сал очди:

— Фотима пединститутга кирмоқчи эди. Ўрнига мен ҳаракат қилиб кўрсаммикан?

— Колхоз ҳисобидан борсанг, кирасан, — деди Рамз.

Зухранинг жаҳли чиқди.

— Қаёқдаги гапларни айтасан! — унинг гапини кесди Зухра. — Энди келиб-келиб шуларга ялинаманми! Ўзим кираман. Маҳфуз, сен ҳам ТошМИга бор. Ҳусн билан, пул билан доктор бўлганларнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Болалар унинг гапларига қўшилишди. Сўнг бироз гаплашиб ўтириб туришди. Эшикка чиқишганда, у Рамздан бир минутга қолишини илтимос қилди. Ҳамма хайрлашиб кетгач, сўради:

— Фотимани чиндан ҳам... яхши кўрармидинг?

— Ишонмайсанми? — ҳайрон бўлди Рамз. — Кейин, нега сўраясан?

— Уни азоблашган, биласан.

Рамз бошини эгди.

— Милиция ҳеч нарса қилолмаяпти. Ё қилмаяпти. Кимгадир қотиллар топилмагани маъқул. Биламан, бу ерда милиция, прокуратура ҳеч нарса қилолмайди. Терговчи бир марта ҳам келгани йўқ. Мен борсам, ўзимиз керак бўлганда чақирамиз, дейишади. Мени ёш бола қилишяпти. Шошмай туришсин, қотилларни ўзим топмасам...

— Нима? — тушунмай, анграйиб қолди Рамз. — Ўзим топмасам?

— Ҳа.

— Эсингни ебсан! Сени ҳам ўлдириб кетишади-ку. Уларни билмас экансан!

— Кимдир шуғулланиши керакми? Ё шундай қолиб кетаверсинми? Мен сендан зарур бўлиб қолса ёрдам берасанми, демоқчи эдим, холос.

— Зухра, тушун, — оғир хўрсинди Рамз. — Улар кўпчилик. Милиция эплотмаётган ишни биз қандай эплардик? Иккаламиниям бўғизлаб кетишади.

— Бўлди, тушунарли, — деди Зухра. У дилида шундай жавоб олишини билган, сўраганига пушаймон эди. — Гапимиз шу ерда қолсин. Ҳеч кимга айтиб юрма.

— Мени кечир, Зухра. Бунақа ишлар қўлимдан келмайди. Сенга... сенга ҳам маслаҳат бермайман. Ахир, сен...

— Хайр! Келганинг учун раҳмат.

Зухра ўгирилиб ҳовлига кириб кетди.

— Зухра!

Аммо Зухра тўхтамади. Рамз эшик олдида турди-турди-да, кейин уйи томон жўнаб кетди.

У Зухрага тилёғламалик қилолмади. Отаси ҳақ. Бу хонадондан энди у ўзини тортиши керак. Зухранинг ниятларига шерик бўлса, ўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўлган ўлди, бўёғи синди. Бу ёғига у узоқ яшаши, ўзига доғ туширмаслиги керак.

Шунинг учун у Зухрага берган ваъдасида ҳам турмади. Зухранинг гапларини ўша куниеқ отасига айтиб қўйди. Отаси уни маъқуллади ва ўз навбатида Абдулла муаллимнинг қизи нима ниятда юрганини Тешабой Султоновга етказди. Ўзича у савоб иш қилган эди. Йўфонтепада юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олган, Абдулла муаллимнинг иккинчи қизини ножўя ҳаракат, фалокатлардан асрамоқчи эди.

* * *

Зухра айвонга яқинлашганда, Светанинг ошхонада ивирсиб юрганини кўриб қолди. Кўпчилик ичида у ҳам чиқиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Шу ердалигини кўриб севинди ва югуриб олдига борди.

— Кетмаганинг яши бўлибди, Света!

— Елғиз қолиб, эзилмагин дедим.

Света ҳақ. Елғиз қолса, барча воқеаларни эслаб эзилавера-

ди-эзилаверади. Ҳозир эса ўртоғининг олдида анча хотиржам тортди. Чинданам, аввал милицияга бориб учрайди. Нима қилишни аниқлаб олади. Кейин уйларининг калитини Ким амакига ташлаб, биттасини ўзида қолдиради. Учинчи боғлам калит — Фотиманинг калитлари қаерда экан? Юраги бир «шиғ» этиб кетди. Отасининг қотиллари бўлса-чи? Балки кечаси бостириб келиб қолишар. «Келишса нима?» — У ўзини тинчитди. Уйда улар оладиган нима ҳам бор? Тилла бўлмаса, пул бўлмаса, нимани олишади? Зухранинг кўз олдидан кинода кўрган корейс қиз ўта бошлади. Тўрт киши кечаси бостириб киришди уйига. Қиз уларнинг келишини кутган, шунинг учун устидаги кўрпанинг остига ханжар яшириб қўйган. Панжалари унинг бандига тегиб турибди. Қароқчилар яқинлашганда, бир силтаниб ўрнидан туради-да, биттасининг қорнига ханжарни санчади. Бундай тез ҳаракатни кутмаган қароқчилар довдираб қолишади. Қиз шундан фойдаланиб, кўрпага ўраниб, ўзини оёқлари остига ташлайди ва икки қароқчи мувозанатини йўқотиб йиқилади. Қиз ўрнидан тура солиб эшикка югуради. Қароқчиларни устидан қулфлаб, уйга ўт қўйиб юборади.

Икки ўртоқ суҳбатлашиб ўтириб қолишди. Тошкентга жўнашга қарор қилишди. Бир ҳафтадан сўнг институтларда ҳужжатларни қабул қилиш бошланади, эртарақ тинчиб олиш маъқул, деди Света. Унинг халқ хўжалиги институтига кириши аниқ эди. Зухра нима қилади? Боя ўртоқлари олдида педагогика институтини гапирди. Ҳақиқатан ҳам шу институтга киргани яхшидир?

— Адам ўқитувчи эдилар. Мен ҳам ўқитувчилик қиламан. Агар кира олсам, — деди Зухра.

— Кирасан, — далда берди Света. — Яхшилаб тайёрлансанг, кирасан. Агар Фотимага ўхшаб қунт қилганингда, сен ҳам медал олардинг!

— Йўқ, — унинг фикрига қўшилмади Зухра. — Фотима ақлли эди. Бир марта ўқигани шундай миясига қўйилиб қоларди. Мен унга ўхшамайман. Озгина уйдан четроқда юриб келишим кераклиги учун ўқишга кирмоқчиман.

— Унақа дема, сен уйга боғланган одамсан. Яхшиси, ҳар ҳафтада келиб турайлик. Етоқ излаб юрма, холамларникида бирга турамыз.

— Яхши. Бораверайлик-чи олдин...

Зухра ўртоғининг қўлини маҳкам сиқди.

Света чиқиб кетгач, Зухра барибир уйда ўтира олмади. Туман прокуратурасига отланди. Акасининг иши билан шуғулланмаётган терговчини топса бас. У прокуратурага кириб борганда терговчи Нозим Фузайлов ўзида экан. Зухрани кўриб негадир энсаси қотди. Зухра унинг бу гал ҳам мужмал жавоб қилишини сизди. Қанақа лоқайд одам экан, ўтган гал сиз овора бўлманг, мен ўзим бораман, деган одам ўн бир кун ичида бир марта ҳам хабар олгани йўқ.

— Мен ўзим борардим, — деди у яна. — Чакки овора бўлибсиз.

— Ҳар куни овора бўлишга тайёрман, иш юришса бас. Бирон янгилик борми?

— Янгилик шуки... — Фузаилов ямланди.

— Гапираверинг!

— Акангизнинг ишини... мен... қайтариб бердим, — деди ниҳоят Фузаилов ва оғир юкдан қутулгандек, Зуҳрага қаради.

— Нега? — ҳайрон бўлди Зуҳра. Терговчининг айтган гапи яхшими, ёмонми, у тушунмади.

— Сизга ростини айтсам... — терговчи шундай деди-ю, яна мижғовланиб, тўхтаб қолди. Зуҳра ўзини босди. Индамай кутди. Ниҳоят, терговчи гап бошлади. — Биласизми, мен... районингизда янги одамман. Атиги уч ой бўлди шу ерга ишга чақиривганига. Ҳали ҳатто кўчиб ҳам келганим йўқ. Акангизнинг иши иккинчи мен текшираётган иш эди. Лекин... ё мен ёқмай қолдим бу ердагиларга, ё акангизнинг ишини очишни исташмаяпти. Иккита-учта ёмон хат олдим... Машинамни уриб кетишди. Бир одам телефонда ё кетасан, ё ўласан, деб дўқ урди. Нима қилганим маъқул, ҳали аниқ билмайман. Прокурор хабардор. Лекин ҳеч нарса дегани йўқ. Афтидан, менинг баъзи гапларим унга ёқмади. Акангизнинг иши унинг кўлида. Кимга беради — билмайман. Мендан хафа бўлманг. Назаримда, мен бу ерга тўғри келмадим. Ундай деса, сизнинг оилангиз ҳам бу ерда кимларгадир тўғри келмаган. Мен кетаман. Шу тўғри бўлса керак. Сиз озгина кутинг. Прокурор бугун-эрта янги терговчи белгилайди.

Зуҳра йигитнинг гапларини эшитиб, Алиевни эслади. Бу ердан у ҳақиқат топиши амри маҳол эди. Терговчи унга ишониб, бор гапни айтган бўлса ҳам, Зуҳра ундан астойдил хафа бўлди, ҳатто унинг силлиқ, тоза, оппоқ юзига, бежо ўйнаб турган кўзларига қараб, жирканиб қўйди.

— Қўрқдингизми? — дея кесатиб ўрнидан турди. Унинг қандай жавоб беришидан қатъий назар, энди у билан гаплашиш бефойда эди.

— Тўхтанг, — Фузаилов чаққонлик билан ўрнидан туриб, унинг йўлини тўсди, — менинг гапларим фақат...

— Қўрқманг, шу гап шу ерда қолади. Аммо шу юрак билан қандай терговчилик қилиб юрибсиз? Бўшатиб йўлни.

Фузаилов қизариб кетди, аммо ҳеч нарса демай, ўзини четга олди.

Зуҳра прокуратуранинг кўримсиз ҳовлисига чиқиб, бирпас туриб қолди. Ҳазаби сал босилгандек бўлди. Сўнг прокурорга кириб, ишни кимга топширишини суриштирмоқчи бўлиб, орқасига ўгирилди. Аммо шу заҳоти фикридан қайтди.

XII

Ўт ўчирувчилар ҳам, милиция ҳам кечиккан эди. Худди биров атайин қилгандек, уйнинг ҳамма хоналаридан ўт бирдан чиққан, шу заҳотиёқ ўчоқ бошидаги газ турган иккита баллон портлаб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборган эди. Кимдир,

аёл киши, хабар бергандан кейин етиб келган ўт ўчирувчилар ҳеч нарса қилишолмади. Уй тамом ёниб тушди.

Эрталаб бутун қишлоқ шу ерга йиғилди. Кечагина ўтган-кетгanning ҳавасини келтириб турган, баланд томига оқ тунука ёпилган уйдан қурум босган деворларгина қолган эди.

Зухра Светанинг ёнғин ҳақидаги гапларини хотиржамлик билан эшитди.

— Бир одам «худонинг ғазаби бу», деди. Менимча, тўғри айтди. Зокир семизнинг ўзи ҳам ёниб кетса яхши бўларди!

Зухра индамади. Фотиманинг хатини у Светага кўрсатган эди. Ушандан бери Света ғазабда, Фотимани зўрлаганларни кучи етса, бўғиб ўлдиришга тайёр эди. Ушалардан биттасининг уйи ёниб, кул бўлгани уни севинтирган, хушхабарни шошиб ўртоғига етказиш ниятида югуриб келган эди. Зухранинг бе-парволигидан ичида жиндек хафа бўлди. Севиниши керак бунга! Ҳали бу оз. Зокир, унинг шериклари бошига бундан ҳам оғир кулфатлар ёғилади ҳали. Худо етимни хафа қилганларни кечирмайди.

— Буларнинг бошлиғи Тўхта қийшиқмиди? Ўшанинг ҳам уйи ёниб кул бўлсайди.

Зухра ўртоғининг кўзларига ялт этиб қаради. Йўқ, Света ҳеч нарса сезмаган, бу гапни у астойдил уни, Фотимани яхши кўрганидан айтган эди.

Шундай бўлса ҳам у чап қўлининг куйиб, қабариб чиққан кафтини ўртоғидан яширди.

— Нега индамайсан? Бир нарса десанг-чи! — деди Света унинг елкасига туртиб.

— Ўйлаяпман.

— Нимани?

— Улар шунақа жазолангани билан Фотима ёки адам тири-либ келишармиди? Ё акам топилармиди?

— Барибир, — Светанинг жаҳли чиқди. — Улар жазосини олиши керак. Бўлмаса ёмонлар ёмонлик қилаверади, яхшилар ўлиб кетаверади. Шундай бўлишини истайсанми? Зухра, сен мени тўғри тушун. Мен қондан жудаям қўрқаман. Қасос олиш қонхўрлик эмас. Қасос олиш ҳар хил бўлади. Менинг холам қамалиб чиққан. Унга туҳмат қилишган. Тўрт йил ётиб чиқдилар. Отишни биладилар, каратэ, у-шу, яна қандайдир кураш, уруш турларини биладилар. Уни қаматганларнинг баъзиларидан ўзи ўчини олган. Қандай қилиб олган — бунга айтмайди, дадамга ҳам айтмаган. Агар шундай қилмасам, умр бўйи эзилиб ўтардим. Улар эса устимдан кулишарди, дейди. Мен холамни тушунаман. Сенга эса ҳайрон бўлиб турибман. Менга ўхшаб сен ҳам севини-шинг керак. Милиция эпполмаган ишни тақдир қияпти, Худо қияпти. Зокирнинг ўзи ҳам ёниб кетгани яхши эди. Балки, шундай бўлгандир? Нима дейсан?

Зухра елкаларини қисди. Албатта, бундай эмас эди. Зокир уйда йўқ эди. Зухра ҳамма хоналарга кириб чиқди. — Зокир йўқ.

— Майли, шу ҳам катта гап. Энди бундай уй қуриши амри-маҳол.

Света ўртоғини кучоқлаб, юзидан «чўлп» этиб ўпди-да, уйига кетди.

— Кечқурун чиқаман! — Йўлакдан унинг овози келди.

Зухра анча тинчиди. Ўзидан ҳам кўнгли тўлгандек бўлди. Биринчи иши муваффақиятли чиққан эди. Муҳими ҳеч ким, жонажон ўртоғи ҳам ундан гумонсирамади. Зухра, куйган кафтига пуфлаб, оғриқни босган бўлди ва негадир йиғлаб юборди.

Унинг бу йиғиси алам билан бирга қиз бошига тушган дастлабки ишнинг ўнгидан келганидан эди. Ҳали олдинда қанчадан-қанча шундай ишлар турибди. Иккинчи қиладиган ишини, худди унинг дилидагини ўқигандек, Света айтиб берди. Тўхта қийшиқнинг уйи ҳам ёниши керак. Бунинг учун колхоз идорасига боради. У ерда колхоз кадрлар бўлимининг мудирі Малоҳат опани топади. Бу хотиннинг билмаган одами йўқ. Адреслар ҳам унинг қўлида.

* * *

Малоҳат опа хонасида эди. Зухрани кўриб, кўз ёши қилди. Уйда ёлғиз ўтирмасликни, Тошкентга бориб ўқишга кириш кераклигини маслаҳат берди. Қандай қоғоз керак бўлса, қилиб беради. Колхоз степендиатларига ҳам қўшиб қўяди. Нима, қўшимча юз сўм олиб турса ёмонми? Яна нималарнидир гапирди, Зухра бошини эгиб қулоқ солди.

— Худо бор, болам, худо бор! Ана Худонинг ғазабига учради-ку, Зокир. Раисимиз, Тешабой ака, катта одам, тилла одам. Лекин тийин устида ўн думалоқ ошади. Йўлини топиб, шу қиморбозларнинг ҳам пулини оляпти! Мен шунга ҳеч қўшилмайман. Қиморбозларнинг ҳеч маҳал бири икки бўлмаган. Уларнинг пулида барака бўлмайди. Нега десанг, пешона тери билан, меҳнат билан топилмаган. Кап-катта одам, шуни билмайди, билсаям, ҳаром-ҳаришдан ўзини тортмайди. Колхоз учун агар зарур бўлса, ўғрини ҳам ишлатаман, дейди. Бир-икки айтдим, шуларни бўшатиб юборинг, деб. Қани қулоқ солса.

Шу ерга келганда, Зухра чидамади.

— Менга ҳам, Малоҳат опа, шулардан биттаси керак эди.

— Ким? — ҳайрон бўлди у.

— Тўхтамурод ака.

— Вой, Тўхта қийшиқми?

— Ҳа.

— Уни сен нима қиласан? — Малоҳат опанинг жаҳли чиқди. — Зокирдан ҳам баттар-ку?!

— Биламан, эшитганман, — деди Зухра кайсарлик билан. Малоҳат опа энди негадир ўрнидан туриб, столни айланиб ўтди-да, Зухранинг ёнига келиб, қулоғига шивирлади.

— У ўтакетган хотинбоз! Отделкадр бўлиб, мен ҳам ундан кўрқаман!..

Малоҳат опа семиз бўйнию лўппи юзларини силаб қўйди.

— Нима ишинг бор эди унда? Ё сирми буям? — деди жойига қайтиб.

— Нега сир бўлсин, Малоҳат опа. — Кап-катта хотин тик тургани учун Зухра ҳам ўрнидан турди. — Акам бедарак кетган куни шу Тўхтамурод ака билан кўришган экан. Сўрамоқчи эдим, зора бирон нарса билса?..

— Унда бошқа гап. Лекин эҳтиёт бўл. Елғиз борма. Ўртоқларинг билан бор.

Малоҳат опа жавонлардан биттасини очиб қоғозларни титкилай бошлади.

— Хўш, Тўхтамурод Очиллов... эллик саккизинчи йилда туғилган. Буни сенга кераги йўқ. Турар жойи... Дуркент, генерал Ғуломов кўчаси, 35-уй. Ёзиб оласанми?

Малоҳат опа адресни қайтарди, кейин папкани ёпиб, жойига қўйди.

— Мени яхши эшитдинг-а! Битта ўзинг борма. Аканг мўмин-қобил бола эди. Армиядан бузилиб келди. Наша чекаркан. Шуниси ёмон бўлди. Бечора... Омон бўлса, шу пайтгача дараги чиқарди. Мени кечиргин-у, юрагим сезиб турибди, акангни ўлдириб кетишган. Бирон жарда, тошларнинг тагида ётибди. Биз томонда бунақа жойлар кўп. Қизим, болажоним, ўзингга эҳтиёт бўл, ҳамма нарса пулга чақиладиган пайтда одамлар бузилиб кетди. Ҳозир шундай бўляпти. Билмадим, охири нимага бориб тақалар экан?

Зухра ойисининг сергап, аммо кўнглида кири йўқ ўртоғи билан хайрлашиб, бозорга борди. Район марказидан келади-ган автобуснинг сўнгги бекати шу ерда эди. У кўп кутмади. Автобус келиб, ўн минутлардан сўнг кўзғолди.

Генерал Ғуломов кўчаси универмагнинг чап биқинидан бошланар экан. Зухра шу ёққа бурилганда бир қўлида бола, бир қўлида беш-олтита гижда нон кўтарган аёл кетаётганини кўрди. Аёл шошмасдан, секин борарди. Қўлидаги бола ҳали кичкина бўлса керак, думалоқ бошини онасининг елкасига қўйиб, бош бармоғини сўрарди. Зухрага кўзи тушиб, у бошини кўтарди, қўлини оғзидан олиб жилмайди. Зухра нима учун у иштаҳа билан қўлини сўраётганини тушунди — тиши чиқаётган экан. Жилмайганида пастки қип-қизил милкини ёриб чиқаётган иккита оқшоқдек тиши кўринди. Зухра беихтиёр унга қараб бармоқларини ўйнатди. Бола қийқириб кулди. Шунда онаси тўхтаб, орқасига ўгирилди. Ёшгина жувон экан. Зухра салом берди:

— Мени кимгадир ўхшатди.

— Ҳаммага шунақа қилади, — аёл хурсанд бўлиб гапирди-ми, хафа бўлибми, Зухра англамади.

— Яхши одати бор экан, ётсирамас экан. Отинг нима сени, болакай?

— Дилмурод, дегин. — Онаси ўғлини эркалаган бўлиб, бошидан ўпди.

— Жуда яхши, ширин бола экан. — Зухра ўтиб кетмоқчи эди, негадир тўхтади. — Уттиз бешинчи уй шу ёқдами?

— Ҳа. Ким керак эди? — сўради аёл.

— Шу уйдагиларни кўрмоқчи эдим, — Зухра ноаниқ бир

гап қилди. Яна бир нарса демоқчи бўлган эди, аёл уни тушунган-дек бўлиб, баҳона қидириб ўтиришига ҳэжат қолдирмади.

— Ижроқўмданмисиз?

— Ҳа, — бошини қимирлатди Зухра.

— Юринг мен билан. Ҳов анави кўк дарвоза.

Аёл олдинда кўринган дарвозалардан биттасига ишора қилди.

Зухра у билан ёнма-ён юришга мажбур бўлди. Бола у томонга энгашиб, қўлларини ёзди.

— Жим тур! — уришди онаси. — Уят бўлади.

Бола яна талпинди.

Зухра уни қўлига олди.

— Майли. Бола-да.

«Унинг ҳам шундай ширин-ширин болалари бўлса-чи?» — яна хаёлидан ўтказди Зухра. Майли, нима бўлса бўлди. Ҳозир уйга кириб билади. Болалари бўлса, ота-онаси бўлса, бошқа чора топишга тўғри келади, бошқа режа тузади.

Кўк дарвозанинг бир табақаси очиқ эди. Жувон уни яна озгина итариб очди.

— Келинг.

Зухра ҳайрон бўлиб қолди.

— Вой! Сиз шу уйда турасизми?

— Ҳа, шу уйда тураман. Юринг, тортинманг.

Жувон уни ичкарига бошлади.

«Тавба! — ўйлади ўзича Зухра. — Хаёлим тўғри чиқди-қўйди. Нима қиламан энди, бу уйда? Кетиш керак. Тезроқ Тошкентга бориш керак. Тўхта қийшиқнинг ўзини топиш керак!»

— Сиз Тўхтамурод Очиловнинг оилалари бўласизми?

— Ҳа. У кишида нима ишингиз бор эди?

Зухра яна ўзини ноқулай сизди. Боя аёл ўзи уни «ижроқўмданмисиз!» деб қутқарган эди, шунинг учун баҳонани шу томондан қидирди.

— Фақат у кишини эмас. Ҳамма оила аъзоларини янгидан рўйхатга олиб қўйиш керак экан.

— Ундай бўлса бошқа гап. Мен жиндек хавотир олдим, — аёл боласини сўрига ўтқизиб, жилмайди. — Тўхтамурод акамнинг командировкалари жуда кўп. Ҳозир ҳам йўқлар. Қаердаликларини билмайман. Экспедиторлар колхозда, биласизми машҳур «Шифокор» колхозини? Ана шу колхозда ишлайдилар. Колхоз раиси у кишини жуда яхши кўради. Ҳамма қийин ишларни у кишига топширади. Мол қидириб кетишган.

— Қанақа мол? — қизикди Зухра.

— Ҳар гал ҳар хил. Бир қишлоқдан, колхоздан шаҳарга мол олиб кетишади. Доривор ўт, сабзавот, полиз... Бир шаҳардан қишлоққа мол олиб келишади. Ўтган баҳор машина-машина тахта олиб келишди. Бу гал билмадим, нима олиб келишаркин.

Шу пайт, бир қиз ҳовлига кириб келиб, аёлни қучоқлади.

— Опанг билан саломлашмайсанми?

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом.

— Нечанчи синфдасан?

— Иккинчига ўтдим. Ҳамма баҳоларим беш!
Қизча ойисига қараб кўйди.

— Отинг нима?

— Элэра.

— Элэра. Жуда чиройли исминг бор экан.

— Опамларники ҳам чиройли, Сайёра.

Зухрага аёл ҳам, болалари ҳам ёқди. Наҳотки шу одамлар Тўхта қийшиққа алоқадор бўлишса? Аёл уни эрим деса, болалари дада, дейишса? Наҳотки шу фариштадек одамларни алдаб, уйга келмай, бировларга зўравонлик қилиб, қон тўкиб яшашни у ярамас ҳаёт деб билса!

Зухра Тўхта қийшиқнинг хотини ҳеч нарсани билмаслигини кўриб ҳам ҳайрон бўлди, ҳам унга ачинди. Бир кун келиб биларди, ҳамма сирлар фош бўлади, эрининг қандай ваҳший одамлигини эшитади. Балки ҳозир ҳам билар? Балки Зухранинг олдида ўйин қилаётгандир? Йўқ, бунга ишониб бўлмайди. Агар эрининг қандай одамлигини билганида, ўзини бундай тутмасди. У бахтсиз аёлга ўхшамасди. Тўхта қийшиққа Зухра бир ҳисобдан қойил қолди. Шунчалик маккорлик қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Элэра, жоним, битта қалам билан, бир варақ қоғоз бер. Шошиб келаверибман.

— Дарров бер, қизим! — шоширди қизини аёл.

Зухра сумкасига битта дафтар солиб олмаганига пушаймон бўлди. Индамай кетса, Сайёра унга ишонмаслиги мумкин эди. Эрига айтса, у Зухрани қидиришга тушишдан ҳам тоймайди. Ҳозир ҳам эрига айтиши мумкин. Лекин ҳозир қоғоз эсимдан чиқибди дегани, ёзмасдан кетди, деганидан ишончлироқ эди. Шундай бўлса ҳам Зухра ёлғон гапираётганидан, ёлғон иш қилаётганидан уялиб турарди, тезроқ кетишга интиларди. Шошиб Элэра узатган қоғозни олдида, ёзабошлади:

— Очилова Сайёра, Очилов Элмурод, Очилова Элэра. Ўртоғингизни ёздим.

— Ёшимиз керак эмасми? — сўради Сайёра.

— Ҳар эҳтимолга қарши ёзиб олай.

— Ёзиб олинг. Керак бўлиб қолади. Адамиз ўттиз иккига кирдилар яқинда. Мен олтмиш тўртда туғилганман. Элэра саккизга кирапти. Паҳлавонимиз Элмурод бир ярим ёшда.

Зухра раҳмат айтди-ю, қоғозни сумкасига солиб, эшик томон юрди. Кўчага чиққанда ўзини жуда ёмон ҳис қилди. Кимга қўл кўтармоқчи эди? Шу болаларгами? Шу аёлгами? Яхшиям, келди. Ёлғон-яшиқ баҳоналар билан бўлса ҳам уйга киргани яхши бўлди. Эсиз болалар, эсиз аёл. Улар Зухрага жуда ҳам ёқиб қолишган эди. Йўқ, у бу уйга иккинчи келмайди. Бечора соддадил жувонга, унинг қувноқ болаларига буюрсин бу уй. Аммо Тўхта қийшиқ билан учрашади. Уни қидиришни Тошкентдан бошлайди. Осмонда бўлса ҳам, ернинг тагида бўлса ҳам топади, ҳаммаларини топади. «Худоё, ўзинг менга мадад бер! Бегуноҳ ўлганлар ҳаққи, ниятларимга етказ!» Зухра беихтиёр шундай деди ва ўзида қандайдир энгиллик ҳис қилди.

Эшик аввал тақиллади. Сўнг қия очилиб, эркак кишининг боши кўринди. Зухра колхоз молбоқари Толиб полвонни дарров таниди. Алиқулга ўхшаб, у ҳам Зухрани биларди. Бошқа мактаб болаларидан кўпроқ Зухра фермага борарди. Мактабнинг физкультура ўқитувчиси фермада чавандозлар тўғарагини очган эди. Уғил болалар қатори, Зухра шу тўғаракка қатнашарди.

— Келинг, Толиб ака, — деди Зухра ажабланиб. — Тинчликми?

— Э, сўрама! — Толиб полвон олазарак бўлиб атрофга қаради. — Йўлакка кириб гапирай. Кўриб қолмасин тагин биров!

У ичкарига кириб эшикни ёпди. Зухра уни айвонга бошлаётган эди, тўхтатди.

— Йўқ, шошиб турибман, жиянимникига ўтиб келяпман. Зухра, менга қулоқ сол. Тошкентдан сизларникига милиса идорасидан келиб туришибди. Шуларга айт, Толиб полвоннинг зарур гапи бор экан, де. Мана адрес. Мен энди қишлоқдан кетдим. Бола-чақамга жияним қараб туради. Жойлашиб олиб, келаман. Уларни ҳам олиб кетаман. Тешабой Султонов раис экан, энди менга тинчлик йўқ. Алиқул район катталарига шикоят қилди. Оқибати нима бўлди, биласан. Мен районга бормайман. Жим ҳам юрмайман. Айт, албатта мен билан учрашишсин. Хўпми?

У бир парча қоғозга ёзилган адресини Зухрага узатди.

— Йўқотма. Йўқотсанг, жиянимдан сўра. Фақат сенга айтади қаердалигимни.

Толиб полвон эшикни қия очиб, кўчанинг иккала томонига бир-бир қаради-да, чиқиб кетди.

«Нима бўляпти ўзи? — хаёлидан ўтказди Зухра. — Илгари ҳам шундаймиди? Одамлар шундай хавфсираб яшашармиди, ё энди шундай бўлиб қолишдимми?»

Зухра шу ўй билан айвонга кўтарилиб, ўз хонасига кирди. Бирдан ёзув столи ёнида Фотима ўтиргандек бўлиб кетди. Тисарилиб, эшикка суянди. Яна стол томонга қаради, ҳеч ким йўқ эди. Столга айвондаги устуннинг сояси тушиб турарди. У стол ёнига бориб ўтирди. Шу тоб Фотиманинг хатига кўзи тушди. «Утган кунлар»нинг ичидан четлари чиқиб турарди. Хатни ёддан билса ҳам, яна ўқий бошлади. Йўқ, ўқимади, қулоғи остида Фотиманинг ширали овози янграй бошлади:

«Зухра! Мендан бир зумгина кичкина синглим, дилкаш ўртоғим, ақллим, меҳрибоним!..»

Дераза олдида ироқи дўппи, атлас кўйлак кийган Фотима турарди. Майда ўрилган сочларининг ярмини у негадир кўкрагига ташлаб олибди. Битта ўримини эса бармоғига ўраб Зухрага кўрсатяпти.

— Сенинг ҳам сочингни шунақа ўриб қўяйми? Юр! Бу ёққа чиқ! Мен сочингни ўраман, сен бекор ўтирмай ўсма эзасан. Юра қол!

Фотима уни имлаб тисарилди. Зухра беихтиёр ўрнидан турди ва отилиб айвонга чиқди. Айвонда ҳеч ким йўқ эди. Молхона томондан товўқнинг қақағлагани эшитилди. Таниди, бу олачипор товўқ эди. Фотима уни яхши кўрарди. Тухум илтиб ютишадиган бўлса, Фотима шу товўқнинг йирик, пуштиранг тухумини танларди.

«Соғинибди, — хаёлидан ўтказди Зухра. — Мен ҳам соғиндим. Олдига бориб келаман. Бошқа қиладиган ишим ҳам йўқ кечгача».

У қабристонга етиб келганда, куёш энди дарахтлар ортига ўтган, ҳали ботишига анча бор эди.

Фотима билан отасининг қабрлари кўча деворга яқин, катта оқ тутнинг тагида эди, Зухра оёқ томонга ўтирди. Ичида салом берди, ўзи билган суралардан ўқиб тиловат қилди.

— Мана, келдим, Фотима, ада, — Зухра кафтлари билан иккала қабри силади. — Соғиниб кетдим. Нима қилмай, қарерда бўлмай, кўз олдимдасизлар. Лекин кўрмайман. Йўқ, кўраман, гаплашаман сизлар билан. Аммо яқинлашганимда, бағримга олмоқчи бўлганимда, юз-кўзларингиздан ўпмоқчи бўлганимда, йўқ бўлиб қоласизлар. Уйда бўлсам ҳовлини икки-уч айланиб чиқаман. Кўчада бўлсам, сиз юрган кўчаларни айланаман. Аммо сизни тополмайман. Адажон, Фотима! Мени кўрқади, деб ўйламанглар. Сизларсиз, бошимга тушган ёлғизликдан кўрқаман. Сизларни эса кўргим келади, юрагим тўлиб кетди, гапирадиган гапларим кўп.

Зухранингни бутун вужудини титроқ босди, ичида йиғи тўлқинланиб келиб, кўзларига ўтди. Лабларига оқиб тушган шўртанг томчиларни кафти билан артар экан, беихтиёр қулоқ солди. Қабристон жимжит эди. Фақат тепада нимадир шитирлади. Зухра бошини кўтариб қаради. Тут шохига чиройли бир мусича келиб кўнди. Тумшугини патларига бир-икки ишқалаб, ку-кулади. Кўп ўтмай унинг ёнида иккинчи мусича пайдо бўлди. У ҳам бир-икки қанотини қоқди, шохлар орасидан бошини энгаштириб Зухрага қарагандек бўлди.

— Бу ким? — сўради шеригидан.

— Танимадингми? — жавоб қилди олдин қўнган мусича. — Ёш умри хазон бўлган Фотиманингни эгизак синглиси, Зухра.

Зухра уларни эшитди ва ҳайрат ичида уларнинг гапларини кута бошлади. Қизик, нима дейишар экан яна? Нималарни билишар экан?

— Бечора анча ўзгарибди! Энди танияпман. Қандай шўх, кувноқ қиз эди!..

Иккинчи мусича бошини бир-икки силкитиб ўртоғига яқинроқ сурилди.

— Мен ҳам унга жуда ачинаман, — деди биринчи мусича. — Ёш бошига шунча ташвиш.

— Отаси, Фотиманингни дардлари етмас эканми унга?

— Ташвиш шуки, қотиллардан ўч оляпти. Биттасинингни уйига ўт қўйди. Яна кўп ишларни мўлжаллаб қўйган.

— Покиза, ҳалол одамлар бундан хурсанд бўлишади, диллари ёришади.

Иккинчи мусича энгашиб Зухрага яна бир разм солди-да, гапида давом этди.

— Унга кўп одамлар ёрдам беради. Буни у ҳали билмайди.

— Қиз бола бўлатуриб, отаси, опаси учун курашмоқчи экан, уни ёлғизлатиб қўйиш ёмон. Биз ҳам қараб турмайлик...

— Нима қилмоқчисан?

— Уни Фотима билан учраштирамоқчиман. У Фотимани кутяпти. Боя уйда Фотима уни чақирган эди.

— Фотима боя унинг хаёлида пайдо бўлди. Чақиргани йўқ. Фотима уни чақиргани ботинмаяпти.

— Нега?

— Қўрқитиб юбораман, деб ўйляпти.

— Йўқ. Зухра қўрқадиган қизлардан эмас. Фотимани, адасини кўриш учун у ҳамма нарсага тайёр. Мен биламан. Агар у қўрқадиган бўлса, бу ерга келармиди?

— Ундай бўлса эшит. Бугун Фотима ўз дугоналари билан уйига боради. Фотимага ўхшаганлар, бировларнинг айби ва зулми билан ҳаётдан кўз юмганлар, ойига бир марта мажлис қилишади. Ўз уйларида қилишади. Бугунги мажлиснинг бекаси Фотима. Зухра уни, дугоналарини ҳам ўз уйда кўриши мумкин.

— Қандай қилиб кўради?

— Жуда осон. Ҳовлининг этагида катта бир туп ёнғоқ бор. Қизлар шу ёнғоқ тагида ўтиришади. Фотима ҳозир жой ҳозирляпти. Зухра қўлида ёқиғлик шам билан шу ёнғоқ тагига келиб, уч марта Фотимани чақирса, Фотима уни эшитади ва шу заҳотиёқ иккалови бир-бирини кўради.

— Қачон?

— Ҳамма гап шунда. Қизлар қуёш нурлари ой бетига тушиб, тун ойдин бўлганда йиғилишади. Биринчи хўроз қичқиргунча базм қилишади. Зухра шу вақт ичида келса, Фотимани кўради. Фақат битта шарт бор. Зухра шу шартни бажариши керак. Фотима иложи борича ўзини осган жойни бориб кўргиси келади. Ингичка ипак арқонни қидиради. Зухра шу арқонни Фотимадан беркитиши керак. Мабодо топиб олса, бир дардига минг дард қўшилади...

— Топмайди! Беркитиб қўяман! — қичқирди Зухра.

Қушлар жавоб беришмади. Қанотларини ёзиб, бир-икки қоқишди-да, учиб кетишди. Зухра улар ортидан қараб, қайси томонга учишганини кўролмай қолди. Ҳаяжонга тушиб турганида, дарвоза томонга кимдир чопиб ўтганини пайқади. Гурсиллаб қадам ташлашидан, қўлларини бесўнақай силкиб боришидан, бу Одамбой эди.

Уйга у қандай етиб келганини билмади.

...Енгил шаббода ҳовлининг деярлик учдан бирига соя ташлаб турган ғалвирак ёнғоқнинг йирик баргларини ҳилпиратиб турарди. Зухра ердаги сояга қараб туриб, кўзлари жимирлашиб кетди. Шунда пайқади, ёнғоқнинг ости, умуман, ҳовли чиннидек топ-тоза эканлигини. Қачон супурди экан? У эслолмади. Аммо

шу заҳоти эсига мусичаларнинг гапи тушди: «Фотима жой ҳозирляпти». Наҳотки, Зухра келгунича, у супуриб-сидириб кетган бўлса? Шунақага ўхшайди. Зухра «Фотима!» — дея қичқиргиси келди-ю, аммо ўзини босди. Ҳали қушлар айтган шартларни бажариши керак. Бўлмаса Фотима келмаслиги, келса ҳам у билан кўришолмаслиги мумкин.

Ҳовли саранжом-сарихта бўлса ҳам, Зухра атрофга синчиклаб қараб чиқди. Ошхона, молхона томонларга ўтди. Беихтиёр кир арқонга кўзи тушди. Фотима ишлатган арқон бошқа бўлса ҳам уни ечиб, ошхонага ўтди-да, тандир ичига ташлаб, оғзини беркитди. Анави ингичка ипак арқон қаерда экан? Зухра қидира бошлади. Қарамаган жойи қолмади. Бу орада қоронғи туша бошлади. Зухра айвонга ўтиб, ҳовлининг, молхона, ошхоналарнинг чироқларини ёқди. Яна қидиришга тушди. Товуқхонанинг бурчагида бир нарса илондек бўлиб чўзилиб ётарди. Бу ўша арқон экан. Афтидан отаси Фотимани кўтариб, бўйнидаги сиртмоқни бўшатган маҳали уни қирқиб, алам ичида шу ёққа улоқтирган чамаси. Зухра уни олиб, ҳовлига чиқди. Юраги яна гурсиллаб ура кетди. У шундай кунлар бошига тушишини, ҳаёти алғов-тўнтар бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Демак, одам ўлмайдди, у мангу, бу дунёда йўқотганини у дунёда топади. Лекин ҳамма ҳам мангумикан? Умри бировларни эзиш, ҳақиқа хиёнат қилиш, алдаш, зўровонлик билан ўтганлар ҳам мангуми? Асли эзилганлар роҳатда, уларни эзганлар эса азобда бўлишса керак. Шунда тарозу тенг босади, шунда ҳақиқат рўёбга чиқади. Бировлар айби билан ёш жонига қасд қилган қизларнинг бугунги мажлисини Зухра шундай ҳақиқат деб тушунди.

Арқонни силкитиб, чангини қоқди. Уни ҳам тандир ичига яширмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Битта-яримта тандирни очса, кўради. Қаёққа қўйишини билмай, айвонга олиб борди. Қаёққа қўйса экан? Икки қулочлик арқон ҳозир бутун хаёлини банд қилиб олган эди. Охири жой тополмай, сумкасига солиб қўйди. Энди ўзи билан олиб юради. Ҳар кўрганида сергак тортади. Танлаган йўлидан, қиладиган ишларидан қайтмайди. Сигир маъраб, Зухра уни соғиш лозимлигини эслади. Айвон четида тўнқариғлик турган челақни олиб, молхонага югурди.

Охири келгуси сонда

Ҳамид Фулом

ДЎСТ СУҲБАТИ

Кутиш

Бир сиқим ош дамлаб жажжи декчада,
Интизор кутаман дўстни кўчада.
Келармикин, дейман, биронта ошнам
Бу шом ош-тузимни кўргали баҳам.

Келармикин, дейман, даъватсиз, хатсиз,
Мендан алоҳида кутмай илтифот.
Ҳеч қандай сабабсиз, важсиз, муҳлатсиз,
Келармикин, дейман. Шундай-ку ҳаёт.

Бултурги узумдан қип-қизил шароб
Сокин товланади биллур кўзада.
Мен эса кўчада, муштоқ дил хуноб,
Дўстга интизорман жимжит кўчада.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳиби Ҳамид Фулом фақат адиб, шоир ва драматург сифатида эмас, балки жамоат арбоби сифатида ҳам элга танилганлар. Муҳтарам ёзувчимиз бир неча йиллар мобайнида «Шарқ юлдузи» журналида Бош муҳаррир лавозимида хизмат этдилар. Жуда кўп ёш адибларга меҳрибонларча мураббийлик қилдилар. Ҳозирги кунда ҳам жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида журнал фаолиятида иштирок этяптилар. Журнал жамоатчилиги кенгаши, таҳририят номидан муҳтарам ёзувчимизни табаррук 75 ёшлари билан қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Дўст эса, келмайди. Узоқ умрнинг
Аччиқ-чучугини бирга тотган дўст,
Шон-шарафи учун бахту сурурнинг
Қанча байрамларда қадаҳ отган дўст.

Истайман, бу сокин қадр оқшоми
Шам ёниқ хонамда дўст билан ўтсин.
Вафонинг кўзи ёш муштоқ илҳоми,
Дўст суҳбати билан дилни овутсин.

Лекин, дўст келмайди. У хуш илтифот
Ва хуш такаллуфга қилмишдир одат.
Самимий эзгулик энди унга ёт,
Дўст ҳасрати унга бегона ҳолат.

Замон дабдабага ўргатмиш уни,
Эзгу қадрдонлик чиқмиш эсидан.
Уни кўкка отиб шуҳрат тўлқини,
Карнайлар ғат-ғути янграр сўзидан.

Мен эса, кутаман дўстимни ҳамон,
Бир сиқим ош дамлаб жажжи декчада.
Симёғоч бошида милтиллар ҳайрон,
Соғинган кўз каби чироқ кўчада...

Кексалик

Кексаликни асло осон билмангиз,
Унинг ташвиши кўп, ўй-хаёли кўп.
Ёшликда сиз уни орзу қилмангиз,
Ҳасрат-армони кўп, дард-малоли кўп.

Одам яшаса ҳам тўла бир аср,
Бир дунё режаси қолади чала.
Беҳуда ўтган умр этади таъсир,
Эссиз ёшлик,— дейди,— эҳ, олис шуъла!

Агар билсам эди сенинг ялт этиб,
Чақмоқ тезлигида ўчиб қолишинг,
Ҳою-ҳавасларни буткул унутиб,
Дилга кўчирардим чақноқ ёнишинг

Ва янгроқ таронанг! Ёшлик, армоним,
Бу ёлғиз тунларда энди қайдасан?
Мангу қўшиғингни — жўшқин уммоним,—
Чайқалиб, ҳайқириб, қачон айтасан?

Қани энди, менинг тенгдош дўстларим,
Камтарин кулбамга йўқлаб келсалар,

Уларнинг йўлида муштоқ кўзларим,
Эҳ, сиз азизларим, эҳ, сиз кексалар!..

ШИЖОАТ

Ҳамид ака кейинги салкам ярим аср давомида адабий-маданий ҳаётнинг қоқ ичида, марказида турди, жамики ижодкорларнинг кўз олдига фаолият кўрсатди. Узоқ йиллар Ёзувчилар уюшмасида котиб, «Шарқ юлдузи»да бош муҳаррир, Фафур Ғулом нашриётида директор бўлиб ишлади. Ҳамид ака қаерда ишлаган бўлса, ўша ерда жўшқин муҳит ярата олган. У Ёзувчилар уюшмасида котиблик қилган йиллари қардош ва жаҳон халқлари билан алоқаларимиз анча кенгайди. Турли қитъаларни кезиб, ўзбек маданияти, адабиёти ютуқларини тарғиб этди, Ўзбекистон билан жаҳон халқлари орасида дўстлик ришталарини бос-лаш йўлида катта жонбозлик кўрсатди.

У «Шарқ юлдузи»га бош муҳаррир, нашриётга директор бўлган кезлари ҳам ишни баланд даражада ташкил эта олди.

Шуниси қизиқки, бир одам суткасига бетиним ишлаганда ҳам бажариши мушкул бўлган ташкилотчилик, жамоатчилик вазифаларини адо этиш билан баробар Ҳамид ака ғоят сермахсул ижод қилди, юзлаб шеърлар, «Қитъалар уйғоқ» номли балладалар китоби, «Лола кўл», «Амазонка кўшиғи», «Ҳаёт ишқи» каби достонлар, «Машъал» дилогияси, «Феруза», «Бинафша атри», «Тошкентликлар», «Мангулик» каби романлар, «Тошболта ошиқ», «Ўфил уйлантириш», «Ажаб савдолар» каби саҳна асарлари яратди.

Замона тўлқинлари ичида туғилган бу ижод, табиийки, ўша замон руҳи билан йўғрилган. Бу ижод намуналарида давр ҳукмрон мафкура-сининг қусри — тазйиқ ва таъсирини ҳам кўрамиз. Айни пайтда, машъум тазйиқ ва таъсирлардан холи соф ҳаёт ҳақиқатини ҳам учратамиз. Ёзувчининг насрий ва драматик асарларидаги оддий одамлар образи, айниқса Тошболта ошиқ ўзининг самимияти, халқчил руҳи билан халқ кўнглидан ўрин ололди. Гоҳо биргина ўшандай ҳаётий образ ёзувчига ўнлаб ўртача асарларга кўра кўпроқ шуҳрат келтириши мумкин.

Менинг назаримда, Ҳамид аканинг қалб бисоти айниқса шеърларида, лирикасида тўлароқ очилган. «Варзоб қайнайди» шеърларидаги «Ёшлигимга ўхшайди дарё, Тойчоқ каби кишнайди дарё, Мангу бетиний» мисралари айни қирчиллама йигирма ёшли йигитнинг қалб изҳоридир.

**Кўнгил ёшлигини ҳар дам қўмсайди,
Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Такрор этмас эдим бағри тошлигинг,
Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!**

Бу — кексалик остонасига қадам қўйган шоирнинг армонлари, ўқинчларидан бир лавҳа.

**Жаҳонни кўп кездим. Молу дунёни
Ва шону шавкатни кўпроқ танладим.**

Англамадим кўдна аччиқ маънони,
Яъни, олтин эмас, тупроқ танладим.
Ҳеч ким адолатнинг шамшири билан
Чопиб ташламади узун қўлимни.
Боғландим асримнинг занжири билан,
Аламда кутаман энди ўлимни.

Бу шафқатсиз мисралар оқсоқоллик ёшидаги мард, жасур инсоннинг ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлининг мардона тафтиши!

Мана шундай мардона руҳ шоирнинг «Сезгир боқингиз...» шеърида ўзгача тарзда ифодаланган. Эмишки, шимолда шундай бир қабила бормиш, улар кексаларнинг ҳолига ҳушёр боқармиш, бирон чол овга ярамай қолса, базм қуриб, уни гулханда ёқармиш... Бу шафқатсиз ривоят орқали шоир асримизнинг даҳшатли сабоқларини ёдга туширади ва замондошларига қарата пичинг аралаш мардона туриб дейди:

**Мабодо бу одат келса биз томон,
Сиз ҳам кексаларга сезгир боқингиз.
Асрингиз ўргатди: бўлинг беомон,
Гулханда аввало мени ёқингиз!**

Шу хил шафқатсиз руҳдаги шеърлар билан баробар шоир бисотида сир-асрорларга, нафис туйғуларга, теран ва ҳазин ўй-мушоҳадаларга мўл лирик тароналар ҳам кўп. 60-йиллар бошларида битилган, машҳур санъаткор хонанда Ботир Зокиров кўшиқ қилиб айтган «Ёр, кел» шеъри содда-самимийлиги, сирли-сеҳрли, нурли ва ҳазин туйғуларга бойлиги билан ҳамон дилларга ажиб кайфият бахш этиб келади. Орадан ўттиз йил ўтиб ёзилган «Агар ухлаб қолсам...» шеъридаги сир-сеҳр киши дилида ажиб кайфият уйғотиш билан баробар уни чуқур ўйга толдиради. «Агар ухлаб қолсам шом оғушида, Мени уйғотмангиз, бермангиз озор», дея илтижо қилади шоир лирик қаҳрамони. Чунки, унингча, кексаларнинг сокин, теран тушида сизу биз билмайдиган сир-асрорлар бор.

**Ҳар бир кекса — тарих.
Кўп жанглар ўтган,
Ҳис-туйғулар кечган нафис, бежирим.
Деманг умрлари беҳуда кетган,
Улар ором олсин, лозим кечирим.**

Бундай самимий илтижоларга қулоқ тутмаслик, итоат этмаслик инсофдан эмас.

Умарали НОРМАТОВ

Нормурод Нарзуллаев

ОҚИБАТНИНГ БАҒРИ...

Юрагимга, бот қуёш!

Ёниб чиқди яна қуёш,
шафақни байроқ айлаб.
Дунё урди унга бош,
ёғдуни чироқ айлаб.

Кулиб турсанг, офтобим,
булутлар йироқ кетгай.
Бирга бўлар моҳтобим,
кўнгулдан фироқ кетгай.

Ҳаёт ширин сен билан,
сувга солиб, ғарқ этма.
Сенга дош бермас туман,
соғинчингни тарк этма.

Висолга ташна олам —
жаҳонга улаш оташ.
Олмоқ бўлсанг агар дам,
юрагимга бот, қуёш!

Асрагил!

Ҳаёт гўзал севги билан, роз билан,
Санам сулув ҳаё билан, ноз билан,
Қалбим куйлар қўшиқ билан, соз билан,
Эй муҳаббат, ишқли қалбни асрагил!

Меҳр кўрмай ерда гиёҳ кўкармас,
Муштдай юрак оғир юкни кўтармас,
Ишқ ташвиши ўзи етар, унга, бас,
Эй муҳаббат, ишқли қалбни асрагил!

Таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев — яхшилик куйчиси. Яхшиликни улуглаш, уни қадрлаш, асраб-авайлаш, унга муносиб бўлиш сингари хусусиятларга ишора ижодкор шеърларининг замирига сингиган. Шоир китобларидан бирининг «Яхшилик деб яшайман» дея номланиши ҳам бежиз эмас. Яхшиликка эшлик ҳолати самимият билан бирикиб, қадрдон кайфият ҳосил қилади. Ижодкорнинг қатор дostonлари, китоблари сизга маълум. Айниқса, шоирнинг шеърлари асосида яратилган қўшиқлар кўп. Улар атоқли ҳофизлар қаторида, ёш қўшиқчилар томонидан ҳам куйланиб келинмоқда.

Нормурод Нарзуллаев олтмиш ёшга кирди. Шоирни бу муборак ёши билан қутлаб, ҳукмингизга шеърларидан намуналар ҳавола этилмиш.

ТАҲРИРИЯТ.

Ҷийиғин дол қўйган дилбар, бизнинг ёр,
Юзида хол кулган дилбар, бизнинг ёр,
Лабидан бол томган дилбар, бизнинг ёр,
Эй муҳаббат, ишқли қалбни асрагил!

Ўт ёнса сув сўндиради, бу аён,
Жон ёнса не ўчиради, эй жонон,
Ошиққа онт ичиради аҳд-паймон,
Эй муҳаббат, ишқли қалбни асрагил!

Булбул бўлиб гул қўйида жўш, юрак,
Ишқни куйлаб мисли қўштор қўшюрак,
Нарзий, сўйла, ишқсиз дунё не керак,
Эй муҳаббат, ишқни қалбни асрагил!

Ҳеч ким устун бўлган эмас

Олам ичра бир тирик жон,
ки, устун бўлган эмас,
Дунё бири кам эрурким,
бус-бутун бўлган эмас.

Жон элим меҳри баланд,
ўт билан қалб барҳаёт,
Кулга сажда айламас, кул
чўғ, учкун бўлган эмас.

Дарёлар дарё бўлурму
оқмаса ирмоқлари,
Сен кўпикка учмайин қўй,
ул тўлқин бўлган эмас.

Доно инсон хокисору
камсуқум, камтар бўлур,
Беақл, бевурд гапида
маън-махмун бўлган эмас.

Ой кулур, офтоб ёнур,
тунлар аро сайёралар,
Ким кўрибди отганин тонг,
кунсиз тун бўлган эмас.

Бор имонли, пок, ҳалоллар,
қалблари — мулк давлати,
Дунёга ўч, молпарастдай,
кул, тутқун бўлган эмас.
Ошнолар қадрига етгин,
ёқла дўстлар бахтини,

Битта тордан чиқмас садо,
тилсиз ун бўлган эмас.
Қани Фарҳод, қани Ширин,
Тоҳиру Зуҳро қани,
Лайлисин ҳажрида ёнмай
ошиқ Мажнун бўлган эмас.

Амал ўтар, мансаб кетар,
ки, умр-да, қилмас вафо,
Барчадан қолган бино бу,
хос очун бўлган эмас.

Оқибатнинг бағри тормас,
меҳр қолур, кўнгул яшар,
Кин, адоват бошга бало,
дўст малъун бўлган эмас.

Ақл ила ечгин тугунни,
ул ҳаёт жумбоғидир,
Эртани эрта, деюрлар,
у — бугун бўлган эмас.

Яхшидан қолгай ҳамиша
яхши от, англа, Нарзий,
Бад киши бадбахт бўлур, ҳақ,
шод, мамнун бўлган эмас.

Садоқат сири

Нур улашди қуёш уззукун,
камалакни айлаб гулдаста.
Ўз-ўзидан бўлганча мамнун,
бошин қўйди уфққа аста.
Олиб кетди ўйнатиб, чўғдай
ўз кафтида алвон олмани.
Ёқут жомда тутди қизил май,
ваъда айлаб яна эртани...

Офтоб янглиғ ҳар куни бошдан
сочсак, қани, ўз меҳримизни?!
Сабоқ олиб бобо қуёшдан
асролсайдик бир-биримизни!

Шоҳбекат навбатчисининг фалсафаси

Кутамиз — кузатамиз,
кузатамиз — кутамиз!
Келишади — кетишади,
кетишади — келишади!

ИЛК КУРТАКЛАР

Сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг илк ҳикояси «Жувонбоз» бўлиб, шу дамгача бизга номи таниш-у, ўзи нотаниш эди. Адибнинг эътирофича, ҳикоя «татарларда чиқиб турган ҳикоя ва рўмонларга тақлидан» ёзилган ва 1915 йилда босилган. Қамна 70-йилларда Масковдаги марказий кутубхонадан шу ҳикоянинг фотонусхасини олиб келган эдим. Уни мутолаа қилгач, шу илк ҳикоядаёқ Абдулла Қодирийнинг носир сифатидаги услуби ва маҳоратининг дастлабки куртаклари барг ёйа бошлаганига ишонч ҳосил қилдим. Ҳикоянинг мазмуни билан танишиб, Абдулла Қодирий ҳам ижодининг бошидан то охиригача замондошлари Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Сўфизода, Чўлпон, Ҳамза, Мунаввар қорилар сингари маърифатпарварлик йўлидан борганини, халқни уйғотишга, жаҳолатга қарши ўт очишга уринганини кўрамиз.

Ушбу сўзимиз билан бирга ҳикоянинг ўзи ҳам чоп этилаётгани учун биз унинг воқеасини такрорлаб ўтирмаймиз ва назаримизда эътиборни қаратиш лозим бўлган бир-икки нуқтага тўхташ билан кифояланамиз.

Ёзувчининг ўша давр асарларига «тақлидан» ёзилган бу ҳикояси илк қарашда унчалик аҳамиятли эмасдек кўринади. Бироқ унинг ички қурилмасига чуқурроқ кириб борсақ, нафақат маърифий жиҳатдан, балки бадиий жиҳатдан ҳам қимматга эга эканини кўрамиз. Аввало, адиб ҳикояда аниқликка интилади. Маълумки, аниқлик насрнинг бош хусусиятларидан бўлиб, санъаткордан гоёт даражада диққат-эътиборни, мутоҳазакорликни, ихчамликни талаб қилади. Эҳтимол, Қодирийнинг: «Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак. Ёзувчининг ўзинга тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, ордага англашилмовчилик солмасликдadir», деган машҳур фикри ўша пайтдаёқ шаклангандир. Кейинроқ бу хусусият янада бойиб, чуқурлашиб, кенгайиб, Қодирий ижодини жаҳон миқёсига кўтарди.

Аниқликнинг дастлабки белгиси асарда замон ва маконни белгилашда кўринади. Тасвир вақтини аниқ белгилаш билан бошланади: «Ҳамал ойининг ўн бешлари бўлиб, баҳор аввали эди. Ҳаволар исиб, баҳор шамоллари дарахтларни ҳар тарафга эгмакда эди ва ҳар хил паррандалар дарахтларда бир-бирлари билан ўйнашиб, ёқимлик овозлари билан сайрашмакда эди». Бу тасвир дафъатан ўқувчи кайфиятига илқлик бағинилайди. Айни пайтда ҳикоя персонажларидан Солиҳанинг ҳолатини ҳам кўрсатади.

Яна бир аниқлик асардаги унсурларнинг ўрнли келиши ва ҳамоҳанглигида кўринади. Юқоридаги тасвирда шилташлаган унсурлар бир-бирини тўлдирди, бойтади, қувватлайди ҳамда мазмунни кучайтирди. Ўлар Солиҳанинг кайфияти билан ҳам гоёт уйғун ҳолда келади. Солиҳа офтоб тушиб турган айвонда дўппи тикар, «баъзи ашулалардан билганича хиргойи» қилиб ўтирар эди. Ҳавонинг илқлиги билан офтобруя айвон, намолнинг ҳаракати билан жувонинг дўппи тикиб ўтириши, дарахтлардаги қушларнинг сайрашлари билан аёлнинг хиргойиси... бу ҳолат ва вазиятлар бир-бирини тўлдирмаяптими?

Аниқликнинг яна бир аломати ёзувчининг миллий урф-одатларимизни ўз ўрнида, гоят ишонарли ва деталлаштириб тасвирлашида кўринади. Солиха эри ва ўглининг ташвиши билан банд бўлиб ўтирганда эшик тақиллайди. «Солиха оёқяланг югурганча йўлакка бориб, «Кимсиз?» деди». Бу тақиллатгуччи Рауфбойдан хат келтирган одам экан, хол-аҳвол сўраб, ўзини танитгач, эшик тиркишидан хатни ташлаб, жўнаб кетади. «Солиха ердан хатни олиб шошиб-пишиб очиб ўкумокка бошлади». Мана шу кичик парчада иккита гоят муҳим рухий ҳолат ва ўзбекона урф-одат ёрқин ифодаланган: эркаги йўқ уйга бегона одам кирмаслиги; бека эшикни очмай, шунда ҳам юзини рўмоли билан паналаб муомала қилиши. Рухий ҳолат жиҳатидан эса, Солиханинг аҳволи анча чуқур ифодаланган. Эрини интиқлик билан қутаётган аёл эшик тақиллаганда эримман, деб гумон қилиб, «оёқяланг» (!) югуради, аммо ҳаёли мусулмон аёли сифатида ҳар эҳтимотга қарши эшикни очмай қимлигини сўрайди. Хат келганини билгач, албатта, суюнади, уни тезроқ ўқигиси келади. Иккинчи жумладаги «шошиб-пишиб» ибораси Солиханинг адиб айтмаган талай ички кенинмаларидан дарак бериб турибди.

Абдулла Қодирийнинг изланиш бекатида намён бўлган фазилатларидан яна бири — холислиқдир. Аслида, бу хусусият ҳар бир ижодкор учун гоят муҳимлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. «Жувонбоз»да адиб ҳар бир қаҳрамонига ўта холислик билан ёндашади. Уларни биз ўрганиб қолган қолипларда тасвирлаб, бўяб-бежаб ўтирмайди. Биргина Рауфбойнинг тасвирлари бунга далил бўла олади. Гарчи у ҳикоя воқеаларида бевосита қатнашмасе-да, муаллиф нутқи орқали бу персонаж киёфаси, хатти-харакати, аҳвол-руҳияси тўғрисида етарли маълумотлар оламыз.

«Рауфбойнинг ёши олтмиш тўртларда бўлиб, ёшлик вақтида замонанинг йигитларига ўхшаб несоколбозлик, киморбозлик, ...бозлик, шунга ўхшаш ичкуликларга ўрганмай, топган ақчасини туфлаб-туғиб, кўпайтириб» юрадиган одамдир. Ўғли эса унинг тамомила акси: у жувонбозлик иллатига ўралашиб, фожиага учрагандир. Балки бошқа бир адиб шундай бемаъни ўғилни тарбиялаган отани ҳам қора бўёкка қориб тасвирлаган, қилмиши учун жазолаган ёхуд тавбасига таянтирган бўлар (Бехбудийнинг «Падарқуш» драмасидаги бой, Ҳамзанинг «Янги саодат...» асаридаги Абдулкаҳҳорбой каби). Қодирий ўз Рауфбойни тирикчилик учун, оиласини бадавлат қилиш учун ҳаловатдан кечиб, узок юртларда савдо ишлари билан машғул бўлган, бири иккига уриб, пул тўплаб, ёлғиз ўғлини уйлантириш орзусида юрган одам сифатида холисона тасвирлайди.

Яна шуниси ҳам борки, нечоғлик бой бўлмасин, Рауфбой ўғлига бўлар-бўлмасга пул беравермайди. Отанинг бу хусусиятига адиб Саъдулла нуктаи назари орқали ишора қилади. У «дадасининг кўп ақча бермаслигига ақли етиб, ноумид бўлар, пул сўрасам дадам койийди», деб хавфсирар эди. У холда Саъдулла қандай қилиб несоколбозлик ботқоғига ботиб қолди?

Ёзувчи эътиборини кўпроқ Саъдулланинг таназулига қаратади. Унинг бу холга тушишига асосан муҳит айбдорлигига ишора қилади. Бебошлиқ билан қилган қилиқлари, ўйламай босган қадамлари уни тобора жарликка яқинлаштиради. Саъдулла мадрасада ёмон муҳитга тушиб қолган. Унинг бу ерда ўқиган «сабоқлари фалончининг ўғли хўб етилибдир, анавининг ўғли билан бир кечаси базм қилишнинг иложи бормикин?»лардан иборат эди», ҳоҳ.

Адиб Саъдулланинг мадрасадаги ўқуви тўғрисида аччиқ киноя билан сўзлайди: «Саъдулла тўрт йилдан буён қофия (араб тили грамматикаси) ўкумокда бўлуб, кўб-да дарсга иштақаси йўқ» эди. У кунини асосан тамошаларда, тунини эса... хоналарда ўтказар эди. Бунга кўпроқ пул керак, албатта. Рауфбой навбатдаги савдо сафарига шошилиб, банкда ҳисоб-

китоб кунлари бўлганлигидан пулни ололмай кетади. Уғли Саъдуллага ваколат коғози қолдириб, пулни олгач, тезда ўзига юборишини тайинлайди. Саъдулла банкдан 4 минг сўми хушвақтлик билан олади. Бесоқоли Раҳимжон билан сайр, томоша, маншат қилишни орзу қилиб юрган Саъдулланинг қуни туккан эди. Пулни отасига юбормай, бесоқолбозликка харжлай бошлайди, кун-тунини Раҳимжон билан шаҳардаги пивохона, рестўран, хуфяоналарда ўтказди.

Кўринадики, Абдулла Қодирий илк ижодий намунасида XX аср бошларидаги маърифатпарварлик адабиётининг олий мақсадини назардан қочирмаган. Эътибор қилсангиз, она фожиасининг туб илдиэлари жаҳолатдадир. Рауфбой ўзи ўқимаганига яраша, ўғли Саъдулланинг тарбияси билан ҳам жиддий шуғулланмаган. Саъдулла мактабда ўқишни, уйда ишни ёлчитмайди. У тўққиз ёшида мактабга кириб, йнгирма ёшида базўр саводли бўлган... Хикояда ўша давр таълими тизимидаги нооблиқларга ҳам диққат жалб этилади. Маълумки, жидд боболаримиз жамиятни ўзгартириш учун амалга оширишни шарт деб ҳисоблаган вазифалардан биринчиси ва энг муҳими — таълим соҳасида ислох ўтказиш бўлган. Маорифнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ўқимаган болаларнинг фожиаси Бехбудийнинг «Падаркуш», Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳининг киссаси», Чўлпоннинг «Доктор Муҳаммадёр», «Қурбони жаҳолат», Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», Ҳамзанинг «Янги саодат...» каби асарларида ҳам тасвирланган.

«Жувонбоз»даги Саъдулла хатти-ҳаракатларидан биламизки, жоҳиллик шуҳратпарастликни туғдиради. Илмсизлик, жоҳиллик, тарбиясизлик, нооблиғи туфайли у оилани барбод қилди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Ёзувчи жаҳолат ва бетарбияликнинг илдиэини тағин ҳам чуқурроқ очишга интилади. Қиморбоз бойваччалар тўпланган кафед Саъдулланинг ўлғудай қалтақланиши, сўнг у қотилликка қўл уриб, сургун қилиниши, ҳикоя шу хабар билан якунланиши адибнинг ғоясини бўрттириб кўрсатади. Айни чоқда, Абдулла Қодирий ўша давр ўқувчисининг савиясини ҳисобга олибми, таъминот беради. Рўй берган иллатларнинг муслмончиликка тўғри келмаслиги, бундай кўргуликлар миллатимизни хор ва азоб-уқубатга гирифтор қилаётганлигидан ачиниб, узундан-узок насихат қилади. Аслида, бу усул бадий асар учун ортикча бўлса-да, ўша давр ёзувчилари ижодидаг хос хусусият эди. Илм олишга қайишмай, жаҳолат оқибатида ўзлигидан жудо бўлаётган миллатнинг кўзини очиш учун асар сўнгида муаллиф ўз тилидан ёки қахрамони тилидан панд-насихат қилишни лозим топарди.

«Жувонбоз» хикояси Абдулла Қодирийнинг насрдаги биринчи қадами бўлганлигидан унда бирмунча етишмовчиликлар ҳам учрайди. Хусусан, воқеликни хикоя қилишда баён устун туради, айрим персонажларнинг хатти-ҳаракатлари кўрсатилмай, айтиб берилади, ҳоло. Хикояда Саъдулла асосий ўринни эгалласа-да, ҳали характер даражасига ўсиб етмаган. Ўқувчи унинг кифасини Рауфбой сингари тўлиқ тасаввур қилолмайди. Солиҳа тасвиридаги каби нуқталар орқали руҳий ҳолатига кириб боролмайди. Саъдулланинг қилмиш-қилдирмишлари, хатти-ҳаракатлари асосан ёзувчи тарафидан ахборот тарзида баён қилинади.

Бу хикоя адибнинг ижодий тажриба тўплаш йўлидаги биринчи изланиш бекати бўлганлиги билан қимматлидир. Фикримизни орадан бир йил ўтгандан кейин дунёга келган «Улоқда» (1916 йил) хикоясидаги афзалликлар исботлаб турибди. «Улоқда»да ёзувчи характер ярата олган, бадий нутқнинг янги шаклларига мурожаат қилади, персонажлар руҳиясига чуқурроқ кириб боради. «Жувонбоз» хикоясида йўл қўйилган ўткинчи қусурларни эса, кейинроқ санъаткорнинг ўзи қайд этганидек, «хар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳллариининг етишмаклари ила секин-секиқ тузалиб, та-

комилга юз тутуши табий бир хол», деб қабул қилиш тарафдоримиз. Ушбу ҳикояни ўзи нашр этиб, «Энди чин мусанниф бўлдим-ов», дея қувонган ёзувчининг фахриясига шерик бўламиз, унда бўй кўрсатган куртакларнинг гуллаб, мева тугишига ишонамиз. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг кейинги асарлари мукаммаликнинг олий намуналаридир.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
Фаргона Давлат дорулфунуни, филология
фанлари номзоди, доцент.



Абдулла Қодирий

ЖУВОНБОЗ

Ҳикоя

Ҳамал ойининг ўн бешлари бўлуб, баҳор аввали эди. Ҳаволар исиб, баҳор шамоллари дарахтларни ҳар тарафга эгмакда эди ва ҳар хил паррандалар дарахтларда бир-бирлари билан ўйнашиб, ёқимлик овозлари билан сайрашмакда эди. Қиши билан танчада ётуб зерикгон Солиҳа ҳам офтобга қарши солинган айвонга уйдан кўчиб чиқиб, ёлғиз ўзи дуффи* тикмакда, баъзи ашулалардан билганича айтмакда эди. Гоҳо-гоҳо эрини савдодан келмай кечикканига хавф қилуб, «эримга нима бўлди, савдодан ҳар йили бу вақтдан илгари келур эди ва хат ҳам ёзмади», деб қўриқиб ҳам қўяр эди. Ҳам ўғли Саъдулладан хафа бўлиб: «Саъдулла тушкур на мадрасада турмаса, на уйга келмаса, на дадасига хат ёзуб омон-эсонликни билмаса, бола бўлиб ақли кирмади. Саъдуллани қуриб кеткур Раҳим шайтон алдаб йўлдан чиқарди, унга ота ҳам керакмас, она ҳам керак эмас, уй ҳам керак эмас. Раҳимжон бесоқоли ўлгур бўлса бўлади. Раҳимжон ўлгур мунга бир бало бўлди, кеча-кундуз самоварда, улоқда, такада, билмайман яна қаёқларда? Наҳотки ўғлумни бир кун уйига юбормаса? Энди мундоқ, Раҳимжон билан юра берса, иссиқ-совуқчи домламга бориб, уч танга билан ўғлимни Раҳимжондан совутиб қўймасам бўлмайдиганга ўхшайди», деб хўрсиниб қўяр эди. Шул вақтда биров эшикни қоқди, Солиҳа оёқяланг югурганча йўлакга боруб, «Кимсиз?» деди.

Эшикдаги:

— Мен Рауфбой акамни(нг) олдидан хат келтурдим, ҳовлиси шулми? — деди.

— Ҳа, уйлари шул, ўзлари эсон-омон юрибдиларми?

— Ҳа, соғ-саломат юрибдурлар, сизга ва ўғлингизга салом деб юбордилар. Шул ҳафта ичи келиб қолсалар керак. Мана бу хатни олинг, — деб эшикни(нг) тирқишидан хатни ташлаб жўнаб кетди.

Солиҳа ердан хатни олиб шошиб-пишиб очиб ўқумоқга бошлади. Солиҳани(нг) онаси катта отинбуви бўлганлигидан қизи Солиҳани ҳам ўқитиб, отинбиби қилган эди. Солиҳа улкан жойларга бориб, дийдиё китобларидан ўқуб аъвом хотунларни йиғлатиб юргани учун шаҳарда отин номи билан исми чиққан эди. Солиҳа ярим соатгача хатни ўқуб, зўрға шул зайлдаги мазмунни топти:

«Дуойи салом, Рауфбой падарингиздан мулла Саъдулла ўғлимизга маълум бўлсунки, бул ерда, алҳамдулиллоҳ, сиҳату саломатдурмиз ва сизни ҳам анда худованди олам саломат сақласун. Яна сўз шулки, неча вақтдан буён сиза саломатлигимизни хат ёзув маълум қилолмаганимизнинг сабаби хат ёзадурган одам топилмагандур. Бу хатни ҳам нўғай мактабига боруб, бир болаға ёздурдим. Биз яна ҳафталарга, худо хоҳласа, бориб қолсамиз керак. Биздан онангиз ва бошқа сўраган қавм-қариндошларга саломимизни айтасиз. Меҳрибон отангиз Рауфбой, ...йилда, ҳамалда, ...шаҳрида».

Солиҳа суюнганидан хатни қайта-қайта ўқимақда эди. Сўнгра уй ва асбобларни йиғштириб супирмоққа ва чойнак-пиёла, самоварларни ювмакка бошлади. Чунки Рауфбой ифлос жойларни ёмон кўрар эди.

Саъдуллани(нг) бу дадасидан келган хатдан хабари ҳам йўқ, мадрасадан чиққандан буён Рауфбойни(нг) рўзғорига харажатга берган 15 сўм пулини самоварларда, гоҳо пивахоналарда Раҳимжон бесоқоли билан сарф қилуб, уйига ўн-ўн беш кунда бир келса келиб, келмаса самовар ва нумерларда Раҳимжонни(нг) айшини суриб юрар эди. Бу кунлардаги айши ва роҳатлари бутун дунёда юрганлигини эсидан чиқорғон ва ўзини бир бошқа дунёда юрган каби кўрар эди. Ҳам дадаси Рауфбойни(нг) келурини пойламақда эди, чунки 15 сўм пул 15 кунга етмаганликдан оқчасиз қолган эди. Шул сабабдан «Раҳимжон бесоқолим пул топиб бер ёки фалон жойга олиб бор, деса, қандоқ қиламан, пулимни(нг) йўқлигини билиб, мендан аразлаб қайтиб қолса, бесоқолимдан ажралиб қоламан», деган хаёл билан «дадам келса, бир ҳийла била кўпроқ пулдан олиб қолурман», деб Рауфбойни пойлар эди. Саъдуллани(нг) бахтига Ғойиббой ака ўғли Раҳимжонни мадрасадан чиқариб олғон эди. Чунки мадрасада Раҳимжон силлуқроқ бўлғони учун муллабаччалар яхши кўрушиб, бир-бирларига ғашлиқ қилуб, Ғойиббой акага «ўғлинг фалон муллабачча билан мундоғ иш қилди ва фалон...» деганлари учун Ғойиббой акани(нг) аччиғи чиқиб, «бул вақтни(нг) муллабаччалари ҳам қурсин, ...ҳам қурсин, мулла бўлиб менга нима фойда қилиб берар эди, мундоғ маломат бўлуб юргандан ўқимагани яхши», деб мадарасадан чиқариб олган эди.

Саъдулла мадрасадаги муллабаччалар ичида Раҳимжонни энг яхши кўрадурғонлардан эди. Саъдуллани(нг) ёши йигирма тўрт-

ларда бўлуб, тўққиз ёшида мактабга кириб, йигирма ёшида базур саводхон бўлган эди. Рауфбой ака «ўғлим мулла бўладурганга ўхшайдур» деган хаёл билан мадрасага берган эди. Саъдулла тўрт йилдан буён кофия¹ ўқумоқда бўлуб, кўб-да дарсга иштаҳаси бўлмади, доим умри шериклари била бесоқолбозлик илмида ўтуб, ўқуғон сабоқлари «фалонни(нг) ўғли хўб етилибдур, анавини(нг) ўғлини бир кечаси базм қилишни иложи бормикан?»лардан иборат эди. Рауфбойни(нг) кўрган ёлғиз ўғли бўлганликдан мударрис афандига «койиманг, кўнгли оғримасин» дегани учун мударрис афанди Саъдуллани(нг) баъзи беодабликларини... (ўқиб бўлмади — Й. С.) олмас эдилар.

Рауфбой ўзи айтган кунда уйига етиб келди. Хотини, ўғли Саъдулла билан кўришди. Банкдан тўлови борликдан олиб келган ақчаларидан тўлади ва ўрнига тўрт минг беш юш сўмлик вексел кўйди. Рауфбойни(нг) ёши олтмиш тўртларда бўлуб, ёшлик вақтида замонани(нг) йигитларига ўхшаб бесоқолбозлик, қиморбозлик, ...бозлик, шунга ўхшаш ичкуликларга ўрганмай, топган ақчасини туфлаб-туфлаб кўпайтириб юрар эди. Муни бахтига хотуни Солиҳа ҳам ўзига тузукроқ кишини(нг) фарзанди бўлганлигидан отаси бир минг сўмга яқин ўз меросидан келтуриб берган эди. Рауфбой уч-тўрт минг сўмлик бўлуб, Туркиситонни(нг) машхур шаҳарларида савдогарчилик қилур эди. Ҳамма шаҳарларга Рауфбой деб отни... (ибора ўчиб кетган — Й. С.) эди. Бойлигига мағрур бўлуб, ўғли Саъдуллани карнай кўюб, неча кун ош бериб тўй қилғон эди. Ва бу тўйнинг шарофатидан шаҳар бойлари, ...лари (ўқиб бўлмади — Й. С.) билан бир-икки банкдан кредит ҳам очкан эди. Учет (банкага қўйилган векселни кўриладурган кун) кунни бўлиб, банкага чиқиб қўйган векселни ўтган-ўтмаганини сўраганда, икки-уч кун қолганлиги учун иккинчи учет кунини кутиб турди. Савдогарчилик қиладурган шаҳридаги дўстидан бир хат келди, мазмуни шундан иборат эди:

«Дуойи салом. Камина Каримбой дўстингиздан ҳурматли Рауфбой дўстимизга маълум бўлсинки, сиз мунда эканлигингизда бозоримиз касод эди. Ҳозирда савдолар яхши бўлиб кетди, хусусан сизнинг баъзи матоларингизни олатурган чин (хитой) савдогарлари келдилар, келурингизга тўхтаб турибман. Агарда жанобингизга фойда керак бўлса, шул хатни олган замон кечни эрта олиб жўнанг. Икки-уч кун ҳаяллаб қолсангиз, савдогарларнинг кетуви муқаррардир. Дўстингиз Каримбой. ...нчи ҳамалда, ...шаҳрида».

Бу хатга Рауфбой ҳайрон бўлди, беш-олти кун тўхтаб банкдан пулини олиб кетай деса, кечга қоладир. Сўнгра Саъдуллага нотарисдан довериннис (ваколат) қилуб берди. Ва ҳам «пулни банкдан олгандан сўнг менга юборарсан, чунки арзон баҳога мол оламан, кўп фойда қилсам, худо хоҳласа, яна келганимда сени уйлантириб қўяман», деб таъкидлади. Яна Саъдуллани мадрасага бориб ўқувини, бекор юрмаслигини ўтуниб, савдога жўнади.

¹ Кофия — араб тили грамматикаси

Учет эртаси Саъдулла банкага чиқиб, тўрт минг сўмлик вексел ўтган экан, хушвақтлик билан олди. Ҳар вақт ўйлар эдики, «Дамдан кўпроқ оқча олиб Раҳимжон билан тамоша қилсам», деб. Лекин дадасини кўп оқча бермаслигига ақли етиб ноумид бўлар эди. Шул сабабдан «дадам койирмикан пул сўрасам», деб оқча сўрамаган эди. Мана энди қўлига мўмайгина пул тушди. Саъдуллани(нг) хурсандлигига боис бўлди. Раҳимжонни ёнига олиб, аввалги тамошаларига машғул бўлдилар. Саъдуллани(нг) шаҳари мусулмонларни(нг) катта шаҳри бўлганлигидан, мусулмонлар ғайрати билан бир минглаб пивахона, беш юзлаб ...хона, бир юзлаб наша, кўкнорихона, элликлаб хуфя қиморхона. ўттузлаб бачалик такя, яна мундин бошқа алланималар, чойхоналар, яна ҳар жума куни мусулмонлар ўзаро йиғилиб улоқ чопар эдилар. Раҳимжонни(нг) улоқ чопувга хоҳиши борлигидан Саъдуллага айтиб, уч юз сўмга от олдириб ҳар жума куни улоқ чопувга бошлади. Шаҳарда баъзи йигитларга фалон бойвачча жувониға уч юз сўмга от олиб берган эмиш деган овозалар ҳам бўлуб турганига Саъдулла чин кўнгулдан жувонбозликни ўлгунча тарк қилмасликка қарор бериб қўйган эди. Бир жума куни Раҳимжон улоқ чопгани вақтда оти бир нарсага қоқилиб йиқилиб майиб бўлгани учун Саъдулла олган пули неча ҳисса камиға сотиб, яна бир от олиб берган эди. Яна бир кун улоқ чопган вақтида оти бир нарсадан ҳуркиб олиб қочиб йиқитди, Раҳимжони(нг) қўли синди.

Саъдулла «бесоқолимни ўлдириб қўйса нима қиламан?» деб отни ярим баҳосига сотиб, бир неча кун Раҳимжонни табибга кўрсатмоққа бошлаб, қанча пули табибга кетди. Раҳимжон тузалганидан кейин улоқ чопуани ташлаб, шаҳардаги такяларда, қиморхоналарда, пивахона, нумир, рестўранларда Саъдулла иккаласи юрмоққа бошладилар. Бир неча вақтдан кейин Рауфбойдан ўғли Саъдуллага бир хат келди, шул мазмунда эди:

«Маълум бўлсинки, Саъдулла ўғлимга. Агарда банкадан пулни олган бўлсангиз, ёнингизда сақламай, тезликда фучтадан манга юборинг. Чунки мунда оқчаға ниҳоятда зарурмиз, арзон нархлик моллар бор, шул молларни олсам, кўп фойда қилсам керак. Албатта-албатта шул хатни олган замон юборинг».

Бу орада Раҳимжонни(нг) дадасини кўп қарзи бўлуб, пулдорлар қаттиқ қистаганликларидан Фойиббой ака Саъдуллага:

— Ўғлим сиз билан юриб бир тийин бўлсин фойда қилмаса, бекор сиз билан юриб нима қиладур? Энди бир бошқа кишига хизматга қўйиб юбораман, — деганида, Саъдулла:

— Менга ҳамиша бир одам керак, бўлмаса мен қарзингизни берайин, — деб етти юз сўм пул бергани учун банкадан олган оқчаси тамомланган ҳисобиға етиб қолган эди. Шул сабабдан отасига шул равишда жавоб ёзди: «Мен ҳам мунда савдогарчилик қилиб анчагина фойдалик бўлдим. Молларимни сотиб, оқча қилиб тезлик ила сизга юбораман. Мундин хотиржам бўласиз»дан иборат хат ёзди. Мундан сўнг Раҳимжон билан аввалги айш-ишратда давом этмакда эди. Баъзи вақтларда рестўрандан маст бўлушиб ярим кечада қайтишларида йўлда ямон одамлар ушлаб, уриб, сўкиб, ўттиз-қирқ сўм пулларини олур эдилар. Шу-

лай қилиб, оз вақтда банкadan олган оқчалар тамомланди. Саъдуллани(нг) кармондан бир-да хабари йўқ эди. Яна бир кун рестўранга чиқишиб, ичишиб, жўнамоқчи бўлуб, Саъдулла кармонига қараганда, пули адо бўлганлигидан рестўранчи Саъдулланинг тўн, камзулларини гаровга олиб қолганига ниҳоятда тажанг бўлуб, яна Раҳимжонни(нг) иккинчи куни ёнига келмаганига чидолмай, бир неча оғайниларидан оқча сўраганида «йўқ» жавобини эшитгач, онаси Солиҳадан беркитиб сандиқ, самовар, намад, яна бошқа нимарсаларни уйдан ўғирлаб сотмоққа бошлади. Бул оқчалар ҳам тугалгач, ноилож бўлиб, боғидаги теракни ҳеч кимга билдирмай арзонға сотгани учун пулга серобгарчилик бўлуб қолди.

Жума куни кечқурун Саъдулла, Раҳимжон янги камзул, янги тўн, янги кафш-махсиларини киймоққа бошладилар, чунки Карим паҳлавон гапига таклиф қилғон эди. Гапга бордилар, буларга меҳмонхонани(нг) тўридан жой тегди, таомлар ейилди, дастурхонлар кўтарилди, бир оз лутфбозлик ҳам бўлуб ўтди. Саъдуллага бир ҳодиса иш рўй бердики, агар мундоғ иш бўлурини илгаридан билса, ўзи ва бесоқоли Раҳимжон минг сўм фойда бўлганда ҳам бу жойга қадам босмас эдилар. Саъдулла бир неча гапхўрларни(нг):

— Саъдуллабой баччаликнинг даврини хўб сурвотти, яна мундоғ чиройлик болани ёниға солиб юрибдур, — деганларига ва бошқа гапхўрларни(нг):

— Бу боланинг кўйида қанча минг пулни барбод берди, ҳар қанча қилса, Саъдуллага ярашадур, чунки отаси кўрган, — деганларига бирда шишинмас эди.

Бу ҳодиса ҳам, ҳам Раҳимжонга гапхўрларнинг кокил солувлари, Саъдулла «бесоқолимга кокил солдурмайман» деганида калтаклаб, оёқ-қўлини боғлаб ошхонага ётқизиб қўювларидур. Гапхўрларнинг Саъдуллага бу қилган ишлари жуда қаттиқ таъсир қилмиш ва ўзини урувчиларни «Хап, сизларними?» деб яниган. Уриб-боғловчиларни(нг) бошчилари Эшназар, Боқи саркор, Кичикхўжа жўрабоши эканликларини ҳам билиб қўймиш эди. Субҳ вақтида Саъдуллани(нг) оёқ-қўлини бўшатиб Раҳимжон бесоқоли билан жўнатиб юбордилар. Кечасидаги гапхўрлардан Раҳимжон шойиста ишларини кишига айтмасликка гапхўрлардан Раҳимжон ваъда олган эди. Раҳимжонни(нг) бу аламларга чидолмай Саъдуллага қаттиқ қарши сўзлар ила:

— Агар мани хўрликка солувчиларни ўлдурмасанг, сан билан юрмайман, — деганига, Саъдулла:

— Манга ҳам жуда таъсир қилди. Сен айтмасанг ҳам буларни(нг) ишини бажараман, — деб хотиржам қилмиш эди.

Яна бир муҳимроқ иш Саъдуллага... (ўқиб бўлмади — Й. С.) берган бўлса, ул ҳам гапхўрларни ўлдирмоқликни(нг) планини тузмак эди. Бир куни Саъдулла билан чойхўрликда ўлтирганида юқорида исмлари зикр этилмиш чафани йигитларни кўриб, сўйлашиб, чаҳоршанба куни оғайниларини чақириб ичкилик мажлис қилмак бўлганлигини билдириб, буларни ҳам ул мажлисга чақирганида чафанилар Саъдуллага узор айтиб:

— Йигитчилик-да, у куни сизга беодобчилик қилиб бесоқолингизга кокил солдик, — деганларида, Саъдулла:

— Нима бўларди дейсиз, йигитчилик-да, мунга хафа бўлмайман, кишини шайтон йўлдан чиқарган-да. Отаси бўлса ҳам кўзимга кўринмайдур, — деб хафа бўлмаган бўлиб, боғида зиёфат қилурини ва боғига борувларини қатъий ўтунган эди.

Мундоғ планни илгаридан Раҳимжонга ҳам билдириб қўйгани учун Раҳимжон ҳам Эшназар, Боқи саркор, Кичикхўжа жўрабошиларга:

— Албатта боққа чиқарсизлар, чунки ман мадрасадан бир неча хушрўй муллабаччаларни олиб чиқаман, — деганига, чапанилар:

— Бу ўладурган дунёга бир мазалашиб келайлик-да, — деб зиёфатга бормоққа ваъда берганлар эди.

Саъдулла чойхонадан қайтиб Раҳимжонга:

— Хўп иш қилдимми? Худо хоҳласа, ҳаммасининг тагига етаман, — деган ва яниган эди.

Чафаниларни зиёфат қиладурган куни Саъдулла боғига чиқиб тараддуд қилиб, уйдаги ароқ қўшилган мусалласни олиб чиққан, Раҳимжон ҳам бир неча хил таомларни пиширмоқ ҳаракатида қозонга оловни ёқмоқда эди. Меҳмонлар ваъда қилинган вақтларида келишдилар. Саъдулла ва Раҳимжон қарши олиб ўтқиздилар ва таомларни меҳмонлар олдига қўйдилар. Таомлар ейилиб, дастурхон кўтарилди, мусалласни хумчаси билан келтуриб Раҳимжон косагул бўлиб меҳмонларга қуйиб бермоққа бошлади. Чапанилар:

— Хўб ўткир бўлибдур-да. Ҳозирим ҳузурим, — деб майни сувдек симирмоққа бошладилар. Хумчадаги май тамом тугади, меҳмонлар ҳам ҳар тарафга йиқилиб ётиб қолдилар. Мундан кейинги боғда бўлган воқеани била олмаганимиздан ёза олмадик.

Орадан бир-икки кун ўтди. Эшназар, Боқи саркор, Кичикхўжа жўрабошилар кўринмадилар ҳам уйларига келмадилар. Оталари ҳар тарафга хабар юбориб, «Кўрган кишилар бўлса хабар берилсун», деб политсага ҳам маълум қилиб қўйдилар. Политса тафтиш қилмоққа бошлаб, баъзи гапхўрлар сўзига қараб, Раҳимжон, Саъдуллаларни чақириб, «Йўқолганлардан хабарларинг борми?» деб сўраганида:

— Йўқ, кўрганимиз йўқ, — деб тонганликларидан, политса:

— Илгари йўқолганларни танир эдингларми? — деб сўради.

Раҳимжон, Саъдулла «Йўқ, танимас эдик» деб умрларида бир марта бўлсин мундоғ йигитларни танимаган ва гаплашмаганликларини билдирдилар. Лекин бахтга қарши мазкур йўқолганлар била илгари гаплашиб, самовар, чойхоналарда бирга чойхўрлик қилиб юрганликларини бир неча йигитлар маълум қилганларидан, политса фаҳмлаб, ҳар иккисининг уйларини тафтиш қилиб иккисидан ҳам қонлик кўйлақлар топди. Политсага бу катта нишона бўлди. У Раҳимжонни бунга бир сабаб кўрсатиб беролмай йиғламоққа бошлагани, Саъдулланинг қочиб кетгани ўлдурганликларига катта далил бўлурдай бўлуб қолғони учун политса тўғ-

ри иккисини турмага ёпти. Иш окружной судга чиқди. Раҳимжон, Саъдулла тонмоққа бошлаб, иш етти-саккиз ойга судралди, ҳар бир сўровда қаттиғ-қаттиғ қийновлар била сўраганлигидан Саъдулла ва Раҳимжон бу азобларга чидолмай мундан ўлимни яхшироқ билиб «кошки ўлумга буюрилсак эди» деб Саъдулла тубандаги сўзлар била қарор қилди:

Йўқолганларнинг йўқолувларига ўзлари сабаб бўлдилар, нега бировни(нг) бесоқолига зўрлик қилиб кокил соладилар? Ва неча минг сўмларни бесоқол кўйида барбод бериб юрганни калакалаб беҳурмат қиладилар? Мундоғ беодобларни(нг) жазолари шу бўлса керак, — деди. Раҳимжон ҳам ўлдурганлигига очиқ иқроф бўлди.

Бу сўзлардан судга маълум бўлдики, батаҳқиқ, шулар ўлдурганлар. Судда бир неча вақт маслаҳат қилиниб «жувонбоз» бирла бесоқолини ўн беш йилга Сибирга ҳукм қилиндилар.

Туркистонда бундай ишлар ҳамиша давом этиб турганини кўрувчи ва билувчи ҳар бир ақлли мусулмон киши шарияти исломияда манъ қилинмиш мундоғ хунук бесоқолбозлик одатини давом эттирувчи Туркистон мусулмонлари аҳлларига афсуслар қилиб, бекорга неча мингча пулларини исроф қилувини, бесоқол талашаида мусулмон мусулмонга душманлик орттирувини ва бир-бирларидан қон тўкувни ва бесоқолбозлик сабаби бирлан жиноят кўпайиб, ёш-ёш йигитлар ўн-ўн беш йилларини Сибирда минг турлик азобу хорлик била зое қилурини ҳам дунёдаги ғайри миллатларга мусулмонлик исмини булғатиб кўрсатувларини ва ўзлари кулки бўлмоқларини, яна бу дунёда хору охирадда худонинг қаҳр-ғазабига гирифтор, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларида шармисор ва шафоатларидан бенасиб бўлувларига ачиниб, мундоғ халқ шарр кони бўлган Туркистондан бошқа шаҳарларга қочиб кетгуси келар эди.

1915 йил

* * *

ИЗОҲЛАР:

* Ҳикоя имлоси асл ҳолича қолдирилди.

** Персонажлар нутқи ҳикояда диалог шаклида эмас, қавс ичига олиб берилган. Биз ўқувчига осон бўлсин учун диалогларни ҳозирги тартибга амал қилиб кўчирдик.

КИПРИГИМ УЧИДА ОҚАРАДИ ТОНГ

Даврон Султон

Дилим

Ушбу кун бир ғунчанинг
Япроғига айлан, дилим,
Ғунчалаб зебо санамга
Ёр бўлиб сайлан, дилим.

Ёр узук тақса кўлига
Хуснини кўз-кўз этиб,
Нозанин таққан узукка
Кўз бўлиб жойлан, дилим.

Энди жонимни берайму
Ишқ йўлида ёр учун,
Ул санам жон риштасига
Жон бўлиб бойлан, дилим.

Сигмади дунёидунга
Бир мусиқордай жонинг,
Энди кўкка қуш каби
Учмоққа сен шайлан, дилим.

Баски, Даврон, дил шарҳини
Ёзса гуллар баргина,
Ушбу кун бир ғунчанинг
Япроғига айлан, дилим.
* * *

Бу фалак мирзоси ёзса,
Осмонга олам тарҳини,
Дил ўқиб огоҳ бўлар,
Яхши-ёмоннинг фарқини.

Бу жаҳон савдоси турфа,
Турфа хил бозори бор,
Номи кажрафтор эмиш.
Бу фалакнинг чарҳини.

Бу бозорда аҳли ишқ,
Ғамга харидор экан, бас,
Сўрмадим тақдир азалдан
Бахт бисотин нарҳини.

Бу дайрнинг Лайлоси ёр,
Карбалода Қайс ўзим,
Маъно касб этмасму ҳолим,
Сўрма кўнгул шарҳини.

Бу юрак афсона тинглар,
Моҳу ситора ишқидан,
Бок, Сомон йўли маним —
Ишқли умрим талқини.

Бу кўнгул розини тинглаш,
Дил ўқиш Давронга хос,
Бу фалак мирзоси ёзса,
Осмонга олам тарҳини.

«Қисматга айланар юракдаги дард,
Мен сўзга сиғиниб топаман юпанч!..»

Шоир айтганидек, юракдаги дард қисматга айланиб, сўз сенга ҳам-
созу юпанч бўлади. Кундузнинг ташвишли юмушларини сал фурсат
унутиб, сокин тунда хаёлга берилсанг, сўзлар сенга ҳамдардга айланади.
Кимгадир айтолмаган ва сўзлашнинг иложи бўлмаган ботиний дардла-
рингни, юрагингнинг оҳори бўлган завқу аламингни қоғозга тўқкинг
келади. Бундай бокира, ноёб туйғулар камдан-кам инсонга насиб қи-
лади. Агар шундай «дард»га чалинган киши хоҳ у катта шаҳарда бўлсин,
хоҳ чекка бир қишлоқда бўлсин жунбушли туйғулари ила ҳаммиша сар-
маст юраверади.

Муборак тумани ўзининг саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа со-
ҳалари билан юртимизда назаркарда жойлардан. Бу қутлуғ маконни
буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур назари тушган жой сифатида,
унинг суюкли завжаси Бибихоним таваллуд топган манзил сифатида
элдошларимиз яши билишади. Шунда яшаб, она юртимиз истиқлолини
мустаҳкамлаш йўлида баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган элдошларим тўғ-
рисида кўплаб гапириш мумкин. Лекин, гап мавзуи бошқа бўлгани учун,
Муборак тумани тўғрисидаги таърифни тўхтатиб, мана шу элда истиқо-
мат қилиб, туйғуларини шеърга тушираётган умидли қаламкашлар тўғ-
рисида икки оғиз сўз айтишга журъат қилдим. Иқтидорли шоир Даврон
Султон туманимиздаги «Дўстлик байроғи» газетасида бўлим мудир бў-
либ ишлайди. Унинг «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Сандувоч оят-
лари» тўплами аллақачон китобхонлар қўлига бориб етган. Яна бир ки-
тоби «Ёр-ёр айтилган кеча» «Насаф» нашриётида чиқиш арафасида ту-
рибди. Яна бир умидли шоир Баҳодир Абдул Раззоқ эндигина йигирма

Сени ўйлаганда

Унутдим, деб қанча силтамайин қўл,
Э воҳ, узолмайман сендан кўнглумни!
Мени ихтиёрсиз бошлаб борар йўл,
Ҳамда лол этади, бийрон тилимни.

Ичдан ўз-ўзимга сочиб ғазабим,
Танбеҳлар бераман, ичаман қасам.
Баъзан дош беролмай чатнар асабим,
Ё раб, дил ёришар сени ўйласам!

Қуйилиб келади сўроқ-саволлар,
Жавоби, мен учун туюлар сароб.
Ўйимга чидолмай телба хаёллар,
Пешонамга чизик тортади азоб!

ёшни қаршилаган бўлса-да, «Армонимсан, муҳаббат» номли илк китоб-часини ўқувчиларга тақдим этиб улгурган. Руқия Низоимова марҳум элдош шоиримиз Абдуҳолиқ Мустафоевнинг рафикаси. Шеърини машқлари анча пишиқ. Қурбон Фарҳод Қарлиқийнинг касби шифокор. Кўнглудаги гапларни назмда айтишга ҳаваси бор. Насиба Насимова Тошкент Давлат дорулфунунида сиртдан таҳсил олиш билан бирга, «Муборак» телестудиясида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шеърини таъби шаклланиб бормоқда. Элмурад Қурбоновнинг соҳаси гарчи саноатчи бўлса-да, шеърга ихлоси баланд. Яна бир муаллиф — Собир Раимқулов. Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Муборак туманида жойлашган «Занжирсарой» тарихий ёдгорлигини қозиш, ўрганиш ва уни таъмирлаш борасида тузилган археологлар гуруҳининг бошлиғи. У мозий бағрига сайру саёҳат қилиб, ундан пайдо бўлган таассуротларини, кечинмаларини сатрларга кўчиришга ҳаракат қилади.

Элимиз ижодкорларининг назмий ва насрий машқларини жамлаб «Муборак овози» номи билан «Насаф» нашриётига топширган эдик. Яқин орада чиқиб қолар.

Қаердаки маънавий юксаклик, ижодга мойиллик бўлса, у ерда ривож бўлади. Муборак кенгликларидан ижод майдонига кириб келаётган умидли ёшларнинг машқларидан намуналар «Шарк юлдузи» ойномасида босилиши, улар кўнглуга қувват бағишлайди, деган умиддаман.

Жумақул ҚУРБОНОВ,
Муборак тумани ҳокими.

Армон

Кимдир кўнглум учун таскин беради,
Билсангиз, таскиннинг оғриғи оғир.
Кипригим учида оқаради тонг,
Ҳаётдан умидим шумиди, ахир?!

Куз палак ёзади. Рангим заъфарон,
Бокира армоним бўғзимда йиғлар.
Оҳ, аччиқ хотирам! Ҳар қадам, ҳар он
Зардоб юрагимга санчади тиғлар.

Йўк, сўзлай олмайман, йўк, сўзлаб бўлмас,
Ҳасратим бировга кўрмасман раво.
Мангу музлик каби дилда бўлинмас
Номсиз бир дард яшар, дарди бедаво!



Баҳодир Абул Раззоқ

Саккизликлар

Асрлар ўтарлар изма-из илдам,
Йилларнинг тўзони хотирдан ўчар.
Вақтлар гирдобиди оқади одам,
Ҳаётга тўёлмай-ҳаётдан кўчар.

Соғинчли хотира қолади ундан,
Қолади асрлар оша бир эртас.
Елғизлик қийнаган қоронғу тундан
Мен уни тингладим, ўртанди юрак.

* * *

Фалак менга муҳаббатни айлади тортик,
Лек, висолнинг лаззатини бермади, ё ра!
Мен турибман бу дунёда гўёки ортик,
Юрагимни лахча-лахча чўғларга ўраб.

О, висолсиз муҳаббатинг не даркор менга,
Бу илоҳий туйғуларга қарамдир башар.
Юрагимга шодликларни солдим, сиғмади,
Кўксим тўла қават-қават армонлар яшар.

Қурбон Фарҳод Қарлиқий

Париваш

Интиқ-интиқ йўлларингга қарарман,
Учқур елдан висолингни сўрарман,
Бергин десанг, сенга жоним берарман,
Ҳижронингда қон ютарман, ўларман,
Интизорман йўлларингга, париваш.

Кеча-кундуз юрагимда йўқ тоқат,
Ишқинг дилни қийнаб, ўртар бешафқат,
Сўнгсиз бу азобдан сенга не роҳат,
Ишқ сеҳри шундайми абадул-абад,
Исминг тушмас тилларимдан, париваш.

Неларни кўрмаган, менинг тош бошим,
Барча азобингга етар бардошим,
Ёр, ўзингсан қалбда ёнган қуёшим,
Саҳроларга гар тўкилса кўзёшим,
Гуллар унгай чўлларингда, париваш.

Ишқ васфини куйлар ўтли наволар,
Дилим чертар майин эсган саболар,
Келгин, энди битсин жабру жафолар,
Қурбонингга айла меҳру вафолар,
Қалбим тутай қўлларингга, париваш.



Руқия Низомова

Учар қушга айтганим

Осмондаги самолёт,
Қанотингни пастлаб ўт.

Халқ кўшиғидан

Учар қушим, жон қушим,
Қанотингни пастлаб кел.
Менинг бағри қон, қушим,
Баҳоримни бошлаб кел.
Учар қушим, жон қушим,
Бир пасгина ўтиргил.
Билсанг, бағрим қон, қушим,
Очилмайди бу кўнгул.

Учар қушим, жон қушим,
Сен бахтлисан дунёда.
Ҳаммамиз меҳмон, қушим,
Бахтинг бўлсин зиёда.
Уч, учабер қанотинг —
Сира толиб қолмасин.
Тугамасин саботинг,
Осмонинг йўқолмасин.

Асли сени учмоққа
Яратгандир худойим,
Илинма ҳеч тузоққа,
Тилагим шулдир доим.

Учар қушим, жон қушим,
Қанотингни пастлаб кел.
Менинг бағрим қон, қушим,
Баҳоримни бошлаб кел...



Собир Раимқулов

Вақт

«Чўли ироқ»ни тинглаб

Кўз олдимда яралади биёбон,
Жимирлар саробда карвонлар қатор.
Олдинда туясин етаклар сарбон,
Мен куйнинг зорида... бедор.

Оҳанг эсар юрагимга аримай,
Сароб пацдо бўлар куйдан-наводан.
Ҳай-ҳуйлайман, бир қайрилиб қарамай,
Карвон ўтиб борар... саҳродан.



Элмурод Қурбонов

Қишлоқ қизига

Мажнунтолга менгзаб қаро сочгинангни,
Қалдирғочга қиёс этдим қошгинангни,
Дил изҳорин айтсам, эгма бошгинангни,
Кўҳнашаҳар кўчасидан ўтган сулув.
Тонг елидай ошиқиб сен далаларга,
Юрагимни кўмиб кетдинг ноалаларга,
Изларингни ювди кўзим жолалар-ла,
Кўҳнашаҳар кўчасидан ўтган сулув.

Қаддинг шамшод, шаҳлогина кўзинг юлдуз,
Юрагимда тўлқин урар асов денгиз,
Жамолингга боқсам ойдай танҳо, тенгсиз,
Кўҳнашаҳар кўчасидан ўтган сулув.

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам сенинг ёдинг,
Дилингга тошдай тегмасму оҳ-фарёдим,
Изларингни ўпиб йиғлар Элмуродинг,
Кўҳнашаҳар кўчасидан ўтган сулув.

Турғун Файзиев

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

ҲОЖЕЙ ШАҲС ҚИСМАТИ*

Амир Алишер Навоий амир Низомиддин Бобо Али ва амир Бадриддинни бирга Астрободга олиб кетади. Амир Алишер Навоий Астрободда адолат ўрнатиб, фуқаронинг фаровон ҳаёт кечиришига шароит яратади. Хондамирнинг сўзига қараганда, амир Алишер Навоий Астрободда ҳам худди Ҳиротдагидек шон-шавкатда ҳаёт кечиради. Унга ҳаммаёқдан табрикномалар ва ҳадялар келиб туради. Шунингдек, Мозандарон, Рустамдор ва Гелон вилоятларининг ҳукмдорлари ҳам қимматбаҳо пешкашлар юбориб, ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабатни йўлга қўядилар. Султон Яъқуб Мирзо ҳам ўз элчиларини Астрободга юбориб, амир Алишер Навоийга ўзининг чексиз муҳаббати ва эҳтиромини изҳор қилади ҳамда Астрободнинг истиқболи йўлида қилган саъйи-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, ҳар икки мамлакат ўртасида издан чиқа бошлаган муносабатлар яна аввалги ҳолига қайтади. Бундан маълум бўладики, амир Алишер Навоийни Астрободга ҳоким этиб тайинлаш «Ҳиротдан бадарға қилиш» эмас, балки мамлакат осойишталиги учун муҳим зарурат бўлган. Буни амир Алишер Навоий ҳам яхши тушунган, албатта.

Султон Ҳусайн Бойқаро амир Алишер Навоийни Астрободга жўнатгач, Хўжа Маждиддин Муҳаммадни қайтадан девон ишларига тайинлади.

Хўжа Маждиддин Муҳаммад Шоҳруҳ Мирзо даврида давлат арбоби бўлган Ғиёсиддин Пир Аҳмад Хавофийнинг ўғли бўлиб, Султон Абусайид Мирзо девонида ўрта даражали мансабдор эди. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро даврида эса шаҳаншоҳнинг жияни Муҳаммад Султон Мирзонинг вазир бўлди. 1479 йили шаҳаншоҳ Маждиддиннинг ишбилармон ва тadbиркорлигини пайқагач, уни жиянидан сўраб олиб, ўзига парвоначи қилиб тайинлади. Маждиддин шаҳаншоҳнинг барча фармонларини эълон қиларди, шунингдек, барча ҳужжатларга шаҳаншоҳ муҳри ёнига ўз муҳрини босиш ҳуқуқига эга эди.

Худди шу йили шаҳаншоҳ Низом ул-Мулк Хавофийни вазир эт:

* Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

тайинлайди. Низом ул-Мулк Шаҳобиддин Исмоилнинг ўгли бўлиб, аввалги пайтларда шаҳар қозиси лавозимида бўлган эди.

1474 йили Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро кермонли Хўжа Афзалиддин Муҳаммадни вазирлик мансабига кўтаради.

Хондамирнинг таъкидлашича, амир Алишер Навоий билан Хўжа Маждиддин Муҳаммад салтанатда юксак мансабга кўтарилганларидан сўнг, бу икки фидокор амалдорнинг саъий-ҳаракатлари туфайли мамлакат ишлари ривожланиб кетган. Аммо Низом ул-Мулк билан Хўжа Афзалиддинлар бирлашиб, Маждиддин устидан иғво ва бўҳтонлар тўқиб, шаҳаншоҳга етказишган. Шунда шаҳаншоҳ даъвогарларга қарата: «Бир кишининг устидан икки киши гапириши адолатдан эмас, ҳар бирингиз айбдорнинг ҳузурда алоҳида-алоҳида гапирмоғингиз лозим бўладур», дейди ва иғвонинг тафти бир оз совийди. Лекин барибир ғишт қолипдан кўчади — Маждиддин мансабдан четлатилади. Аммо душманлари кутганчалик бўлмайти, яъни, 60 минг динор эвазига парвоначи мансабида қолади. Бироқ аввалгидек девон ишларига аралашолмайди. Хондамирнинг ёзишига қараганда, Маждиддин бу мансабда тўққиз йил қойим бўлган.

Амир Маждиддиннинг қайтадан улўф мансабга тайинланишини тарихчи Хондамир қўйидагича шарҳлайди: Кунлардан бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро вазир Хўжа Афзалиддин билан вазир Низом ул-Мулкка қараб, икки туман пул топиб келишини буюради. Аини пайтда амир Маждиддин ҳам тахт ёнида турган бўлади. Вазирлар хаёлга чўмиб, сукут сақлаб, ҳеч нарса демай шаҳаншоҳ ҳузуридан чиқиб кетадилар. Улар кетгач, амир Маждиддин тиз чўкиб, «Икки туман эмас, балки икки минг туман пулни осонлик билан топса бўлади», дейди. Шу қисқа суҳбатдан сўнг, эртаси амир Маждиддиннинг юксак лавозимга кўтарилгани ҳақида фармони олий эълон қилинади. Эндиликда амир Маждиддин чексиз ваколатга эга бўлиб, у ҳатто ҳужжатга шаҳаншоҳ номидан муҳр босиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган эди. Салтанат ишлари ва хазинага доир барча ҳужжатлар, маърузалар ва шикоятлар унинг розилигисиз қараб чиқилмас, шунингдек, амирлардан, вазирлардан, садрлардан ва бошқа яқин кишилардан ҳеч қандай маърузалар амир Маждиддин назардан ўтмасдан қабул қилинмас эди. Унга «Мўътамад ус-салтанат» (салтанатнинг ишончли кишини) деган унвон берилди.

Амир Маждиддин кўп амалдорларни аввалги қилган жиноятлари ва порахўрликлари эвазига жавобгарликка тортиб, тез кунда улардан 2000 туманни ундириб хазинага келтиради. Деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва оддий фуқаро эндиликда амалдорлар исқанжасидан озод бўлиб, амир Маждиддиндан миннатдор бўладилар. Бирорта амалдор оддий фуқарога дўқ-пўписа қила олмас, бозор аҳлидан ўз ҳамёнига бож ундирилмас эди.

Вазир Хўжа Афзалиддин амир Маждиддиннинг тобора ошиб бораётган обрўйи ва фаолиятдан чўчиб, ўз тақдирини ҳақида ўйлай бошлайди. Зотан, амир Маждиддин бундан ўн йил муқаддам Хўжа Афзалиддиндан кўрган жабр-зулмларини энди ўн баробар қилиб қайтаришга қодир эди. Ана шу қасосдан қўрққан Хўжа Афзалиддин гўё хазинага келиб тушмаган боқимонда маблағларни йиғиб келтириш учун Астрободга бориши ҳақида амир Маждиддиндан ижозат сўради ва шу баҳона билан амир Алишер Навоий ҳузурига жўнаб кетади.

Хўжа Афзалиддин Астрободга — амир Алишер Навоий ҳузурига келиб бир неча кун тургач, Навоийнинг маслаҳати билан Каъбатуллоҳ зиёратига жўнайди. У йўлакай туркман ҳукмдори Султон Яъқуб Мирзо ҳузурига боради. Султон Яъқуб Мирзо Хўжа Афзалиддинни ўз мамлакатидан ҳажга кетаётган кишиларга бошиқ қилиб тайинлайди. Хўжа Афзалиддин Маккадан қайтиб келгач, Кермонда қолади. Аммо туркман

ҳукмдорининг таклифига қарамай, ҳеч қандай мансабни қабул қилмайди. Фақат 1498 йили Ҳиротга қайтиб келади.

Амир Мажиддин эса, салтанатда шаҳаншоҳдан кейинги улкан ваколатли шахс бўлиб, эрталабдан пешингача давлат ишлари билан шуғулланар, пешиндан сўнг атоқли олимлар, шоирлар ва машҳур кишилар билан суҳбатлашар ҳамда уларни хушхўр, лазиз таомлар билан зиёфат қилар эди. Унинг уйда ўтказиладиган зиёфатларда тортиладиган таомларнинг хилма-хиллиги ва лазизлиги тилларда дoston бўлган. Бироқ у беклар, амирлар ва амалдорларга нисбатан дағал ва кўрс муомалада бўлган. Унинг бу феъли ўз бошига бало бўлади.

1488 йилда амир Алишер Навоий Астрободда ўз ўрнига амир Бадриддинни қўйиб, Ҳиротга келади ва шаҳаншоҳ ҳузурида бўлиб, Астробод ҳокимлигидан озод қилинишни сўрайди. Аммо шаҳаншоҳ розилик бермайди. Амир Алишер Навоий яна Астрободга қайтиб кетади. Бироқ, уч-тўрт ой ўтгач, салтанат ишларига доир баъзи маълумотларни ўз жияни амир Ҳайдар орқали шаҳаншоҳга етказиш ниятида амир Ҳайдарни Ҳиротга жўнатади. Амир Ҳайдар шаҳаншоҳ ҳузурига кириб, мазкур маълумотларни топширгач, шаҳаншоҳ ундан Навоийнинг саломатлиги ҳақида сўрайди. Хондамирнинг сўзига қараганда, амир Ҳайдарда бир оз жунунлик кайфияти зоҳир бўлиб, боз устига, шароб таъсири ҳам бўлган. Бинобарин, шаҳаншоҳнинг саволига қуйидагича жавоб берган: «Амир Алишер Навоийнинг маълумотларига қараганда, ҳазрат шаҳаншоҳнинг яқин кишилари томонидан амир Алишер Навоийнинг хос баковулларига буюрилибдурким, амирнинг таомига заҳар қўшиб бергай. Бу жиноят фош бўлгандан буён амир шубҳа гирдобиде сузмоқда».

Шаҳаншоҳ бу сўзни эшитгач, дарҳол Астрободга чопар юборади ва жиноятдан хабари йўқлигини билдиради. Амир Алишер Навоий шаҳаншоҳдан бундай мактубини олгач, тезликда йўл ҳозирлигини кўриб, Ҳиротга жўнайди. Амир Алишер Навоий шаҳаншоҳ ҳузурига келиб, амир Ҳайдарнинг айтган гаплари тўқима, унга ҳеч қачон бундай маълумотни бермаганман, деб арз қилади. Амир Ҳайдар ўзининг сохта хабари билан аввал амалдан, сўнгра эса озодликдан ҳам маҳрум бўлади.

Астрободга яна амир Мўғул ҳоким этиб тайинланади. Аммо 1490 йилда амир Мўғул исён кўтаради ва 84 ёшли Саййид Камолиддин Ижрлни ва Астробод вилоятининг хосса саркори Хўжа Шамсиддин Курдни қатл қилдиради. Бу хабар Ҳиротга етиб келгач, шаҳаншоҳ амир Мўғулнинг кўрнамаклик феълидан афсусланади ва Астробод вилоятининг ҳукуматини ўзининг тўнғич ўғли Султон Бадиуззамон Мирзога топширади...

Амир Алишер Навоий Ҳиротга қайтиб келгач, амир Мажиддиннинг мавқеи аста-секин пасая боради. Истиқболда ўз тақдирдан хавфсираган амир Мажиддин вазир Низом ул-Мулк билан яқинлашишга қарор қилади ва вазирлик мансабининг барча ҳуқуқларини яна Низом ул-Мулкка қайтариб беради. Ўз навбатида Низом ул-Мулк ҳам амир Мажиддинга қарши курашмасликка қасамёд қилади. Бироқ 1490 йилда, Дарвеш Али Балх вилоятида исён кўтарди, деган хабар келади. Исённинг том маъноси амир Мажиддиннинг фаолиятига қарши эди. Бинобарин, салтанат манфаати учун амир Мажиддинни саройдан четлаштиришга қарор қилинади. Амир Мажиддинга 100 минг диноҳ ва зардўзи кимхоб чопон бериб, истеъфога чиқарилади.

Шундан сўнг амир Мажиддин ҳаж қилиш учун Арабистонга жўнайди. Хондамирнинг ёзишича, у Хуросондан чиқиб, Кермон саҳроси орқали юрган. Амир Мажиддин йўлга чиқиши билан унинг душмани амир Дарвеш Али ҳам ҳажга бориш учун ижозат олиб, йўлга чиқади. Амир Мажиддин 1494 йил август ойда ҳажга кетаётиб, йўлда Табукда вафот қилади. Амир Дарвеш Али эса соғ-саломат Арабистонга бориб, ҳаж

ибодатини муваффақиятли равишда адо этиб, 1498 йилда Ҳиротга қайтиб келади. Амир Мажиiddиндан сўнг салтанатда Низом ул-Мулк энг нуфузли кишига айланиб қолади.

Астробод ҳоқими Амир Мўғул хиёнатидан сўнг Астробод вилоятига ҳоқим этиб тайинланган Султон Бадиуззамон вилоятда адолат ва тартиб ўрнатиб, қурилиш-ободончилик ишларини йўлга қўяди.

1497 йил баҳор пайтида Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Ҳисорга қарши юриш бошлади. Подшоҳнинг фармонига кўра, Астробод ҳукмдори Султон Бадиуззамон Мирзо ўз ўрнига ўғли 11 ёшли Муҳаммад Мўмин Мирзони қўйиб, қўшини билан келиб шаҳаншоҳ лашкарига қўшилади. Жанг тугагач, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Султон Бадиуззамон Мирзони Балх вилоятига ҳоқим қилиб тайинлайди. Астробод вилоятига эса суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони ҳоқим этиб белгилайди. Подшоҳнинг бу фармони Султон Бадиуззамон Мирзонинг ҳамиятига тегади. Зеро, кўпдан бери Астробод вилоятини ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзога бериб, ўзи Балх вилоятида ҳукмронлик қилиш ниятида эди. Бинобарин, подшоҳнинг фармони Султон Бадиуззамоннинг исёнига сабаб бўлади.

Шундан сўнг Султон Бадиуззамон Мирзо ўз арқони давлатини йиғиб, кенгаш ўтказди. Кенгаш қарорига кўра, Султон Бадиуззамон Мирзо отасидан юз ўгириб, истиқлол байроғини кўтарганини эълон қилади. Шу кундан бошлаб Балх қалъасини мустаҳкамлаб, кўшини салоҳиятига эътиборни кучайтиради. Шунингдек, Бадахшон ҳукмдори амир Ҳусравшоҳ ва Кандаҳор ҳукмдори амир Шужоъиддин Зуннун арғунга элчи юбориб, уларни ўз режасидан огоҳ қилади. Мазкур амирлар Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародан муттасил хавф-хатарда бўлганликлари туфайли Султон Бадиуззамон Мирзонинг тақлифини мамнуният билан қабул қиладилар.

Султон Бадиуззамоннинг итоатдан бош тортган хабарини эшитган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро қаттиқ изтиробга тушади ҳамда ўғлини бу йўлдан қайтармоқ мақсадиди бир неча элчи юборади. Аммо шаҳзода ўз сўзидан қайтмаслигини билдиради. Иложсиз қолган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўғлига қарши юриш бошлашга жазм қилади. Аммо ота билан ўғил ўртасида вужудга келажак қирғиннинг олдини олиш мақсадида амир Алишер Навоий шоҳни Султон Бадиуззамон Мирзо билан музокара юритиб, сулҳ тузишга кўндиради.

Шаҳаншоҳ музокара юритишни амир Алишер Навоийнинг ўзига топширади. Амир Алишер Навоий Балхга боради. Султон Бадиуззамон Мирзо амир Алишер Навоийни юксак эҳтиром билан қабул қилиб, чексиз илтифотлар кўрсатади, Амир Алишер Навоий шаҳзодага урушнинг фалокатлари, айниқса, ота-боланинг ноиттифоқлигидан келиб чиқадиган дил жароҳатининг ўчмас асоратлари ҳақида гапирди. Ниҳоят, Султон Бадиуззамон Мирзо исёни тўхтатиб, падари бузургворининг номини хутбага қўшиб ўқитишга розилик беради. Айни шу аснода мулозим Султон Бадиуззамон Мирзога мактуб олиб киради ва Ҳиротдан келган махфий чопар ёнидан олинганини маълум қилади. Мактуб Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародан Балх шаҳрининг бошлиғи амир Ислон барлос номига ёзилган эди. Мактубда «Қачонки Бадиуззамон Мирзо шикор учун шаҳар ташқарисига чиқса, шаҳар дарвозаларини беркитиб, уни шаҳарга киритмагайсан, бунинг учун бизнинг иноят ва илтифотимизга сазовор бўлғайсан», деган мазмунда кўрсатма берилган эди.

Маълумки, саройда Ҳўжа Низом ул-Мулк бошлиқ бир неча ҳасади амалдорлар ота-бола ўртасидаги низонинг амир Алишер Навоий саъйи-ҳаракати билан бартараф бўлишини истамас эдилар. Бинобарин, ифвогарлик билан шоҳнинг бошини гангитиб, мазкур кўрсатмани жўнатишга муваффақ бўлган эдилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, истех-

золи жилмаяркан «Мана, падари бузургворимизнинг бизга нисбатан бўлган илтифотлари нақадар юксак экан», дея мактубни амир Алишер Навоийга узатади. Навоий ҳазратлари мактубни ўқиб, маҳзунилик ва изтироб билан шахзодага боқаркан, Ҳиротга қайтиш учун рухсат сўрайди. Султон Бадиуззамон Мирзо амир Алишер Навоийни кузатаётиб, ота шафқатидан ноумидлигини, итоатдан бош тортганини маълум қилади.

Амир Алишер Навоий Ҳиротда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳузурига кириб, Балхда қурган ва эшитганларини муфассал баён қилади. Подшоҳ ниҳоятда ғазабланиб, дарҳол Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ёнига амир Муҳаммад Бурундуқ барлос ва амир Носириддин Умарбекни қўшиб, Астрободга жўнатади. Ўзи эса катта қўшин билан Балхга юради. Султон Бадиуззамон Мирзо подшонинг қўшин тортиб келаётганини эшитиб, дарҳол жангга отланиб, Даҳанайи Пил Чироғ мавзеига боради. Султон Бадиуззамон Мирзо жанг олдидан укаси Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астрободга қўшин тортиши хабарини эшитади ва ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзога Астрободни қандай бўлмасин душмандан ҳимоя қилиш лозимлиги ҳақида мактуб жўнатади.

1497 йил 2 майда ота-бола бир-бирига қасд қилган ҳолда хусумат камарини белларига боғлаб жангга кирадилар. Жангда Султон Бадиуззамон Мирзо мағлубиятга учраб, Қундуз вилоятига қочади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўз қўшини билан Балхни муҳосара қилади. Қамал қирқ кундан ошгач, шаҳар муҳофазачилари орасида тушкунлик кучайиб, ҳатто шаҳар бошлиғи амир Шайх Алига ҳам итоат қилмайдилар. Табиийки, бундай вазиятда шаҳарни сақлаб қолиш имкондан ташқари гапдир. Амир Шайх Али Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро олдида ўз гуноҳини ювиш учун нима қилишини билмай турган бир пайтда, Султон Бадиуззамон Мирзонинг Балх шаҳрида қолган хотини (Таҳматинбекнинг қизи) кўзи ёриб, ўғил туғади. Номини Муҳаммад Замон Мирзо деб атайдилар. Бу хабарни эшитган амир Шайх Али дарҳол Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳузурига шодиёна хабарини етказиш учун элчи юборади. Шаҳаншоҳ бу хушxabардан ғоятда шод бўлиб, тарахҳум ва эҳсон эшигини катта очиб, элчиларга илтифотлар кўрсатади. Шунингдек, ўз тарафидан Хўжа Низом ул-Мулкнинг ўғли Хўжа Камолиддин Ҳусайнни ва амир Ҳожи Пир баковулни амир Шайх Али ҳузурига элчи қилиб жўнатади.

Шаҳаншоҳнинг илтифотидан мамнун бўлган амир Шайх Али янги туғилган шахзода Муҳаммад Замон Мирзони ва унинг онаси маликани олиб, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Ўрдугоҳига бориб, беш-олти кун меҳмонда бўлгач, шаҳаншоҳдан рухсат олиб, шахзода ва маликани Қундузга — Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига олиб кетади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро эса Балхни ўз тасарруфига киритгач, ўғли Иброҳим Ҳусайн Мирзони шаҳарга ҳоким қилиб, ўзи Мурғаб суви соҳилига қараб кетади.

...Астрободда отаси ўрнида турган 11 ёшли Муҳаммад Мўмин Мирзо амакиси Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қўшин билан келаётганини эшитган бўлса-да, бироқ амакисининг асл ниятидан воқиф эмас эди. Бинобарин, унинг истиқболига пешвоз чиқиб, илтифотлар билан кутиб олиш тараддудиди эди. Шу аснода отаси Султон Бадиуззамон Мирзодан келган мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, шошлинч равишда жанг тараддудини кўриб, шаҳар ташқарисига чиқади ва Музаффар Ҳусайн Мирзо қўшинига қарши курашади. Лекин ҳарбий кучларнинг тенг бўлмагани туфайли душман аскарлари ҳар томондан ҳамла қилиб Муҳаммад Мўмин Мирзони ўраб, асирга оладилар. Музаффар Ҳусайн Мирзо жияни Муҳаммад Мўмин Мирзони боғлатиб, амир Муҳаммад Бурундуққа топшириб, Ҳиротга жўнатади. 1497 йилнинг 29 сентябрида амир Муҳаммад Бурундуқ шахзодани Ҳиротга етказиб келади ва Ихтиё-

риддин қалъасига қамаб, ўзи Мурғоб дарёсининг қирғоғида ўрдугоҳда дам олаётган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳузурига бориб, Астробод воқеаларини баён қилади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг севикли хотини Хадича бегим ўз ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзонинг истиқболдаги бахт-саодати олдида Султон Бадиуззамон Мирзони ва унинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони асосий ғов деб биларди. Бинобарин, қулай вазият вужудга келгудай бўлса, бу ота-болани орадан олиб ташлашга ҳаракат қиларди.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг банди қилиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамалиши Хадича бегим учун айни муддао бўлиб, ўзининг даҳшатли режасини вазири аъзам Низом ул-Мулк билан келишиб олади ва Мурғоб ўрдугоҳида истироҳатда бўлган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг қаттиқ мастлигидан фойдаланиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик билан қатл қилиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади. Мазкур фармонни Ёр Али бахши, Абдувоҳид Ясовул ва яна икки ишончли кишига топшириб, вақтни ўтказмасдан ҳукми шу кечасиёқ ижро этишни таъкидлаб, Ҳиротга жўнатади.

Нобакор жаллодлар қалъага — Муҳаммад Мўмин Мирзо ҳузурига бостириб кирганларида, шаҳзода ётиш олдидан тунги ибодатни тугаллаб, Қуръон тиловатига машғул эди. Чақирилмаган «меҳмон»ларнинг авзидан хавфсираган шаҳзода ўзини муҳофаза қилишга уринади. Аммо улар шаҳзодани ушлаб, қўл-оёғини боғлаб, овозини чиқармай, қалъа девори тагига олиб чиқадилар ва ўша ерда ханжар билан бошини тандан жудо қиладилар. Эртаси тонг чоғида мастликдан ҳушёр тортган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро тундаги маишат асносида фармонга муҳр босгани ёдига тушиб, Низом ул-Мулкни чакириб суриштиради. Фармоннинг мазмунидан огоҳ бўлгач, дарҳол: «Салтанатимизнинг улуғвор меваси, кўз қорачиғимизга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмасинлар!» деб кўрсатма ёздириб, Ихтиёриддин қалъасига жўнатади. Аммо вақт ўтган, ҳукм шошилиш равишда ижро этилган эди. Эртаси кун мақтул шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзонинг жасади шоҳона маросимлар билан Бадиъа мадрасасига дафн этилади. Шундай қилиб, ўн бир ёшли шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзо қабиҳлик, мунофиқлик ва хусуматнинг қурбони бўлади.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг хиёнаткорона қатл қилиниши Султон Бадиуззамон Мирзони ўз отаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарога нисбатан хундор душманга айлантиради. Шунингдек, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг бошқа ўғилларининг ҳам қаҳр-ғазабининг кўзгаб, оталарига нисбатан ишончсизлик, меҳрсизлик ҳамда адоват чўғини яллиғлантириб юборади.

Муҳаммад Мўмин Мирзо ёш бўлса-да, маърифатли кишилар даврасида тарбия кўрган ақлли, зийрак ва жасоратли шаҳзода эди. Зотан, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўғиллари ва набиралари орасида ақли баркамолли ҳамда соҳиби салтанатга арзигулик шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзо эди. Бинобарин, аввал айтилганидек, улуғ Амир Алишер Навоий бошлик сарой аҳлининг кўпчилиги валиаҳдликка Муҳаммад Мўмин Мирзони муносиб деб билар ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарога очик билдирган эдилар.

Хоссатан улуғ амир Алишер Навоийнинг ёш шаҳзодага эътимоди баланд бўлиб, мамлакат, эл-юрт ва салтанатнинг келажак тақдири Муҳаммад Мўмин Мирзонинг оқилона саяси-ҳаракатига боғлиқ, деб биларди.

Муҳаммад Мўмин Мирзо қатл этилаётган пайтда улуғ амир Алишер Навоий муқаддас Машҳади шариф зиёратида эди. Бу машъум воқеадан уч кун ўтибгина Ҳиротга қайтади. Муҳаммад Мўмин Мирзо фожиасини эшитиб, кўп йиғлайди. Тарихчи Хондамирнинг сўзига қараганда, улуғ

мутафаккир Муҳаммад Мўмин Мирзо фожиасининг келажак асорати ҳақида гапириб, шундай деган эканлар: «Мўмин Мирзо фожиаси худди Шайх Мажиiddин Бағдодий фожиасига ўхшайди. Зотан, Шайх Мажиiddин Бағдодий қатлидан сўнг кўп ўтмай Турондан Эронгача бўлган ерлар Чингизхон отининг туёғи остида қолиб култелега айланди. Жафокаш халқ қатли омга (умумий қирғин) маҳкум қилинди. Алҳол, Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатли туфайли улўғ бир фитна вужудга келиб, мамлакат вайрон бўлиб, фуқаро бошига чексиз мусибат ва қирғин тушмоғидан кўрқадурмен».

Дарвоқе, андак фурсат ўтиши билан, деб афсусланиб ёзади Хондамир, ўзбек лашкари Хуросонга бостириб келиб, мамлакатни поймол қилиб, фуқарони чексиз мусибатларга гирифтор қилди.

Муҳаммад Мўмин Мирзо хоинона қатл қилинганининг хабарини эшитган Султон Бадиуззамон Мирзо бир лаҳза ҳуши бошидан учиб, фарзанди аржумандининг фироқида куйиб, барча ҳарбий гуруҳ бошлиқларига лашкарни тўплашга фармон беради ва ўғли учун қасос олиш ниятида отаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарога қарши уруш эълон қилади.

Хўжа Афзалиддин Муҳаммад Кирмоний — Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг энг яқин кишиси. Бир неча йиллардан буён Ироқда истико-мат қилаётган бўлиб, шаҳаншоҳ доим унинг номини яхши соатларда тилга олар эди. Уни улўғ амир Алишер Навоий ҳам орзиқиб соғинган эди. Буларни эшитиб, Хўжа Афзалиддин 1498 йили Хуросонга қайтиб келади. Унинг қайтиб келганидан шаҳаншоҳ беҳад хурсанд бўлади. Бу пайтда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Улангнишин мавзеидаги ўрдугоҳда ўғли Султон Бадиуззамон Мирзонинг навбатдаги ҳужумини кутиб турарди.

Мамлакатнинг барча ишлари Низом ул-Мулк ва унинг авлодлари қўлида эди. Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатлидан сўнг шаҳаншоҳда Низом ул-Мулкка нисбатан кина-кудурат вужудга келиб, ундан ихлоси қайтган, иложини топса, мансабдан азл этиб, хонавайрон қилишга тайёр эди. Алҳол, Хўжа Афзалиддиннинг келиши шаҳаншоҳга илҳом бағишлаб, амир Алишер Навоий билан машварат қилиб, Хўжа Афзалиддинни олий мартабага кўтаради ҳамда Низом ул-Мулк ва унинг авлодига қарши пинҳона курашни бошлайди. Бу курашнинг бошида Хўжа Афзалиддин турарди.

1498 йил 13 май якшанба куни Низом ул-Мулкнинг қайнотаси Эъмод ул-Ислом ҳибсга олинади. У йигирма йилдан зиёдроқ давр мобайнида вазирлик мансабида қойим эди. Ун кундан кейин вазирлик мансабига Хўжа Афзалиддин тайинланади.

Шаҳаншоҳ Улангнишин ўрдугоҳидан ўғли Бадиуззамон Мирзога қарши бир гуруҳ аскарни Исфизорга жўнатган, бу ҳарбий гуруҳ орасида Низом ул-Мулкнинг ўғли Умид ул-Мулк ҳам бор эди. Июннинг бошида Улангнишин ўрдугоҳида Низом ул-Мулк ҳамда унинг қариндоши Низомиддин Курд қамоққа олинадилар. Исфизор ҳарбий гуруҳидаги Умид ул-Мулкни ҳибсга олиш ҳақида чопар юборилади. Шунингдек, Низом ул-Мулкнинг иккинчи ўғли Камолиддинни, синглисининг ўғли — сарой воқеанависи Абдул Азизни ҳамда Низомиддин Курднинг ўғилларини қамоққа олиш ҳақида фармон берилади. Фармонни шахсан амир Алишер Навоийнинг ўзлари Ҳирот шаҳрининг бошлиғи Аҳмад Мирзога олиб келиб топширганлар. Қамоққа олинганларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзларни Ихтиёриддин қалъасига қамайдилар. Тунлардан бирида Низом ул-Мулкнинг ўғиллари қалъадан қочишга муваффақ бўладилар. Бироқ эртаси яна қўлга олинадилар.

Маҳбусларнинг қалъадан қочиши хабарини эшитган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро бағоят дарғазаб бўлиб, уларни зудлик билан қатл қилиш

ҳақида Ҳирот шаҳар бошлиғи Аҳмад Мирзо ҳамда амир Абдуҳолик номига фармон юборади. 1498 йил июл ойининг бошида Ихтиёриддин қалъасида жаллод Низом ул-Мулкнинг кўз олдидан унинг ҳар икки ўғли — Ҳўжа Камолиддин Ҳусайн ва Ҳўжа Умид ул-Мулкларни сўяди. Сўнгра Низом ул-Мулкни қалъа дарвозасига чиқариб, тирккалайин терисини шилиб олади. Шунингдек, Ҳўжа Эъмод ул-Ислоҳ, Ҳўжа Абдул Азиз, Низомиддин Курд ва Маҳмуд Шоҳ Фарроҳийларни Султон Бадиуззамон Мирзога хайрхоҳликда айблаб, қатл қиладилар.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг саройида ва кўшинида содир бўлган воқеалардан руҳланган Султон Бадиуззамон Мирзо ва Шўжобек арғунлар фурсатни ғанимат билиб, дарҳол Гармсердан кўшин тортиб, Уланғнишин томон юрадилар. Бу хабар 1498 йил 13 июн жума куни Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарога етади. Шаҳаншоҳ дарҳол Ҳиротга чопар юбориб, улуғ амир Алишер Навоийга шаҳар ичидаги ва ташқарисидаги барча кўшинларни Уланғнишинга жўнатиш ҳақида фармон беради. Улуғ амир Алишер Навоий жума намозидан сўнг амри олийга мувофиқ барча кўшин гурӯҳларини Уланғнишинга сафарбар қилади.

Бунгача Ҳисори Шодмон вилоятининг ҳукмдори Султон Масъуд Мирзо Ҳусравшоҳ фитнасидан қочиб, 500 нафар аскар билан Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародан паноҳ излаб келган эди. Астрободга кетган амир Муҳаммад Валибек, амир Умарбек ва амир Бобо Алилар ҳам ўз кўшинлари билан қайтиб келган эдилар. Шунингдек, шаҳаншоҳнинг Сабзавордаги ўғли Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳам ўз кўшини билан келиб қўшилган эди.

14 июн тонготарда Султон Бадиуззамон Мирзо Уланғнишин яқинига келганда бу ердаги ҳисобсиз кўшинни кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб, даҳшатга тушади. Аммо ориятни қўлдан бермай, жангга киради. Ота билан ўғил ўртасидаги жанг пешингача давом этиб, ҳар икки томондан кўпгина қурбонлар берилади. Ниҳоят, Султон Бадиуззамон Мирзо жанг шиддатига дош беролмай Кандаҳорга қараб қочади. Шаҳаншоҳ кўшини бошлиқларидан амир Умарбек шаҳзодани анча масофагача қувлаб, ниҳоят шаҳзодага яқинлашиб, энди қилич урмоқчи бўлганида, шаҳзода амирларидан бири Юсуф Исфаңдийёр Султон Бадиуззамон Мирзонинг қўлидаги найзасини тортиб олиб, амир Умарбекнинг юзига қаттиқ зарб билан уради. Амир Умарбекнинг бир неча тиши синиб, отдан ерга юмалаб тушади. Ушбу мўъжиза туфайли Султон Бадиуззамон Мирзо омон қолади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро мазкур ғалабани Султон Масъуд Мирзо шарафига ихшо эттиради.

Уланғнишин жангидан бир неча кун муқаддам Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўрдугоҳига Султон Бадиуззамон Мирзо ва амир Зуннун арғун тарафидан Шайх Жалолиддин Абусайид пуроний келиб, шаҳаншоҳни Султон Бадиуззамон Мирзо билан сулҳ тузишга кўндирган эди. Шаҳаншоҳ сулҳга рози бўлгач, шайхулислом мавлоно Аҳмад Тафтазонийни, Жалолиддин Абусайид пуронийни ва Сайид Ғиёсиддин Муҳаммад садрни Гармсер томонга жўнатади, токи улар Султон Бадиуззамон Мирзога ота-бола орасида вужудга келган жангу жадаллар ҳеч қачон ва ҳеч кимга фойда келтирмагани, бильякс, салтанат таназзулига йўл очилажани тушунтириб, шаҳзодани итоатга мойил қилишлари лозим эди.

Улар Фароҳга яқинлашганларида, Султон Бадиуззамон Мирзонинг шаҳаншоҳга қарши лашкар тортиб, Уланғнишинга кетгани хабарини эшитадилар. Шундан сўнг шайхулислом мавлоно Аҳмад Тафтазоний шаҳаншоҳ ўрдугоҳига қайтиб келади. Аммо Шайх Жалолиддин Абусайид ва Сайид Ғиёсиддин иккалалари Фурга— амир Зуннун арғун ҳузурига борадилар. Улар амир Зуннун арғун саройига бориб, ҳануз музокара-мунозара бошламаслариданоқ, Султон Бадиуззамон Мирзо Уланғни-

шин жангида мағлубиятга учраб, Ғурга — амир Зуннун арғун ҳузурига келади.

Шундан сўнг шайх Жалолиддин Абусайид ва Сайид Ғиёсиддинлар Султон Бадиуззамон Мирзони сулҳга даъват қиладилар. Султон Бадиуззамон Мирзо сулҳга рози бўлишдан аввал элчилар олдига ўз талабларини қўяди. Чунончи, «Агар падари бузургворимиз бизга марҳамат ва меҳрибонлик қилмоқни истаган бўлсалар, алҳол мазкур мулкнинг бир қисмини каминага иноят қилсинлар, токи аркони давлатим ва мулозимларимнинг маишатларига етгудек бўлсин. Биноан алайҳи, мен ҳам итоат камарин белимга боғлаб, хизматкорлик риштасини маҳкам тутғумдир», дейди.

Элчилар шаҳаншоҳ ўрдугоҳига келиб, Султон Бадиуззамон Мирзонинг талабини арз қиладилар. Шаҳаншоҳ сулҳга рози бўлиб, мазкур элчиларга амир Шайх Али Тағойини қўшиб, сулҳнинг асосларини аниқлаш учун Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига юборади. Лекин элчилар 1498 йил июл ойининг ўрталарида қайтиб келиб, Султон Бадиуззамон Мирзонинг «Балх вилоятининг ҳукмдорлиги ҳам аввалги фармон бўйича менинг тасарруфимда қолиши керак», деб талаб қилаётганини шаҳаншоҳга арз қиладилар. Шаҳаншоҳ бу хабардан ғазабланиб, сулҳдан воз кечиб, шаҳзоданинг эсини киритиб қўйиш мақсадида иккинчи марта жанг тараддудига тушади.

Давоми келгуси сонда

Мундарижа

НАЗМ

Жамол Камол. «Юз бир рубойи» китобидан	4
Чоршам. Кўнгул кетган томон	118
Рўзи Қодирий. Муқаддас эътиқод ялови	120
Равшан Файз. Япроқлар тупроқнинг васлига етган	122
Вафо Файзулло. Илтижо қилдим чаманга	125
Ҳамид Фулом. Дўст суҳбати	192
Нормурод Нарзуллаев. Оқибатнинг бағри тормас	196

НАСР

Омон Мухтор. Кўзгу олдидаги одам. Роман	13
Улмас Умарбеков. Фотима ва Зухра. Роман	128

ҚУТЛОВ

Умарали Норматов. Шижоат	194
------------------------------------	-----

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Йўлдош Солижонов. Илк куртаклар	199
Абдулла Қодирий. Жувонбоз. Ҳикоя	202

МУШОИРА

Кипригини учуда оқаради тонг	206
--	-----

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Тургун Файзиев. Ҳусайн Бойқаро. Фожией шахс қисмати	215
---	-----

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ М. Насриддинова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин ● Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 4.05.94 й. Босишга рухсат этилди 6.06.94 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 31700 нусха. Буюртма № 2795.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**